

Абдулла СОБИРОВ

ЮЛДУЗ ҚҮНГАН ДАЛАЛАР

Ocherklar

Тошкент
«Akademnashr»
2009

65.321.4 Фермер хўјумачи

«ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНИЛИГИ ЙИЛИ» ГА
БАҒИШЛАНАДИ

«Қишилоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилни»да чоп этилаётган ўибү китоб Она ватанимиз равнақи ва гулаб-яшинашига, туртбошимизниң фермерлик ҳаракатидан кўзлаган эзгу орзуларини рӯёбга чиқаршига, қишилоқдаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштиришга муносиб ўзуша қўшаётган ва бу ўйлда китта сиёсий ҳамда ижтиёзий куч сифатида шаклланасётган кўп сонги қишилоқ тадбиркорларининг шизжоатни буниёдкорлик меҳнатига бағишланади.

Нашрга тайёрловчи: Мұхаббат БЕКЧОНОВА

10 35544
3g1

20.09.00	Alisher Navruz nomidagi Ozbekiston
A666	

ISBN 978-9943-373-02-0

© А.Собиров «Юлдуз қўнгандалалар». «Akademnashr» нашриёти, 2009 й.

*“...Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод,
ҳаётимиз янада фаровон бўлади”.*

Ислом КАРИМОВ

СЎЗБОШИ

Буюк истиқдолимизнинг халқимизга берган инъом ва имконлари кўп, мазмун-моҳияти ниҳоятда бой ва төран. Фермерлик ҳаракати – унинг тотли исъматларидан бири. У истиқдол шарофати билан туғилиб, жамият ҳаётидан муносиб ўрин олди. Саноқли йиллар – тарихан қисқа муддат ичидаги асрларга татиғулик катта тараққиёт йўли босиб ўтилди. Энди биз ушбу янги оммавий ҳаракат амалда ўзини тамомила оқлагани ва юртбошимизнинг ундан кўзлаган эзгу орзу-умидлари ҳаётда изчил рўёбга чиқаётганига шоҳид бўлиб турибмиз. Мамлакатимиз деҳқонлари босиб ўтган ушбу тарихий йўлнинг фаҳрланса арзийдиган жиҳатлари бисёр.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг аксарият ривожланган давлатлари хусусий мулкнинг тўла дахлизлиги ва мўътабарлиги ҳар томонлама таъминланган, бу борада бой тажриба тўпланган, тараққиёт учун барча шартшароитлар яратилган бир вазиятда фермерлик ҳаракатига қадам қўйган бўлса, ўз истиқлонини эндиғина қўлга киритган Ўзбекистон бу майдонга мулкчиликнинг ана шу шаклига тиш-тирноғи билан қарши бўлиб келган истибдод тузуумидан моддий-молиявий ва маънавий имкониятлари ғоятда чекланган бир шароитда кириб келди. Шу боисдан ҳам биз фермерликнинг шакл-шамойтили, мазмун ва моҳияти борасидаги тасаввур ҳамда тажрибаларни йўл-йўлакай ортиридик. Бу йўлда ўзимизга далда бўлувчи, таскин берувчи ва бошлаган ишимиизга нисбатан қагъний ишонч ҳисларини юзага келтирувчи ишончли омил – юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва кўрсатиб берилиган оқилона йўл-йўриқлар, стратегик тараққиёт тамойилла-

ри, дунёдаги ҳамма ҳалқларга хосу мос бўлган мулкчилик ва манфаатдорлик туйғусига сўяндик.

Шўролар истибоди даврида ҳалқимиз дилидаги муқаддас туйғуларни ўчириб ташлашга қаратилган ҳамма уринишлар бекор кетди. Ҳалқ оммаси қандай тузумда, қай шароитда яшамасин, унинг онгидаги хусусий мулкка, манфаатдорликка нисбатан чуқур ихлос-эътиқод ҳисси, турмуш тарзини муттасил яхшилай бориш туйғуси абадий яшаб қолиши ва бирон-бир куч одамларни бу йўлдан қайтара олмаслигини ҳеч ким англамади. Омма онгидаги бу кучли түғённи мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов илк бора чуқур тадқиқ ва таҳлил этиб берди. Хусусий мулкнинг мўътабарлигини одамлар биринчи марта у кишининг тилидан эшилдилар. Бозор муносабатлари хусусий мулкчилик ва манфаатдорлик шароитидагина тантана қилишини юргашимиз ҳаммамизга ишонарли тарзда исботлаб бердилар, йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш томон йўналтирилган илк қадамлар мулкчиликнинг мустаҳкам ҳамда ишончли пойдеворини юзага келтириш тадбирлари билан бошланди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, омилкорлик иборалари лугатимиздан муносиб ўрин топди. Ҳозирги кунда биргина Хоразм вилоятининг ўзида 30 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаяпти. Яратилаётган улкан бойликнинг асосий қисми қишлоқ ишбилармонлари – кўп минг сонли фермерлар меҳнатининг маҳсулидир. Вилоятда давлат рўйхатидан ўтказилган 10 мингдан зиёд фермер хўжалиги ана шу бебаҳо бойликнинг бош бунёдкори ва ижодкори ҳисобланади.

Вилоятимизда дастлабки фермер субъектлари истиқлолнинг илк палласидаёқ юзага келган ва шу онларданоқ ўз неъматларини ҳалқимиз дастурхонига тортиқ эта бошлаган эди. Айни паллага келиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 98 фоизи фермерлик ҳаракати қатнашчилари томонидан яратилаяпти. Фермерлик қишлоқ

тараққиёти ва фаровонлигининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. 2009 йил маълумотларига қараганда, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони вилоятда 2380 тадан иборат бўлди. Мавжуд экин майдонларининг асосий қисми улар ихтиёрига берилган. Етиштирилаётган пахта ҳамда ғалла ҳосилининг деярли барчаси мазкур тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Фермерлик субъектларининг 7,5 мингга яқини чорвачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик билан шуғулланаяпти. Улар томонидан стиштирилаётган хилма-хил ноз-неъматлар вилоят аҳли эҳтиёжини тўла қондираяпти. Қишлоқ тараққиёти ва иқтисодиётининг мустаҳкамланаёттани намуналарини эндилика дар фермерлик субъектларининг саноатлануви мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда 100 га яқин фермер хўжаликлари қошида чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавот-полиз маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр ноз-неъматларга айлантирувчи мини ва ҳатто тўла қувватли корхоналар ишлаб турибди. Ана шу ҳақдаги айрим лавҳалар ушбу китобдан ҳам ўрин олгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Босиб ўтилган йўл, чиндан ҳам, мазмунли ва жозибали. Аммо бу ўз-ўзидан рӯёбга чиқаётгани йўқ. Ваҳоланки, бундан 4-5 йиллар муқаддам ҳам бутун Ўзбекистон аҳли, давлатимиз ва ҳукуматимиз фермер хўжаликларини шакллантириш ташвиши билан яшар, ишлар, вазифалар ва муаммолар эса қалашиб ётарди. Ҳозир бутун Республика миз, шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам ўзини иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олаётган фермер хўжаликлари сони тез суръатларда ортмоқда. Имонимиз комилки, мавжуд фермер хўжаликларини йириклаштириш ва фаолиятини оптималлаштиришга қаратса 2008-2009 йиллари амалга опирилган ташкилий тадбирлар бу борадаги ютуқларни янада кўпайтириш гаровига айланади.

Биз ўтган йиллар мобайнида кўп минг сонли фермерлар сафида тажрибаси, бой ва қизғин фаолияти билан

ҳаммага ўрнак бўла олувчи пешқадамлар қатлами пайдо бўлишини ғоят интиқлик билан кутдик. Мана энди бу му-родимиз ҳам ҳосил бўлди. Уларни кўриб турибмиз. Сони биз кутганимиз ва ўйлаганимиздан ҳам кўп.

Бугун қўлингизга етиб келган ушбу китобни ана шу соҳада эришилган катта ютуқлар, фидойи фермерларимизнинг илғор иш усуллари ва ибратли фаолиятини бадиий ҳамда ҳужжатли тарзда ифходалаб, оммага тарғиб қилувчи ўзига хос рисола сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Уни катта ижодий меҳнатнинг муносиб натижаси ўлароқ эътироф этар эканимиз, айни пайтда қишлоқда кечётган янгиланиш жараёнлари қаҳрамон ва фидойи фермерлар сафини янада орттиришидан астойдил умидвор эканимизни баён этамиз. Бу олижаноб ниyatта етиш учун ташаббускор фермерлар, оддий дехқон-чорвадорлар, соҳибкор-боғбонларнинг серқирра фаолиятини қўллаб-куватлаш, таъминот ва хизмат қўреатиш ишлари савиясини онириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, ҳимоя қилиш, қаҳрамонона меҳнатини рағбатлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини тубдан яхшилаш ва кучайтириш талаб этилади. Зоро, қишлоқ ҳаётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, бош меъмори ва бунёдкори жамиятимизда янги ижтимоий бўғин сифатида шаклланган фермерлар оммаси эканлигини доимо назарда тутмоғимиз зарур.

Давлатимиз мустақилликни янада мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамиятда демократиялаш жараёнларини кучайтириш, ҳалқимизнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган инсонпарварлик сиёсатида доимо событ, азму қарори қатъий, тарҳи юртбошимиз томонидан аниқ-равшан чизиб берилган йўлларимиз эса кенг ҳамда равон. Бу йўллар ҳалқимиз ва жамиятимизни истиқбол манзиллари сари чорламоқда. Унга авваламбор фидойи меҳнат, ҳалқимиз, ватанимиз, давлатимиз ва истиқтолимиз тамойилларига чуқур садоқат ҳамда меҳр-оқибат

түйгулари туфайли стишамиз. Кимнингки нияти холис бұлса, у албатта рүёбга чиқади. Зеро, күнгли очиқ киши-нинг йўли ҳам очиқ ва буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шу каби эзгу ва муқаддас түйгулар онг-тафакку-римизни доимо банд этишидан астойдил умидвормиз. Эзгу ишлар, хайрли амаллар доимо ҳамроҳингиз бўлишини истаймиз. Энг яхши тилакларимиз сизга бўлсин, азиз юрт-дошлар.

Мақсуд САИДОВ,
*Узбекистон Фермер хўжаликлари
уюшмасининг Хоразм вилоят
филиали раиси*

БАҲРОМНИНГ ҚАЙТИШИ

Инсон – Парвардигор томонидан яратылған әнг нозиктәйб ва мұрт жонзотлардан бири. Маркс ака одамизод ҳақида айттылғучи бундай ҳавойи фикрларга құшилмайды:

– Инсоннинг камида ўнта жони бор, – дейди у истеҳзο билан, – дейлик, очликнинг ўзига оз деганда ўн күн чидаб берипи мумкин. Сизга айтсам, молнинг жони битта. Очликка ҳеч тоқати йўқ, жонивор.

Маркс ака мавриди келса, ҳамиша мол-чорва мавзууда гаплашишни истайди. Бу – бежиз эмас. Ахир у кимсан, мамлакатнинг «Фермерлик» деб аталувчи әнг кенжә ҳарекати вакили, Хоразм воҳасида чорвачиликка ихтиосолашган доврурдор хўжаликлардан бирининг раҳбари. У киши билан чамаси 1995-96 йиллар ғалати бир гурунг бўлувди:

– Ўт-ем етарлими? – сўрашганди ундан. Жавоб эса дангал бўлганди:

– Носвой тарзида искатса етади, ундан ортиғига етмайди. Мол бўлса-да, дардини бизга айта олади. Биз эса эшитамиз. Аммо бизнинг молларимиз тилидан ҳар гал хузурларига бориб айтадиган ўзбекча сўзимизни айни «эшитиши керак бўлган одамлар» эшитишмайди.

Пировардида, фермернинг ушбу деганлари мамлакатимизнинг иуфузли газетаси саҳифасида чиқди. Хайрият. Кейин эшитсан, газетадаги мақоладан сўнг бу гаплар «ошибтиши керак бўлган ўша одамлар» қулогига дарров етиб борибди. «Ана, энди ишлар «беш» бўлади», – дея хитоб қилибди мақолани «қулоги том битган»лар ҳам ўқиганидан хабар топган Маркс ака завқ билан қарсак чалиб. Бироқ «қулогига пахта тиқилган» ўша кишилар отдан тушишса-да, эгардан тушишмабди. Фермер қошига ўдагайлаб келишибди: «Ҳап, санми бизни газетга чақадиган!? Кўрадиганингни энди кўрасан».

Улар оғилхонада очқаб ётган молларга парво ҳам қилишмабди. Озықа таъминоти мутасаддиларининг хатти-ҳарекатидан сўз ҳам очишмабди. Аксинча, мухбир олдида но-

жўя сўз айтиб, айрим «ёшулли»ларнинг обрўсини тўккани учун фермерни роса койишибди.

— Ўшанда қарамоғимизда 30 боп мол ва 10 гектар ердан бўлак ҳеч вақомиз йўқ эди, — дейди ўша кунларни эсларкан фермер. — Энди эса ҳаммаси бор. Ишга панд берувчилар эса йўқ. Юртбошимиз фармонлари, йўл-йўриқ ва қўрсатмаларига биноан эскича тутумлар асосида ишлаб ўргангали борингни кўролмас, йўтингни эса беролмас ландовурларнинг бари йўлдан олиб ташланган. Ана шунинг учун ҳам фермер қарамоғидаги қорамоллар сони 200 га стган, ҳатто қўйчиликка қўл уриш имкони ҳам юзага келган. 2003 йили атиги 3 боз қўй билан иш бошлаган хўжалик қўйчилик фермаси 2009 йилга келиб уларнинг сонини 100 дан оширган.

— Моллар озуқани носвой тариқасида искаётгани йўқми энди? — ўсмоқчилаб сўраймиз фермердан.

— Гапингиз ажаб бўлди-ку, — дейди у араз оҳангидা, — агар ўт-ем бўлмаганида, молу қўйлар сони шуңчага борармиди? Моллар тўқ эканки, ҳар сигирнинг ўзидан кунинга 18-20 литр сут соғиб олаяпмиз. 46 гектар пичанзоримиз бор. Бунинг устига, ерларимиз ниҳоятда ҳосилдор. Бошқалар бир ҳосил олсан, биз икки ҳосил оламиз. Молларимиз озуқага ёзу қиши мұхтожлик сезмайди. Уни стиштириши учун ўрит ҳам, ёқилғи ҳам етарли. «Ёшулли»лардан ҳам кўп мадад олаяпмиз.

...Инсоннинг бошида доимо яхшию ёмон, хайрли ва хайреиз алғозда намоён бўлгучи ғам-ташвишларнинг талай юкини кўрасиз. Фалокат босиб келган ташвишларни, табиийки, яхшига йўёлмаймиз. Тўй-томоша уюштириш, иморат қуриш, бир мулкни иккига дўндириш йўлидаги ғам-ташвишларнинг эса ҳеч оғирлиги йўқ. Энди билсан, ўша кезлар урганчлик фермернинг орау-умидлари йўлини ҳар бир эзгу иш бошида табиий ва муқаррар суратда мавжуд одатдаги ташвишлардан бири кесиб чиқсан экан.

— Ташвишни орқалаб юрмаслик керак, — фалсафага берилиб дейди фермер, — ундан қутулмоқ учун ҳаракат

қылмоқ даркор. Таңшишдан қутулиш учун қилинган ҳаралаттана ишнинг ривожига етаклади. Үшанды масаланы кескин қўйганимиз, жимгина қараб турмаганимиз эвазига озуқали бўлдик. Бунда бизга юртбошимизнинг чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, наслчиллик ишларини ривожлантириш, озуқа мўллигини таъминлашга қаратилган фармон ва қарорлари, айниқса, кўп мадад бўлди. Омбор озуқага тўлгач, мол сонини қандай қилиб кўпайтириш ҳақида ўйлай бошладик. Мана, унинг натижаси...

Фермернинг мулк-бисоти: 300 бош молга мўлжалланган фермахона, устахона, 2 та омборхона, каттагина иссиқхона, туаржой бинолари, 5 та чопиқ ва транспорт тракторлари, 1 та юк, яна 5 та енгил автомашина, 8 та турли русумли тиркама воситалар, колбаса-сут маҳсулотлари мизаводи, нонвойхона, тўйхона, 180 бош қорамол, 90 бош қўй-эчки. Экин майдонлари: 1994 йили – 10 гектар, 2008 йили – 46 гектар. Маҳсулот ҳажми: сут – йилига ўртача 250 тонна, гўшт – йилига ўртача 22 тонна, колбаса маҳсулотлари – кунига 300 кило, сутни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш – йилига 130 тонна, маҳсулот тури – 5 та, нон маҳсулотлари – йилига 147 тонна. Дехқончилик маҳсулотлари: галта – йилига ўртача 60 тонна, гектарига 60 центнер, боғдорчилик маҳсулотлари – йилига ўртача 7, 4 тонна, шоли – йилига 15 тонна, чорва озуқаси (беда, макка ва оқжўхори) – йилига 1000 тонна, макка дони, оқ жўхори – йилига 34 тонна, картошка ва сабзавот – йилига 40 тонна. Соф даромад: йилига ўртача – 60 миллион сўм. Ишчи кучлари: 1994 йили – 5 киши, 2008 йили – 43 киши.

Юқори малакали иқтисодчи сифатида қариёб 30 йиллик меҳнат баробарида орттирилган 5-б минг сўм (1991 йилги пул қийматида) пулни ўз ўрнида харжлаб, бирини даставвал икки, кейинги йили – уч, пировардидага тўрт, беш, ўн, юзга дўндириш эвазига ҳосил бўлган мулк – бисотнинг бугунги кўлами ана шундай: Маркс ака – том маънодаги миллионер фермер.

Маркс акани билмаган кишилар унинг юқоридаги мумаласидан сўнг «хўп ҳазилкани одам эканми», деган хаёлга боришлари ҳам мумкин. Бироқ аслида ундаи эмас. Фермер Маркс Раҳмонов – ўта жиҳдий одам.

– Баъзан ана шу алғозда ўз-ӯзимни юпатишга уринаман, холос, – дейди у оғир хўрсининг билан, – Бундан бўлак иложим ҳам йўқ. Аёлимнинг ҳам кўнгли ўксик, уни ҳам суюмогим керак. Юпаниш ва бошга тушган савдоларни унудишининг бирдан-бир йўли, сизга айтсан, меҳнат. Гап-гаштакка қўпам берилаверишдан наф йўқ.

Мунаввара опа –ҳожи она (у мусулмончиликнинг ушбу муборак фарзини ёстиқдоши Маркс оға билан бирга адод этиш баҳтига мусассар бўлган), ҳақиқий уй бескаси эди, деса ўринли бўлади. 5 нафар фарзанд тарбияси, уй-рўзгор юмушлари, элдаги тўй-матъракалар – бир аёл учун шунинг ўзи кифоя. Тарих фиддираги айланниб, 90-йилларга еттанида, фарзандлар камолга етиб, она гарданидаги ташвишлар юки бир қадар озайди. Хаётда зерикарли онлар ҳам бўзишини она биринчи бор ўшанда ҳис этди. Фарзандлар камолга етиб, оғирингни снгил, мушкулингни осон этишига не етсин. Хуллас, Мунаввара опани ҳаётнинг иш ва ташвишлардан холи онлари йўқлаб келди. Аммо ташвишсиз яшаб бўларканми? Яна денг, ўғил уйлаш, қиз чиқарим ёшида? Мунаввара опа кунда ва кунора эрини тергайдиган одат чиқарди: «Фалончининг зан бизбоп қизи бор-да, фалончи оиласдагилар – роса ўзимизбоп одамлар. Юрәверамизми энди уларни бирвлар илиб кетишини кутиб, дадаси?»

Мунаввара опа ва Маркс аканинг шириндандирин орзулари бирма-бир амалга олпаверди. Тўнгич ўғил Эркабой ўз жуфти ҳалолини топди. Қизлари: Санобар, Сайёра ва Дилғузатар ҳам турмуш қуриб кетинди. Хонадоңда навбадаги тўйнинг тадориги бошланди. Ногаҳон... Э, воҳ! Шундай кўргулик ҳам бормиди бошда? Булутсиз осмонда гўёки момоқалдироқ гумбурлади, еру осмон ларзага келди. Ўша лаънатланган оқшомда уйга кенжা ўғил Баҳром-

жоннинг жонсиз жасади қайтди. Онаизорнинг оху нолалари кўкка етди, унинг ҳолатини тасвирлашга тил ожиз, қалам ожиз. Отанинг ҳам қадди букилди. Дарднинг кўпини эса, аёл эмасми, онаизор тортди. Суюкли фарзанди фироғи унинг аввал қалбини, кейин эса юрагини яралади. Марҳум ўтилнинг номи ўнгида ҳам, тушида ҳам тилидан тушмай қолди. Дил яраси жисмга ўтса, оғир бўларкан. Маркс ака кўрдики, рафиқаси тўшакка михланмоқда, Баҳромжоннинг номи эртаю кеч тилидан тушмайди, кўз ёши ҳам мисоли дарё экан, орадан 4-5 йил ўтса ҳамки, ҳамон шашқатор. Отанинг дарди ҳам ундан сенгил эмас. Бир томондан айрилиқ дарди, яна бир томондан кун сайин чўкиб бораётган аёлининг сўлғин ва маҳзун қиёфаси, ундан ҳам ажраб қолмаслик хавфи, стмаганига яна ўйрўзгор юки... Аёли-ку, дарду ҳаератдан ўзига келолмаяпти. Башарти ўзи ҳам иродани илкидан чиқаргудай бўлса, бунинг оқибатини тасаввур этиш қийин эмас. Маркс ака бу ҳолни аниқ-тиниқ кўра олди.

— Оиласизнинг азалий бир дўсти бор: Аминбой Вафоев. Донишманд инсон, ўзи Гурланда яшаса-да, бутун мамлакат танийди, узоқ йиллар туманга раҳбарлик ҳам қилган, — деди Маркс ака ўша аламли қунларни хотирлар экан. — Қунларнинг бирида ҳол сўрагани уйимизга келди, анча дардлашдик. Кетар чорда мени бир чеккага имлаб: «Мунавварадан ҳам ажрашингга оз қолибди, бир чорасини топ», — деди. Қанча уринсан-да, ҳаракатларим зос кетаётганлиги, ўзимнинг ҳам тинка-мадорим қуриб, адоитамом бўлаёзганлигимни айтдим. «Бескорларни айтибсан, — деди у аччиғланиб, — аёлингга эрмак керак, шуни ҳам англамадингми?» Кейин яна қўшимча қилди: «Уйингда ҳеч бўлмаса сигир-бузогинг борми, ўзи?» Сукут сақладим. У: «Ундей бўлса, соғин сигирни мен бераман», — деди. Мехмон эртасигаёқ уйимизга бузоги билан қўшиб, бир бош соғин сигир юборди. Жудаям кўзга ёқимли жонивор экан. Ҳар қалай, аёлимнинг ўтиборини тортди. Икки-уч кун ўтиб, ўғ-емини ўзи сола бошлиди. Орадан ҳафта-үн кун

ўтиб, оёққа қалққандай бўлди. Оналарнинг кўнгли юмшоқ бўлади, дейишганига иймон келтирдим. Молга ўт-ем солинидан ўзимни атайлаб четта олганим иш берди. Сигирга астойдил жони ачишгани боис, парваришга ўзи уннади. Орадан яна бир неча ой ўтди. Говмиш ва бузоги унинг учун ягона дардкаш ва овунчоққа айланди. Қанийди, шу топда унга яна бир қўра мол келтириб бера олсаму шу йўл билан кўксини ҳали-ҳамон қоплаб ётган адоксиз дардни буткул ювиб ташласам. Кадхудо – донишманд одам эмасми, Аминбой ака навбатдаги ташрифларнинг биридан сўнг деди: «Аксарият кўпчилик аёллар фарзандига жаноза ўқилган уйни дўзах билишади. Иложини тоғсанг, аёлингни қишлоққа кўчир, кўксига шамол тегсин. Айтганча, хабаринг борми, Президентимизнинг Фармони чиқди: чорвачилик фермалари хусусийлаштирилиб, ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилади. Мол тополсанг, уни ўзинг ҳам ташкил этишинг мумкин».

«Меҳмоннинг сўнгги деганлари миямга қаттиқ ўрнашиб олди. Бир ўқ билан икки қуённи уриш мумкин. Ҳам аёлтимнинг кўксига шамол тегади, яна деңг, барча юраётган йўлга тушиб, еру молга эга бўламан».

Қаҳрамонимиз фермерлик йўлини ана шу алфозда ўзи учун кашф этди. Туман ҳокими иномига ариза ёзиб, ўзи ва оиласи бир умр яшаб келган Урганч шаҳрининг нақ биқинидаги Юқорибог қишлоғида чорвачиликка ихтисослашган янги фермер хўжалигини ташкил этди. Оила жамғармасини 30 бош қорамол харидига харжлади, 10 гектар срэзалиги хуқуқини қўлга киритди. Ортиб қолган маблагга кичиккина молхона қурди, бир кун келиб орзуим ушалар, деган ниятда оти қолиб, тақаси, яъни трактори қолиб, прицепини (эски бўлса-да) сотиб олди. 10 гектар майдондаги озука экинлари кузга бориб, эҳтиёжга яраша ҳосил берди. Янги туғилган бузоқлар ҳисобига моллар сони ўша йилнинг ўзидаёқ яна бир неча ботига кўпайди. Орадан бир йил ўтмаёқ ферма маҳсулотлари бозор юзини кўрди. Харажатлар ўрнини қадамба-қадам қоплаш ва фермер

хұжалигини оз-оздан кенгайтириш имкони нүжудга келди. Фермерлик фаолиятининг дастлабки уч йилида хұжалик яна 2 та трактор ва шунча прицепта зәға бўлди, шу орада 250 бошга мўлжалланган янги молхона ҳам қурилди. Бу янглиғ имконларнинг бири иккинчисини, сўнгра учинчиси, тўртингчиси ва бошқаларини эргаштириб кела-верди. Даставвал харид қилинган эски трактор ва уларнинг аравачалари ўринини 2 та яп-янги замонавий трактор, 3 та тиркама, оғир юқ тортувчи автомашина эгаллади. Булар эса янги имконларга йўл очди.

Шу ўринда кичик бир қочирим:

– Ҷавлатимиз раҳбарининг сўзларини ҳар доим эътибор билан тинглайман, – дейди Маркс ака қўнгли жўшиб, – айтганларининг мағзини чақишга ҳаракат қиласман. Президентимизнинг 1994 йили Бухородати «Файз» фермер хўжалигига борган чоғда айтган бир ҳикматли сўзлари ҳамон эсимда: «Фермерлик фақат мол боқишининг ўзи-дан иборат бўлиб қолмаслиги керак». Шу сўзни айтаёт-тиб, Юртбошимиз қўнглида ислар кечайданлигини дар-ҳол аяглаганман. Лекин на қилай, мавриди келишини кутиши, иложи бўлса, ўша мавридни тезроқ қўлга кири-тиш учун ҳаракат қилишдан бўлак чора йўқ. Ниҳоят, ўша кунлар келди.

Гапнинг буёрини энди биз – муаллифларга қўйиб беринг. Ҳа, бир имкон – иккинчи имконнинг қалити. Истиклолимиз тонгида юртбошимиз орзу қилинган маизара Маркс Раҳмоновнинг марҳум ўели Баҳром номи билан аталувчи фермер хўжалигига 2001 йили намоён бўлди. Бу пайтга келиб чорнавчилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштираётган фермер хўжалиги қошида янги сут, колбаса ва консерва маҳсулотлари мини заводи ҳамда мўъжаз новвойхона иш бошлади.

Равнақ ва илдамлашсиз ўтган йилнинг ўзи йўқ. Турмуш тўкинлиги ҳам унинг баробарида қарор топди. Фермер оиласи учун қишлоқда янги иморат қурди, унинг ёнида 2 та омборхона ва техника устахонасини бунёд этди. Янги


«Дамас» ва «Нексия» автомашиналарини сотиб олди. Сўнгти йиллар жамғарилган маблагни эса янги иссиқона қурипга харжлади. «Ким оши» савдосида қатнашиб, собиқ жамоа хўжалигининг қаровсиз ва эгасиз қолиб кетган идораси ҳамда маданият саройини харид қилди, уни бинойидек таъмирлаб, кўркам тўйхонага айлантирди. «Хожи бобо» деб аталмиш мазкур маскан – бугун «Баҳром» фермер хўжалигининг яна бир кўркам комонаси.

Истиқдолимиз нафаси, замона зайди, давр рухи англанмаган, ишга оқилона ва омилкорона ёндошилмаган, фидойилик ва ватанпарварлик намуналари намоён бўлмаган жойда ҳаёт кўркамлик томон ўзгариши даргумон. Эл-улусга қилинган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам беиз кетмайди. Яхни эсанг, ошингни, ёмон эсанг, бошингни ейсан, дегани аслида шу. Шукрлар бўлсинки, аввалги замонлардагидан фарқли ўлароқ, эзгулик эъзозланадиган айёмда умргузаронлик қилаяпмиз. Фермер Маркс Раҳмоновнинг сўнгти йиллардаги тинимсиз меҳнати, интилиш ва изланишлари беиз кетмади. Фидойиликнинг бу сингари намуналари тадбиркорларнинг Республика ва вилоят миқёсидаги танловларида очиқ эътироф этилди. Фермер 2002 йили деҳқончилик ва чорвачилик йўналиши бўйича тадбиркорларнинг «Ташаббус» танлови Республика, 2004 ва 2005 йиллари эса сурункали равишда вилоят боекичи ғолиби бўлди. 2003 йили юртбошимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ўша йили рафиқаси Мунаввара опа билан бирга муқаддас ҳаж фарзини адо этди. Ҳожибобонинг фикрича, мамлакат Президенти билан бўлган юзмажуз учрашув ва мулоқотлар – мукофотларнинг энг аълоси. Ютуқ ва совринларнинг бари, табиийки, фермер номига ёзилган. Аммо Маркс ака бу ҳолни ўзига кўп ҳам ҳаам этолмайди. «Фермер хўжалигини тебратадиганларнинг бириман, холос», – дейди. Бу фикрга қўшилиш мумкин. Нега деганда, ишбоши ишловчиларга, ишловчилар эса ишбошига доимо жўровоз, ҳамқадам ва ҳамнафас бўлишимас экан, қадамингдан ҳеч маҳал олов чақнамайди. Фермер

хўжалиги жамоасига ҳаваси келади кишининг. Бари қобишу қодир кишилар: иш ва ҳаст тизгинини истиқлолдан кейин қўлга олган фидойи ёшлар. Шўро замонасининг ишламасдан тишлашга асосланган «тeng тақсимот» принципи – улар учун ёт ақида. Бу – уларнинг бахти. Маркс ака улар: фермер хўжалигига кунни тунга улаб меҳнат қилаётган ўғил-қизалари, келин-куёвлари, қишлоқ ёшлари ишига разм соларкан, «Истиқлолимиз бу ёшларни шўролар замонаси ни гўрга тиққан лоқайдлик ва дангасалик касалидан буткул ҳалос этди, берсанг – сўман, бермасанг – ўламан қабилицаги боқимандалик кайфияти энди улар учун бутунлай ёт», – дейди чуқур қониқиши билан. Ҳақ гап, ғоятда самимий эътироф: давримиз ёшлари – Узбекистон истиқлоли яратган буюк кашфиёт, ажойиб ютуқ. Фермер Маркс Раҳмонов хоҳ ишчи, хоҳ иш бошқарувчи бўлсин, юмушларига деярли аралашмайди, фаолият натижасини, масъулият ва масъулликни сўрайди, холос. Соф даромад салмоғи ва иш самарадорлигининг юқорилигича қолаётгани – фермер хўжалиги нуфузи ва мақомини ифодаловчи энг ишончли далил. Шундай экан, фермер хўжалиги чорвачилик жабҳасини бошқараётган асли шу қишлоқлик Баҳром Бобожонов, деҳқончилик юмушлари мутасаддиси, күёви – Холбой Бобожонов, техника парки, консерва ва мини сут заводи, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигига масъул ўғли – Эркабой Раҳмонов, бош новвой – Гулноза Матёзова, савдо-тижорат соҳаси етакчиси, қизи – Феруза Раҳмонова, тўйхона раҳбари ва хўжалик ҳисобчиси – қизи Сайёра Раҳмонова, таъминотчи невараси – Давлатёр Раҳмонов, невараси, брокер – Акмал Қодиров, уларнинг яқин мададкори, қишлоқ муаллимаси, қизи – Санобар Раҳмонова, ёш эса-да, хўжаликнинг жамики техникасига бош невараси – Санжарбек Раҳмоновлар ишидан қийиқ ахтариб кўрингчи, тополармикансиз? Йўқ. Тополмайсиз. От изини той босмоқда: неваралардан Сардорбек, Раҳимажон, Сўнажон, Сарварбек, Шоҳистахон, Шаҳнозахонлар ҳам ишга яраб қолишиди. Ота-онасию бобо-момосига қўл-

қанот бўлаётганлар сафида улар ҳам бор. Сарҳисоб қилидик: бугун Раҳмоновлар оиласининг ишга яроқли 15 нафар аъзоси баъзи ҳамюргларимизга ўхшаб, ўзга юртларда ўзгалар манфаати учун эмас, балки шу ерда ишлаб, ўз элу юртимиз учун моддий бойликлар яратишлек кони фойда юмушлар бошида туришибди. Бир йўла ҳам механизатор, ҳам моҳир таъмирчи уста Жонибек Матёзов, новвой Гулнора Раҳмонова, ишчи Ўткир Қодиров, Шоира Қодирова – ана шу сафнинг ишопчли бўғинлари. Улар фермер хўжалигининг оддий аъзолари, ишчилари билан бирга яшаб, бирга ишлашади. «Масъуллик юкини оиласизга хоҳ яқин, хоҳ йироқ бўлсин, лаёқатини намойиш эта олганингтина зиммасига юклаймиз», – дейди ер-мулк соҳиби. Шундай экан, фермер хўжалигининг энг оғир юмушларини адо этаётган оддий заҳматкашлар орасида Марқе аканинг дилбанд-жигарбандалари ҳам борлигидан ажабланишга ҳожат йўқ. Аммо ҳали кўрасиз: фермер хўжалигининг истиқболдаги устунлари, шубҳасиз, улар бўлишади. Бу ганини биз эмас, фермер Марқе Раҳмоновнинг ўзи таъкидлаётган экан, демакки, бу ерда қобилу қодир, комил инсонларининг янги сафи шаклланаяпти. Яна бир гап: эътиборингизни тортдими, йўқми – билолмадигу, бироқ фермер хўжалигининг амалдаги устунлари аёл зоти вакилалари эканлигини биз аллақачон фаҳмладик ва юқорида ўзимиз келтирган мисоллару исем-шарифлар ёрдамида фикримиз далилни ҳам топдик. Бундан чиқди, аёл зоти бавзилар ҳамон ҳаёл қилиштаганидек, хонадон бандиси эмас, аксенича, қобилу қодирлик бобида эрзарининг муносаби рақиби. Турмут воқеликлари бу фикрни ҳам яққол тасдиқлайди ва бундан шубҳаланишга асос йўқ.

Президент раҳнамолигида ҳаётга чуқур илдиз отган фермерлик ҳаракати ўзбек халқининг азалий салоҳиятию истеъоди қирраларини қайта кашф этди. Бунинг тасдиғини фермер Марқе Раҳмоновнинг ўзи айтиб берди. Балки «ойнаи жаҳон»ни томониа қилганларнинг эсиададир: Президент Ислом Каримов узоқ йилни Хоразмга келган маҳал



фермер Маркс Раҳмоновни роса саволга тутиб, пировар-лида уни ва воҳанинг бошқа номдор фермерларини чор-вачилик бобида беназир санаған узоқ Оврупонинг Гол-ландия мамлакати сафарига чорлаганды. Президент таш-рифидан сўнг орадан кўп ўтмай, хоразмлик чорвадор-фер-мерлардан иборат ўн кишилик гурӯҳ хорижга йўл олди. Сафар харажатларини давлатнинг ўзи қоплади. Кўрган-кечирганлари, бой таассуротлар эса фермерларнинг ёнига қолди.

Маркс Раҳмонов ҳикоя қиласи: «Голландия – Оврупо тараққиётининг ҳақиқий намунаси. Биз ушбу қудратли тизимнинг нималарга қодирлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Амалдаги юмушларнинг деярли бари техника зими-масида. Шунинг учун бўлса керак, биз меҳнаткаш деб атайдиган тоифадаги одамларга деярли дуч келмадик. Меҳ-натсеварликда ўзбекка тенг келадиган кишини бу мамла-катда учратмадик. Буни уларнинг ўzlари ҳам тан олиб, ўзбек ҳалқига тасанинолар айтишди. «Куни келиб, техни-ка тараққиёти бўйича Ўзбекистон бизга тенглashedиган бўлса, ҳатто Оврупони ҳам ортда қолдира оласиз», – дей-ишди. Мамлакат ҳақиқатан ҳам чорвачилик бўйича та-раққиётнинг энг юқори чўққисига чиққан ва тан олиб айтишларича, истеъмол бозори ривожланишнинг бундан юқори мэрраларипи ўзига ҳазм этолмайди. Чунки бозорда ҳозиргидан зиёда маҳсулотга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам, де-макки, бундан-да истиқболлироқ келажакка умид ҳам йўқ. Голландияликлар билан суҳбатлашган киши буни дарҳол англайди. Ўзбекистон эса тараққиёт пиллояларидағи мам-лакат: истеъмол бозорида талаб ва эҳтиёжлар старли ва у равнақ учун энг яхши имкон ҳисобланади. Хорижлик суҳ-батдошларимиз бундай мақомдаги мамлакатга фақат ҳавас қилишлари мумкинligини таъкидлашди. Аммо барига бир-данига эриша олмаймиз. Равнақ йўли узоқ ва машиққатли кечиши мумкин. Бироқ астайдил ҳаракат қилганлар учун эришилмайдиган мэрранинг ўзи йўқ ва бу ниятга албатта стишамиз. Хуллас, хорижда бир-бировимиздан ўрганиши-

миз мумкин бўлган анча-мунча ҳолатларга дуч келдик. Сафаримиз безиз кетмади: биринчидан, хорижликларнинг илғор технологияси ва ибратли тажрибаларини ўргандик, иккинчидан, ушбу намуналарни ўзимизда ҳам жорий этишга киришдик. Ҳозир фермер хўжалигимиздаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб берувчи техника ҳамда технология воситаларининг кўпчилиги хориж намуналаридан иборат. Юртбошимизнинг Хоразмта қилган наинбатдаги сафари чоғи у киши билан яна бир бора юзма-юз учрашиш шарафига мұяссар бўлдим. Узоқ Голландияда кўрган-кечирганларимиз, ўргантган ва ўргатганларимиз ҳақидаги ҳикоямизни давлатимиз раҳбари мароқ ва эътибор билан тингладилар».

Ўзбекистон раҳбарининг хорижий алоқаларни кучайтиришга қаратса даъвати фермерни ҳамон йўлга чорлайди. Хорижнинг илғор технологиясини Ўзбекистон қишлоқларига кенг ёйиш нияти кўзланган наинбатдаги сафар шарқقا – қадимий ва замонавий Чин мамлакатига ўютирилди. Кутинганидек, Хитой сафари ҳам қатор фойдали битимларни имзолаш ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши билан якун топди. Бундай фойдали алоқалар ўз йўлига. Аммо истиқлол айёмигача ўз даласидан ўзга жойни кўрмаган, билмаган оддий ўзбек дехқони учун бу каби сафарлар одатий ҳолга айлангани мўъжиза, чинакам мўъжиза.

Бу ҳаётда ўз билим-малаканг, салоҳият ва истеъодидингдан зиёда имконларга эришолмайсан киши. Инсон аслига ҳам тортади. Раҳматли Вафо ота Раҳмонов ва 90 ёшининг остонасидан хатлаган Ёқутжон она Вафосванинг оқилу донолигини шаҳри азим – Урганчда тан олмаган киши йўқ ҳисоб. Улар умрининг олтин палласи инсоннинг хусусий мулкчиликка оид қарашлари исканжада асралган Шўро замонасида ўтди. Шу боис омилкорлигу тадбиркорликни тафаккурда намоён эта олишди, холос. Бироқ ҳаётда ўзгалаардан олдинда туриш ва олдинда юришининг ўзи ҳам туман бойзик. Вафо ота ва Ёқутжон онанинг ақл чироги

воҳада күпларнинг ҳаёт йўлини нурафшон этганига оид мисоллар аңчагина. Маркс Раҳмонов ана шундай рұтбадағи комил инсонлар фарзанды. Тадбиркорлик жабхасида у эришган мэрраларни боҳабар кишилар тилидан неча бор эшитганмиз: тадбиркорлик илми ва амалиётининг воҳадати устунларидан бири – Маркс оға чиндан ҳам – ота фарзанди, бу сифат унга ота ва онадан юққан. Бошқа баязи фермерлар новвостларни камида 2-3 йил боқиб, ҳар биридан 250-300 кило гўшт олаётган бўлишса, Маркс оға бу ишни узоги билан бир-бир ярим йил ичида бир ёқли қилишга эришяяпти. Бу билан қанча миқдорда озуқа тежалаётганлигини бир сарҳисоб қилиб кўринг-а?! Ёки бошқа бир мисол: фермер Маркс Раҳмоновга қарашли оғилхоналарда асралаётган сигирларнинг ҳар бири йилига болима-боли бузоқ беради, дейишгани – чин ҳақиқат. Чорва бот сонларини тез оширишнинг асосий омили шу эмасми? Бозорда «Баҳром»нинг чорвачилик ва боғдорчиллик ноз-неъматлари: қаймоқли сут, сметана, чакки, консерваланган мурраббо маҳсулотлари, ширмой ионларига талаб катта. Бунинг боиси – маҳсулот нархининг харидорни «чақиб ол маслиги» ва албатта, юқори сифати. Ютуқларнинг бу сингари сир-синоатини бир-бир баён этаверса, гап ҳали-бери тутамаслиги аник. Бир сўё билан айтганда, фермер фидойи меҳнат, интилиш, изланиш ва уддабурроликнинг ширин неъматларини татияпти, уйдан бу ерда ҳалол ишлайдан неча ўнлаб кишилар ва уларнинг оиласлари ҳам баҳраманд бўлишяяпти. Бу билан фермер Худо берган ноз-неъматларни ўзи ва хўжалик жамоаси ўртасида хом-талаш этаётгани йўқ. Уларнинг қорнини тўқ, эгнини бут қилиш учун яралаётган бойликнинг бир қисми кифоя. Ҳамма гап эртаниги истиқбол учун пойдевор ва захира яратиша. Бозор шунинг учун керак. Фермер хўжалигида стиштирилаётган мол ва маҳсулотларнинг асосий қисми – бозор учун «масаллиқ». Бу эса – эртаниги қуннинг иқтисодий таянчи. Кўпларнинг фикрича, бозор – мол ва маҳсулот етнитириб сотувчилар учун энг катта ва ҳалол рақо-

бат майдони, Маркс Раҳмоновнинг билишича эса, ана ўша «масаллиқ»лар нархини мўътадил сақлаши лозим бўлган мўътабар даргоҳ. Унинг айтишича, батъзилар бозорга битта мол чиқариб, ундан ўн сум фойда орттиришга интилишади, ундан кўра ўнта мол сотиб, нари борса, 20 ёки 30 сум фойда орттиришнинг нафи катта эмасми? «Баҳром»нинг сармоясию ютуқлари кўлами соҳибининг ана шу сингари ҳалол иши, инсонпарварлиги, кенг дунёқараши эвазига ортаёттанига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, айни навқиронлик ёшида ота-она бағрини дорлаб кетган Баҳромжоннинг пок руҳи эндиликда осмону фалакни хору зор кезаётгани йўқ. Аксинча, унинг пок номи остида қанчадан-қанча хайру савоб юмушлар ижобат бўлди, оила фаровонлиги таъминланди, тақдирини фермер хўжалигига бағишлаганларнинг бари мўл ризқнасибага етишди, бундан-да муҳими, бозор тўкинлиги йўллари очилди. Шаҳид ўғил ёдини бир умр дилларига жо этган Маркс оға ва Мунаввара она эса унинг руҳи покига дуолар қилиб, муқаддас Каъбатуллоҳ зиёратини адо этишди. Буни Баҳромнинг ғолибона қайтиши, деса ўринли бўлади. Инсон жисми бевакът нобуд бўлиши мумкин ва бу ҳам Яратганинг хоҳиши. Бироқ энг муҳими – руҳ барҳаётлиги. Барҳаёт руҳ, порлоқ хотира, гарчи жисми орамизда бўлмаса-да, қолганларни «Баҳром»даги янглиғ бунёдкорликлар, хайру савоб юмушларга етаклашини Раҳмоновлар сулоласи давомчиларининг бутунги иши яққол тасдиқлаб турибди. Руҳ ўлмасдир, қудрати эса беқиёс, дейишгани шу эмасмикан?!

2008 йил, декабрь

ҮЙФОНИШ

Сүзию ишида событ, ғамхұр ва меҳрибон, доно ва маслахаттүй, пири бадавлат, әзда пешволик ва комиллик мақомыға стиішган кишиларни хоразмніктер кадхудо деб атапади. Ҳаёт манзилларини ақл чироги-ла ёритиб, одамларга йүл күрсатгучи, ўрнак бұлғучи инеонларни улар тимсолида англашади. Айрим манбаларда қайд этилишица, ҳатто күпгина адолатпеша подшоларни ҳам кадхудоларға қиёслашған. Кадхудоларға ҳамма жойда ҳам дүч келавермайсиз. Бироқ Гурланда күпроқ учратасиз. Бу – воҳа ахлиниң ўз эътирофи, яъни Гурлан – кадхудолар эли. Масалага янада аниқлік киритамиз: кадхудолар – күпні күрган қариялар – бобо-момолар, турли, қасб-корлардаги кишилар: оддий деҳқон, ишчи, ҳунарманнан уста, табиғатор, фермер, ҳосилот, мұаллим, шифокор, ҳисобчи, раҳбар-ишибши қиёфаси ва тоифасидаги одамлар, қисқаси, доврудорлар. Қаҳрамонлық нипони, соврину мукофотларға сазовор бўлғанлар ҳам том маънодаги кадхудолардир. Ёкин таш олмоқ лозим, ҳамма ҳам қаҳрамон ёки ҳалқ вакили бўла олмаслиги боис, бу мақомдаги кадхудолар сони анча оз. Не мўъжизаки, донишмандлар эли – Гурланда сенатор рутбаси, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига стиішган кадхудо замондошларимиз ҳам бор.

Ёз. Нахта пегетацияси даври. Бепоён даға. Борлиқни қоплаган гўзалар гўёки денгиз мисол мавжланади. Қатор ораларни темир панжалы чўзинчоқ оёқчалари билан юмшатиб кетаётган чопиқ трактори даланинг нариги соҳили томон илдамламоқда. Трактор ҳозиргина қайрилиб кетган қирғоқ тарафдан даға бошига стиб келган икки киши ариқ бўйидаги баланд теракзор соясига беҳолгина чўккалади. Иссиқда даға кезавериб, ҷарчашгани кўринишларидан маълум. Ўтирган кўйи тракторининг даға бўйлаб бир маромдаги ҳаракатини кузата кетишиди. Бир пайт улардан бирининг юзида ажабланыш аломати пайдо бўлди ва шеригини туртиб деди:

— Қара, менимча тракторнинг мўриси тутун пуркамайти!?

— Ҳа, тўғри. Тутунни негадир мен ҳам кўрмаяпман.

— Ундан бўлса, ортидан югар. Тўхтат. Мендан кўра ёшроқ, илдамоёқсан.

Ҳамроҳ йигит ҳаллослаб юрганча ўзини далага урди. Қани энди, анча-мунча бўй тортган ғўзаларни оралаб, югура олса. Бунинг устига чарчоқ аломатлари. Ҳар қалай, у тракторга стиб олди. Бу орада чарчогини унугиб, тезда ёёққа қалқсан ҳамроҳи ҳам изидан стиб келди.

— Айбинг нималигини биласанми? — сўради у механизатор йигитдан, зўриқсан асабларини бирмунча босиб олишга уринаркан.

— Биламан, «శ්శුල්‌», аммо тракторга жавр қилмайин деб...

— Бўлмаса, ерга жавр қилиш керак экан-да, шундайми?

Механизатор йигит саволга жавоб беролмади. Орага сукунат ғўкди. Тракторчини ачитиб койишдан наф йўқ. Лекин қилган хатосини тушунмоғи керак. Афтидан, у бир неча кун аввал — экин қатор ораларини чопиқлашга қарата берилган кўрсатма-маслаҳатни қулогида сақлаб қолмаган. Шу боис бу галги кўрсатма шамолга учмаслиги даркор. Дала соҳиби ана шунни назарда тутаркан, чопиқ чуқурлигини ўлчашга уннади. Афсус, ер атиги 16-18 сантиметр қалиниликда культивация қилинган. Хуллас, тракторчи яна койиш эшилди.

— Буниси кетмайди, иним, — деди ер эгаси норозилигини яширолмай. — Биласан, ғўза юмшоқ тупроқдагина чуқур илдиз отади. Шундай экан, эгатни камида 28-30 сантиметр чуқурликда чопиқ қилиш керак. Сен тракторни аяб, ерга жабр қилмоқчисан, бизга эса трактордан кўра ер муҳимроқ. Культивация доимо чуқур қилиб ўтказилиши керак. Шуни эсда тут ва удалай олсанггина рулга ўтири!

Гурлан туманидаги «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги

даласыда бир неча йил олдин бўлиб ўтған ушбу муроқот наинки ўша механизатор йигит, баъзки бошқалар учун ҳам яхшигина сабоқ бўлди. Даля меҳнаткашлари ва техника жиловдорлари бу сингари хатоликларга ортиқ йўл қўйишмади. Хато ва қусурларсиз бажарилган ишларниң меваси ҳамиша мўл ва тотли. Ҳали бу ҳақда сизга бафуржга айтадиган муроҳазаларимиз бор. Ҳозирча эса яна ўша воқсага қайтамиз. Биани ҳали-ҳамон бир нарса танг қолдириб келади. Хўш, фермер Гуліммат Ҳайтимматов ўпандада тракторниң тутун бурксимаётган мўрисига боқиб, культивацияниң саёалигини қандай пайқади экан? Саволниң жавобини Ҳайтимматовнинг ўзидан эмас, турланлик кадхудолар сирасидаги яна бир номдор инсон, уста фермер ва қурувчи Исмоил Йўлдошевдан эшитдик:

— Деҳқончиликнинг минг бир синоатидан хабардор одам эканлигини мен сабиқ шўро колхозига раис, у эса бригада бошлиғи бўлиб ишлаган кезлардаёқ англаганман, — деди у муроҳаза билан. — Оддий культивацияни олиб кўринг. Ўзига биркитилган тракторни «тишининг қавагида» асраб юрадиган айрим механизаторлар даланинг бир қарапда қўзга ташланадиган четки сидрасига етганда, «ёшулли кўрсин» учун культиватор омочини ерга чукур ботиришади. Бундай пайтларда зўриқкан трактор осмонга буркситиб тутун пуркайди. Омочи ерга чукур ботмаган трактор эса ҳечам зўриқмасдан инлайди ва табиийки, тутун ҳам пуркамайди. Ана ўша тоифадаги механизаторлар бригадир, эндиликда эса фермернинг кўзини шамғалат қилиб, даланинг одатда камроқ кўздан кечириладиган жойига етганда культивацияни номигагина ўтказиш пайида бўлишади. Бу каби «йин»лар «тиши далада чиққан» Гулімматга беш бармоқдай аён.

Исмоил аканин деганларини арзимас чўпчак ёки икирчикирга йўйолмайсиз. Сўзниң исботига қулоқ тутинг. Аввало, деҳқончиликда икир-чикирнинг ўзи йўқ. Қолаверса, зироатчиликнинг майда-чуйда ёки икир-чикир аталмини жиҳатларини билган одам, унинг барчага аён, ҳар

кун ва қадамда бир намоён бўлгучи тарафларини билмайди, дейсизми. Суҳбатдошимизнинг эътирофига қараганда, Гуліммат Ҳайтимматовнинг ўзгалардан устун ва яхшилик тарафидан ажралиб турувчи томонлари ниҳоятда кўп. Шу пайтгача ўзи стишган барча рутбаю мартабалар, унвону совринилар, мукофотларга чиндан ҳам муносиб одам. Меҳнат ва тиришқоқлик, чидам ва матонат, фидойилик ва одамийлик бобида унга бўйлаша ва у билан баҳслаша олгучи кишиларни топиш амримаҳол. Бир сўз билан айтганда, амалдаги деҳқончиликнинг ҳам, инсонийликнинг ҳам пири, академиги. Агар шундай бўлмаганида, қайси валломат инсон бир чақирим йироқдаги тракторнинг мўрисига қараб, чопиқ сифатсиз ўтказилаётганлигини айтиб бера оларди? Гуліммат акага ишдаги бу сингари пасту баландликларнинг беш ёки ўнтаси эмас, барчаси – қанча бўлса, шунчаси аён. Шунинг учун ҳам уни хоразмликлар дала академиги саняшади-да! Бинобарин, шундай бўлиши ҳам табиий. Негаки, Ҳайтимматовга хос ҳаёт йўли айнан шуни тақозо этади. Шу хусусдаги сўзимиз аввалида айтиб қўяйлик: ниятимиз қаҳрамонимиз умри пиллапояларини санашибдан иборат эмас. Муҳими – умр мазмуни ва шу ҳақдаги баҳоли – қудрат ҳикоямиз.

Ушбу рисола битилаётган чоғ қаҳрамонимиз мўътабар 60 ёшнинг остонасидан ҳатладилар. Одатда бу ёшдаги инсон ҳаётининг 35, нари борса 40 йили фаол меҳнат ва турмуш қучорида кечади. Қаҳрамонимизнинг иш стажи эса анча кўп – 44 йил. Яна дeng, унинг бари деҳқончилик жабҳасида кечган. Ҳаёт тажрибаси эса бундан-да кўпроқ. Гурланлик шоир ва журналист Турсунбой Каримов қаҳрамонимиз хусусида шеър битган:

*Сен каби баҳт топса одам ишидан,
Яшаб авадийлик таҳтини қурса.
Ватан, халқ минг рози бундай кишидан,
Арзир ишларингни фаҳр этиб юрса.*

Аксарият ота-оналар дилида бир орзу: фарзандим кат-

такон даргоҳларда ўқиса, таниқни олим бўлиб стишса ёхуд юқори лавозимларда ишлаб, ўзгалардан устунликка эришиша, деган ширин ўй-хаёллар. Қанийди, бу каби эзгу орзуумидларнинг бари рӯёбга чиқса. Аммо юрт ва жамият барқарор экан, унга ҳар мақом ва ҳар тоифадаги кишилар, шу жумладан, толиби-илмлар, олим-алломалар, раҳбар-ишбошилар қатори оддий касб соҳиблари: ишчилар, хунармандлар, деҳқон ва чорвадорлар, машина ва меҳанизмларнинг жиловдорлари, муаллиму шифокорлар – барига барига сув билан ҳаводек зарур. Инсонийлик замонасида ҳар битта одаму ҳар бир касб-корга ўрин, инсоннинг меҳнати, лаёқатига яраша рағбат-мукофот, хулқи-феълига яраша сийлов бор. Шундай экан, инсон ўз баҳтини нуқул юқори амаллар, мартабалар ёки олимлик рутбаларидан ахтармаслиги лозим. Эл ишини билиб қиласди, одамларга нафи тегадиган кишиларни, улар қай жабҳаю, қайси касбкорнинг соҳиби бўлишмасин, бошга кўтаради. Сўзимиз тасдиги учун далил: ал эъзозлаган кишилар – орден-медаллар, уивонлар, қаҳрамонлик нишонларига, депутат ва сенаторлик мақомига сазовор бўлганларнинг аксарияти – оддий касб-кор соҳиби. Буни назарда тутса, инсонни баланд амалу мартабалар, юқори идоралардаги хизматидан кўра оддий ишлар қучоғида эл-юртга баҳинида этилган ҳалол ва фидойи меҳнат кўпроқ эъзозлаши, баҳту иқбол келтиришини тасаввур этиш қийин эмас. Қаҳрамонимиз Гулиммат Ҳайтимматовнинг ҳаёти ва фаолияти – бунинг ёрқин тасдиги.

Афесе, ўтган аср, ўтган замонада умргузаронлик қилган Ҳайтиммат ота ва Гулпошиша она етти фарзанднинг тўнгичи – Гулимматнинг ўқиб олим бўлиши-ю, баланд мартабаларга эришишини на орзу, на тасаввур эта олишиди. Бунга оиланинг моддий имконлари монелик қилди. «Ўғлимиш бошқа колхозчилар каби далада кетмон чопиб, деҳқончилик қиласа, шунинг орқасидан оила қуриб, бир нави рӯзгор тебратса», – деган ўй-хаёллардан нари ўтишолмади. Умрининг олтин фаслини деҳқончилик юмушларига

бахшида этишса-да, косаси оқармаган, қорни түйіб овқат смаган, эгни бут бўлмаган кишилар бундан ортигини орзу қила олишармиди? Хуллас, кўз очиб ўзини далада – ҳазрати дэҳқон ўтган ота-онаси (охиратлари обод бўлсени) ёнида кўрган мурғак Гулиммат уларнинг хоҳинига кўра 8-синфни туталлаб, ўқиши йигиштириди, бутунлай далага отланди. Орамизда бутуп умри қишилоқда кечса-да, экинтиксин ислигини билмай яшаетганлар ҳам бор. Бундайлар аввал ҳам бўлган. Гулимматнинг йўли улар билан бирга эмас. Ноф ҳам, муболага ҳам эмас: саккизинчини биткашибоқ, далани ўзига бир умр макон тутган ота ўғил бу табаррук масканига ҳақиқий дэҳқон қисёфасида кириб келди. Буни собиқ колхознинг ўша кезлардаги синчков ва кўпни кўрган «ёшулли»лари кўриб ва билиб туришарди. Шу боис уни оддий дала юмупларига эмас, балки, бригадада ҳисоб-китоб ишларини юргизувчи табелчи вазифасига тайин этиши. Орадан бор-йўғи 4 йил ўтди. Ҳали 20 ёшни қаршилааб улгурмаган норгул йигит даладаги энг масъул вазифа – бригадирликка тайинланди. Эсимизда, колхозлар замонасида даладаги бу юмушни ҳеч ким, шу жумладан, ушбу вазифани гарданига олганлар ҳам хушлашмасди. Сабаб, иши – оғир, роҳатидан кўра азоби, рағбатидан кўра маломати қўпроқ, раис ва сони юз бошқа катта-кичик «ёшулли»ларнинг минг бир зуғумиу дашномига ҳам дош бермоқ керак. Хуллас, бу ишни чидаганга чиқарган. Чидаганлар эса назар ва эътиборда. Даврнинг бундай талотўларига умри бино бўлиб меҳнату машаққат, оби ёғону эски чориқдан бўлак ҳеч нарсага эга бўлолмаган Гулиммат сирасидаги кишиларгина дош бсрса олишади, нозиктабъ «ёшулли»ларнинг таъна-дашномларига ҳам шулар туриб беришади. Чунки бундайларнинг кўз очиб кўргани – дала, билгани – меҳнат. Ўзга жойда, ўзга одамлар орасида яшаш ва ишлашни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди, тасаввур ҳам эта олишмайди. Шу боиски, уларни қувласанг-да кетишмайди. Ҳар қалай, эл-юрт учун қилинган меҳнат бенз қолиб кетмаскан. Умри бино бўлиб,

эшакдан ўзга уловга ёлчимаган кекса Ҳайтиммат буванинг оиласи 1980 йили тўнгич ўғилга мукофот тарзида берилган «Москвич» машинасига эга бўлди. Меҳнат майдонидаги жонбозликлари учун ота ўғилга берилган 2 та орден ҳам оила нуфузини оширди. Гулімматнинг ўзи эса неча-неча бор газета саҳифалари, «ойнаи жаҳон» кўрсатувлари, радио эшиттиришларининг қаҳрамонига айланди, катта-кичик йиғинлар тўри унга ажратиб кўйиладиган бўлди. У бригадирликни 1971 йили 60 гектар беунум экин майдони билан бирга қабул қилиб олганди. Орадан 13 йил ўтиб, майдонлар сатҳи 205 гектарга стказилди. Наинки Гурлан, балки бутун Хоразм вилояти бўйича энг юқори ҳосилдорлик унинг бригадасида қайд этилди. Шу каби ютуқлари, ишбоши мақомидаги истеъод ва салоҳияти учун Гулімматни тез орада мансаб билан сийлашди – бригадирликдан колхоз раиси муовинлигига кўтаришди.

Деҳқон – катта сиёсатдан ҳам, номдор сиёсатдонларга яқинликдан ҳам холи тургучи шахс. Унга ва уларга эҳтиёж сезмайди, иши ва турмуши шундай. Меҳнатдан бўлак «әрмак»ка бош қотирмайди. Унга иш бўлса, шунинг ўзи кифоя. Қисқаси, ҳаёт майдонида оддий изкорчи. Шу сабабки, эъзозу мартабаларга ҳам нуқул ҳалол ва фидойи меҳнатлари эвазига эришади. Сиёсатни эса ташгалайи «сиёсат» сўзи билан кўтарилган сиёсатдонларга чиқарган. Улар ўзларидан ўзгаларни тан олишмайди, ёнларига яқинлаштиришмайди. Яшириб нима қилдик, бор гап борлигича айтилмоғи, ҳақиқат тан олинимоғи керак: шўро замонасида деҳқон ёки ишчидан «ясад қўйилган қўғирчоқ»ларгина депутат, «сиёсатчи» бўла олишарди. Оддий меҳнат кишиларини эса мақтов ёки орден-медалларга «сотиш», «президиум»ларга сайлаш йўли билан юмушларнинг оғирига йўллашарди ва бу ҳам чин ҳақиқат. Деҳқон аҳли зап бағрикенг, очиқкўнгил халқ-да. Агар шундай бўлмаганида, ўзини ўша кезлардаёқ анилаган, ғараз ва сир-синоатга беланганд қизил ранг, «ялтироқ» тус мақтов ва мукофотларнинг фарқи, моҳиятига етган бўларди. Бизнинг Гуліммат

эса қай иш ёки мансабга йўллашмасин, дәҳқонлигича қолди. Ҳайтиммат ота ўқимаса-да, уққан одам. Шу боиски, дилида армони ҳам бор: жигарбандини ўз вақтида ўқишга йўллай олмаганидан афсуседа. Энди эса мавриди. Кунларнинг бирида у Гулимматни қошига чорлади: «Ҳалол меҳнатинг-ла барбодликка юз тутган рўзгорни бир нави тикладинг, уйландинг – Бозоргулдай вафоли ва эпли-сепли келин боинингта баҳт қуни бўлиб кўнди, ўқгам ва қобил фарзандларинг бор, энди ўқи», – деди. Отанинг хоҳинни – ўтил учун амр. Кечки мактабда ўқиб, ўрта маълумот олган Гулиммат ўша йили ҳужжатларини Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти (ҳозир Аграр университет) сиртқи бўлимига топшириб, талабалик даражаси, беш йиллик ўқувдан кейин эса олий маълумотли ҳосилот дипломига эга бўлди. Ўшандан бўён ҳам орадан 25 йил ўтди. Бу фурсат ичида соҳилида Гулиммат тер тўкаётган азим Аму узра беҳисоб сувлар уммони оқди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди, таърифини бонг қилиб чалса араигулик янгиликлар, воқеа ва ҳодисалар рўй берди. Қаҳрамонимиз Гулиммат ҳам энди аввалги «ижрочи» Гулиммат эмас, жамиятнинг фаол аъзоси – қалби ҳам, жисми ҳам ўзгача сувратда на-моён ажойиб фазилатли одам, элдош-юргардошлар наздида ҳазрати деҳқон ва ҳазрати инсон, бир сўё билан айтганда, том маънодаги кадхудо инсон. Аммо унинг ўзгаришлардан холи тарафи ҳам бор: меҳнаткашлиги ва ғайратчанлиги ўшанда қандай бўлган эса, ҳозир ҳам шундай. Ҳисоблаб чиқишибди: фермер Гулиммат ўзининг 100 гектарлик экинзорларини оралаб, ҳар куни камида 20-25 чақирим йўл юаркан.

Меҳнат кишисининг тақдирни шу бўлди: шўролар ҳокимияти «намоянда»лари инсонийлигининг турқини қаранг: кечмиш асрнинг 60 – 70 йиллари бир ҳалол меҳнаткашнинг камтарин хизматлари орқали обрў топган ўша бандалар 80 йиллар ўрталаган чор улар тақдирини эмас, балки ўзларининг азиз жонларини асрани пайига тушишибди. Гулиммат сингари ҳалол ва фидойи одамлар нечоғлик

жүшиб, тошиб ишлашса-да, бирор «ёшулли» унга «раҳмат» демайды. Буниси ҳолва, Гдлянга ўхшаган «салбчи»-ларга қолса, яхши-әмөннинг фарқи ҳам йўқ, барини ямламай ютмоқчи. Яхшиямки, собиқ иттифоқ Олий Советида Ислом Каримов бош бўлган ватанпарвар юртдошлиаримиз қора ниятли кимсалар йўлини тўсишди, Ўзбекистон томон отилган ўққа кўксини қалқон қилишди, попугини пасайтириб, эсини жойига солишиди. Бироқ инцирор тўфони жамиятни аллақачон қамраб олганди.

Социализм «салтанати» дарз кетар чоғи Гулиммат раис муовинлигидан бўшатишларини сўраб ариза ёзи, ўзига қадрдон далалар қошига, азалий иши – бригадирликка қайтди. Таъкидлаш жоиз: Гулиммат раис муовинлигигача ўтган 13 йил мобайнида ўзи бош бўлган қолоқ бригадани нафақат хўжалик ёки туман, балки бутун Хоразм воҳаси бўйича энг пешқадам жамоалар сафига олиб чиқишга муваффақ бўлганди. Раис ўринbosарлигидан бўшагач, у аввалги иш ўрнига қайтмади. Амударё соҳилларида кўпдан буён қаддини тиклаб ололмаётган яна бир қолоқ бригаданинг раҳбарлигини сўраб олди. Бригада деймиз-у, аслида экин-тикинга арзигулик ернинг ўзи йўқ. Бори эса – Амударё ортга чекиниши натижасида ҳосил бўлган бўз ерлар. Бундай жойларда одамлар муқим яшашмайди, аниқроғи тошқин хавфи боис, яшай олишмайди. 8-10 чақирим йироқдан қатнаб ишлашади. Ишга улов бўлсагина, келишади. Хайрият, бригадир Гулимматнинг талаби инобатга олинди – ишловчилар учун автомашина ажратилди. Амунинг бир неча юз гектарлик собиқ қумлоқ ўзани тез орада соғ тупроқли унумдор далага айланди. Гулиммат йўқдан борга дўндирилган бу обод масканда то 2000 йилгача ишбопи бўлди. Шу вақт ичида мазкур майдошларнинг унумдорлиги 18-20 дан вилоят бўйича энг юқори кўрсаткич – 80 балл-бонитетигача етди. Она заминга писбатан шафқатсизларча муносабатда бўлингани оқибатида, колхоз далаларининг бари унумдорлигию ҳосилдорлигидан жудо бўлаётган бир паллада, Гулиммат раҳбар бўлган бригада

ерлари яшнагандан-яшнади. Ҳосилнинг ҳам, даромаднинг ҳам бири иккига дүнди. Колхозга қарашли барча бригадалар ўшанда хўжалик ҳисобида фаолият қўрсаттани, ҳатто режани уддалаганлар ҳам йил охирида қўлларини бурунларига тиқиб қолишиганини Вазир-Деҳқонобод қишлоғи («Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги шу ҳудудда жойлашган) аҳли ҳали упуганича йўқ. Кўпроқ ўз кучи ва техникага орқа қилиб ишлаган Ҳайтимматов бошлиқ жамоада ўша йиллари харжланган ҳар сўм 3-4 сўмлик мунтазам даромадни олиб қайтди ва бу маблағнинг аксарияти ишловчилар ўртасида тақсимланди.

Қаҳрамонимиз ер ҳазина эканлигига аллақачонлар иймон келтирган. «Ердан самара олиш борасида авж нуқтага етиб келдик, бундан ортиғига йўл йўқ, деган фикр ўшанда ҳатто ўзимнинг хаёлимни ҳам банд этганди, – деди у замин саҳоватига тан бераркан. – Фермерлик соҳасига келгач, вазият тўла ойдинлашди, ҳосил ва даромад ҳажмини оз-оздан бўлса-да, йил сайин ошира бориш мумкинлигини англаб етдик. Афсус, имконларимиз анча кўп экан-у, уни билмай ва кўрмай юраверган эканмиз. «Фермер ўша имконларни бир-бир санади. Айтдики, ер эгаси хоҳласин-хоҳламасин даланинг ҳар бир қаричига маблағ харжлайди. Кузакда кўтариладиган хирмон ўща маблағни деҳқонга фоизлари билан қайтариб бермоги даркор, акс ҳолда ишингдан маъни йўқ. Шу боиски, ўзини билган ер соҳиби харжини ортиғи билан қайтариб олиши иштиёқида йил бўйи тер тўкиб ишламоги керак. Яъни манфаатдорлик ҳисси таъсирида юзага келадиган анча юқори ишчанлик кайфияти – ер самарадорлигини оширипнинг энг муҳим шарти. Бошқа бир шарти, аввалгилардан фарқли ўлароқ, уругни юз фоиз ундириш, дала четлари, йўл ва ариқ бўйларини колхоз даврида бўлганидек, экинсиз қолдирмаслик зарур. Бу ҳисобга ҳосил ва даромад ҳажмини кам деганда 10-12 фоиз ошириш мумкин. Бундай имконларнинг яна биттаси – тежкамкорлик ва омилкорликда. У ранго-ранг кўринишида. Эндиги омилкор фермер ҳатто ариқ

ва захкашлар бўйларини ҳам беәкин қолдирмайди, тол, терак ёки жийда экиб, «бир ўқ билан иккى қүёпни уради», яъники, ушбу дараҳтларнинг мустаҳкам илдизи деҳқонни сув йўлларини тез-тез лойқадан тозалаб туриш ташвишидан халос этса, ёғоч ёки ходаси иморатга ишлатидаи. Экиш жараёнини олиб кўринг: олдинлари ерни бир трактор ҳайдаб берса, яна бири бороналаб, бошқаси молалаб кетарди. Ҳозирги омилкор фермер бу юмушларнинг барини битта трактор ёрдамида бемалол уddaлаши мумкин. Ана шу каби омилларга суюнган деҳқоннинг чўмичи мойга тўлади, истаганига эришади. Шундай бўлди ҳам...

«Хайтиммат ота»нинг соҳиби, ўзи тан олиб айтишича, фермерликка ҳар томонлама тайёр ҳолда келолгани йўқ. Тўғри, деҳқончилик жабҳасида унга тараф кишилар воҳада йўқ ҳисоби. Бироқ фермерлик – ҳали очилмаган кўриқ. Умри чанг-тупроқ орасида дала қезини, «шушлли»лар топширигини изжо этиш билан ўтгаётган кишилар бу майдонда бирданига чопқиллаб юришолмайди. Бунисиям ҳолва, асосий муаммо – «қўлнинг калталиги». Колхознинг номи улув, аммо супраси қуруқ. Гулімматга ўхшаган ҳалол ва пок кипшилар унинг меҳнатини қилишган-у, ионидан десярли бебахра қилишган. Шу сабабдан ҳам у фермерликни дарҳол ва ўйламай-нетмай ихтиёр этипдан ўзини тийди.

Собиқ раис Исмоил Йўлдошев ҳикоя қиласи: «Гулімматга ўхшаган уста деҳқон, кўнгли пок, ҳалол ва эл-юрг хизматига доимо камарбаста дилкаш инсонлар фермерлик жабҳасидан четда қолиша, бу – уибу ҳаракат учун чинакам йўқотиш. Шу боис унинг кўнглига ўзимиз қўл солдик. У эса «колхозни ташлаб кетиш, инсофданмикан?» – деган андишага ҳам борди. Юрагига қулоқ тутдик: фермерликка ҳаваси бор, бошқалар юрган йўллардан мен ҳам юрсам, дейди. Фақат хўжалик юритишнинг бу янгича усули ҳақида билими озлиги ва чўнтаги бўпилигидан иолиди».

Ўзбекистон истиқлоли Гулімматга ўзлигини англатди. Чинакам эъзоз ва ҳурмат-эътиборни шу туфайли топди.

Шўролар замонида бессийлов ва беэътибор қолиб кетган меҳнатлари шу айёмда қадр ва рағбат топди. Тўғрироги, Гулімматнининг қалби ва жуссасига жо ғайрату матонат, жасорат, ҳалоллик, поклик, фидойилик янглиғ талай инсонийлик сифатларини истиқлолимиз кашф этди. 1993 йили қишлоқ хўжалиги жабҳасидаги кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнати муносиб баҳоланди: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлди, орадан икки йил ўтиб, «Меҳнат шуҳрати» ордени, яна бир йилдан сўнг «Шуҳрат» медали, тарихий саналар арафасида эса Ўзбекистон Мустақиллигининг 1, 10 ва 15 йиллиги юбилей нишонлари билан тақдирланди. Булар мустақиллик айёмида Гулімматга берилган давлат мукофотларнинг ҳаммаси ҳам ва билингизким, энг каттаси ҳам эмас. Меҳнат кишиисининг ҳурлик замонасидаги сарбаланд обруси, энг катта ва чинакам мукофотлари ҳақида ҳали сизга демоқчи сўзларимиз бор. Ҳозирча эса...

Ана энди ўзингиз айтинг: фермерлик рутбаси аллақачон ср илмининг академиги, одамларга ғамхўр ва меҳрибон ишбоши, чин инсон сифатида танилган Гуліммат сийратидаги қишиларга муносиб эмасми? Олинган мукофотлар унинг қобилиятидан дарак бермайдими? Гулімматни фермерликка тақлиф этган «ёшулли»лар айнан шуни назарда тутишгани беш бармоқдай аён.

2000 йил Деҳқонобод қишлоғида «Гуліммат фермер бўлибди», – деган овоза тарқалганида, деярли ҳеч ким ажабланмади, аксинча, кўпчилик «Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди», – деб кўя қолди. «Ҳали кўрасиз, ундан энг зўр фермер чиқади», – дегучилар ҳам кўп бўлди. Гулімматнинг ўзи эса истиҳола қилгани-қилган. Тунлари ётиб уйқуси келмайди, тушида ҳам, ўнгиде ҳам дала кезади, ўзига-ўзи инонмайди, бирон парсага эҳтиёж сезганида, уни олдинлари риисдан, колхоздан сўраб олганлари хотирада гавдаланади, энди уни ҳеч ким беролмаслигини ўйлаганида эса, батъзан вужудини қора тер қоплади. Мушкулоту муаммолардан қутулишга уннамаганинг куни қур-

син, Гулиммат ана шу қора күнга қолмаслик чораларини излайди. Билганинни амалда құллайди, бизмаганларини сүраб ўрганади, фермерлик сабогини бергучи китоблар, қонуи ҳужжатлари, юртбошимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари матнини құлдан қўймайди. Кўпинча «чўт қоқади», зарар келса, қувлашга, фойда келса, йўл очишга ҳаракат қиласди. Ҳа, у ўзига-ўзи ишонмайди. Бироқ ўзгалар унга астойдил ишонишади, қалбида масъуллик ва масъулият ҳисси борлиги, юрагида ўти, билагида кучи бисёрлиги, мураккаб вазиятлардан қутулиш, мушкүлоту муаммоларни бартараф этиш йўлида туну кун бош қотираётгани учун ҳам ишонишади, астойдил инонишади. Ўзгалар ишончи бора-бора Гулимматининг ҳам ўз ишончига айланди ва у бежиз рўй бермади. Фермерликнинг дастлабки йили чакки якунланмагани, айрим умидбахш натижалар йил охирламаёқ мана-ман, дея чиқиб келгани бунга сабаб бўлди. Аммо у яна бир чип воқеликни ҳам мампуният билан таъкидлади: «Энг катта ва ҳақиқий ишончини Президентимиз даъвати, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари, чиқарган фармон ва қарорлари, дехқон аҳли – фермерга бўлган чуқур меҳр-оқибати, у киши билан бўлган юзма-юз учрапувлар, мулоқотлар туфайли орттирдим», – деди. Ҳа-да, юртимиз йўлбошчиси, ҳалқимиз ва давлатимиз қайишган, қўллаган, оқ фотиха берган, кенгаш ва маслаҳат-ла баҳамжиҳатликда қилинган ишлардан доимо наф чиқади. Фермер Ҳайтимматовнинг уқдиришича, ана шу сингари мададкорлар ёнида бўлмагани ва қўлламаганида, ишончга ҳам, ютуққа ҳам, сарбаланд обрў ва мартабаларга ҳам стиша олмасди. «Ёшусли»лар бригадирликдан фермерлик жабдасига келган Гулимматга шу даража инонишдикি, дастлабки палладаёқ унга анча йил муқаддам ўзи бош бўлиб ўзлаштирган соҳилбўйи ерларининг бир йўла 100 гектарини ажратиб беринди. Фермер дилини қоплаган оғир ўй ва апдишалар ҳам асоссиз бўлиб чиқди. Имтиёзли шартлар асосида маблагни банк, техникани колхоз берди. Буёғига ер қаровини ўринлатишнинг ўзи кифоя. Бу масалада

Гулімматта тараф бўла олгучилар йўқ ҳисоб. Шундай бўлса-да, фермерда ором йўқ. «Деҳқончиликни-ку бир нави биламан, техника билан ҳам тиллаша оларман, лекин пул ўйнаб ўрганимаганман, бундай вазиятда маблағ харжлашдаги нўноқлигим панд бермасайди», – деган андишани ҳали-ҳамон бошдан ўтказиб келади.

Хеч ким она қорнидан фермер бўлиб туғилмайди. Бу касб – уни нуқул бойиш манбаи деб билган, ўзгалар ман-флатидан қўл силтаган, шу боис ихлос ва эътиқодини ундан дариг тутган, срни алдан пайида бўлган гараз ниятли кимсалар учунгина кулфат. Астойдил интилган ва изланганларнинг эса йўли бўлак. Гарчи улар она қорнидан фермер бўлиб туғилмасалар-да, туфма фермерларга хос сифатларнинг барини бемалол амалда намоён қили олишади ва бу йўлдаги мушкулот улар учун омонат, ўткинчи. Тебса-тебраимас ва такасалтанглардан албатта қўл силтамоқ, интилган ва изланганларни эса қўлламоқ, ўзига ва ишига умид боеламоқ керак. Гуліммат бу янглиғ маҳад ва хайриҳоҳликка фермерликнинг илк фаслидаёқ гувоҳ бўлди, иймон келтирди. Яна бир омилни англади. Бир йўла 100 гектар ерни унга инониб топширишгани нур устига аъло нур бўлган. Негаки, ери оз, камхарж ва камқувват фермернинг топганига ҳатто қуни ҳам тўймайди. Оз ердан оз, кўп ердан кўп даромад келиши эса қундай равшан. Моддий имконлари бисёру, зироатчиликка оид билими саёз ер-мулк соҳибларига ҳам дуч келамиз. Деҳқончилик илмидан боҳабар кишиларнинг яна бир қўшимча имкони борзигини назарда тутмоқ даркор. Улар ер ва экин қаровини беш бармоқдай билишгани боис, даромаду буромадни қўша қилиб олишади.

Колхоз учун 35 йил тинимсиз меҳнат қилса-да, келтирган даромадининг буромадига етиша олмаган Гуліммат фермерликнинг дастлабки бир-икки йилидаёқ ёнга қолган соғ фойданинг ўзи бўйича қишлоқ миллионерлари сафига қўшилди. Ушбу сатрлар битилган 2009 йил боинда эса «Ҳайтиммат ота»дан нома келди. Унда битилишича,

2000 йили деярли қуруқ қүл билан иш бошлаган фермер бир неча йил ичідағе 350 миллион сүмлик мулк-бисот орттирибди. «Шуро тузуми йиллари мен меңнат қылган хұжалик ҳосил ва ҳосиһдорлық бобида илғорларнинг илғори саналарды, – әкесі қылади «Хайтиммат ота»нинг соҳиби. – Биласизми, ўша пешқадам колхознинг йил бүйі қылган даромади ҳатто янги йилга етмағе аденига етар, ақсарият ҳолларда эса, бир неча минг қишилик жамоанинг түрт фасл давомидаги машиққатли меңнати бутунлай шамолға совуриларди. Фойда қайда дейсиз, нуқул зарарға дуч келинарди. «Хайтиммат ота»нинг соҳиби сармоясини сир сақладамади: «Колхозға қараганда чандон боймиз, йил – ўн икки ой банкда пул сақтаймиз», – деди. Фермер бу гапни беасос айтмади. Рентабеллик күрсаткичи йил сайин 30-40 фоиздан кам бўлмаётганлигини, колхоз тузуми йилларида эса бу күрсаткич нари борса, 5-10 фоиздан ортиқ бўлмаганлигини ётиғи билан тушунтириди. Биз эса ўйланиб қолдик: бу янглиғ салмоқли сармояларни ўз вақтида қишлоқнинг колхоз аталмиш ҳукмдор тузилмаси ҳам қўлга киритиши мумкин эди-ку ва башарти, ўз юмушларини она заминимизнинг ҳозирги соҳиблари ишига монанд тарзда ташкил этганида борми, ўҳ-хў, 70 йил мобайнида эришган мэрраларни, тўплаган бойлиги қанча бўларди?!

Колхозни 70 йил мобайнида ўз исканжасида ушлагани етмагандай, уни охир-оқибатда ер билан яксон этган бешафқат ғаним ким әкан? Жавоб тайин: колхозни одамлар онгига ўчмас ва сўнмас туйғу бўлиб кирган, мулкчилик ва манфаатдорлик йўлларига қўйилган машъум тўсиқлар маҳв этди. У ҳолда фермерлик йўлларини наинки тўсиқлардан холи этган, балки унга нурағипонлик ҳам бағишлаган омил нима? Унинг жавобини ҳам мулкчилик ва манфаатдорлик аталмиш эзгу туйғудан изламоқ керак. Фермерлик даврига келиб ўша тўсиқлар йўлдан буткул олиб ташлаңди. Эндилиқда Ўзбекистон давлати, унинг узоқни кўзловчи йўлбошчиси, бутун ҳалқи ўзининг миллионер

қиёфасидаги омилкор ва тадбиркор фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ким аслида кимлигини билмоқ истаганлар ана шу таққослама фактнинг ўзидан хулоса қылаверишсин.

Яна «Ҳайтиммат ота»нинг ҳузурига қайтамиз ва табиийки, колхоз томонидан бой берилган имконларга эмас, замона шароғати, мүлкүй манфаатдорлик ҳисси туфайли фермер қаҳрамонимиз қўлига қўнган имконларга тўхтalamиз. Амин бўлдикки, «Ҳайтиммат ота»нинг соҳиби аксар юкни тасарруғидаги бутун бошли техника парки зимасига юклабди.

— Ишчи кучи ҳам бисёр-ку? — ўсмоқчилаб сўраймиз фермердан.

— Ҳа, тўғри, — дейди у тан олиб ва қўшимча қиласди, — ишлайман деганга иш тайёр. Бироқ кўриб турганингиздай, хўжалигимизнинг асосий ер майдонлари энг яқин аҳоли пунктидан 8-10 чақирим узоқда. Бунча масофага қатнаб ишлашга ҳамма ҳам рози эмас...

— Барча шароитлар старли бўлсаем-а?

— Ҳа, шароитлар старли. Одамларни ишга ва уйига ўз автобусимиз элтиб қўяди. Ҳар бир ишловчига ўргача энг кам или ҳақининг деярли 4 баравари миқдорида маош тайинлаганимиз. Дам олиш жойларимиз старли, кунига 2 маҳал иссиқ овқатни эса бепул берамиз. Ўзлари етиштирган ғалла, полиз, сабзавот маҳсулотларидан ҳам ҳар бирига улуш ажратамиз. Фермер хўжалигимизда қиши ойлари сайру томошалар палласи қилиб белгиланган, ҳозиргача Хива, Бухоро, Самарқанд, Нукус шаҳарларига саёҳатлар уюширилди.

Ҳайтимматовнинг айтишича, фермер хўжалиги 100 гектар экин майдонидан ташқари, 20 дан зиёд техника воситалари, бино ва иншоотлар, қорамол ва паррандалар, гарчи мўъжазроқ эса-да, ўз мевали боғига эга. Дала, йўл, ариқ ва захкашлар бўйларида минглаб туп қурилишибоп ва манзарали дарахтлар ўстирилаяпти. 47 нафар ёлланма ишчи уларнинг парвариши билан шуғулланади. Аммо бунча миқ-

дордаги мулк-бисот учун бу кифоя эмас. Юкнинг оғирі техника гарданыга юқлатылғани боиси апа шу. Бинобарин, техникага сұянғаннинг құли баланд ва у чиндан ҳам дәхқоннинг таянчи, сұянчи, хосият ва шароғатини эса тежаб қолинган маблағ ҳамда ишчи күчлари мисолида күрасиз.

Қўриқнинг кўзга яққол ташланувчи бир синоати бор: аввалига бундай майдонларни ўзлаштиришнинг ўзи бир азоб, катта ташвиш, қисқаси, ғалвали ва ғанғоли юмуш. Ер ҳам инжиқ: ўзлаштирилиб, дәхқон илкига топширилгач ҳам, ҳа деганда саҳоватини инъом этавермайди. Муттасил қаров ва меҳр-оқибат баробаринда бора-бора «юзи очилади». Бу жараён йиллар мобайнида давом этади. Ва охир-оқибат, сабр-бардошли ҳазрати дәхқон олдида яна бир «ташвиш» – сру кўкка сиғмас ҳосилни йиғиб-териб олиш намоён бўлади. Ҳа, шундай, сўзимиз муболага эмас. Амударё соҳилларидағи Бофот, Хонқа, Гурлан, Янгибозор; Қорақум ёқасидаги Хива, Янгиариқ туманларининг собиқ ташландиқ майдонларида шу ҳол рўй берганига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз. Энди эса уни «Хайтиммат ота»га қарашли соҳил бўйи ерларида ҳам кўриб турибмиз. «Сирасини айтсам, техникага сұянғанимиз туфайли ҳам бир қарашда адоги йўқдек тутолувчи ҳосилимизни ўз вақтида саранжомлаб олишга эришаётимиз», дейди фермер дўстимиз. У тапида ҳақ: тепасига «нарвон билан чиқиладиган» рўзаларга битган беҳисоб ҳосилни ишончли дастёрларен из йиғиб-териб олиш амри маҳол. Ундан ўша «адоги йўқ» ҳосилнинг аниқроқ ҳисобини сўраймиз. Сўнги йилларда пахтанинг ўртача ҳосили гектар бошига 45-50, буғдойники – 50 центердан кам бўлмаётган экан. Охирги мавсум (ҳикоямиз шу арафада битилганинин назарда тутишинизни сўраймиз) – 2008 йил сарҳисобига разм соламиз: фермер 65 гектар ерда ёнга ўстирибди. Олинтан ялни ҳосил 295 тоннани, ҳосилдорлик 49,2 центнерни ташкил этибди. 25 гектар саҳили галлазордан эса 125 тонна ҳосил упибди. Хўш, бунча миқдордаги хирмоннинг даромади

қанча? Фермер ғұза ууруғини ҳар йили бошқаларға қарағанда анча барваңт сепаркан, күпінча ууруғыл ҳосил етиштиаркан, нархи анча қиммат эса-да, ерига ўғитни аямастан ва қияғанмасдан сепаркан. Натижада, хирмон салмомига барака энаркан, янада муҳими: ҳосил әрта етиларкан. Бундан-да аҳамиятлеси, ууруғыл сифати юқори баҳоланиб, мұл маблағға йўл очаркан. Бүгдойнинг эса йўриғи бўлак. Фермер уни парваришилари жараённада асосий зътиборни экин илдизига қаратаркан. Томирга қувват эндирувчи маҳаллий, калийли ва сульфатли ўғитларга кўпроқ суюнаркан. Илдизи бақувват экиннинг каромати кўп – ҳосили мўл, сифати юқори, демакки, катта даромад гарови. Фойданинг бундан бошқа манбалари ҳам талайгина. Ёз чилласи ғалладан бўшаган майдонлар тез орада иккинчи бир экинни бағрига олади. Ва у ҳам бүгдойдан кам даромад келтирмайди. Хўжаликнинг ҳисобга кирмайдиган майдонлари: йўл, ариқ, солма ариқ, заҳкаш бўйларига соя-салқин ва иҳота бўлсин учун экилган тол-тераклар ҳам йилига 5-7 миллион сўм даромад бераркан. Фикримиз исботи учун битта далил келтирамиз: «Ҳайтиммат ота» арафа йили (2008 йил назарда тутилаяпти) деҳқончилик мавсумида биргина такрорий экиннинг ўзидан 55 миллион сўмлик сармоя ортириди. Салкам 150 миллион сўмни пахта далаларидан «топди». Бошқа даромадларни ҳам қўшиб ҳисоблагандан, 225 миллион сўмлик сармоя ва унинг 70 миллион сўмлик соғ фойдаси соҳиби бўлди.

Ўтган йиллар ичиде «Ҳайтиммат ота» фермерликнинг пасту баланд мансизилларини ортда қолдирган кўйи истиқболнинг кенг ва равон йўлларига чиқди. Кечмиш замонадана ҳалол ва мащаққатли меҳнатлари боис «дехқончилик академиги» мақомига стишган бўлса, истиқлол айёмида фермерликнинг ҳам «пирита»га айланди ва ҳали сизга айтган юрт кадхудолари сафидан жой олди. Мўмин-мусулмон юртимиз одамлари дилида бир эзгу туйғу, анъана Одам Ато ва Момо Ҳаво замонларидан бүён яшаб келади. Энг юқори рутбаларга ўз касб-кори билан бир қаторда ода-

мийлик аталмиш әзгу фазилатларни ҳам мүкаммал әгаллаган ажойиб фазилатли инсонларни муносиб күришади. Ҳаётнинг яна бир талаби бор: ўзгаларга бөш бўлган одам улардан кўра ақёлироқ эканлигини амалда намоён этмоғи даркор. Акс ҳолда, бирорга бопи бўлолмайсиз. Эл-юрг номидан сўйлашнинг масъулияти жа янада катта. Гуліммат Ҳайтимматов 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси қилиб сайланди. Бундай мақомга тасодифан эришолмайсан. Ҳар томонлама комилликка эришганларгина сазовор бўлишади бундай юксак ишончга. Умр талаби шу: ўз жонажон ишинг ва касбинг сирларини әгаллаш ҳамда амалда қўллани жараённида ҳосил бўлган инсонийлик сифатларини тўла рўёбга чиқармогинг, аввалимбор, одамлар турмушига ошно бўлиб яшамогинг, халқ ва жамият ҳаётини мүкаммал билмоғинг керак. Бундай сифатлар эл эъзозидаги яна бир тоифа кишилар, чунончи, юксак давлат мукофотлари, хусусан, қаҳрамонлик ёрлигига лойик кўрилган кишилардан ҳам талаб этилади. Бироқ бунда асосий эътибор касбий маҳоратга қаратиласди. Қаҳрамонлик унвони – давлатимизнинг олий мукофоти. Үнинг ўзга мукофотлардан йўриғи бўлак, талаби қатъйроқ. Яъни Ватанимиз қудратини юксалтириш, шон-шуҳратини оипириш борасида давлат ва халқ олдида улкан хизматлари билан танилган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда узоқ йиллар қаҳрамонона меҳнат қилган, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик, халқпарварлик руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялапга катта ҳисса қўшган пешқадам юртдошларимизгина унга мушарраф бўлишади. Эл-юрг назарига тушиб, кўп миллионли халқимизнинг бир исча юз кишилик саралангандан вакиллари: мамлакат олий ҳокимиёт органи – қонунчилик палатаси депутати ё сенати аъзоси қилиб сайланган ҳамюртларимиз ҳам ана шундай олижаноб сифатларни ўзларида намоён этмоқлари даркор. Шундай экан, сенаторлик ёки депутатлик мақомига сазовор бўлган бир қанча

пешкадам юртдошларимиз, пировардиа, қаҳрамонлик нишонига ҳам сазовор бўлишгани мантиқийлик далолати. Шундай юксак ишончга сазовор бўлиб, мамлакат олий ҳокимият органида сенаторлик курсисини эгаллаган оддий фермер Гулиммат Ҳайтимматовга 2006 йили «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди, шу ҳақдаги ёрлиқ ва «Олгин ўлдуз» медалини унга давлат раҳбарининг шахсан ўзи топшириди.

Оддий меҳнат кишисига насиб этган бундай эъзоздан қаҳрамонимизнинг бопи осмонга етди, лекин барибир, мукофотни ўзиники санамади, бутун жамоага билдирилган юксак ишончнинг ёрқин намунаси, жамулжам бўлиб қилинган меҳнатнинг тотли меваси билди. Бу масалада баҳс юритмоқчи эмасмиз. Айтилмоқчи гап шуки, қилинган меҳнат, намоён этилган шижоат ва матонатнинг мўли қаҳрамонимизга тегисили. Бироқ юқорида баҳоли-қудрат суврати чизилган бунёдкорликлар кўпчилик меҳнатининг меваси, ишбоши, йўлбошчи мақомидаги инсон матонати ва шижоати, ақлу салоҳиятининг натижаси эканлигини ҳам эътироф этмоқ зарур. Зоро, оддий қишлоқ йигитининг сенатор, қаҳрамон бўлиб танилишида, қаро ернинг зар ерга дўнишида у билан ёнма-ён, елкама-елка турган, ишининг оғириси ёнгили, аччиғию чучугига балогардон бўлган инилари: Сафарбой ва Ражаббой Ҳайтимматовлар, Юсуф Аҳмад Эшматов ва ҳақиқий дехқон қизи сифатида танилган сингилжони Орзигул Эшматованинг жасоратию фидойилигини баён этмасликка ҳаққимиз борми? «Ўхшатмагунча учратмас», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, «Ҳайтиммат ота»га қўл берганлар ҳам унинг соҳиби янглиғ ҳалол ва пок, меҳнаткаш ва заҳматкаш кишилар, фермер оғзини очди дегунча, ўпкасини кўра олгучи валломат инсонлар, ўз ишининг усталари – моҳир дехқон ва механизаторлар, илму малакаси юқори ҳисобчи ҳамда ишбошқарувчилар: фермер оиласи аъзолари, ёлланма ишчилар. Гулиммат оғага хос ишчанлик ва ин-

сөнийлик сиғатлари уларга ҳам ўттан. Зоро, шоир Тур-
сунбой оға битганидек:

Үзи бүлмас яратиш, қуриш.
Үзи бүлмас олдинда юриши.
Оғир юкни торған порлар бор,
Юрак торин чертіган созлар бор.
Холжоной қыз тарихи достон,
Бу күнларга етмади осон.
Толмас ерга ишлов бермакдан,
Қолиши майды ишда әркакдан,
Дархол ишнинг күзини топар,
Улар оти олдинда чопар.
Үрол, Ойбек чиқди отланиб,
Ғалабадан юрап шодланиб.
Кенг дағада күттар ой, ыныш.
Тоз қылады хирмон-жосилни.
Юзи қызыл бүгедой ион түседа,
Элда азиз, дәхқондир үстә!
Оқылжоннинг сұзи күп ширин,
Сұзыдан ҳам үзи күп ширин.
Ҳамробек – рүл түтгаптар бири,
Үнга аён техника сири.
Құшилмаштанинг жұш үрган қалби,
Бақындыр севади ҳалқын.
Жон күйдирар Раңио, Бағтишгүл,
Ҳалол қызмат – жарақ-жарақ пүл.
Нұрмат «пұллат от»ни елдирар,
Ишга қанча фойда келтирар.
Тозагүл қыз дағанинг жони,
Ҳар ышл үюксак жосыл хирмони.
Илхом дәхқон мәхнатда жұшар,
Эл ишига зұр ҳисса құшар.
Ишлаганды Ишомжон, Зодир,
Күрган киши дәхқон дер мөхир.

* * *

*От ўринин ҳаётда боссан каби той,
Ота касбин олди Озод, Жумабой.
Шавкат, Невъматжонлар дала бошида,
Мехнатидан эллинг кўзи, қошида.
Гулиммат фртоги Бозоргул она
Үй-рўзгор ишида ёна ва ёна.
Ҳамкордир келшилгар Сайёра, Хумор,
Шоура, Мўътабар ҳамма шида бор.
Булар Гулимматнинг суюнган тоги,
Куч берар у ишлаб чарчаган чоги.
Улар хирмон қисса турган пахтасин.
Кўрган қойил қолеин, мақтасин.*

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланганига яқинда 20 йил тўлади. Уни истиқлолимиз тенгдоши, деб атасак ҳам бўлаверади. Бу тўғри, у истиқлолимизга чиндан ҳам эгизак, аммо юртимида ҳурлик қуёши балқиган уша тарихий айёмга қиёс йўқ. Мазкур дориломон замонда она заминимизда неки яралган, неки ирод ва ижод қилинган бўлса, бари истиқлол туфайли бўлди ва биз уни ўша баҳт қўёнимизнинг фарзанди билдик. Шундай экан, истиқлолимизга тенгдоши фермерлик ҳаракати ҳам у туфайли яралган. Дастребки паллада жами эътибор унинг иқтисадий пойдеворини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилди, оёққа қалқин ва юксалишининг илк босқичини ҳам ўтадик, истиқболда нурли манзиллар кўзга чалина борди. Демак, юрт аҳли қайиншган, бош қўшган ушбу оммавий ҳаракат ҳам ўзини оқлади ва давлатимиз раҳбари тараққиётнинг ушбу босқичида унинг соҳиблари олдига мурожаат билан чиқди: фермерлик ҳаракатининг барча қатнашчиларини зиммадаги муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш билан бирга мамлакатнинг сиёсий ва маънавий ҳаётida ҳам фаол иштирок этишга, қишлоқдағи ислоҳот жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда даъваткор ва нуфузли сиёсий куч сифатида шаклланинг чақирди. Мамлака-

тимиз йүлбошчисининг ушбу чақириғи айни пайтда нұғузли сиёсий күч – Үзбекистон Либерал-демократик партиясыға аязоси бұлған сенатор ва қаҳрамон фермерни янада жүшкіншілік ва фАОЛЛІККА үндади. Истиқолимиз тамойиллари, юртимиз ва жаһонда кечеңтап сиёсий-ижтимоий жаражындар, сенат ҳаёти, үзи аязо бұлған партияның маңсағат ва вазифаларини омма олдида яна ҳам көнгрөқ, чуқурроқ түшүнтириш, тарғибот-ташвиқтот табдирларини узлуксиз үюнтириш, партиядошларының күч ва салохиятини бирлаштириш унинг бу борадаги илк қадамлари бўлди. Эндиликда одамлар бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар жаражыни янада кучаяётганига гувоҳ бўлишады.

Кадхудолар эли атамасини Гурланга бежиз тақамадик. Шайх Жалолиддин Хоразмий-Гурланий, Илес Мулламұхаммад ўғли Сұфи, Худойберганбек, Оллаберганбек, Асқарбек, Собирбек, Бобоохун Салимов, Норим Үшанов, Абдулла Бескатов, Матвафо Бесматов, Сайдмат Ваисов, Құйчөр Ҳайитматов, Матвафо Юсупов, Матқұрбон Бобожонов, Хўжамурод Сафарниёзов, Алексей Ким, Паша Маҳмудова, Фозил Зоҳид, Ўрзбай Йўлдошев, Қодир Юсупов, Аминбай Вафоев, Исмоил Йўлдошев сингари пири устод әлдошларимиз айлан шу заминда таваллуд топиб, ўзларининг ақду донишлик бобидаги ўткир истеъоди ва салохияти туфайли сарбаланд мақомга эга бўлишган (илоё, умрлари узун бўлсин – уларнинг кўплари ҳозир ҳам ҳаёт). Гурлан элидаги кадхудо пири бадавлат инсонларнинг аксарияти – Гулиммат камолга етган Вазир-Деҳқонобод қишлоғи фарзандлари. Уларнинг кўпчилиги ҳатто машғум кечмишимиз – истибдод замонасида ҳам ўзлигини йўқотишмаган. Эътиборли жиҳати, меҳнат қаҳрамони сифатида расман тан олинган: Нам Хин Дюн, Оллам Маткаримов, Герман Югай, Эшниммат Собиров, Сун-Гим Ли, Николай Пак (ҳаммаларининг охиратлари обод бўлсин) ҳам шу қишлоқдан, биргина Ҳайитжон Эргалиев эса бошқа қишлоқдан етишиб чиқкан. Мамлакатга таниқлик яна бир муҳтарама зот – Анора Маҳмудова эса – замонамиз қаҳра-

мони. Истиқолимиз йиллари Хоразмда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига мұяссар бұлған З нафар үстознинг бири. Англаганингиздек, одий зақматқап дәхқон оиласы фарзанди – «Ўзбекистон Қаҳрамони», еснатор Гулиммат Ҳайтимматов ҳам юртнинг ардоқли кишилари сафида, сизу бизга замондош қадхудо инсон.

...Бу воқеа кечқурун: азбаройи ҳориб-толиққан Гулиммат ҳатто құли гул аёли Бозоргулнинг тотли таомига ҳам қиёс боқмай, бир пасгина ухлааб, ором олишни ният қилиб үйига келган тиғиз күнларнинг бирида рўй берди. Гулиммат машинасида уйи останасига келиб тұхтагани ҳамоно қўшнилардан бири сўроқлааб келди:

– Уэлим уйга роса ичиб келди, шу топда тўс-тўполон кўтариб, баримизни олдига солғанча қувлааб юрибди, анчамунча идиш-товоқлар ҳам синди. Илтимос, тинчтиб беринг, сиздан бошқани тингламайди, – леди юраги тўлиб.

Қуюшқондан чиқкан пиёниста ўғилни тинчтиш кўпам қийин бўлмади. Бироқ муштипар онанинг қўшнисига қарата:

– Сиз кетгач, тўполонни барибир давом эттиради, – деган илтижоли сўзи уни останадан ортга қайтарди. Бебоп ўтилнинг мастилиги тарқашини кутди. Бироқ у ҳа деганда ўзига келавермади. Анчадан кейин эса ёнбошлаган кўйи пинакка кетди. Ўйқусираб, алаҳлагани-алаҳлаган эди. Орадап икки соатлар чамаси вақт ўтиб, қўшни йигит ўзини бутунилай хуррак домига ташлади. Қаранг, бир бескорчи-такасалтанг уйқуни ураяптию, туну кунини исп бошида, оёқ устида ўтказавериб ниҳоятда ҳориб-чарчаган ён қўпни эса ҳамон бедор, ором олиш ўрнига уни қуриқлааб ўтирибди. Бу ҳол Гулимматга ниҳоятда алам қилди. Тонг саҳарлаб яна далага қайтишини мўлжаллаганди. Бироқ ниятидан қайтиб, яна қўшни хонадон эшигини тақилятди. Мастилиги эндигина тарқаб келаётган пиёниста ўғилни қўярда-қўймай машинасига ўтқазганча, далага жўнади. Етиб келгач, «Ҳеч бўлмаганда, манови захкамидан балиқ овлаб ўтиргин», – дея қўлига қармоқ тутқазди. Бескорчидан ҳатто

балиқлар ҳам безор. Күн бўйи тапланган қармоққа ҳатто чавоқ ҳам тушмади. Бу ҳол кейинги куни яна такрорланди. Шундай бўлса-да, мазза. Таїёр овқат, боғдаги мевамастонларга қўл узатишнинг ўзи кифоя. Учинчи куни йигит фермердан юмуш сўради: «Қараб ўтиреам, мендан бўлак ҳамма иш бошида, мен эса – бекорчи. Ўйлаб кўрдим: ишм уятли, ё уйимга жўнатиб юборинг, ё бирон ишга буюринг», – деди. Шу-шу қўшни йигит фермер хўжалигидан ишга боғланди. Орадан яна ярим йилча ўтгач эса, ичкликтан юз ўтириди...

– Гуліммат ака мени бир кунлик уйқусига сотиб олди, – деди бу мағъум воқсани хотирга оларкан ўша йигит. Бундан «Яна бир бора туғилиб, ҳаётта қайтдим ва бунга эл тан олган ҳаараги инсон Гуліммат ака сабабчи», – деган матьнони уқиши қийин бўлмади.

Эл-юрг шоҳид: Гуліммат оға сингари замондошларимиз пойқадами шарофатидан ер ҳам, эл ҳам, ҳатто одамлар қалби ҳам уйғонмокда, яшнаб-яшармоқда. Бор бўлсин, шундай кишилар!

2009 йил, май

СОҲИЛ САРДОРИ

Ҳақиқий фермер бирни ўнга чақиб, даласидан нима-ики ундириса, барини нулига сотади, деган ганин энди бизнинг Хоразм тарафларда ҳар қадамда бир эспитасиз. Бўлса бордир. Бироқ боғотлик Шарифбой Ражабов ўзи экиб, ўстирган нақ 1200 туп ғоятда ҳосилдор жийдадан шу пайтгача бир мири ҳам фойда орттирамабди. Тўғри, бу – одамлар оғзидағи гап. Аммо Шарифбойнинг ўзи бошқача фикрда. «Эл оғзига өлак тутиб бўлармиди, – дейди у пинак бузмай, – майли, гапираверишсенд. Лекин унга қарши далилим бор. Эшитсангиз, бунақа гаплар мишмишдан бошқа ҳеч нарса әмаслигига ўзингиз ҳам тан берасиз». Фермер муддаога қўчди. Тасарруфидаги 204 гектар экинзор ернинг аксарият қисми 30-40 йиллар муқаддам зах ва шўрҳок тупроқли тўқай ҳамда сайҳонликлардан иборат бўлганлиги, хиёл қазилса, қалин қум қатлами кўз очиши ҳақида гапирди. Биласиз, Хоразмда ҳам, мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам катта-кичик сув йўллари ва захкашларсиз дехқончилик қилинмайди. Ҳамма иллат ани шу қум қатламида. Ариқ-канал қазиса ҳам, коллектор кавланса ҳам, барибир. Гўёки сувдек суюлиб, эшилувчи қум қатлами қазилган ўзанга ёйилиб, уни бир пасда ер билан бир қилиб ташлайверади. Хўш, шундай пайтда не-не меҳнатлар, неча-нече миллионлар эвазига қазилган ўзанини асраб қолишнинг йўли қайда? Яккаю-ягона йўли бор. Ости суюқ тупроқли ариқ-каналлар, захкашлар соҳиллари, йўл ва дала бўйларига қумлоқ ва шўрҳок ерларда гўёки ўз уйидагидек яшнаб ўса олгучи, ўша бекарор заминни ўзининг мустаҳкам илдиз – панжалари исказасида ҳамиша маҳкам ушлаб турвчи ягона дарахт тури – жийдадан бўлак бари бекор. «Катта-кичик сув йўллари, захкашларни охирги марта қачон қазиганимизни ҳатто эсдан ҳам чиқарганимиз», – деди фермер гурунгимиз жиловини фойда мавзуи томон буаркан. Ҳа, шигир қум тупроқли сув йўллари ўзанини

захга ҳам, шўрга ҳам бирдай туриб бера оладиган жийдадан бўлак нима асрой оларди? Асли дехқонмасми, фермер Шарифбой Ражабов зироатчиликнинг ана шу «кичканигина» сирини беш бармоқдай билади. «Ана энди айтинг: соҳиллари шип-шийдан сув йўлларини деярли ҳар йили қазиш ва тозалашдан бўлак имкон тополмаётган «ҳотамтой» фермерлар ютаяптими ёки қазув нималигини деярли унтиб қўйган биз сингари «зиқна» фермерларми? – савол оҳангиде деди у гурунгни давом эттирапкан. Яна қўнимча қилди: – Ҳудудимиздаги катта сув йўлларининг ўзи 10 километрдан зиёд, уни ҳар йили тозалашнинг ўзига, энг оз харжлагандаям, нақ 20-30 миллион сўм пул зарур. «Қўриб-билдикки, ўша «ҳотамтой» фермерлар Ражабовнинг тилидан қочган ана шу миллионлар эвазига соҳиллари шип-шийдан сув йўлларини бир нави асрарашаянти. Ражабов эса мавжуд соҳилларда танга шифо, белга қувват индиргучи жийда дараҳтларини кўплаб экиб ўстиргани боис, ушбу боти оғриқ харждан тамомила ҳалос бўлаяпти. Ана энди айтинг-чи, фермер Ражабовнинг жийдазорлари унга ҳар йили неча миллион сўм фойда келтираётган экан? Шўрхок ва қумлоқ соҳиллардаги жийдазорлар мавзууда гурунгимиз, назаримизда, анча чўзилди. Бироқ ҳаммасини айтишга барибир улгурганимича йўқ. Сарҳисоб қилинди: фермер Ражабовнинг 1200 тун аргувон дараҳтдан иборат ўша жийдазори йилига ўртacha 30 тонна мева бераётган экан. Эҳс, унинг даромади қанча? «Сариқ чақа ҳам эмас», – дейди фермер. Буниси чиндан ҳам қизиқ. Ҳа, айтмоқчи, фермернинг чўнтағига нақд ҳолида келиб тушмайтган ўша миллионлардан ҳикоямиз аввалидаёқ сўз очгандик. Шундай экан, бу сўзимизни маъзур тутинг. Аммо ҳар йили жийдазорлардан олинаётган ўнларча тонна ҳосил қаёқка кетаяпти, нега у хўжаликка нақд пул ҳолида сармоя келтирмаяпти?

«Агар эътибор қилган бўлсангиз, йўл бўйларидаги кўпгин жийдалар ости тозалаб ва супуриб-сидириб, баъзилари

танаcига узун ходалар ҳам суюб қўйилганлигини кўрасиз», дейди фермер хўжалиги жойлашган Амударё қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Содиқов.

Қишлоқ йўлбошчисининг изоҳи ҳали фўр ёшлигимиз чорлари раҳматли бобом билан кечган бир воқеани хотирамда қайта жонлантирди: Илиқ келган баҳорнинг охирги ҳафтаглари ўтиб борарди. Уйимизни ёнлаб қазилган тоғроқ солма ва уни бўйлаб ўтувчи йўл ёқасидаги катта, серҳосил ўрик дараҳти довуччалари бошқаларга қараганда анча эрта пишиб келаётгани биз – фўр болакайларнинг эътиборини тортмай қолмади. Баримиз унга ёпирилдик. Буни узоқдан кўрган бобом ҳай-ҳайлаганча келиб, ҳаммамизни дараҳтдан туширди ва бир сафга тизиб деди: «Болаларим, бу дараҳтнинг мевасини бошқа сманглар. Бонимиздаги ўрикларга боринглар, улар ҳам пишиб келаяпти. Бу дараҳтнинг меваларини эса шу ердан ўтувчи йўловчиларга атаганимиз. Ана қаранг, ўрик остига наматча ташлаб, мевасидан қоқиб сийишлари учун танаcига хода ҳам суюб қўйганмиз. Чарчаб келган йўловчилар дараҳт соясида дам олиб, ҳордиқ чиқаришади, ўрик сб, қорин тўйғазишади. Кетар чорги ўтган авлод-аждодларимиз руҳини шод этиб, фотиҳа ўқишиади, сизу бизни ҳам дуо қилишади. Унинг савоби катта, дўмбоқчаларим. Бу маконда ўтган аждодларимизнинг биридан зурриёт дўрамаган (бефарзанд ўтган – А.С.). У ўзидан ёдгорлик ўрнида ушбу дараҳтни қолдирган, меваларини фақат ўтган-кстганларга беришимизни насият қилган. Ахир, фарзанд ҳам мисоли дараҳт ва элга мева бермоғи даркор. Уша фарзанд тимсолида мана шу дараҳтни кўраянсиз. Бу – унинг дахлсиалиги ва муқаддаслиги нишонаси. Буни эдан чиқармангиз, болажонларим!»

Фермер Шарифбой Ражабовга қарашли жийдазорлар ўз соҳибига пул ўрнига ундан чандон ҳисса каттароқ савоб атальмиш фойда армуғон этастганини ярим асрдан мўлроқ вақт муқаддам бобомиз тилидан эшитган ҳикмагли ўйтлар сабаб янада чуқурроқ англаб етдик. Фуқаро-

лар йиғини раисининг 1200 түп жийда ҳосили ҳар йили әлга беминнат тортиқ этилаётгани, неча юзлаб, минглаб йұловчилар бу мевалардан татиб, унинг соҳиблари шаңнига дуолар ёғдиришаётгани ҳақида айтган изоҳидан сүнг эса, фермер дилидаги саховат туйғуси күз ўнгимизда бутун борлиғи билан намоён бўлди.

Хоразм воҳасининг муаззам сув йули – серсув Половон канали тенг иккига ажраган жойдан хисёл юқоридаги катта кўпrik орқали ўнг соҳилга ўтган киши ажиб манзарага дуч келади. Эътиборингизни даставвал равон асфальт йўлнинг ҳар икки тарафига мисоли ўқувчи чизғичидай тўғри ва бир текис қилиб экилган мингларча арғувон тераклар ўзига жалб этади. Унинг антиқалиги – ниҳоятда бўйдорлиги. Бу янглиғ бўйдор дарахтларни Хоразм воҳасининг бошқа бирон-бир бурҷида учратишингиз амримаҳол. Теракзордан ўтиб, яна бирон манаил йўл юрасиз. Кўз ўнгингизда катта ва чуқур захкам намоён бўлади. Унинг воҳадаги бошқа коллекторлардан ҳечам фарқи йўқ ва шу боис эътиборингизни ҳам тортмайди. Бироқ ортида қолган теракзор мисол бу ерда ҳам гайри ажиб манзарага дуч келасиз. Соҳилининг ҳар икки тарафи гўёки поёни йўқ жийдазор. Дарахтлар воҳанинг бошқа жойларидағидан фарқли ўлароқ, коятда бўйдор ва соғлом. Бу жойларни файзли куз чоғлари бир саир этинг. Бутун баҳор ва ёз кезлари дарахтларга зеб бериб келган яшил тусли барглар бу фаслда кўзга деярли чалинмайди. Борлиқ гўё нуқул қизил ранглардан иборат. Бу – жийда ранги. Фермер Шарифбой Ражабовга қарашли жийда боғлари айнан шу рангда товланмоқда эди.

Меҳр-оқибат, хайр-саховат, иймон-эътиқод ва бағрикенгликлар олдида ҳатто омад ҳам таъзимда экан. «Меҳнат қилдим, унинг меваси ўзимдан ўзгага ҳалол эмас», – дегучилар эл тараф эмас. Негаки, дунёни саховат ва меҳр-оқибат аталмиш әзгуликлар асрар туритиди. Инсон қанчалик меҳнат қилиб, тер тўкмасин, ундан яралган ноз-неъматларнинг бир қисмини эҳсону хайр-садақа йўлига

сафламоги керак. Нуқул хайр-садақага кўз тикиб ўтирганлар орамизда балким йўқдир, бор эса-да озроқдир ва нима бўлгандаям, уларга нисбатан мурувват ва саҳоват-пешалик – бағоят сабоб юмуш. Ва айни пайтда ундан қўл силтаб кетавериш ҳам мумкин. Бироқ инсоннинг инсонийлиги айнан шу каби мезонларда намоён бўлишини унумаслик даркор. Инсон зотининг улуғлиги ҳам ана шунда. Ҳалол меҳнат-ла яралган ноз-нечматларнинг бир қисми-ни вақти-вақти билан инсонийлик аталмиш хайр-садақа тарзида муҳтоҷларга инъом этиб туриш – чиндан ҳам одамийлик нишонаси. Одамийликнинг эса талай фарзу қарзлари бор. Унга мувофиқ инсон номи-ла ср юзида бош кўтариб юргучи ҳар бир жонзот ўзини ўзга инсонлар олдиди доимо ва бир умр инсонийликдан қарздор, бурчдор ҳисобламоги керак. Ўзини инсонийлик бурчи-ю мажбуриятларидан холи деб билгучи кимсага рўпара келишдан Яратганинг ўзи асрасин.

Омад инсонийлик фарзу қарзларини адo этгучилар тарафида эканлигини яна бир карра эслатмоқ керак. Боеғотнинг энг йирик фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов – омад кулиб боққан инсонларнинг бири. Аммо омадга стишишнинг ҳам шарти ва мавриди бор.

Меҳнат, чинакам ҳалол меҳнат – омаднинг энг асосий шарти.

40 йиллар чамаси муқаддам Шарифбой аканинг «Боғот» фермер хўжалиги жойлашган ҳудудни одамлар қуши учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ёввойи макон ҳисоблашарди. Ер ва зироатчиликка бўлган ўткир эҳтиёж боис 1967-68 йиллари азим Амударё соҳилларидағи ушбу ёввойи заминни ўзлаштириш ишлари бошлианди. Аҳолиси сони эндилика 10 мингга етай деб қолган бу ҳудудда ўша кезлар номи паспорт варагига тиркалган ёки доимий равишда истиқомат қилувчи бирон-бир кишини учратмасдингиз. Шарифбой акани мазкур қишлоқнинг қалдирроҷ фуқароларидан бири, деса ўринили бўлади. Унинг асли хонқалик ота-боболари бу жойга уруш йиллари ёқ кўчиб келишган,

бироқ ушбу кимсасиз ҳудудни ўзларига макон этишга юраги дов бермай, унга ёндоп ҳолда эндинга барпо қилинган катта Полвон канали соҳилларига ёзда чайла тикишган, қиши кезлари эса ертўлада жон сақлашган. Шарифбой ана ўша омонат кулбада дуёға келган.

Биласиз, зах босган шўрхок ва қумлоқ заминда юлғун атамиси пакана бута, ўзи тўрт қаричу илдизи қирқ қарич найсимон қамиш ва тўронги атамиси анчайин бехосият дарахтдан бўлак ҳеч нарса унмайди. Хуллас, «Юмaloқ» тўқайи деганда одамлар нигоҳида «Борса-келмас»нинг даҳшатли манзаралари гавдаланган бу макон ўтган асринг 70-йилларигача воҳанинг энг унумсиз, саҳоватсиз ва айни пайтда хосиятсиз замини ҳисобланиб келди. Собиқ тўқайзор ва қамишзорлар ўринда таркиб топган йирик «Богот» давлат хўжалиги шу заминда камолига стган инсон, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Машариф Қувоқов раҳбарлик қилган истиқбол йилларига келиб, воҳанинг энг файзли, манзарали, серунум, сурсаховат ва серхосият масканига айланди.

Воҳа ичра яна бир кичик воҳа – собиқ «Юмaloқ»нинг бугуни ва кечмиши Президент Ислом Каримовга айниқса кўпроқ аён. Қишлоқларимизнинг истиқбол айёmidаги салмоқли одимларини у киши «Богот» тимсолида яна ҳам яққолроқ кўрадилар, ҳайратланадилар. Хоразмга келган пайтларида эса, албатта «Богот»ни йўқлайдилар. Президентнинг воҳа аҳли вакиллари билан самимий мулоқотлари кўпинча ана шу муборак маскан – андилиқда Шарифбой Ражабов раҳбарлик қилаётган «Богот» фермер хўжалиги шийпони ва экинзорларида бўлиб ўтади. Шу боисдан ҳам хўжалик соҳиби ўзини воҳанинг энг баҳтиёр инсонлари сирасидан санайди. Юртбошининг эса қадамлари қутлуғ. Ташриф чоғлари изҳор этилган эзгу истаклар, ўғиту маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва илҳомбахш даъватлардан дил яйрайди, вужудинг куч ва қувватга тўлади. Бу – шубҳасиз ардоғи мөхмөннинг қутлуғ қадамлари шарофати.

Ражабов узоқ йиллар «Богот» номи билан тапилган

собиқ давлат, кейинчалик эса мақоми ўзгартирилган жамоа хўжалигининг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрди. Оддий механизаторликдан бригадирлик рутбасигача кўтарилиди. Агрономликка ўқиб, дехқончилик илмини эгаллади. Ўргангандарини амалда қўллаб, Қувоқовнинг инонгаи заҳматкаш шогирдларидан бирига айланди. Собиқ ёввойи замин ҳам ўз қаърида яшириниб ётган саҳоват уммонини инсонга ишъом этди. Бундай «инъом»лардан бири Қувоқвга насиб қилди. Инсонийликнинг неки фазилатлари бўлса, барини меҳнат жабхасида тўла намоён этгани боис, олий мукофот – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига мушарраф бўлди.

«Боғот» – чиндан ҳам саҳоват замини. Саҳоватли замин эса юртнинг пешқадам фарзандларини камолга келтиради. Аниқроги, инсон ерини ардоқласа, ер ҳам ўз навбатида инсонни алқайди. Ражабовнинг фидойи меҳнатта ўғурилган камтарин таржимаи ҳоли бунинг ёрқин тасдиги.

1995 йил. Истиқлол эндиғина тетапоя қилиб келаётган долғали ва кимнинг аслида кимлиги ойдинлашиб келаётган ташвишли, ҳаяжонли дамлар... «Боғот»нинг пешқадам бригадири табиатидаги беҳисоб имконни синчковлик ва зукколик билан илғаган хўжалик раҳбари кунларнинг бирида Шарифбойни ҳуазурига чорлади:

– Боғотда шамол бошқача эсаётганини англадингми, Шарифбой?

– Англадим, «ёшулли». Лекин кўнглиингизни англолмаяпман.

– Ундаи бўлса эшит. Колхозларнинг умри тугаянти. Фермерлик – қишлоқда яшовчи ҳамманинг келажаги. Унга тайёргарлигинг борми?

– Йўқ, «ёшулли».

– Кўнгилга ўтирумайдиган ишлар ҳам бўлаётир. Ташкил этилаётган баъзи фермер хўжаликларининг ери 5-10 гектардан ортмайди, яна дессанг, «колхознинг ички фермер хўжалиги» деган гаплар ҳам чиқаётир. Билмадим, буни қайси «ақали» рапс ўйлаб топаётган экан? Энди сен-

та бригадирликдан ортиқ наф йүк. Фермерликнинг изига туш.

– Қандай қилиб, раис бува? Ахир шу пайтгача колхоздан ҳеч нарса орттиrolмадим. Яхшиямки, дала шийпонини оиласында уй қилиб бердингиз. Қуп-қуруқ күл билан фермерликни эплай олармиканман?

– Мен күп ўйладым, Шарифбой. Ҳаммамиз эсқиша тушунчалар тузогита тушиб қолғанмиз, ундан қутулоғмаяпмиз. Фермерлик нима эканлигини тасаввур этувчишар ҳали орамизда оз. Балки 3-4 йилдан кейин бу ишни эплаб кетувчишар топилар. Бироқ ҳозирча унга сендан күра эплироқ одамни күрмаяпман. Құлинг қалталигини биламан. Харажатлар учун авансни давлат беради, техникани эса колхоздан ижарага оласан.

– Майли, раис бува, ҳозирча 5-10 гектар ер билан ўнғишиб турарман.

– Сени тушунадиган йигит, деган ўйға бориб, янгишдим чори. Ери 5-10 гектарлық фермер хұжаликлари ҳамма жойда оёққа тушнов, ҳатто ундан фермернинг ўзи ҳам наф күрмайди. Бизга, кам деганда, 150-200 гектар ерда деңқончилик қила оладиган фермерлар зарур. Ахир айтдимку, сенға пулни давлат, техникани колхоз беради, деб...

Ушбу суҳбатдан сўнг орадан күп ўтмай, қишлоқнинг деңқончилик ва боғдорчилик йўналишида фаолият кўрсатувчи илк фермер хўжалиги таркиб топди. Унга 204 гектар ер бириктирилди. Собиқ бригадир Шарифбой Ражабов ер-мулк соҳиби бўлди.

Юртимиз одамлари қалбидаги меҳр-оқибатга қойил қоласиз. Бирор иморат қурмоқ ёхуд элга тўй бермоқ истаса, аҳли оломон йиғилиб, хизматта келади, қуруқ күл билан эмас, совға-саломи билан келади. Уй қураётган, тўй берәётган хонадонга ҳатто қуп ҳам ўзининг битта патини ташлаб ўтади, деган гап бу юртда бежиз тўқилмаган. Чўнтағида бир мирисиз катта «Йўл»га чиққан Шарифбойни ҳам қишлоқлар астойдил қўллашди: кўплар bemиннат кўмакка, мададга, ҳашарга отланишиди, доимий ишловчилар эса,

батъзан маошса қолиша-да, чидашди. Ҳақимни бер, дея қисталанг қилишмади, меҳнатдан кўра роҳатни кўпроқ кўзлаганлар эса ишлаган куним – ўлган куним қабилида ўй суреб, фурсат борида жуфтакни ростлашди. Аҳиллик, баҳамжиҳатлик-ла қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Колхоз тузуми айёмида хусусий мулкка гўёки «жонжхаҳди» билан қарши бўлиб келган йўқсилларнинг бари бир думалаб, қойилмақом мулкдорга айланишди. Ҳозир улар сени ушбу фермер хўжалигининг ўзида 37 нафар. Ишловчиларнинг 16 нафари ўтган замонларда аёл зотига нисбат бериб айтилган «тўрт девор»нинг собиқ бандилари – муҳтарама хотин-қизлар. Ер-мулк соҳиби дехқончилик илми ва амалиётидан ўзига сабоқ берган алломасифат устозлар: Эгамберди ака Раҳимов, Иброҳим Ортиқов, уларнинг издошлари: ҳам ҳосилот, ҳам муҳандис, ҳам моҳир механизатор Юсуфбой Сафаров, техника жиловдори Комил Худойберганов, Бойназар Исломов, она замин қалбини қалб-ла англаш мақомига стишган Шарофат Ёқубова, Ражаббой Саидов, Юсуф Рўзиматов, Тоҷибой Жабборов, Зеварой Қиличева, Хурсандбек Ражабовлар номини миннатдорона оҳангларда тилга олди, фермер хўжалигининг сарбаланд мақомини улар меҳнатининг самарасига йўйди. Фермер сухбат чоғида яна бир муҳтарам инсон номини тилга олди. Упинг ўша устоз ҳақида айтиларини ушбу ўринда икки энлик жумла билан ифодалашнинг ҳеч ҳам иложи йўқ ва у ҳақдаги гурунгни ана шу важдан бир оз орқага сурайтганимиз учун сиз азизлардан узр сўраймиз.

Хуллас, юқорида номи айтилгану айтилмаган, бутун умри қишлоқда кечса-да, уйида ақалли икки бош қўй асролмаган собиқ колхозчиларнинг кўпчилиги Шарифбойга қўл бергач, ўз оғилхоналарини кенгайтириш ёки иморат куриш тараддудига тушиб қолишиди. Президентимизнинг маҳсус Фармони билан сатҳи анча кенгайган томорқа майдонлари чинакам даромад манбаига айланди. Ипчиларнинг ҳар бирига бошқа фермер хўжаликлари дагидан хийла кўп – энг кам ойлик иш ҳақининг 3-4 баравари миқдори-

да маош тайинланганни эса, «Халқ банки»датиларга анчамунча «ташвиш» ҳам ортириди. Фермер хўжалигининг олий маълумотли ҳисобчиси Ҳамиджон Асқаров ўтириб, сарҳисоб қизди: 2004 йилга келиб, йўқсанлик даври тарихга айланди, буткул барҳам топди. Қаралар тўла узилган, ижарага олинган неки восита бўлса, бари ортга қайтарилган. Салмоги анчайин катта мунтазам рентабеллик бошланган. Ана шундан тортиб то 2009 йил бошигача ортирилган соф даромаднинг ўзи 120 миллион сўмга етган. Хўжаликнинг бутун бошли техника парки, бунёд этилган кўлданкўп бино ва иншоатлари шу сармоя маҳсули. Айнан ушбу воситалар фермернинг оғирини сенгил, мушкулини осон қилаётгани кундай равшан. Аммо фермернинг бошқа бир мухтасар дил изҳори ҳам бор. Айтишича, мадад ва ҳимматта ошиқаётганлар сафини, шубҳасиз, давлатнинг ўзи бошиқараяти. Узоқ йили фермер даласида бутун Ўзбекистонга татирли унугтилмас бир воқеа содир бўлди. Давлат раҳбари Ислом Каримов Хоразмга сафар қила туриб, яна бир бора Шарифбойнинг даласига келди. Воҳа фермерлари вакиллари билан мулоқот янада самимий ва ҳаяжонли кечди. Гурланлик уста дехқон, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Гулиммат Ҳайтимматов ва Шарифбой Ражабов гап мавриди етганида, харид қилинган техника воситалари учун лизинг тўловлари муддатини 7 йилдан 10 йилгача узайтириш таклифи билан чиқдилар. Аслида фермерлик ҳаракати қатнашчиларини ҳар гал давлатимиз мададидан умидвор ва баҳраманд этиб келаётган юртбонимизга итилиш, изланиш, мустақил фикрлаш ва мулқдорлик ҳиссисла дадил айтилган бу таклиф ғоятда маъқул келди. Орадан ўн кун ўтмаёқ, матбуотда хоразмлик фермерларнинг лизинг тўловлари муддатини 10 йилгача узайтириш ҳақидағи таклифини амалиётга жорий этиш юзасидан Президент Фармони эълон қилинди. Лизинг муносабатларига қўл берган ўзбекистонлик барча фермерлар ундан баҳраманд бўлишди.

Ушбу мисол бежиз келтирилгани йўқ. Даъватимизнинг

қишлоқ ишбилиармөнлари фаолиятини доимо ва изчил құллаб-құвватлашта қаратылған инсонпарварлық сиёсати ушбу фармон тимесолида яна бир бора ўз ифодасини топди ва күтилганидек, нафниң каттаси лизинг мұносағаттарига яқындан құл берғанларга насиб этди.

Вилоят лизинг савдолари идораси раҳбары Баҳтиәр Ражабов Президент Фармони әзілден қылғанда, ажайиб маълумотни ошкор этди. Унинг сўзиға қараганда, Шарифбай Ражабов лизингта мулк-бисот харид қылувчи фермерлар орасида вилоят бўйича биринчи ўринда турғанмиш. У хўжаликка ташриф чоғида бу маълумотга аниқлик киришишини сўрадик. Фермер сўнгти 4 йил ичида 2 та қудратли чопиқ ва транспорт трактори, унинг юк ташиш тиркамаси, экиш ва чопиқ агрегатлари ҳамда мото тележка атальмини битта юк таптиш механизмини узоқ муддатли лизинг тўлови шартномаси асосида харид қилибди. Бу билан фермер ихтиёридаги техника воситалари сони 20 дан ортибди. Бугунги кунда 3 та «Олтой», 1 та МТЗ, 2 та ТТЗ, 1 та Т-54 русумли тракторлар, 1 та пуркагич агрегати, бор ишлари учун мўлжалланган юк элтиш механизми, «Енисей» дон комбайнини – жами 11 та экиш, чопиқлапш, юк тортиш, ер ҳайдаш ва текислаш мосламалари, техника устахонаси, йирик омборхона, талай уй-жой бинолари, снгил машиналар – булар фермернинг хусусий мулк-бисоти, ҳалол меҳнат эвазига она замин саҳовати-ла орттирилған бойлик. Собиқ жамоа хўжалигига 30 йил бетиним ишласа-да, оиласи учун ақалли бошпана бино этолмаган бир меҳнаткаш инсон истиқлонимиз боис қарор топған фермерлик ҳаракати шарофатидан сўнгги 10-15 йил ичида бунча бойликка эга бўлганига ақлинг бовар қилмайди.

Деҳқончилик жабхасида мулк-бисот орттириш, бойишнинг йўли атиги битта: ҳалол ва омилкорюна меҳнат. Бу жабхада ерни алдаб, бойлик орттиrolмайсиз. Ер қаровини ўринлатган киши унинг бойлигини тераверади, бу талабни адo этолмагандар эса, бармоқ тишлаб қолаверади.

Шундай экан, бир истагимиз бор: Ражабов сингари замин фидойилари меҳнатига ҳасад билан әмас, ҳавас билан қарамоқ даркор.

Унинг айттила, қилингандык мөхнат ҳам доимо ўрнига тушавермас экан. Бироқ ундан ағесу-надомат чекмаслик, аксина, ташланған қадамларнинг искитаси ортга кетиб, атиги биттаси олдга юрган дамларда ҳам умидсизликни орқага, умид, ишонч, ғайрат ва шижоатни эса олдинга кўйиб интилмоқ зарур. Фермер буни бежиз айтмади.

Ундан фермер хўжалигига 204 гектар ер билан бирга кўшиб берилған 64 гектар боғ майдонларининг тақдири не кечганини сўрадик. Ағесу, собиқ тузум даврида йўл қўйилған айрим палапартишликларнинг хунук оқибати фермернинг бошига юк ва ташвиш бўлиб ёғилған. 64 гектарлик боғ майдони остига яширингандык ўта шўрхок кум қатлами дараҳтларнинг вақт ўтиши билан ўша чуқурликкача етиб келган илдизлари ривожини аввалига тўхтатиб қўйган, кейинчалик эса унинг күшандасига айланған. Мутахассислар фикрича, ўтган асрнинг 60-йиллари охири – 70-йиллар бошида пайдо бўлган ушбу мевазорлар остидағи бехосият кум қатлами кўчат экиш олдидан сидириб ташланмоғи, унинг ўрни унумдор тупроқ билан қопланмоғи зарур эди. Начора. Тузумга хое лоқайдлик, хўжасизлик ва беспарволикларнинг аччиқ таъмини асримиз бошига келиб Шарифбой сингари фермерлар татишиди. Шўрхок замин дов-дараҳтларга қирон солишда ҳали-ҳамон давом этаяпти. Ушбу сатрларни қоғозга тушириш палласида фермерга қарашли боғ майдонлари қорозда 28 гектарни ташкил этса-да, амалда 6 гектардан хиёл кўп эканлигини кўриш қийин бўлмади. Бу – озмунича йўқотиш әмас. Аммо дилга таскин бағишиловчи далиллар ҳам бор. Ҳақиқий мөхнаткаш фермер – том маънодаги тадбиркор. Ражабовнинг фаолиятида ҳам шуни кўриши мумкин. Фермернинг саъй-ҳаракати туфайли қуриган боғлар ўрни энди пахта ва ғалла қайнар хазина қиёфасига кирган. Самарадорлик боғ майдонлариникидан анча кўп. Кейинги йиллар ичida

соғ даромад ҳажми аввалги даврлардагидан анча тез суръатларда орта бошлагани – бунинг ёрқин даили.

«Юмалоқ»нинг воҳа бўйича энг кам унумли собиқ «ёввойи» майдонлари ҳозир ер унумдорлиги бўйича ҳам, ҳосилдорлик ва самарадорлик бўйича ҳам энг олдинги ўринда. Фермер Ражабовга қарашли майдонларнинг ҳар гектари йилига ўртacha 35-40 центнер пахта, 55-60 центнер галла ҳосилини армуғон этаяти. Ҳўжалик вилоят бўйича энг кўп миқдорда пахта ва галла стиштирувчи фермерлик субъектлари сафида. Биргина похтанинг ўзи йилига 350-400 тоннани ташкил этаяти. Даромад эса сарф-харатклар ҳажмидан сезиларли даражада устун. 20-25 фоиз: бу – ҳўжаликнинг ҳар йилги ўртacha рентабеллик кўрсаткичи ва бу миқдор кейинги йилларда анча тез суръатларда орта бошлаганини юқорида эслатдик.

Ҳаётнинг қадрини унинг аччиғу чучуги, заму тапшишини озми-кўпми татиганлардан сўранг. Юқорида тасвирланган воқеалардан сўнг Шарифбой аканинг ҳаёти, айрим насту баландликларни эътиборга олмагандা, нуқулроҳат-фароғатда ўтаётган экан-да, десангиз, хато қиласиз. Зимдан назар соглан кипи унинг шахсий ҳаёти ҳам мисоли меҳнат машаққатлари янглиғ долғали, ташвишли ва анчайин муракқаб кечганлигини кўради. Ҳа, инсон умри тоҳи ҳаловатли, тоҳи суронли тарзда, тоҳи синовлар доимида кечади ва иродали инсонлар ундан ақл ҳамда тадбир баробаринда доимо мардонавор ўтишади.

Оила, уй-рўзгор ва оғир дехқончилик юмушлари Шарифа опани охир-оқибат тўшакка михлади. Шарифбой ака 14 йил мобайнида бемор аёли бошида парвона бўлди. Яратган Эгамдан унга туну кун умр тилади. Яхшиларга ҳамма ҳар жойда мунтазир ва у Яратганинг ўзига ҳам манзур. Шарифа опа 1982 йили навқирон ёшида Яратганинг даргоҳига йўл олди. Ундан бир нафар фарзанд – Фарҳод ёдгор бўлиб қолди. На илож, чидамоқ ва сабр қилмоқ керак. Сўққабош қолган Шарифбой чидади, сабр қилди, соғинч ва ҳижрон азоби жунбишга келган маҳал-

ларда аламини ишдан олди, ўз навбатида меҳнати -- юпанчи, овунчори бўлди. Эр йигитнинг руҳи чўкса, асорати оир кечади. Бунга йўл бермаслик зарур. Қариндош-яқинлар масалани кўндаланг қўйишди. Шарифбой ҳам тақдирга тан берди. Орадан анча фуреат ўтгач, марҳума аёлининг ўринини боса олгучи муносиб жуфти ҳалоли -- Раъонни топди. Бири-бировига эргашган кўйи Интизор, Севинчой, Хурсандбек, Матлуба, Мавлуда, Аҳмаджон исмли фарзандлар дунёга келди. Вақтнинг тезоблигини қаранг, улар ҳам камолга етишди. Шарифбой -- бобо, Раъно буви бўлди. Роҳатой, Раҳматжон, Манзура, Мафтұна ва Шаҳзодалар -- улар учун суюкли набира. Оила аъзолари вужудини зил-замбидай босиб келган ғам-ташибишлар ҳам энди анча ариган. Хонадонда каттадан-кичик барча меҳнат қутогида.

«Барибир, инсон умри бевақт ҳазон бўлмаслиги керак, -- мулоҳаза юритади қишлоқ иш билармони, -- Яратганта минг қатла шукр, энди оиласизда марҳума аёлим сингари оир ва сурункали хасталикларга чалингандар йўқ. Барчамиз тетик ва соғломмиз. Ҳар қандай дарднинг давоси бемор ва унинг яқинлари қўлида эканлигини ўшаңда, афусуски, кеч англабмиз. Кейин эшишиб, билсак, наъматак дамламаси жигар, буйрак, ўпка ва инен тапасидаги яна талай касалликларнинг күшандаси экан. Буни англамаганим оқибатида аёлимдан-ку бевақт айрилдим, аммо энди бошқалар, ҳатто етти ёт бегоналар ҳам соғ-омон яшашлари керак».

Ана шу армон Ражабовни чор-атрофдаги сув ва йўл бўйларида наъматак экиб, ўстиришга ундади. Ширави ерда зикиннинг бу тури ҳам гуркираб ўсаркан. Ҳозир воҳадаги энг катта наъматакзор шу ерда. Фермер унинг битмас-тутанмас ҳосилини ҳам шифобахш жийда сингари ўтган-кестганларга, узоқ-яқиндан сўраб келгучиларга хайр-эҳсон тариқасида улапади. Бизнингча, иш ҳам, саховат ҳам бундан ортиқ бўлмас.

Бу ҳақда қанча ёзманг, барибир оздек туюлаверади.

Ҳикоянинг «масаллиғи» — фермер ва унинг хўжалиги ишларидан сўйловчи факт ва далиллар ҳам оз эмас. Ҳуллас, айтаверса гап кўп. Лекин месъёрдан зиёда сўзамоллиқдан ҳам наф йўқ. Қўлига қалам ушлаган одам месъёр ва тарозуга ҳам суюнмоғи, энг муҳими, ортиқча гапдонликдан наф йўқлигини англамоғи ва айтилгану айтилмаган гапларни кейинги ҳикояларга қолдириш хусусида ҳам ўйламоғи зарур. Шу ниятда анчайин чўзилган ҳикоямизга нуқта қўймоқчимиз. Аммо фермер яна сўзга оғиз жуфтлади. Кўз очиб кўрган устози ҳақида сўйлади, оғайдан бол томиб танирди.

«Машариф Қувоқовнинг иши ва инсонийлиги бутун әл учун ибрат, — деди. Кейин яна устозининг таърифига кўчди. — Унинг фермерликни айнан ҳозирги ҳолатда кўришни қанчалар орзу қилгани ва ҳатто шакл-шамойиларини ҳам ёзи чизиб бергани, Президентимизнинг бу борадаги сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаганига мана мен шоҳидман. Масала шу тарзда қўйилар экан, унинг номини фермерлик ҳаракати билан ҳам узвий боғлаган ҳолда тилга олмоқ керак. Ошкора тан олиб айтаман: агарда пешонамга у кипининг устозлиги ёзилмаганида, камина ҳеч ким бўлолмасди. Устоз Қувоқовнинг мен сингари шогирдлари сон-саноқсиз. Умуман, вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бу фидоий инсоннинг хизматлари бескиёс». Ана шундан сўнг бизга юзланиб, деди:

— Хўш, бунга нима дейсиз?

Ўйлаб кўрдик: фермер — ҳақ. У мантиқан тўғри сўйлади, гапига ўраб таклифини ҳам айтди. Уни бажо келтиришга қарор қилдик. Ва қоғоз бетида баҳоли-қудрат янги битиклар, жаннатмакон инсон — Қувоқовнинг одамлар эшитгану эшитмаган ажойиб-ғаройиб ҳаётига бағишланган яна бир ҳикоя пайдо бўлди.

2009 йил, январь

ЮЛДУЗ ҚҮНГАН ДАЛАЛАР

Вилоят марказида күн-пешин бошлаган йигилиш тунхұфтондагина тугади. Одамлар уртұрт билан ўзларини күчага урипди. Кимdir олдинда кетаётгандардан бирига қарата: «Хов, фалончи ака, бир дақиқагина тұхтан!». — дея овоз берdi. Аммо у эшитмади чори, йұлида давом этdi.

- Машинани сал қыстаб ҳайдамасанг, кеч қоламиз-ов,
- деди у машина үриндигіға келиб ўтиргани ҳамоно.
- Түшундим, «ёшулли», ҳозир қаёққа ҳайдай?
- Менимча Ёқуббойнинг түйидан бошқасига улгуролмаймиз. Агар боролмасак, Ибодулла биздан ўпкаласамас!?
- Ўпкаласа керак, «ёшулли». Ахир, у ҳам сиз каби раис. Қаторда борман, деб юрибди. Агар бормасантлиз...
- Гапинг ўрины, Ўкташиб. Аммо барибир иложимиз йўқ. Боролмаймиз. Раиснинг түйи эса катталарсиз ўтмайди. Мен бормасам, бошқаси боради. Йўқлигим билинмасов?
- Балким шундайдир, «ёшулли»...
- Лекин Ёқуббойникита бормасак, ўрнимиз бүш турди. Мана сен ўйла, умри далада — трактор рулида ўтаяпти. Мен бу ерда 20 йилдан бүён раҳбарман, у эса 32 йилдан бери тракторчи. Ерга мендан кўра кўпроқ меҳнати сингтани. Ўтган куни олдимга учеб-кўниб келди. Еру кўкка сизмайди. «Туй бошлаяпман, «ёшулли» — қўша туй. Бирданига икки ўғлимни уйлантироқчиман. Бориб оқ фотиха берипга вақт топармикансиз», — деб келибди.
- Энди тушундим, бир камбағалнинг күнглини оғламоқ
- етти қаъбани зиёрат қылмоқ билан баробар, деган гап бор. Савоб олмоққа не етсин, «ёшулли».

Раиснинг сукути гапга нуқта қўйди. Ҳайдовчи диққатини йўлга, машиналар оқимига жамлади. Олдинда ҳам, орқада ҳам тун қаърини сон-саноқсиз чароғон чироқларга тұлдирған машиналар карвони ҳаракатланади. Манзилгача яна 25-30 чақиримча йўл бор. Машина соҳиби уларнинг ҳаракатини синчковлик билан кузатади. Ҳайдовчи

еса машинани қистаб ҳайдап пайда. Мана, олдинда ке-таёттан машиналардан бирини ортда қолдириши. Бу ҳол «ёшулли»нинг эътиборини тортди чоғи, тағын ҳайдовчига юзланди:

- Мадрим (Йигилишда иштирок этиб қайтаёттан құшни хўжалик раиси. А. С.) нинг машинаси номери неча эди?
- Ҳозиргина уни қувиб үтдик, – жавоб берди ҳайдовчи.
- Үндай бўлса, сал секинлат.

Ҳайдовчи таажжубда: «икки дақиқагина аввал «жадал-лаб ҳайда», деганди. Энди бўлса...»

Машина эгаси ҳайдовчи ниманидир англаб етолмаётганини илгади, шекилги, деди:

- Биласан-ку, Мадримнинг машинаси эскироқ, ишқали ҳам бор. Сеникidaқа гизиллаб юролмайди. Мабодо, бузилиб қолса, уни машинангта оласан, уқдингми?
- Англадим, «ёшулли».

Ҳайдовчи буйруқни тушунди. Бироқ орқадагилар тушунишмади. «Уста»нинг машинаси секинлагани сайин улар ҳам тезликни камайтириши. Ахийри тўхтаб, тушунтиришга тўғри келди.

Жамоа ва ширкат хўжаликлари «гуллаб-яшнаган» кезлар унинг раҳбарларига осон бўлмаган. Бир тарафда даға, чорва, яна бир тарафда одамлар, ер-сув, техника, ҳатто ёлдаги тўй-марака ташвишлари ҳам уларнинг гарданида. Бунинг устига, «юқори»нинг топшириқларини бажариш муаммолари... Камситмоқчи эмасмизу, туман раҳбарларининг елкасидаги юқ битта – асосан топшириқ беришу ижросини назорат қилиш. Хўжалик раҳбари гарданидаги юқ эса – ўнта. Бундай вазиятда аксарият раҳбарлар ўзга уловдагилардан кўра ўз «улови»нинг ғамини сийши табиийдек туюлади. Балки Машариф акага осондир, гардандаги ташвишлар «юқи» бир қадар оздир?! Қанийди, шундай бўла қолса... Илқорзик йўли равон эмас. Ва у ўз ўзидан илкингта қўнимайди. Қошқалардан кўра бир, икки, ўн чандон кўп қилинган меҳнатлар, чекилган заҳматларнинг маҳсули бу.

Машариф Қувоқов раҳбарлық қылған «Богот» давлат хұжалиғи (1991 йилгача мұлкчилікнинг шу мақомыда фамилият юритған) ўттан асрнинг 70-йилларидаң өдемлар тилига түшди. Давлат хұжалиғи раҳбарлигига тайинланған, орадан ропта-роса 12 йилдан сүнг – 1986 йил январида уни вилоят миңесіндеги лавозим – Денсаулық салонындағы үшінші орындың иктиносидегі масалалары бүйіча үринбосары вазифасын атқарып жүрді. Хұжаликда ишлаган чори иктиносидегі соқасынан салохияти иш берди. Давлат хұжалиғи нафақат Хорам вилояды, балки бутын Республика бүйічә эңг олдинги үрінлардан бирига чиқыды. Иктиносидий тәжікамкорлық іюкори рентабеллікка йүл очди. 1970 йили Амударё соқылларидаги «Юмалоқ» тұқайзорини ўзлаштырып туғайлы таркиб топташ ушбу ёш хұжалик ҳали жамоаланыптырып Ылларидәң шақлланиб, ўзидан ўзғаты «Йүл бермай» келдіктан барча номдорларни ортда қолдирди. Үшанды хұжалик дончилик йұналишида фамилият күрсатар, бинобарин, Жайхұннинг сернам соқыллари шоғырыдан ўзға әкінга йүл бермас, майдони 2 минг гектарға етиб қолған дағалар зеса ѿз соқибига йил сайнан нақ 12 минг тонна ҳосил иньом этарди. Кейинчалик амалға оширилған оқылона мелиорациялар тадбирлари шарофатидан зах на шұр бостан дағаларға «жон» кирди. Шолицилик үрнини қадамба-қадам пахтачылық әзгеллады. Үшанды тәпасынан нарвон билан чиқыладыған ўрмонсығат пахтазорлар, ҳар күсагининг ҳосили нақ 8-10 грамм томп босадыған гүзеларни ушбу хұжаликдагина учратып мүмкін зди.

«Паст»даги ишларни қойиллаттан киши, балки, «юкори»нинг юмуушларини ҳам бир нави эплаб кетар. Амалда шундай бұлды ҳам. Вилоят Агросаноат уюшмасы раисининг биринчи үринбосары лавозими «қүйи қозон»да хұпам «қайнаган» Қувоқов учун күпам мушкуллик туедирмади. Аммо янғы вазиға қишлоқдан шаҳарға келған раҳбарға күп тағиғани йүқ. Буни умри оддий өдемлар, әкин-тиқин орасыда ўттан кишининг баланд мартабага күнихиши анча қийин кечиши билан изоҳлаш иштірін, албатта. Негаки Машар-

риф ака учун иш на лавозимнинг паст-баланди йўқ. Қола-верса, унга ниҳоят ўз ихтиоселиги бўйича ишлаш имконини беринди. Худди хўжаликдигидек, бу ерда ҳам терлаб-пишиб ишлайверса бўлади. У чиндан ҳам ишлади, илкидан келганча, қурби етганча, билими, малакаси, тажрибасидан тўла фойдаланганча ишлади, фидойиларча, астайдил жои куйдириб ишлади. Лекин бўлмади. Шўролар тузумининг охирги йиллари вилоят деҳқончилик саноати мажмуудаги барча хўжаликлар моддий ва молиявий ўширилишлар домига тушиди. Инқироз бирма-бир уларнинг гирибонидан ола бошлади. Инқироз-ку, қошинигга қилич яланроchlаб келди. Аммо уни қандай бартараф этмоқ даркор? Афсус, бунинг йўли йўқ. Нега десангиз, ўша кезлар наинки мамлакат, балки «социализм» ёрлири билан бутун жаҳонни зир қақшатган тузумнинг ўзи ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолганди.

Тузумни мисоли бир ҳас-чўпдек олдига солиб ҳайдоётган «шамол» борган сайин «довул»га дўниб келмоқда ва унинг ҳағфини шу топда «тепа»дагилардан бўлак деярли ҳеч ким сизмайтганди. «Паст»да – ҳазрати деҳқон даласида эса ҳамон сокинлик. Замин соҳиблари меҳнатни канда қилишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Неки меҳнатта даҳлдор бўлса, барини бажо келтиришга, оддий пешона теридан дуру жавоҳирлар ундиришига шошилишади. Ҳар қандай деҳқон даласи – сутдай оқ, пок ва беғубор замин, минбаъд «тепа»дагидек сиёsat майдони эмас. Балки сиёsatни тан олмагани боисидан ҳам, унинг далалари мўл ҳосил ва мўмай ризқ-насиба маконилигича қолаётгандир? Ҳазрати деҳқон даласига ана ўша булутлар даҳл қилмаса, ҳалол ва фидойи меҳнатдан айро этмаса, ерга дона сочиб, ҳосил ундиришдан кўнглини ва қўлини совутмаса бас, барига чицайди, барига туриб беради. Қадоқ қўлли деҳқон бор жоїда фидойилик бор, ҳалоллик, поклик, инсонийлик ҳам шу ерда. Деҳқонга тан ва қўл берган борки, иши ҳамиша бароридан келади, панд берган борки, «эkkанини ўради» — эртами-кеч қарғиш ўқига учрайди. Деҳқонга

яқынлик – виждонга, иймонга, инсонийликка ва эңг мұхими, ҳалол ризқу насибага яқынлик демек.

Соғдиң, оғир-вазмин, камгаң одамлар сағсатабозлиkeni, ҳақ таласиши ва күкракқа уриб сүйлашни хүш күришмайды. Ишдан күра ватъахонлик күштілген жойда ризқ-насиба камаяди ва булдай маҳкамалар Құвоқов сингарилар учун омонат. Бу инсон ҳамон ёниб-жүшиб ишлаёттан эсада, жисми-жони доимо Боготининг йўлида. Дехқонга қўл бериб, срга кўнгил боғлаган раҳбарга омад ҳамиша ёр. Ерга ва дехқонга яқин юрсанг, ҳеч қачон хор ҳам, зор ҳам бўлмайсан, бадномлик қисматига дуч келмайсан, ҳалол меҳнатинг беиз, бесамар ва бепатижа қолмайди. Машариф ака мана бир неча йилдирки, ана ту самара ва патижани кутади. Аммо мавриди келса, шароит туғилсагина оразулар рўёбига йўл очилади. Бундай имкон эса ҳар доим ҳам топилавермайди.

1991 йил собиқ мамлакатнинг ижтимоий-сийесий ҳаётига суронли воқеалар билан кириб келди. Даставвал юқори қийматли пул бирлиги ислоҳ қилинди. Оз ўтмай, нархнаво осмонга ўрлади. Референдум ўтказилди. Олий Совет сессиялари даҳанаки жанг майдонига айланди. Мамлакатда ГКЧПнинг тўрт кунлик ҳукмронлигига сабаб бўлгучи талай воқеалар юз берди. Ва бунинг оқибати ўша йилнинг кеч күнзидә СССРни ҳалокат жарига улоқтириши билан якун топди. Құвоқовнинг тақдиря билан боғлиқ воқеа эса ўша йилнинг баҳоридаёқ рўй берган, уни Боготга – аввалги лавозимига қайтаришган ва кейинги йилларда давлат хўжалигининг деярли ўтириб қолгани бунга сабаб бўлганди. Республикада давлат ва жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш жарабаи ҳам айлан шу айёмда бошланганди. Тез орада синашта раҳбарни мулкчилик шаклини ўзгартирса-да, аввалти номини сақлаб қолган хўжаликка раис қизиб сайлашди.

Ишдаги пировард натижага меҳнатга бўлган рағбату ихлос-эътиқодга кўп жиҳатдан боғлиқ. Яхши кайфият кўркам натижага етаклаши ҳам ҳаёт тажрибасидан аён. Бирор

орамизда иримчилар ҳам бор: олдиdan ола мүшук ўтса, баъзилари йўлим бўлмади, дея ортига ҳам қайтишади. Қаранг, «богот»ликлар ҳам «иримчи» чиқишиди. Қувоқовнинг қайтишини ҳеч иккизданмай яхшиликка йўйишиди. Яна бир тоифа кипилар ҳам орамизда: жини сўймайдиган раҳбар иш буюрса, албатта, қўрслиги қўзийди, айтилганнинг тескарисини бажариш учун ё кетмони, ё белкурагини синдиришдан ҳам қайтмайди.

Тан олмоқ зарур: 1991 йили одамлар онги мулкчилик ва манфаатдорлик бобида деярли бўм-бўш эди.

Қувоқов ширкат хўжалиги ранглигини қабул қилиб олганидан сўнг, бирон муддат ўтгач, бош ҳисобчи ва иқтисодчини ёнига чорлади:

— Ер — дежқонники, — деди, — экинни ўз иш қуроли ва зарур келса, шахсий маблағи ҳисобига парваришлайди. Бино ва иншоотлар ҳам унизи. Демак, хўжаликнинг ҳар қарич ерида унинг нешона тери ва мулкий улушки бор. Ихтиёrimиздаги бу қадар кўп ер-мulkни шу даражага етказишга ким қанча ҳисса қўшганлигини ҳисоб-китоб қилиб, ҳозиргача ортирилган фойдадан олинадиган улушки ҳам улар ҳисобига ёзиб қўйсан, даромаддан ҳам улуш ажратиб борсан, дуруст бўлмасмикан? Қолаперса, кооператив-ҳиссадорликка асосланган ширкатдан талаб этиладигани ҳам — шу. Ҳар бир ишловчи ва унинг оиласи ширкатда ўз мулкий улушкига эга бўлмоғи көрак.

Раиснинг мулоҳазаси ҳар иккала ходимни ҳам ҳангуманг қилиб қўйди. Шўролар замонида мулкини хўжаликка берган борки, қайтиб олгани йўқ. Хусусий мулк эгаси жамиятнинг энг катта душманига айланган замонада бу ҳақда фикрлаш нарҳида турсин, ҳатто сўз очганинг ҳам тили туғул боши кетиши аниқ. Ҳисобчи ва иқтисодчини айнан шу ҳолат саросимага солганлигини раис сезмай қолмади. Шу боис яна мақсадга кўчди:

— Ширкат сўзи не маъно беришини фарқламоқ даркор. Пай улушки ва дивидент тўловлари — унинг энг муҳим шартларидан бири.

- Бу ғап юқоридагиларга маъқул келармиカン? — сүрашта жүрь зат этди ҳисобчи.
- Менімча, маъқул келмаса керак, — жапоб қылды раис,
- бироқ ширкатта ўтишнинг бирдан-бир қоидаси айзоларга пай улупи ва дивидент ажратышдан иборат эканлитикии бутун булмаса, әртага барибир тушунишади.
- Тушунишлари-ку тайин, лекин маъқуллаптимас-ов, — деди бош иқтисодчи.
- Ҳар ҳолда, масалани умумий йиғилиш ҳал қылгани маъқул, — деди Машариф ақа көнгашга якүп ясаркан.

Қувоқов күттарған масала тез орада бутун вилюятта овоза бўлди. Шу масала бўйича уни ҳатто Республика Вазирлар Маҳкамасига ҳам чақиришди. Ҳеч маҳал шаккокликка яқин йўламаган одамнинг бу қадар дади қетиши кўпларга эриш туюлди ҳам. Уни «бузғулчилик»ка йўйганлар ҳам бўлди. Аммо замона зайларни англаб етганларнинг аксаријати Қувоқов тараф бўлишди. Хонқадаги «Ғалаба» жамоа хўжалигига раислик қилаётган Ўринбой Абдуллаев бу масалада Машариф аканинг энг яқин сафдоши ва маслакдошига айланди. Иш шунгача бориб етдики, тез кунда Шовотдаги «Дўстлик», Хивадаги Оғаҳий номли, Янгириқдаги «Гулистон», Янгибозордаги «Бўз-қалъя», Урганчдаги «Пахтакор», Кўшкўпирдаги Олтибой Қурбонов номли, Боготдаги «Ўзбекистон», Хонқадаги ал-Хоразмий номли қатор хўжаликлар ширкатчиликнинг фаол тарафдорлари сифатида майдонга чиқдилар. Илк бор Бофот ва Хонқадан бошлиган ташаббус 1998-99 йилларга келганда, бутун вилюятта ёйилди. Воҳанинг аксаријат хўжаликлари ўз айзоларига уларнинг жамоадаги пай улушки миқдорини маълум қилдилар. Машариф Қувоқов ва Ўринбой Абдуллаевлар раҳбарлик қилаётган жамоалар эса тажриба тариқасида мамлакатимизнинг ilk кооператив-ширкат хўжаликларига айлантирилди. Замин соҳибларига пай улушки ҳажмига яраша дивидент ҳисоблаш йўлга кўйилди.

Айтилганидек, 1991 йили Машариф аканинг ҳаётида талай «бурилиш»лар юз берди. Аввалига уни ўзига қадр-

дон далалар ва кишилар ҳузурига қайтаришди. 31 август куни Ўзбекистонда истиқол қўёши балқиди. Бу собиқ мустамлака республикаси ҳаётидаги оламшумул тарихий воқеа ёди. Неча йиллардан бўён дил тўрида тўпланиб келайтган орзу-армошлар рўёбига ана шу тариҳа йўл очилди. Қувоқовнинг онг-шуурини аллақачоилардан бўён банд этиб келаётган пай улуши ҳақидаги баҳсталаబ масала ҳам истиқолол шарофати билан ечим тоиди. Собиқ қарам Республика ҳалқ хўжалигини демократия тамойиллари асосида бозор муносабатлари ўзанига солишдек тарихий имкон юзага келди. Одамлар истиқдолнинг буюк имконларини ана шунда кўрдилар. Истиқболга бўлган қатъий ишонч ҳам ана шунда уйғонди.

Чинакам ишонч мустаҳкам эътиқод баробаринда юзага келади. Буни Машариф аканинг партия аъзолиги фаолиятида ҳам кўрин мумкин.

Маълумингиз учун айтиб қўяйлик, Қувоқов айримларга ўхшаб, маслаги ва эътиқодини кунда бир ўзгартирадиган, партияларнинг бирига кириб, биридан чиқиб юрадиганлар тоифасидан эмас. Турли партиялар кўпайган кезларда, унга атайнин «элчи»ликка келганлар ҳам бўлган, турли ваядалар беришган, буни «юқорида» кимдир истаётганини ҳам айтишган. Бироқ Машариф акани эътиқодидан қайтариш қишин эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ноилож қайтиб кетишган.

Партиядошларнинг айтишича, Қувоқов ўзи аъзо саналган фирқасининг байроғи бўлган экан. Уларнинг таъкидлашича, айрим раҳбарлар шартияга депутат бўлиш учун киришади. Сайловда уни қўллайсан. Депутат бўлгач, партияга ҳисоб бериш у ёқда турсин, ҳатто мажлисларга ҳам келишмайди. Шу борада Машариф aka бетимсол эдилар. Натиянинг иленуми, қурултойи каби кагта-кичик анжуманларни қўятуринг, оддий йигинлар, ихчамгина давраларга таклиф қилинганде ҳам, фурсат тифизлигига қарамай, вақт топиб келардилар. Йигинларда сўз олиб, сафдошларни ҳар доим руҳлантирадилар. Ўзи аъзо бўлган

партияға ҳурмат ҳиссі ва қатый интизомни ундан ўрганса арзиди.

Комиллик мақомига етишган одам неки жабха бўлмасин, баріда ўзи ва ўалигини намойиш эта олади. Партия – қобилу қодирлик салоҳиятини намоён этгучи муносиб майдон. Бироқ инсон аслида кимлиги, салоҳиятию қобиллик даражасини асосан меҳнат майдонида, хизмат вазифаси билан боғлиқ бурч ва мажбуриятларни бажо келтириш жараёнидагина яққол намойиш эта олиши мумкин. Соғ виждонли, ҳалол ва пок одамлар бир ишни илдамлаб, иккинчисини имиллаб удалапмайди. Бир жабҳада ўзини кўрсата олган киши иккинчисида ҳам ўзлигини намоён эта олади. Юмушларнинг бирини ёлчишиб, иккинчисини барбод берганлар тез орада ўзларини ҳам барбод қилишади.

Машариф ака кейинчалик «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медалига сазовор бўлди. Ушбу мукофотларни унга Президент Ислом Каримов ўз қўли билан топширди. У бунгача ҳам эл-юрт назарига тушган, бир неча орден-медаллар ҳамда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони билан тақдирланган эди.

– Виждон, иймон-эътиқод бутунлиги одамийликдан да-лолат ва у инсонни зиммадаги бурчу мажбуриятларни си-дқидилдан ўташга ундейди. Қувоқов эътироғга ўрин қолдирмай ишлайдиганлар тоифасидан эди, – ҳикоя қиласи Богоғ туманига узоқ йиллар самарали раҳбарлик қилган ва ҳозирда вилоят хотин-қизлар қўмитасини бошқарётган Шакаржон Хўжаниёзова. – Сир эмас, талабчанилик билан ишлашини ўзимизга одат қилгандик. Лекин Машариф акага нисбатан талабчаниликка ҳечам ҳожат йўқ. Гарчи, туман раҳбари лавозимида ишласам-да, уни ўзимга устоз билганман. У кипидан ишдан ҳам кўра кўпроқ одамийликни ўрганса арзиди. Бошқалардан ярқ этиб ажратлиб турадиган фазилатлари ниҳоятда бисёр эди. Юмушларни эса каттаю кичикка, озу кўпга ажратмас, барига

бирдек қарап, сүзни чертиб-чертіб, обдан ўйлаб гапирап, әңг жицдій фикрларни ҳам қысқа, лўнда, ниҳоятда тушинарли тарзда ифода эта оларди. Эңг мұхими, ҳаётта, айниқса, оддий одамлар турмушига юқоридан әмас, балки пастдан разм соларди. Үзини маимансираб ёки катта олиб сўйлаганини бирон марта ҳам кўрмаганмиз. Эл-юртга яқинлик учун, менимча, шу фазилатларнинг ўзи кифоя. Аминманки, устозининг изидан юрган одам ҳаётда ҳеч маҳал қоқилмайди.

Бу гапларда муболага йўқ. Одамлар ҳамма учун бирдай мақбул ва оқилона фикрларни, маслаҳат ва йўл-йўриқларни ундан олишган, ҳатто ёши улут момо-бувалар ҳам унинг сухбатига ошиқишган. Бундан чиқди, Қувоқов сингари дарёдил ва дилкаш одамлар ҳар қаңдай жамиятнинг қимматли бойлиги.

— Ҳеч ким юрмаган, синашта бўлмаган йўлларни ҳаммаям юрак ютиб, ихтиёр әтавермайди, — дейди Қувоқов билан бирга елкалашиб ишлаган сафдош-маслакдошлардан яна бири, Республика Фермер хўжаликлари уюшмасининг Хоразм вилоят филиали роиси Мақсуд Сайдов. — Машариф ака янгиликдан, синашта бўлмаган йўллардан ҳеч ҳайиқмаган инсон эдилар. Аксинча, қанча кўп билсалар-да, оз санаидилар. Кўп ўқиб, кўп билғанлари боис, юзага келаётган ҳар бир янгиликнинг суврати, мазмунмоҳияти, аҳамиятию оқибатини, ҳали натижасини кўрмаёқ, олдиндан башорат қила олардилар. Хоразм воҳасининг ilk фермер хўжалиги ҳали 1993 йилдаёқ «Боргот»да бежиз вужудга келган, дейсизми? Бу ишнинг бошида Машариф аканинг шахсан ўзи турдилар. Биз унга гувоҳ бўлгандиз. Президентимизнинг қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтиришга қаратса қилган ilk давлатини эшитибоқ, ишга киришдилар. Юқоридан топшириқ кутмай, фермерликка қобилияти бор кишиларни излай бошлидилар. Хоразмда чорвачиликка ихтисослашган ilk фермер хўжалиги ана шу тариқа вужудга келди. Жамоа хўжалигининг катта фермаси қишлоқ ишбилар-

мени тасарруфига берилди. Вилоятдаги әңг үйрік фермер хұжалиғи ҳам ана шу тариқа таркиб топди. Үстознинг бұ сингари ташаббус өсірілгенде баштамалары сон-саноқсиз, десам муболага бўлмайди.

Қувоқовнинг қышлоққа қайтиши ютуқларнинг ҳам қайтиши бўлди. Лекин...

Истиқбол имконлари боис мулкчилик шаклини ўзгартираётган, бозор муносабатлари босқичма-бочқич қарор топаётган, манфаатдорликка асосланған хұжалик юритиш усууллари жадал жорий этилаётган замонада бир қадам ортга қайтмай туриб, иккى қадам олға илдамламоқ амримаҳол. Аксарият хұжаликларда бу ҳол кузатилди. «Богот»да эса...

Қувоқов ишда одамлар, айниқса, оддий меҳнат киши-сига күпроқ сұянар, кези келганды, уларни ҳам астойдил қўллар, мададу ҳимматни асло дариг тутмасди. Қаранг-а, у собиқ иттифоқ қулагаш арағаси турмушда рўй бериши мумкин бўлган айрим ноchorникларни ҳам анча олдин кўра олган. Бундан чиқди, у ўтпанды ўз хұжалиғи аъзоларнинг пай улушини ҳисоблашта бежиз эътибор қаратмаган. Эл қўллаганини қўллайди. Пай улушига эталик ҳисси деҳқоннинг ерга ва экинга бўлган меҳрини янада опириш омилига айланди. Табиатан интилувчан ва изланувчан Қувоқов бундай омиллардан яна бир нечтасини ишта солди. Чунончи, хұжаликнинг ҳар бир деҳқончилик бўлимида одамлар кучи билан данғиллама дала шийлонлари, улар ёнида мұъжаз фермахоналар, мавсумий болалар боғчалари, мевазор боғлар, сабзавот ва полиз пайкаллари барнио этилди. Шийлонлар қопидағи ҳар бир фермахонага хұжалик ҳисобидан 5-10 қорамол, 10-15 бош қўй-қўзи тортиқ этилди. Йўжа очиришта мўлжалланган бир исча минг дона товуқ тухумларини эса раиснинг шахсан ўзи келтириб берди. Деҳқонлар ва уларнинг оиласларини озиқ-овқат ҳамда масаллиқлар билан мунтазам таъминлатып учун шунинг ўзи кифоя. Бундай ҳимматдан ҳатто замин заҳматкашларининг фарзандлари ҳам баҳраманд бўлишиди. Шийлон бағри мавсум пайтлари шинам боғча вазифасини ўтади. Хўжа-

лик ҳудуди ана шу тариқа яхлит япил оромгоҳларга, она замин әса ҳақиқий ризқ-насиба конига айланди. Дағалар атрофларини бозаган аргувон тол-тераклар, ариқ-зовурлар ёқаларида пайдо бүлган жиідазорлар чиндан ҳам күркетароват сувратига дүнди. Дүнибігина қолмай, қадоқ құлли деңқоннинг ўз мүлки ҳам бўлиб қолди. Қорақалықистоннинг Тўрткўл туманидан келтириб экилган 200 минг туп терак кўчатлари ҳозир мўъжаз ўрмонзор қисёфасида. 100 минг туп тол, 50 минг туп жийда, 70 гектар саҳнли боғ ҳам гуркираб ривожланаяпти. Хўжалик 1970 йили дарё соҳилидаги қалин тўқайзор ва қамишзорлар ўрнида барпо этилган эди. Эндиликда аввалги ёввойи табиат ўрнини маданийлашган ўсимликлар майдони эгаллаган. Аммо хўжалик учун зинг муҳими – иқтисодиёт. У барқарор бўлса, турмуш ҳам тўқин. Иқтисодиётни барқарор ушлаш омиллари «Боғот»да бисёр. «Боғот»ликлар мулкчиликнинг ҳамма учун бирдай фойдали, манфаатли ва илғор намунаси – ижара нудрати усулини ҳам воҳада биринчи бўлиб қўллай бошлиши. Бироқ унинг ўз шарти бор: меҳнатга ҳақ тўлаш масаласи доимо дикқат марказида турмоғи керак. Қувоқов мутасаддилардан ҳамиша шуни сўрайди. Деңқонга яқин бўлмоқ, уни ишга йўлламоқ учун ҳақини канда қилмай бериб бормоқ зарурлигини тилдан қўймай такрорлайди. Бунга оид қусурларни әса ҳеч ҳазм этолмайди. Бир гал шундай воқеа ҳам бўлган: бўлимлардан бирига иш ҳақи етказиш ҳаяллаган. Айбдор әса – бўлим бошлиғи. Табиийки, раис ўша бошлиқдан аразлаган. Үнга иш буюрмай қўйган. Буни ўзининг катта айби билган бўлим бошлиғи әса раис мени ишдан озод қилди, шекишли, деган ўйта бориб, ишни тўхтаттан. Бироқ ўзи йўл қўйган хато учун колхозчилардан астойдил кечирим сўраган. Раис уни чиндан ҳам ишдан озод қилмоқчи эди. Лекин бригадирнинг иқюрғилиги ҳақидаги хабарни энгитиб, ниятидан воз кечган. Раисга қолса, ҳеч кимни ишдан бўшатгиси йўқ. Айбини англаб, уни бартараф этилга киришган ўша бошлиқ Рустам Султонов то нафақага чиққунга қадар Қуво-

қов билан құлни-құлга бериб ишлади. Асосийесі, бу яңгыр хато на унинг, на бошқаларнинг фаолиятида ортиқ тақрорланмади.

— «Ёшулли» мизнинг одамларға зұхум қылтанини бирон марта ҳам күрган ёки әшиттан әмасман, — дейди у билан чорак аср давомиде елкама-елка ишлаган уруш ва меңнат фахрийеси Искандар ота Сафөев, — 1981 йил фурсат етиб нафақага кетишни ният қылдым. Қанийди, Қувоқов күна қолса?.. Бұлмас гапни асло тапирмасди. Ұшанды бўлим боплири вазифасида ишлардим. На илож?! Кўнишга мажбур бўлдим. Аммо ғалати воқсалар бўлди. У директор, мен бригадир бўлсан-да, иш буюргани бирон марта ҳам биз томонларга келмайди, ҳатто мажлисларга ҳам чақирмайди. Бошқаларни эса йўқлашгани-йўқлашган. Бунданда ғалатиси: «ёшулли» қолиб, бошқалар бригадамиз йўлида серқатнов бўлиб қолишиди. Кейин билсан, уларни иш ва тажриба ўргангани Қувоқовнинг ўзи олдимга жўнатаётган экан. Шу орада яна бир гапни қулогимга отказиши: эмишки, Қувоқов «Сафөевдан устун жойим йўқ. Дехқончиликни мендан кўра яхни тушунади. Қилинажак ишни буюрмасданоқ бажноради. Унга иш буюргандан кўра, кўпроқ маслаҳатини олган маъқулроқ», — деган мазмунда гап қилибди. У пайтлар янги қурилса-да, поли йўқ зах уйда яшардик. Адоғи йўқ дехқончиллик юмупларидан ортиб, уйни бир нави яшаш учун эпақага келтиришга вақт қайдада, фурсат қайдада, дейсиз. Ўйдагилардан әшитадиганим эса доимо дашином. Кесатиқлар жонга теккан күнларнинг биринда иш қолса-қолар, деган фикр билан пол-тахта сотиб олиш учун каллаи саҳарлаб туман марказидаги бозор сари йўл олдим. Юрек ҳовучлаб бораяпман: ишқилиб йўлда раисста рўпара келмасам бўлгани. «Кўрққанинг олдингдан чиқади», — дейишгани рост чиқди. Йўлда чиндан ҳам Қувоқовга дуч келдим. Ҳозир чехрасида кўраётганим сингари ажабланиши ҳолатларини аввал ҳеч кўрмаган-пайқамаган эканман. Афтимга ўта синчков разм солди. Менни далада змас, ундан бир неча чақирим узоқда учратганига ўзи ҳам

хайрон. Уятли иш бўлди. Эсимни бир оз йиғиб олгач, «ёшулли»га ниятимни тушунтира олдим: «Чиқинг бўлмаса машинага, кетдик», – деди. Каминани бозорга элтиб қўймоқчи, деган фикрға бордим. Бозор қайда, дейсиз, тўппатўғри ўз бригадамга бошлаб келди: «Деҳқон одам бозорда юрса ярашмас, ишингизни қиласкеринг», – деганча жўнаб кетди. Тани бошқа, дард билмас, дегани шу-да. Қассобга мой қайғу, эчкига жон қайғу. Тўғри, «ёшулли»га иш керак, менга эса бошпана... Йўқ. Ундан ноўрин гина қилган эканман. Кечқурун уйга келсам, хўжаликнинг қурилиш бригадаси дурадгорлари ишни аллақачон бошлиб юборишибди. Пол-тахтани уларга Қувоқовнинг ўзи етказиб бериби. Орадан уч кун ўтмаёқ оиласиз билан ялтиллама тахта полли уйда ятай бошладик.

Оддий меҳнаткаш одамнинг табиати ўзгача. Унга бирни берсанг, ўн қилиб қайтариш пайида юради. «Богот»да ҳам шундай бўлди. Одамлар астойдил ишлашди. Меҳнат кишисига қилинган бир ғамхўрлик чиндан ҳам ўн бўлиб қайтди, этг юқори натижага ва самара тарзида қайтди. Натижага шу бўлдики, ўнлаб хўжаликларни домига тортган инқироз «Богот»ни четлаб ўтди.

Хўжалик ўз фаолиятини даставвал шоличиликдан бошлаган, – деди, нафақадаги собиқ бош ҳосилот Қуриёз Абдулласев ўтган кунларни хотирларкан. – Дарё соҳилларидаги нам ерлар шолидан бўлак экинни кўтармасди. 90-йиллар бошига келганда 20 йиллик фаолият стажига эга бўлган хўжаликда шоли ҳосилдорлиги гектарига 90, ҳатто 100 центнергача етди. Ишонасизми, ўша кезлар шолининг ҳар битта бошогида 350-360 тагача дона санардик. Кунларнинг бирида Қувоқовдан яна бир таклиф чиқди. Айтишича, ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакатда египтирилаётган гуруч аҳоли эҳтиёжларини тўла қондираётган ва унинг миқдорини қўпайтираверишдан ортиқ наф йўқ экан. «Шу боис эътиборни паҳтациликка қаратсанак нима дейсиазлар?» – сўраб қолди. Нағсилемрини айтганда, 20-25 йил муқаддам экинзорларга айлантирилган

далалар бу пайтта келиб шоли тутул косовни ҳам қўкартириши ҳеч гап бўлмай қолған, бунинг устига 80-йиллар сабиқ иттифоқда паҳтани ёмон отлиқда чиқаришига қарата ўтказилган қойилмақом компания эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритган республикани даромаднинг асосий манбаидан деярли маҳрум этаёзганди.

Раиснинг суҳбатдошимиз томонидан баён этилган таклифи ана шу бўшлиқни тўлдириш, паҳтакор республиканинг азалий шуҳратини қайта тиклаш учун бир туртки зди. Сабиқ итоличилик хўжалигининг паҳтачилик жабҳасидаги қизғин фаолияти ана шу тариқа бошланганди.

Асл дехқон ернинг «тили»ни ҳар қандай олиму уламо, «ёшулли»дан кўра яхнироқ билади. Боз устига, Хоразм заминининг табиати ўзгача. Ишкор этиб бўлмайдиган тажрибалар шуни кўрсатадики, воҳанинг ҳосил бермай қўйган далаларида бир йил шоли ўстирилса, бас. Ҳар қандай асов ер ҳам гап-сўёсиз «мўмин-қобил» далага дўнади-қўяди. Нировардида, бундай пайкаллардан истаганча ҳосил олиш мумкин. Ўтган асрнинг сўнгги йилларига келиб, воҳада паҳта ҳосилдорлиги сезиларли даражада озайди. «Борот» ширкат хўжалигида эса бунинг акси. Муқаддам гектарига 35-40 центнер паҳта берган далаларнинг ҳосилдорлиги 25-30 центнерга тушиб кетган бир пайтда «Борот»ликлар хирмон салмоғини 35-38 центнергача етказинди. Ҳатто, бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳасида сув танқислиги юз берган 2000-2001 йиллар ҳам «Борот» ширкат хўжалиги учун барқарор ривожланиш даври бўлди. Паҳтанинг ялпи ҳосили шу йиллари шарғутномавий режадаги 3000 минг ўрнига 3700-4000 минг тоннагача етди. Хоразмликлар паҳта ва шолини алмашлаб әкиш шароғатини ана шунда қўришди.

Социализм салтанатининг қулаши ўтиш даври қонуниятiga кўра талай бош-бошдоқликлар билан бирга шулнинг қадрсизланишига ҳам олиб келди. Қасби иқтисодчи эмасми, Машариғ ака бу нохуш жараённи олдиндан фаҳмлай одди ва хўжалик аъзолари мисқоллаб ортирган беҳисоб

сармояларни банк активлари ҳамда бошқа қимматбаҳо қорозларни сотиб олишга, Президент Ислом Каримовнинг «Пулдан кўра молинг кўпроқ бўлсин», – деган ибратли ўғитига амал қилиб, ширкат қошида йирик мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари корхонасини бунёд этишга сарфлади. Банкка қўйилган маблағлар хўжаликка йирик физлар билан қайтса, шарбат корхонаси на унинг маҳсулотлари мулк-бисот шаклидаги қимматбаҳо бойликка дўнди. Қувоқовнинг омилкорлиги хўжаликни иқтисодий бўхронлардан омон асраб қолди. Воҳадаги илк ва энг йирик фермер хўжаликлари даставвал ана шу ширкат замирида вужудга келгани хусусида Мақсад Саидов томонидан баён этилган мулоҳаза ҳам ана шу омилкорликнинг ёрқин тасдиги.

– «Ёшулли» камчилигимизни юзга солиб, изза қиладиганлар ёки дилга озор етказадиганлар тоифасидан эмасди, – деди устозининг фазилатларини оғзидан бол томиб гапирган шогирдлардан бири Азимбой Жумабоев. – Ўз хатоимизни ўзимиз илғаб етишимиз ва тузатиб олишимиз учун доимо имкон берар, қусурлар қуюшқондан чиқсан ёки бот такрорланган ҳоллардагина танбехга оғиз жуфтлар, зинҳор овозини кўтариб гапирмасди. Гапни кўпам чўзмас, лўнда ва бурро сўйлар, биз сўзларининг ярмини тингламаёқ, уни тўла мавънода англаб стар, хушмуомалаликни ҳам кўпинча ундан ўрганар ва башарти ишнинг ярмини буюрса, бутун қилиб бажаришга интилардик.

Бу айни ҳақиқат эканлигига ўшбҳа йўқ. Овозини баланд кўтариб гаплашишни одат қилмаган раиснинг оддийгина эслатишни ҳам мутасаддилар учун жиддий сабоққа айлангани, шу аснода хатолар барҳам топганига кўпчилик гувоҳ.

– Ўшанда раис мувонини вазифасида ишлардим, – устоз ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилади собиқ ширкатда Қувоқов билан кўп йиллар мобайнида ёнма-ён ишлаган Ёқуббой Рўзиматов. – Куз кунларининг бирида Машариф ака: «Ортага бош ҳосилот, сиз ва мен Шовотга бориб ке-

ламиа», – деб қолди. Каллаи сахаrlаб айтилған мәнзилге жүнадик. «Соҳибкор» хўжалиги ҳудудига кирипимиз билан кенг асфальт йўлнинг ҳар икки тарафи бўйлаб экилган ва бари бирдай бўй тортган, оҳаклаб-сайқалланган катта теракзорга дуч келдик. Йўлнинг ҳар икки тарафи боғ. Ундағи дараҳтларга ҳам бир текис шакл берилган, дид билан оқлаб қўйилган. Ҷараҳтлар оралиғига экилган буғдой уруғининг бир донаси ҳам зос кетмай, униб чиққан. Уни мисоли япил гилем дейсиз. Чор-атроф чиндан ҳам ҳавас қизларли даражада гўзал, орастга, баҳаво. Йўл-йўлакай барини бамайлихотир томоша қилдик. Чамаси 10 минутлар давом этган сайдан сўнг раис: «Қани, кетдик уйга», – деб қолди. Анграйганча қолдик. Раис бизни бирон-бир йиғинга бошлаб кетаётibди, деб ўйловдик. Машинамиз эса келган йўли бўйлаб ортга қайтди. Боротга етиб, раис бир оғиз ҳам сўз айтмади. Биз эса шунча йўл босиб, қуруқ қайтгаётганимиз сабабини фахмлашдан ожизмиз. Орадан икки кун чамаси вақт ўтгач, бош ҳосилот ҳузуримга кириб, маслаҳатли иш борлигини айтди. Полвон каналига қурилаётган катта кўпприкка элтувчи йўл ёқаси ва унинг ёнидаги дала этиборимиздан четда қолиб кетаётганилигини эслатди. Ўша йўл атрофларини обод қилиб, худди қўшни туманда кўрганимиз сингари чиройли боғ барпо этишимиз мумкинилигини ётиғи билан тушуњирди. Тунов кунги сафаримиз сабабини шундагина англаб етдим. Билсак, раис бизни у ерларни томоша қилгани эмас, балки айнан шу каби боғни ўзимизда ҳам яратишга то ҳануз бош қотирмаганимизни эслатиши учун олиб борган экан. Роза хижолат тортдик. Бу – билган одам учун раиснинг жиiddий таңбехи, айблови эди. Орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, воҳашинг энг йирик ва асосий сув иншооти – Полвон канали узра қурилган муҳташам кўпприк фойдаланинг топширилди. Уни кўргани келган меҳмонлар бу ерда хўжалигимиз томонидан барпо этилган ва Шовотдагидан асло кам бўлмаган файзли боғни ҳам мароқ билан томоша қилдилар.

Ёқуббой ака тасвирлаган бор ва йўл атрофидаги бағоят манзарали теракзор ҳозир воҳанинг бор таровати ва гўзаллигини ўзида мужассам этган, десак муболага бўлмайди. Бу – Машариф аканинг боғи – ундан қолган гўзал ва фусуникор ёдгорлик, унутилмас хотира.

Инсон қадами қутлуг зот экантигига иймон келтирмоғимиз керак. Унинг эзгуликка дахлдор ишларини бир гўзал боғга, кўп ва тотли мевалар бергучи улкан саховат дараҳтига менгзамоқ лозим. Эзгу ишлар бесамар ва бенатижга қолиб кетмайди, албатта, наф келтиради. Кимларни дир баҳту саодатдан баҳраманд этиб, кимларгадир ризқ-насиба улашидаи. Одатда, ундан ўзингиз эмас, ўзгалар кўпроқ баҳраманд бўлишидаи. Инсон пойқадами туфайли яралган боғдан тотли неъматлар униши баҳсталаб масала эмас. Эзгуликни бир боғ десак, Қувоқовнинг 65 йиллик умри мобайнида яратган «боғ»ларини санаб-саноғига столмайсиз. Полюон канали соҳилидан бошланувчи ва хўжаликнинг ҳар бир гўшасида кўзга чалинувчи ҳақиқий боғлар эса саноғи йўқ эзгуликларининг саноқлиси, холос. Уларнинг бари, таъкидланганидек, Қувоқовнинг боғлари, ундан қолган беҳисоб, ардоқли ёдгорлик.

2004 йилнинг қаҳратон қишида бемаҳал келган ажал юртнинг ардоқли фараандини орамиздан олиб кетди. Бу – вилоят аҳди учун катта йўқотиш бўлди. У абадиятга кетди. Диңга таскин бўладигани – шу. Бундай одамлар эл қалбида боқий яшайдилар. Ҳа-да, эзгулик ўлмайди. У – абадият тимесоли. Умрини нуқул эзгу ишларга бағишилаган кишиларни унтиб бўларканми? Шу кунларда у раҳбар бўлиб ўтган қишлоққа борганилар нуқул Машариф аканинг боғи, даласи, фермаси, корхонаси, кўчаси, гулзори, йўли, кўприги, иморати, мактаби, шифохонаси, боғчаси, устахонаси, ариғи, зовури, қобилу қодир шогирдларига дуч келишидаи. Одамлар уларни кўрганда, беихтиёр Қувоқовнинг нур ёғилган чехрасини эслашидаи. Боқийлик деб шуни айтишса керак. Қаҳрамоннинг волидаи-муҳтарамаси Гулжон момо фоний дунёни яқиндагина тарқ этдилар. Нақ

106 йил умр кўрдилар. Бу ҳам Яраттанинг инъоми, ўзининг суюкли бандаларига бўлган меҳр-муруввати нипонаси. Момо билан сўйлашганмиз: ҳар сўзининг бирида ўтган умрига шукроналик билдирганилар, одам боласини элга яшаган умридан кўра қилган ишлари кўпроқ танитади ва шуҳрат келтиради, шуниси муҳим, деганлар. Қанийди, бу каби ботиний ва зоҳирний ҳаёт ҳамма-ҳаммагаям насиб этса.

Ҳа, буни ҳаёт дейдилар. Унда ушалмас оразулар ҳам бўлади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига етишмоқ учун инсонга том маънодаги ишчанлик, фидойилик, одамийлик, ватанпарварлик сингари талай фазилатлар зарур ва уни ҳар қадамда намоён этиш ҳар кимларниң ҳам илкидан келавермайди. Қаҳрамонона жасоратга ҳамма ҳам тайёр ва қодир эмас. У ҳар томонлама комилликка стишган кишиларгагина насиб этади.

Машариф Қувоқов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига 1997 йили – мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналари арафасида сазовор бўлди. Бу – оддий одамлар орасидан етишиб чиққан фидойи инсон меҳнатларининг чинакам эътирофи эди. Тўғри-да, эл эзгуликни унтармиди? Сирасини айтганди, Қувоқовнинг мамлакатимиз олий нишони учун «пишиб стилгани» ва бундай юксак эъзозга ундан кўра муносиброқ одам йўқлиги ҳақидаги овозалар эл орасига анча эрта тарқалди. Қувоқовни қаҳрамонлик нипони билан тақдирлаш юзасидан чиқарилган Фармон мамлакат раҳбарининг юртдошларимиз хоҳиш-иродасига бўлган юксак ҳурмат-эътиборини яна бир карра намойиш этди.

Суҳбатдошимиза Искандар ота Сафоевнинг хотирида ўша кезлар рўй берган ажойиб-гаройиб воқсалар тафсилоти ҳамон яшайди:

– Истиқлолнинг дастлабки йиллари эди, -- деди у даврнинг жонли ва ҳаяжонли онлари, айниқса Қувоқов ҳақидаги хотираларини оқизмай-томизмай гапириб беришга оғиз жуфтларкан. – Кутлуг қунларнинг бирида хўжалигимизга машҳур ёзувчи ўткир Ҳошимов келди.



Ислом КАРИМОВ Хоразм фермерлари даврасида.

ФОТОЛАВҲАЛАРДА ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ ХАЁТИ

«БАҲРОМ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ:

Мулкий манбаатдорлик түйгуси оилавий меҳнат жамоасини ютуқлар оғушига етаклашда асосий омил бўлди. Ҳукмингиизга ҳавола этилаётган суратлар шундан ҳикоя қиласади.





«ҲАЙТИММАТ» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:

*Қаҳрамонларга хос ва мос меҳнат ҳамда
фидойиликнинг ажойиб намунасини ҳар қадамда
кўришимиз мумкин.*





«БОФОТ» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:

*Фидойишик, меңнатсеварлик ва омилкорликнинг
тотли мөвасини ушбу фермер хўжалиги мисолида
кўрасиз.*





МАШАРИФ ҚУВОҚОВ:

Бү жаннатмакон инсонинг иши ва инсоний фазилатлари фарзанд-шогирдлари, сафдош ва маслакдошлари, злдошлари ҳаётидаг бөкүй яшаяпты.





«УСТА МАТСАФО» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:

Пиры комил аждодлар рүхү мададга келиб, мазкүр қышлоқ тадбиркорлик жамоасини пешкадамлар сафига етаклади. Сүрәтлар шундан ҳикоя қиласади.







«БАРЧИН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ:

Боготнинг паҳлавонкелбат йигитларую чин
Барчинойларига ушбу фермер хўжалигида
дуч келасиз.





Отанинг айтишича, халқ ёзувчиси билан Қодир Олла-берганов бошлық бригада дала шиййонида ҳақиқий сүз ўйинига жудаям ўхшаб кетадиган ғалати ва ғайритабиий сұхбат бўлган.

— Ҳу-ув анови қамишзорлар орасида бир нима ялтиллагандай бўлди, нима борийкин-а у ерда? — сўраб қолибди бир маҳал меҳмон маънидор оҳангда. Шу топда у дарё соҳилидаги қайир ва тўқайзорлар барҳам топиб, ҳадемай экинзор, боғ-роғларга бурканажак хўжаликнинг истиқболига имо қилаётганинги синчков мезбонлар дарров фахмлашибди.

— Сиз айтган тўқайзорда битта ёруғ юлдуз бор, — дебди Искандар ота бўш келмай.

— Қойил, топдингиз. Ҳудди шундай жавобни кутгандим сизлардан, — дебди меҳмон дили завққа тўлиб.

— Лекин уни тониш барибир осонмас, — изоҳ беришибди мезбонлар.

— Ярқитлаб турсаям-а?

— Ҳа, «ёшулли», уни астойдил излаганларгина топа олишади.

— Сизнинг-ча, уни ким топа оларкин?

— Қувоқовдан бўлак ҳеч ким тополмаса керак.

Ушбу сұхбат уқдирилганидек, бир қарашда оддий сүз ўйинидан бўлак ҳеч нарса эмас. Бироқ маънисига тушунган кипи учун чукур мантиқий башпоратнинг ўзинаси.

Ўша «юлдуз» орадан бир неча йил ўтгач, чиндан ҳам топилди. Башпорат қилишганидек, уни Қувоқов «топди»: фидокорона ва узоқ йиллик самараали меҳнати, пешона тери эвазига обод далалар. боғ-роғларга айланган собиқ қамишзор-тўқайзорлардан «излаб» топди. Ўша «юлдуз»ни унга мамлакат Президенти Ислом Каримов топшириди. Бунинг бир ибратли жиҳати бор: Қувоқов қаҳрамонлик нишонаси бўлган ушбу юлдузга мамлакатимиз дәхқонлари орасида биринчилар қатори сазовор бўлди. Аммо ғалати томони шундаки, мукофот Қувоқовни кўпам гуурлантиргани йўқ. У буни ўзига қарз, деб билди. Ва ушбу «қарз»ни

узиш учун умрининг охиригача тин олмай ишлади, ватан, халқ, мустақиллигимизга садоқат билан хизмат қилишни ўзига олий бурч билди. Аммо иссиқ жон экан, охир-оқибат тўшакка михланди. Тақдир билан олишиш бефойдалигини сезгач эса, элдошлари олдидаги фарзу қараларини адо этишни ўғиллари Бектурди, Эргаш, рафиқаси Норжон аянинг зиммасига юклиди. Отанинг ўгит ва васиятлари қандай бажо келтирилаётганлигини билмоқ, кўрмоқ истасангиз, бугун «Амударё» ва «Қипчоқ» қишлоқларига, Шарифбой Ражабовнинг «Боғот»ига келинг. Қобилу қодир фарзандлар, шогирд ва сафдошларнинг ажойиб шижоати, матонати, фидойилиги ва албатта, ботмон ҳажм қоғозга «юк» бўлгучи ютуқларига дуч келасиз.

2009 йил, февраль

БАРҲАЁТ РУҲЛАР МАКОНИ МЎЖИЗАСИ

Шовотнинг Катқалъя, Бўйрачи ва Бешмерган қишлоқларини бири-биридан унча катта бўлмаган сайҳонлик ажратиб турди, десек, балки тўғри бўлмас. Нега деганда, манзара тамомила бошқача. Сайҳонлик атагапимиз ўша майдонга разм солған киши аслида гавжумликнинг ҳақиқий қиёфасини кўради. Ҳудуд одамлар билан ҳамиша, ҳатто тунлари ҳам гавжум. Тўғри, бу ерда аҳоли хонадонлари йўқ, муқим яшовчиларни ҳам учратмайсиз. Аниқроғи, дурас-дурас ҳолда келиб-кетувчилар бор, холос. Қисқаси, у – руҳлар макони. Жисемидан жудо руҳларнинг сон-саноқсиз оломони кезади бу табарруқ масканда. Уларнинг аксарияти шу ерда абадул-абад қўним тонган азиз авлиё-анибиёлар, пиру устозлар, табарруқ сиймоларнинг жисемидан учиб чиқсан. Бир сўз билан айтганда, бу жой – қабристон, табарруқ маскан. Аммо оддий хилхона эмас, табарруклиги бутун ислом олами томонидан эътироф этилган муқаддас қадамжо. Янада аниқроғи, битта эмас, бир нечта табарруқ зиёратгоҳ. Бири дарё мисол кенг ва катта йўлнинг ўнг, яна бири сўл тарафида жойлашган. Биридан бутун мусулмон оламининг буюк тақводори – ҳазрат шайх Юсуф Ҳамадоний, унинг биродари Саид Ҳамадоний, бу муҳтарам зотларнинг азизу мукаррам пир-устози Фовсул Аъзам, яъни Саид Абдулқодир Филоний, яна биридан эса «Жиловдор бобо» номи билан машхур улугъ аллома-авлиёнинг муборак қабрлари жой олган. Улар атрофидаги юзларча, мингларча қабрлар ҳам оддий эмас. Барida азиз авлиёларга менгзалгучи табарруқ зотлар – ўша буюк пирларимизнинг мурид ва муҳлислари, чор-атроф қишлоқларда яшаб, пировардида, Ҳақ таолонинг даргоҳига йўл тутган таниқли алломалар, эл улуғлари, мўмин-мусулмонларнинг покиза жисми ётибди. Маҳаллий аҳоли Ҳамадоний ҳазратларининг устоз Фовсул Аъзам пирга бўлган

сүнгесиз меҳри ва жытықодига тан беріб, ушбу зиёратгоҳларни «Ұлли (улуғ, катта) Пир» номи билан атайды. Аслида бу ерда бағридан нур ёғылгучи яна бир мұқаддас маскан – «Дастурхончи бобо» қабристони ҳам мавжудки, «Ұлли Пир» имизнинг шундоққина пойида жойлашгани боис, аксарият кишилар уни шу азиз зиёратгоҳнинг бевосита бир бүләги санашади. Одамлар азиз рухларшынг доимий мадади ва ҳамроҳлигини ўша табаррук хилхоналар бағрида эмас, балки шу яқин атрофдаги хонадонлар, далаю боғларда ҳам ҳамиша ҳис этиб яшашади. Бундан чиқди, мазкур мұқаддас зиёратоҳдарга туташ ва ёндош заминнинг аждодларимиз руҳи кезаёттан осмонию тупроғи ҳам табаррук. Ушбу сўзнинг исботи бор: ўтганлар руҳи макон тутган ҳудуд аҳлиниң акеарияти алломатабиат, донишманд, салоҳият ва илму истеъодда беназир кишилар: уста деҳқонлар, миришкор боғбону соҳибкорлар, табибу ҳунарманддир. Замини эса шу қадар серхосият: майин ва донадор – унумли ва серхосилки, ҳатто ерга косов санчсанг-да новда ёзади, тупроғидан зар упади.

Бундан бир неча фасл мұқаддам Бешмерган қинилоги – раҳматли уста Матсафо отаппинг хонадонига фермер Шұхрат Ўдабоев номига Урганч вилоят адлия бошқармасыдан нома келди. «Вилоят Фермер хўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда ҳамма туманларда биттадан намунавий фермер хўжалиги ташкил этилди. Сиз раҳбарлик қилаётган «Уста Матсафо» фермер хўжалиги Шовот тумани бўйича энг шамунали, деб топилди. Шу муносабат билан шартномавий муносабатлар, ҳуқуқий масалалар ва фаолиятингизнинг бошқа жиҳатлари бўйича фермер хўжалиги ҳамда адлия органи ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни таклиф қиласиз». Ушбу мазмундаги мактубдан сўнг адлия ходимлари фермер хўжалигини тез-тез йўқлаб келишини одат қилишиди. Хўжаликнинг маҳсус жиҳозланган хонасида юртбoshимизнинг фермерлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қинилогда тадбир-

корлик ҳаракатини көнг қулоч ёйдиришга қаратилған күпдан-күп фармон ва қарорлари матни жой олған түпламлар, құлланмалар, ҳуқуқий мазмундаги наширлар ва адабиётлар пайдо бўлди. Кўп сонли фермерлар, дехқон-чорвадорлар, соҳибкор-боғбонлар ўзларини қизиқтирган аксарият саволларнинг жавобини ана шу ўзига хос ҳуқуқий тарғибот ва маърифат масканидан оладиган бўлишиди.

Ҳуқуқшунослар ўз ишларида Шуҳрат Ўдабоевнинг «Уста Матсафо» фермер хўжалигига орқа қилишгани бежиз эмас. Хўжалик ўзгаларга ҳар жиҳатдан ибрат. Оқсан дарё оқиб ётибди. Ҳамқишлоқларнинг Ўдабоевлар сулоласини «орқали» (янии пири комилликка дахлдор) авлод санашигани ҳам бежиз эмас. Акс ҳолда, шўро замони тақозоси-ла олий таълим даргоҳларида ўқиб, илм ололмаган катта авлод вакиллари ичидан Матсафо ота янглиғ моҳир уста-хунарманд, донишманд ва обрў-эътиборли инсонлар етишиб чиқармиди? Бизнингча, шу ердаги «Улли Пир», унинг пойидаги «Жиловдор бобо» ҳамда «Ҷастурхончи бобо» хилхоналарида абадий қўним топган ҳаэроти инсонларнинг руҳи поклари хонадонни ёруғ шамчиюқ мисол чароғон этапти. Биласиз, ўтганлар руҳи сўймаганга сўйкашмайди, ардоқламаган, ихлос қўймаган хонадонга назар солмайди, нопок ерни ўзига макон тутмайди. Хотирини ёд этган, қалбини Ҳақ таолуга баҳш қилган, ўтганлар ишининг давомчилари бўлишга астойдил бел боғлаган, дили пок, юраги тоза, бунёдкорлик ва эл-юрг хизматига камарбаста, инсоний фазилатлари бисёр кишиларни доимо қўллайди. Матсафо оталар хонадонини ўтганлар руҳи ҳар доим қўллаб, ардоқлаб келаётганига шак-шубҳа йўқ. Оила кечмиши буни яққол таасдиқлайди. Ушбу тарихга боққан киши унда нуқул пири комил устодларга дуч келади.

Шуҳрат Ўдабоев – гарчи ёши 40 дан ўтган эса-да, ўзича ҳали ёш ва донишмандликка даъво қилмайди. Очиги, бунга ҳаваси ҳам йўқ. Биргина орзузи бор: ўзимни ҳалол меҳнат майдонида кўрсам, қобилиятимни ана шу майдонда шижоат ва матонат билан исбот этсам, дейди. Аслида

бу – Матсафо отанинг ҳам ҳаваси әди. Ү киши ҳам ҳеч маҳал донишмандлық дағыво қылған әмас. Бу рүтбани унга әл инъом этган, шу мақомга етишігач, яғни «ёшулли»лиги – талай инсоний ғазилатлари аҳли одамлар оғзига тушғанидан сүңг унга сазовор бўлган. Ота даставвал узоқ йиллар мобайніда қўшни Бўйрачи қишлоғидаги пахта қабул қилиш пунктида турли вазифаларда ўзини кўрсатди, корхона учун баланд ва узун пахса деворлар урилган чорлар усталар ишига разм солиб, ушбу мўътабар касбнинг сирсиноатини эгаллади. Пировардидা, ўзи ҳам моҳир иморатсооз уста (биламиз, бундай усталар яқин ўтмишимизда касб-корига меҳри баланд, ишга чечан, фикру мушоҳадага бой, нотиқ ва диловор, оқилу доно кишилар ичидан стипиб чиққан) сифатида танилди, айни пайтда қишлоқда яшагани боис ва ҳазрати деҳқон ўтган аждодларига мансублиги важида ер илмини пухта эгаллади. Ана шундан кейин отага колхоз «ёшулли»лари «харидор» чиқишиди. Кўп йиллар жамоа хўжалигига бригадирлик вазифасини ўтади. Шундан сўңг ҳеч иккименмай айтиш мумкинки, отани донишмандлик фасли ва мақомига ҳалолу фидойи меҳнатлари етаклади. Афсус, у энди орамизда йўқ. 2003 йили 73 ёшида бандаликни бажо келтирган. Ундан қолган ва ўзи ардоқлаб камолга етказган 10 нафар фарзандга ҳам оталик, ҳам оналиқ фарау қарзларини эндиликда табаррук инсонлар сафидан ўрин олган ҳожи она – Саодат ая Сапарбоева адо этаяпти. Шукрат – улар орасида тўртингичи фарзанд. Кечмиш асрнинг олтмиш еттинчи йили ёз чилласида таваллуд топган. Собиқ касб-хунар билим юртида таҳсил олиб, техника воситаларини бошқариш ва фойдаланиш малакасини эгаллаган, армия сафида хизмат қылғач ва унгача бўлган бир неча йил давомида картошкачиликка ихтисослашган собиқ «Соҳибкор» давлат хўжалигига ишчи па ҳайдовчи вазифаларида меҳнат қылған. Юртимизда истиқболнинг илк эпинлари эса бошлигач, хўжалик раҳбарлари Матсафо отанинг қалбига қўл солиб, тажриба тариқасида жамоа таркибида ташкил эти-

лиши күзда тутилган чорвачилик йұналишидаги қалдирғоч фермер хұжалигига ассо солишини таклиф этишган. Хонадон аҳди, аввало, фарзандлар хохиш-истагига күра қишлоқнинг илк фермер хұжалиги «Уста Матсафо» номини олган. Ота амри ҳам бажо бўлди: анча йиллардан бўён давлат хұжалигининг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрган, армия таълимени олган фарзанд – Шукрат хұжалик раҳбарлигини гарданига олди. Совхоз «ёшулли»лари хұжаликка даставвал 2 гектар ерни ижарага беришди. Фаолият эса 7 бош қорамолни асрашдан бошланди. Со-вхознинг ушбу ички фермер хұжалиги 5 йил мобайнида, яъни 1995 йилгача фаолият кўрсатгач, ниҳоят мустақил мақомни қўлга киритди. Ушбу арафада унга яна икки, орадан уч йил ўтгач эса тағин олти гектар ер майдонини ажратиб беришди. Дастрабки 7 бош қорамолнинг сони йил сайин ортиб, 30-40 дан ҳатлаган бир вазиятда, хұжаликка қўшимча экин майдонларини ажратишдан бўлак чора ҳам йўқ эди.

Қаранг, мустақиллик фермер хұжалиги учун ҳам ҳаёттій муҳим зарурат бўлиб чиқди. Ушбу мақомга стишганидан сўнг, хұжалик чинакамига оёққа қалқди. Ер-ку давлатники, бироқ талай мулк-бисот ҳам қўлга кирди ва фермернинг ишончли мададкори, суюнчиғи, қўл-қанотига айланди. Хұжалик ўз мустақиллигининг учинчи йилида дастлабки чопиқ ва транспорт воситаси – МТЗ-80 русумли дастёрига эга бўлди. Куни келиб, мўл ҳосил ва юқори самара манбаига дўнишини ўшанда деярли ҳеч ким тасаввур ҳам этолмаган 2 гектарлик бор ҳам шу орада барпо этилди. Бунга раҳматли Матсафо отанинг ўзи бош бўлди.

Интилмаганнинг куни қурсин. Интилганинг эса опири олчи.

Чорвачилик ажиб соҳа экан. Даладан фарқли ўлароқ, олинадиган самараю даромад микдори чекланмайди, ҳажми бир мэррага еттач, тўхтаб қолмайди. Ҳа, шундай. Заминимиз саҳовати сарҳадли: ҳосилдорлиги ўнумдорлиги авж нуқтага кўтарилиган ердан ҳарчанд уринилса-да, имкон-

дан зиёда самара олиш, чеклаимаган кўрсаткичларга умид боғлаш амримаҳол. Чорвачиликнинг йўриги эса мутлақо бошқа. Моллар боши бутун бир бўлса, эртага икки, тўрт, ўн, юзга етиши, ундан ҳам ортиши, ал-жабрчасига кўпажовнинг бундай жараёни тўхтовсиз давом этиши турган гап. Шунинг ҳисобига хўжаликда маҳсулдорлик ва самарадорлик кўламлари ҳам чексиз равишда орта борди. Моллари қўрасига сиёмай қолган фермер хўжалиги 2007 йили унинг важидан бағрига бир йўла 250 бош қорамол жойлашгучи йирик фермахона мажмуасини қуриб битказди. Экин майдонлари сатҳи эса кенгайгандан кенгайиб, истиқлолимизнинг 17-йилида 50 гектарга етди. Айтмоқчи, «Уста Матсафо»нинг далалари ҳосилдорлигу самарадорликда танҳо. Бундай дейишимиизнинг бир сабаби: хўжалик ерлари ва мулк-бисоти табаррук маскан – ҳали айтганимиз «Улли Нир» – Фовсул Аъзам, ҳазрат Юсуф ва Саид Ҳамадонийларнинг руҳи-поклари қарор топган гавжум зиёратгоҳлар билан ёни-ён жойлаштан. Аллома аждодларимизнинг ушбу муқаддас замин узра туну кун кезаётган руҳи поклари бу ерда тер тўкаётгаиларга доимо ҳамроҳ. Ушбу илоҳий қувватдан ернинг ўзи ҳам баҳра оляяпти: маҳсулдорлиги, ҳосилдорлик ва унумдорлиги ўзгalarнидан чандон ортиқ. Бироқ шуни ҳам унутмаслик зарурки, омад – интилганга ёр. «Интилмоқ» сўзининг маъниси кенг. Яъни бошқа соҳалар янглиғ деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ютуқларнинг бари омиқорликка, тадбиркорликка, илму савияга, ер билан, боғ-роғ билан, мол-чорва билан тиллаша ва диллаша олиш салоҳиятига боғлиқ. Ўтганлар руҳи биринчи галда она заминимизнинг ана шу талаб ва тақозоларини ҳалол меҳнат ва одамийлик фазилатлари баробаринда бажо келтира олгучи заҳматкаш инсонлар – интилувчан на изланувчан кишиларни кўллади.

Узр, ҳиссиётларимиз бир оз эрк олди. Унга кўпам эрк бермаслик керак. Яхшиси, қаҳрамонларимиз ҳузурига қайтганимиз маъқул. Лекин ўша қаҳрамон санаганимиз – фер-

мср Шуҳрат Ўдабоев билан тил топипшиш амримаҳол. Ү десангиз, бу дейди, бу десангиз, у дейди. Ҳар икки сўзининг бирида асл «қаҳрамон» ўзи эмас, ўзгалар: падари бузруквори, волидаи-муҳтарамаси, ака-ука ва опа-сингиллари, оддий пахтакор, чорвадор ва боғбонлар эканлигини тинмай тақрорлайди. Хуллас, қаҳрамонлигини пеш қилиб, сиртига сув юқтиromoқчи эмас. Гапни шу оҳангда олаяп-мизу, аслида унинг ҳақлиги ҳам бор. Тўғри-да, қарс ҳамиша икки кўлдан. Башарти, донишмаид ота, муnis ва меҳрибон волиданинг ўғит-маслаҳатлари, кенгаш ва йўл-йўриқлари, туғишганлар мадади ва ҳиммати ёинки ёлланма тарзда ишлайтган пахтакор, ғаллакор, чорвадорлар меҳнати кўл-қанот бўлмаганида, Шуҳрат «Шуҳрат» нишонига эга бўлармиди? Чиндан ҳам шундай: «Уста Матсафо»нинг соҳиби Шуҳрат Ўдабоев мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ўзи сазовор бўлган бу мукофотни ана ўшаларники санайди. Ва каминадан уларнинг мадҳини сўрайди. Бироқ бу ўтинчни бажо келтириш мушкул юмуш. Нега деганда, Шуҳрат мадҳини сўраган кишилар сони фермер хўжалигининг ўзида 30 дан зиёд. Ва уларнинг меҳнат ва турмуш майдонидаги сувратини бир-бир чизишдан мушкулий ўйқ. Бироқ ҳар нарсанинг ўз мавриди бор. Инсонни меҳнатдан, меҳнатни инсондан айро тутолмайсиз. Шундай экан, савол туғилади: ободлик ниманинг эвазига? У меҳнатданми ёки она заминданми? «Уста Матсафо»га уюшган ва Шуҳрат таърифини сўраган ўша қаҳрамонлар ишига синчиклаб разм солган, она замин бағрига тийрак боққан киши саволнинг жавобини дарҳол топади.

«Уста Матсафо»дагилар «катта йўл»га атиги 7 бош қорамол билан чиқишганди. Биласиз, мол сонини тўхтовсиз ва чексиз равишда орттира бориш мумкин, лекин бунга ўз ўзидан эришилмайди. 7 бош мол фермерликнинг дастлабки 18 йилида ўзидан кўпайиб, 135 га етгани ҳақида ҳисоботга битилган рақам ҳақиқатга тўғри келмайди. 135 бош мол, бу – фермер шу пайттacha асралган новносу сигирбузоқларнинг бир қисми, холос. Ўтган давр мобайнида

гүштга топширилған, иссиқ овқат учун сүйилған, хайрия тарзда кам даромадли оизаларга инъом этилған ехуд бозорға сотилған ўлдарча, юзларча қорамоллар бу ҳисобға кирмайди. Буни сархисоб қылған кипи наинки асралған моллар сони, балқи сарфланған меңнат миқсесларини ҳам тұла англаб етади. Мол қарови ер қаровидан күра чандон ҳисса қийинлиги деҳқону чорвадорға беш бармоқдай аен. Гарчи қулоққа дараңроқ чалинса-да, әл орасида «Деҳқон ёққанда, чүпон эса ўлғанда тинчийди», — деган бир нақәл юради. Болшакча айтганда, деҳқон уч фасл ишлаб, бир фасл дам олиши мумкин. Бироқ чорва аҳли учун йил ўн иккі ой – қызығын иш фасли. Мол верамоқнинг сир-синоатлари озмунчы әмас ва унинг ақаллы биттасидан бехабар қолишининг ўзи қилинған барча меңнатларниң натижаси-ни чиппакка чиқариши мумкин. Фермер хұжалиғи иш бопиқарувчиси, түнғич ўрил Раҳмонберган Ўдабоев шу мавзудан сүз очиб, деди: «Отам раҳматлик: «Киши палласи моллар ёнига бир пақыр сув қўйиб қўйгин. Агар у музлагудек бўлса, молларни дарҳол панага олгин, – дердилар. Бу мол асрашга оид мингта чоранинг атиги биттаси. Аммо ўша битта чоранинг ўзини менсимай кўринг-чи, чорванинг ҳоли не кечаркин?»

Фаҳми-ожизимизча, уста Матсафонинг қобилу қодир фарзандлари мол асрашшинг минг бир синоатини ўзлаштиришибди. Акс ҳолда ундан наф келмасди. Биласиз, чорванинг даромади ҳам ер янглиғ ҳалол ва фидойи меңнатдан келади. Наф кўришнинг бундан ортиқ йўли йўқ. Баштарти меңнат жабхасидаги шижаот омилкорлик ва тадбиркорликка ҳам бориб тақалса-чи? У ҳолда фермер хұжалиғи нақдинасига дўнган қўйидаги янглиғ манзарани кўришингиз мумкин.

Фермер Ўдабоев ҳикоя қиласи: «Кунларнинг бирида ҳамкасб фермерлардан бири нолиб қолди. Эминки, ўзга юртлардан Хоразмга асрап учун олиб келинған моллар бизнинг шароитда узоқ яшай олмасмиш. Ўзга бир фермернинг сўзини ҳам тингладим. Айтишича, көлтирилған

төвмишларнинг ҳар бири нақ бир тонна тош босармиш, кунига 15-20 литрлаб сут, йилига бир маротаба бузоқ берармиш. Туман раҳбарияти ва илми қилни қирққа ажратгучи мутахассисларга юзланиб, фикр ва кенгаш сўрадим: «Қўпол бўлса-да, эшиг, қарамаганинг хотини кетибди, агарда қийинчилигидан қўрқсанг, йўлга чиқма», – дейишди. Ўйлаб қарасак, меҳнатсизроҳат йўқ. Яна десандиз, ҳалол меҳнатнинг иони ширин. Кейин аёи бўлдики, узоқ Украинадан келтирилган зотли молларнинг тилини билмаганлар армонга, билганлар эса, дармонга дуч келишибди. Ва фермернинг айтишича, дастлабки кезлар ўзга юрт моллари парваришида йўл-йўриққа риоя этмаганлар айбни молга юклашибди, риоя этганлар эса қўлга кирган натижани молнинг феълию табиатига боғлашибди. Шундан сўнг вазиятни етти ўлчаб, бир кесган фермер украин чорвадорларининг бир йўла 10 бош молига харидор чиқибди. Хайрият, қаровга ёлчиган молларнинг биронтаси ҳам нобуд бўлмабди. Аксинча, 10 бош зотдор мол ўз-ўзидан кўпайиб, З ўйл ичидаёқ сони 30 га етибди. «Энди улар алоҳида парваришига муҳтож эмас, – деди фермер қониқиши билан, – шу давр ичида улар шароитимизга тўла мослашди. Бу жараён, айримлар ўйлагайчалик, кўп ҳам қийин кечмади. Нега деганда, молларнинг асл ватани билан Ўзбекистон – Хоразм воҳаси иқлим шароити бир-бираидан унчалик кўн фарқ қилмайди». Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, молдан кўра синчков жонивор йўқ: кези келса, дард чекади, кези келса, куюнади, кези келганда суюнади. У авваламбор эгасига меҳр боғламори даркор. Бунинг учун эса соҳибининг ўн карра зиёдроқ меҳри-оқибати керак. Ўзининг янги соҳиби меҳр-ардогидан бебаҳра қолган мол дардини ичига ютиб, тезда касалликка чалинипи ва ҳатто нобуд бўлиши ҳам мумкин. «Ферманинг ўз эгаси бор, – деди қониқиши билан сўз шу мағзуга кўчган чор Шуҳрат Ўдабоев. – Бу соҳада неки натижага бўлса, барини укам Йасур Ўдабоевнинг меҳнати ва жонкуярлиги самараси, деб биламиз. У зотдор молларни харид қилиш

чоғида ягона тўғри йўлни танлаб, қиши қирчишламаси айни авж паллада Украинага жўнади, у ерда ҳам молларни ўзи танлаб, кела-келгунча совуқ вагонда жониворлар билан бирга ётиб, бирга турди, узоқ йўлда уларнинг ўти, еми, сувини канда қилмади».

Яқинда хушхабар эшитдик. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Уста Матсафо» фермер хўжалигини Хоразм вилоятининг «Наслчилик хўжалиги» сифатида эътироф этиб, шу юздан тегишли қарор қабул қилибди. Ҳа, хўжалик бундай эътирофга лойиқ. Чунки бу ерда асралаётган зотдор новвосларнинг ҳар бири ўртacha 400-500 килограмм гўшт, сигирларнинг ҳар бири эса кунига 15-20 литр сут беради. Шундай экан, бу сингари фермаларнинг насл ўчигига айлантирилиши – айни муддао.

Умуман, хўжалик чорвасининг бугунги ҳолати ва мав-қеига ҳавас қиласа арзиди. Хўжалик айни пайтда пахта, ғалла, боғдорчилик исъматларини ҳам кўплаб етиштираяпти ва натижалар ҳар жиҳатдан яхши. Бироқ даромаду буромаднинг асосий қисми чорпага тегишли. Айни пайтда эътироф этилиши лозим бўлган бошқа бир таомил ҳам мавжуд. Яъниким, барча саъӣ-ҳаракатлар чорва равнагига қаратилган. Фойдаю даромад боғдан келадими, ғалла ёки пахтачилик жабҳасиданми, пировардида, унинг асосий қисми чорвачилик ривожи йўлида харжаланди. 250 бош қорамолга мўлжаллаб 2007 йили бунёд этилган янги фермахона мажмуаси – мавсум якунланган чоғ ягона «чўнтак»ка жо бўлган катта даромаднинг муносиб маҳсулни.

Фермер Шуҳрат Удабоев даромадини тагига босиб еб ётадиганлар тоифасидан эмас ва ҳатто топганини сир ҳам тутмайди. У қўлимизга шундай бир нома тутқазди. Үнда қайд этилишича, фермер ўз фаолиятининг биргина сўнгти уч йили мобайнинда жами 34 миллион, фақатгина кейинги бир йил ичida эса салкам 20 миллион сўм миқдорида соғ фойда кўрибди. Денгизли 90 миллион сўмлик ялпи даромаднинг 34 миллиони соғ фойда экани назарда тутилса,

рентабеллик күрсаткычы 35 фойздан ҳам ортиши тамомида равшан. Бу сингари натижалар чинакам тәдбиркор ва омилкорларғагина насиб этади. Сүнгти уч мавсумда хұжалиқда пахта ҳосилдорлығы гектарига 40, ғалла эса 60 центнердан пастға тушмади. Чорвачилик йұналишидағы фермер хұжалигининг пахта ва бүгін майдонлари ўзаро тенг: ҳар қайсы әкінга ўртача 10 гектар ер майдони ажратылған. Ҳисоботларда битилганидек, ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил миқдорига ойл құркам яқун «Уста Матсафо»ға тегиппили. Ва у ер-мұлк соҳибининг айтишича, яна бир укаси, дәхқончылық фидойиси, шу соҳага масъуллік юкини гарданига олган Ҳикмат Үдабоеев меңнатларининг самара-си, тотли меваси.

Шу топта: «Фермернинг даромади нұқул дәхқончылық ёки чорвачилиқдан экан, холосми?», деган саволни қўйиш балки ўринли бўлар. Кези келган экан, айтиб қўяйлик, омилкор одамлар – тиниб-тинчимаслар сирасидан. Чорва билан бир қаторда еридан пахтага ҳам, ғаллага ҳам, каттакон боғ майдони ёхуд савзавот-полиз әкинларига ҳам ўрин тополган кипи сармоянинг бошқа «булоқлари кўзи-ни очолмас экалми? Фермер хұжалиғи бир неча йиллар муқаддам ўша кезлар орттирилган фойда эвазига «Бешмерган»нинг қоқ марказида яна бир неча киши учун иш ўрни яратиб, ун тегирмони, макарон цехи ва фирмада дўко-нини очган эди. Әнди ундан фермердан ташқари ҳамқишлоқлар ҳам яхшигина наф кўришиялти. Даала ва чорва фермаси юмушлари эса МТЗ-80, Т-28, Т-4 русумли қудратли тракторлар, прицеп, пичан ўриш агрегати, чизел ва бошқа кўпгина тиркама воситаларидан иборат техника парки зиммасида. Бу рўйхатда кимсан, вилоятнинг пом-дор фермерини манзиллар сари ғизиллаганча элтувчи ёки ўй-рўзгор ҳамда хұжалик юмушларида ҳар дам асқотувчи сингиз машина негадир кўзга чалинмайди.

– Уловимиз бўлган, – масалага аниқлик киритиб деди «Уста Матсафо»нинг соҳиби, – уни фермерликдан ортирганымиз боис, мулкларимиз ҳисобига қўшмаганмиз,

әнді эса шукрки, фермер хўжалигининг ҳам ўз улови бор. Үнга куни кече этта бўлдик. Гарчи юртимизда ишлаб чиқарилган «Нексия»лар сони атрофимизда юз минг эса-да, ўз «Нексия»мизнинг ўрни бўлак. Уни атайин хариц қилмаганимиз: ҳоким «бобо» (вилоят ҳокими назарда тутилаяпти — А. С.) мукофот сифатида берган.

Хўш, ҳоким «бобо» фермерни нега бундай тарзда сийлади экан? Масалага аниқлик киритилгач, бари аён тортиди. «Уста Матсафо» 2008 йил пахта ҳосилини йигиш ва давлатга топшириш бўйича туманда биринчиликни эгаллаб, энг юқори кўрсаткични қўлга киритибди. Натижада, ҳокимнинг ҳар битта туман пешқадамига аталган ушбу соврини гал Шовотга стганда Шуҳрат Ўдабоевга насиб этибди. Қойил! Гарчи чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатса-да, иқтидорини пахтачилик жабҳасида ҳам намоён этаётган фермернинг ишига чиндан ҳам қойил қолса арзиди.

Билиб қўйган мәъқул, фермер бекорчи киши эмас: куни турли йиғинлару «ёшулли»лар ҳузурида, арз-шикоятлар гирдobi ёхуд бюрократизм ва қофозбозликни байроқ қилган турфа хил таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи идораларда ўтмаслиги керак. Яхшиси, унинг қопига «мана молимиз, қани пулингиз», дея мутасадди ҳамда «ёшулли»ларнинг ўзлари келингани мәъқулмасми кан? Ҳазрат Науой, Мирзо Бобурдек улуғ сиймолар ардоқлаган деҳқон ёки чорвадорнинг иззат-хурматини истиқлолимиз ва дориламон жамиятимизнинг оддийтина юмушларини ҳам этполмаётган айрим ноқобил бандалар нега әndи жойига қўймасликлари керак? Бизнинг «Уста Матсафо»дагиларга келсак, улар иззат ёки хурматталааб кишилар эмас. Гўёки бари меҳнат ва нуқул меҳнат учун яралгандай. Шу боиски, «сиёсат» уларни йўқламаса, улар «сиёсат»ни йўқламайди. Лекин нима дессангиз денгу, фермер Шуҳрат Ўдабоев бу тоифага кирмайди. Боши турли йиғину мулоқотлар, «ёшулли»лар билан учрашивлар, туман ёки вилоят маркази, ҳатто пойтахт томон қатновлардан чиқмайди.

Фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб ишловчи акаси Раҳмонберган Ўдабоев эса бундай ташвишлардан яқиндагина қутулди.

Гап нима ҳақда кетаяпти, ўзи? Саволнинг жавобини сұхбатдошиларимиз: Шуҳрат ва Раҳмонберганинг изоҳидан, айрим ҳужжат ва маълумотлардан тоидик. Аён бўлдики, фермер хўжалиги ва турли маҳкамалар ўртасида иш ва хизмат фаолиятига дахлдор борди-келдилар аллақачон бир маромга тупған ва ҳатто анъана тусини ҳам олган. «Ёшулли» ҳам, хизмат кўрсатувчи ёхуд таъминотчи ҳам ўз бурч-мажбуриятини ўзи билib бажараверади. Буйруқбозликка ҳожат, хизмат ёки таъминотга эса эътиroz йўқ. Шу боиски, бирор-бировни бехуда маҳтал ҳам, овора ҳам қилмайди. Фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Раҳмонберган Ўдабоевнинг туман Кенгашига депутатлик муддати ниҳоясига стди. Шу сабабки, депутатлик фаолияти билан боғлиқ турли ҳужжатлар, сўровлар, таклиф-илтимосларни ўрганишга энди нақт сарфламайди. Ҳамқишлоқлар эътиборини қозониб, депутатликка сайланганию бир муддат улар хизматида бўлганидан эса, доимо фахрланиб юради. «Фермер хўжалиги кенгайгач, депутатлик фаолиятим бир қадар сусайланлигини тан олмоғим лозим», – деди у ўз сайловчилари олдидаги фарз ва қарзларини назарда тутаркан. Сирасини айтганда, унинг зиммасига ортилган ҳозирги «юқ» депутатлик йиллари юмушларидан асло кам эмас. Энг муҳими – бунёдкорлик. У энди бевосита ана шу жабҳада. Олий маълумотли иқтисадчилик касби, ер ва мол-ҳол орасида кечган қарийб 30 йиллик умри, шу вақт мобайниди ортирган бой иш тажрибаси эндиғи меҳнатида бафоят қўл келаяпти.

Фермер Шуҳрат Ўдабоев эса айни кунларимизнинг чин сиёсатчилари даврасида. «Бунинг учун 10 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўстирган, ўстирибгина қолмай, раҳматли надари бузрукворимиз билан бирга баримизни бу мақомга етказган волидаи муҳтарама ҳожи онам Саодат ая Сапарбоева, моҳир иш бошқарувчи Раҳмонберган

акам, фермер хўжалигида бирга тер тўкаётган Шодмон-жон опам, Оллаберган акам, Ражаббой, Санъатбек, Несъматжон, Ҳикмат, Йқасурбек укаларим, Умид синглим, қолаверса, инонган тогимиз, фермер хўжалигимизнинг бирини икки қилаётган Иқболой Дўстчопова, Гулнора Сафоёзова, Раҳимберган Матёқубов, Илҳомбой Ҳасанов сингари ишчиларимиз – уларнинг жами сони 25 киши – баридан беҳад миннатдормиз», – деда изоҳ берди Шуҳрат сўз мавриди келган маҳал. Гап шу хусусда кетар экан. фермер Шуҳрат Ўдабоевнинг қалбини тоғдек кўтартган бир ҳолат ҳақида албатта тўхталмоқ жоиз.

Бу воқеа 2008 йил ниҳоясига етар чорда содир бўлди. Президент Ислом Каримов мамлакат Конституцияси қабул қилинганиниг 16 йиллиги тантаналарида нутқ сўзлаб, пойтахтимиздаги муҳташам кошонада ҳозир бўлганлар эътиборини ҳали ҳеч ким ўйлаб кўрмаган, лекин аллақачон пишиб стилган бир масала – фермерлик ҳаракатининг шу кундаги сарбаланд мақомига қаратди. Бу оқим ўтган давр мобайнида мамлакат аграр тармолининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, бинобарин, шу беспоён ҳудудининг мустаҳкам ўзаги сифатида шаклланиб етганлигини уқдириди ва қишлоқ ишбилармонларини замона тақозосига кўра мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлашга унлади. Давлат раҳбарининг ушбу даъвати Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Йибсрал-демократик партияси фаоли, мазкур сиёсий ҳаракатнинг «Бешмерған» қишлоғи бошлангич ташкилоти радиси Шуҳрат Ўдабоевнинг дилини, айниқса, қаттиқ қитиқлади. «Юргашимиз қалбida кечётган изгу орзу-умидларни анча эрта илғагаш эканман, у кишининг даъватини эшитиб, мамлакатимиз нуфузли партиясининг оддий аъзоси сифатида аллақачон тўғри йўлга тушиб олганимни чуқур ҳис этдим, – деди у ғуурл-ла ўзининг фермерлик ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган бир неча йиллик сиёсий фаолияти сабоқларини ифодаларкан. – Қишлоқларимиз файзу тароватини Президентимиз айтган тарзда янгила-

моқ ва ўзгартирмоқ, одамлар маңнавиятини эъзозламоқ, тарбияламоқ – бугуннинг энг долзарб вазифаси. Бу ишни шу ҳудуднинг асосий кучи – фидойи фермерларгина қойиллатиб адо этишлари мумкин. Бунинг учун эса барчамизга юртбошимиз сўраётган фаоллик: маңнавий ва сиёсий стуклик, ташкилотчилик салоҳияти зарур. Ўзини шу юрт фермери – камарбаста инсон сифатида кўришни истаган кипи доимо ўзгалардан олдинда юриши, одамларни истиқлолимизнинг янги-янги мэрралари сари дадил бошлиб бормоғи зарур».

Бу фикрларга барча яқдил қўшилмоғи даркор. Зеро, ҳаётимиз мантиғи шуни сўрайди. «Уста Матсафо»нинг соҳибига келсак, унинг партиявий иши жамоатчилик асосидаги серқирра фаолиятининг бир қисми, холос. Сўзимиз бесос эмас. ЎзЛиДенning туман ва вилоят Кенгашлари аъзоси, «Бешмерган» қишлоғи фермерлари, шу ердаги Муқобил машина-трактор парки, «Соҳибкор-биосервис» масъулияти чекланган жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигини маслаҳатчиси, 33-сон умумтаълим мактаби ҳомийлик ва васийлик кенгаши раиси, ушбу мактаб ота-оналар қўмитаси аъзоси. Бу вазифаларнинг бари бир кипи – Шуҳрат Ўдабоевнинг зиммасига юклатилган. Одамлар суюнмаганга сўйканишмайди. Мамлакатимиз парламенти ва Республика Президентлигига ўтказилган сўнгти сайловларда Шуҳрат Ўдабоев ўз партияси номидан кузатувчи сифатида қатнашди. Фидойизик ва ватанинварварликка йўғрилган бу сингари юмупларни у кўп бора адо этган ва уларни бир-бир санашнинг сира имкони йўқ. Дарҳақиқат, шундай: табиатан фаол, жонкуяр, тиришқоқ, ташаббускор, интилувчан ва излапувчан кишиларга иш доимо бисёр ва бу тоифадаги ҳамкорларга ҳар жабҳада, ҳар юмушда bemalol суюнса, ионса бўлади. Англаганингиздек, ҳамқишлоқлар ва партиядошларнинг Шуҳратга суюнишаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят

филиалига раислик қылаётган Мақсуд Саидов күнларининг бирида Шұхраттнинг күнглигінде құл солди:

— Агар янглишмасам, фермерлик ҳаракати қатнашчи-ларининг туман, вилоят ва Республика танловларида 6-7 йиллардан буён қатнашиб келасиз, — деди у Шұхратта қарата. — Туман ва вилоятни құя туринг, ҳатто Республикада ҳам бир неча бор юқори ўринларни құлга киригансиз. Энді бу ишга чек қўйсак?

Шұхрат анграйиб қолди. Кошкы, раиснинг сўзидан бирон-бир маъно уқсан бўлса. Қаршисидағи одам нима демокчи ўзи?

— Чек қўйилиши зарур бўлган бирор ишқал чиқиби, чоғи, — деди у эсини бир оз йиғиб олгач, — агар шундай бўлса, мен рози.

— Ишнингиздан ишқал топиб бўларканми, иним? Аммо бир гапни дангал айтиб қўймоқчиман. Баъзилар сенинг «Ташаббус» танловларида қатнашувингта қарши.

— Қарши? Қандай қилиб, «ёшулли»? Ахир бирорга ёмон-лигим тегмаган бўлса?

— Ҳамма гап шунда-да, азизим. Таклиф ана ўша «қарши»лар ва ёмон одам эмаслигингни билганилардан чиқаяпти.

— Яна тушунолмадим, «ёшулли»?

— Гап шундаки, кўпчилик фермерлар сени холис ва адолатли одам, «Ұлли Нир»нинг булогидан сув ичган, шу боис ҳалоллигига сўз йўқ, дейишайлти.

— Хўш?

— Яна десанг, «Ташаббус»да қатнашавериб, танлов та-лабларини беш бармоқдай ўрганиб ҳам олдинг. Хуллас, ўзингта оид таклифларнинг у ёғиниям, бу ёғиниям ўргандик. Энді танловларда даъвогар сифатида қатнашишни бас қиласан-да, ҳакамликка ўтасан. Розилигингни олгач, номзодингни «Ташаббус»нинг вилоят Ҳайъати аъзолигига тавсия этамиз. Ишончни, яна денг анча масъулиятли ва шарафли юмушини рад этиш инсонийликданмае. Шұхрат таклиф этилган ишни ўзига шараф билди. Уни бажонидил қабул қилди.

Шу-шу бешмергандык фермер Шуҳрат Ўдабоевнинг номи «Энг яхши фермер» соврини учун бир неча йиллардан бүён ўтказиб келинаётган танловларнинг қатнашчилари рўйхатини тарқ этиб, номдорларнинг номдорини аниқловчи мўътабар ҳайъат таркибидан жой олди. Фахрли мукофотларга воҳанинг айни муносиб кишилари сазовор бўлишаётган экан, бунда «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича ўтказиляётган «Ташаббус» танловининг вилоят босқичи Ҳайъати аъзоси сифатида Шуҳратнинг ҳам холис овози бор.

Дарвоqe, «Уста Матсафо»нинг соҳиби иштирок этган танловлар хусусида. Бу ҳақдаги холис ва ишончли маълумотни фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят филиалидан олдик. Унда қайд этилишича, фермер мамлакат ишбийлармонлари танловининг катта марафонига 2001 йилга келиб қўшилибди. Дастлабки синовдаёқ ўзини кўрсатиб, туманда биринчи, вилоядта совринли ўринни эгаллади. Орадан яна уч йил ўтгач эса, воҳанинг ғолиб фермерлари сафидан ўрин олибди, танловининг учинчи мукофотини кўлга киритибди. Шу тариқа мэрралар бирин-кетин забт этилаверибди. 2005-2006 йиллари «Ташаббус»нинг «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича бир йўла ҳам туман, ҳам вилоят босқичи ғолиби бўлибди. Шундан сўнг мазкур нуфузли танловнинг Республика босқичига йўл олибди. Бу ерда аввалига «Голибликка интилувчан фермер» соврини, кейинги йили эса лауреатлик дипломига сазовор бўлибди. «Ташаббус» танловлари ҳайъати аъзолиги йўлини фермер яна шу аснода кашф этибди. «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони ва «Шуҳрат» медали эса фермерлик жабхаси ҳамда жамоат ишларида ифодасини топган матонат ҳамда фидойиликнинг муносиб мукофоти бўлибди.

Яна билиб қўйга маъқул: «Уста Матсафо»нинг жиловини тутганлар бу янглиғ соврину мукофотларни олиш билан чекланиб қоладиганлар ёки уни сурнай қилиб чалиб юрадиганлар тоифасидан эмас...

— Мукофотни ўзимиз ҳам берсак, нима қилибди? — деди узоқ йили Саодат аяга мурожаат қыларкан Шухрат. Она ўзининг ҳам дили инсонийлик меҳрига лиммо-лим эмасми, фарзандининг пешонасидан ўпид, хайрли ниятига оқ фотиҳа берди. Орадан күп ўтмай, Үдабоевларнинг пири бадавлат оиласи аъзолари таълим-тарбия олган шу қишлоқдаги 33-сонли ўрта мактабнинг аълочи ва фаол жамоатчи ўқувчиларини рағбатлантириш учун «Матсафо ота» номидаги стипендия жорий этилди. Үшбу нуфузли мукофот мактаб муаллимлар кенгапи қарорига мувофиқ, йилнинг ҳар чорагида бир марта 2 нафар юқори ва яна 2 нафар бошлангич синфлари ўқувчиларига мунтазам равишда бериб борилаяпты ва у таъсис этилганидан бүён жами 40 дан зиёд ёш истесъоддлар унинг соҳиби бўлишди. Бу — ниҳоятда хайрли тадбир, бироқ саҳоват шунинг ўзидан иборат эмас ва қишлоқ Фуқаролар йигини раҳбариятининг илтимосига кўра, масаланинг бу жиҳатини зинҳор четлаб ўтмаслигимиз даркор. Шундай қилиб, маълумотномадан кўчирма: «Уста Матсафо» фермер хўжалиги ўтган 2006 ва 2007 йилларда қишлоқдаги кам таъминланган 2 оиласа иккита қорамол ҳадя қилди. Бундан ташқари, 33-сон умумтаълим мактаби ва «Шодлик» болалар боғчасини ҳомийликка олиб, уларнинг моддий таъминотини йўлга кўйди».

Бу янглиғ хуш манзараларни кўрган кишининг қалбидага албатта ёқимли туйғулар, эзгу фикр — ўйлар жупбишга келади. Ва кўнгилда дилни қитиқловчи яна бир эзгу савол ўйғонади: қани айтинг-чи, юртбопимиз сўраётган, йўқлаётган кишилар айнаш Шухрат сийратидаги ажойиб замондошларимиз эмасмикан?!

2009 йил, март

АЛП ҚЫЗ – БАРЧИНОЙ

Орамизда гайриоддий исем-фамилияли, яъни ота номи остидаги «ов» ёки «ев» якуп ламасини «бой берган» кишилар ҳам бор. Ўз-ўзидан аён – бу ном эмас, балки ўша кишининг тахаллуси ва ҳеч кимга сир эмаски, уни кўпинча ижодкор-зиёлилар, олим-алломалар орқалаб юришиди. Боготлик Самандар Сафо – на ижодкор, на олим, на том маънодаги мутахассис-зиёли. Гарчи шундай эса-да, у – ўз элдошлиари учун аллақачонлардан бўён ўзининг фуқаролик ҳужжатида қайд этилганидек, Самандар Сафоев эмас, балки оддийгина Самандар Сафо.

— Самандар Сафо шўро замонасида ҳам раҳбарлик вазифаларида ишлаган: бир қанча йиллар жамоа хўжалигига раислик қилган. «Агропром» аталмиш йирик маҳкамани бошқарган, – ҳикоя қилади унинг яқин сирдош, маслақдош ва синфдош дўстларидан бири, шу срдаги шўро колхозини у билан галма-галига бошқарган Юсуфой ота Худойберганов. — Айрим раҳбарларга хос бўлмаган тўғрисуёзлиги, чўрткесар ва ўжарлиги, ҳалоллиги, поклиги, минбарлардаги сўзамоллиги, танқиддан ўзини тия олмаслиги ва ҳатто уйдаги айрим «сир»ларни юқорига ҳам маълум қилгани боис тез орада «ёзувчи» номини олди. «Ёзувчи»га тахаллус тақаш эса биздаги айрим «ёшулли»ларга ота месрос одат.

Самандар Сафо ўз тилидан айтишича, у бу янтирир тахаллус қўйишдан хафа бўлмабди. Ҳозир орадан қанча сувлар оқиб кетган, шу вақт ичиди не-не шодликлару кулфатларни бошдан ўтказган бўлса-да, у ўзи ортирган бу тахаллусга ҳамон хайрихоҳлик билан қарайди. «Ҳақ сўзим на пок қадамларим эвазига шу номни ортирган эканман, ундан ҳеч ҳам хафа эмасман», – дейди гурур билан. Аммо отанинг айтишича, маниъум тахаллус уни ва оиласини пировардида ҳаётнинг аччиқ кулфати томон етаклаётганини ўшанда ҳеч ким билмаган, пайқамаган. Кейинчалик зса ўша тўғри сўзларининг тўқмогига тўқнаш келган, ум-

рининг 3 йилу 2 ойини Гдлян ва Ивановлар тутқунлигидә үткәзгән. Самандар Сафоға қарши аллақачонлардан бүсін тиши қайраб юрган бир неча маҳаллий раҳбарлар чакуви остида «қоп-қоронғу зимистан үйдан аслида йўқ қора мушукни излаш, топиш ва тавбасига таянтириш» учун ўлкага босқин ясаб келган қатағончилар панжасига тушган. Бироқ Самандар Сафо – фидойи, меҳнаткаш, пок ва ҳалол ўзбек деҳқони аслида кимлигини умри бино бўлиб кетмон кўрмаган, уни ҳатто тасаввурига ҳам сифдира олмаган тани бошқа дард юқмас кимсалар қаердан ҳам билишсин? Уни колхоз раислиги вазифасини ҳалол уддалаётган бир паллада тутқунликка олиб кетишганди. Үжармасми, Самандар Сафо гдлянчиларга ҳам, Гдляннинг ўзига ҳам бўйин эгмади. Улар тутқундаги банданинг «айби»ни исботлаш учун 3 йилу 2 ой уринишиди. Лекин барибир уддалай олишмади. Ахийри бўлмагач, қўйиб юборишиди. «Маданият» қишлоғи аҳли қамоқдан қайтган собиқ раисни кучоқ очиб кутиб олди ва эртасига ёқ қўярда-қўймай яна колхоз раислигига сайлашди. Оддий одамлардан яхшилигиниги дариг тутмасанг бас (Афес. Баъзилар илкида имкони бўлса-да, уни уддалай олишмайди. Ёмонлик ҳар кимсанинг қўлидан келиши мумкин, бироқ яхшиликка қодир бўла туриб, уни удда қилолмаслик инсоний заифликдан далолат). Ҳар қалай, Самандар aka хўжаликда еттидан етмиш яшаргача бўлганларнинг бари билан аввал ҳам тиллаша олган ва қамоқдан сўнгги раислик чоғида ҳам шундай бўлди. Колхозчилар-ку, жонини жабборга бериб ишлашди. Ердан унмаганиннундиришиди, бўлмаганин бўлдиришиди, шу аснода барчанинг юзи ёруғ ҳам бўлди. Оддий, жафокаш, заҳматкаш, меҳнаткаш инсонлар билан ҳамнағаслик – ҳар қандай пок ва тоза қалбли раҳбарнинг хузури. Меҳнат қилиб тўймайсан киши. Бироқ қанийди, оқца қора, яқинга йироқ, диёнатта хиёнат, яхшига ёмон, дўстга душман ҳеч маҳал рўпара келмаса. Бундай вазиятда ишлаш қийин. Кўзга кўринмас тўсиқ ва чирмовуқлар йўлингни кесиб чиқаверади. Дўстинг минг эса-да – оз, душманинг бир эса-

да – күп, дегани шу-да. Бундай кезларда ташланган қадамларнинг бири оддинга кетса, иккитаси ортга кетиши ҳам турган ган. Ютуқлар ҳам омонатга дұниши мүмкін. Эл-юрт манфаати мана мен деб турған, бутун омма учун ризқнасиба яратиш ҳастий мұхим юмушга дүнгән ўша нозик паллада у «оддий» одамлар «номи»дан битилгән айрим ёз-сұларни ҳазм қилиб кетолмади. Еурури устун келди. Ўзига қарши қаратилған бу каби хатти-харакатларни бутун боппли жамоа йүлиға қүйилған бир ғов сифатида англади. Ва узрини айтиб, ишини топширди. Сафосевнинг ишдан кетиши фожия әмаседи. Үзбекистон истиқболи ғараз ниятли кимсаларнинг барини йўлдан бир-бир олиб ташлади. Самандар Сафонинг даври-даврони эса эшик қоқиб келди. У ишдан кетган 1990 йили қишлоқда маҳаллий аҳамиятта молик иккита воқеа содир бўлди. Аникроғи, бу эгизак воқеаларнинг бири яна бирини бошлаб келди. Самандар Сафонинг хонадонига шу қишлоқдаги али қизлардан бири келин бўлиб тушди. Номи ҳам исми-жисмига монанд – Барчин. Ота қарасаки, келини ҳамма ишга уқувли. Ҳатто, уй-рўзгорнинг жамики юмушларидан ташқари унинг ҳисобкитобини ҳам беш бармоқдай билади ва амал қиласиди. Уқувли келиннинг кутлуг қадами боис Самандар ота анчадан бери дилига туғиб қўйгану фарзандлари камолини кўргачгина амалга оширишни ният қилған бир орзунинг изига тушди: оилавий фермер хўжалигини ташкил этишга киришди. Отанинг дилию жуссасидаги бой билим, малака, тажриби ва инсоний салоҳиятни, қишлоқ хўжалигини самарали юритишдаги маҳоратини назарда тутган янги раҳбарлар унинг таклифини ерда қолдиришмади. Гарчи жамоа хўжалигига қарам бўлса-да, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини тузишга розилик беришди. Отанинг таклифига кўра уқувли келин Барчиной унга бошлиқ бўлди. Бу – тумандаги илк фермер хўжалиги эди. Отанинг бошқа бир таклифидан сўнг, хўжаликнинг ўзи ҳам «Барчин» номини олди.

Рўзгорда ҳамма нарса тежоғлию бежоғли, режалию

хисоб-китобли бүлмоги даркор. Отанинг ниятлари күп: ўғил-қызларнинг ҳар қайсиси ўз қобилиятiga кўра, катта рўзгорнинг муайян юмушларини елкасига олмоғи керак. Ана шу тақсимотга кўра тўғифич ўғил, Барчинойнинг турмуш ўртоғи – техника ва деҳқончилик юмушларига азалдан меҳри ва уқуви баланд Олимбой фермер хўжалигининг бу жабҳадаги юмушларини бажонидил елкасига олди. Бу пайтга келиб, оиласининг бошқа фарзандлари ҳам бирин-кетин камолга стишли. Бироқ улар хўжаликнинг чинакам таянчи ва суюнчи бўлиши учун ҳали фурсат бор ва бу масалага хиёл кейин қайтамиз.

1995 йилга келиб фермер хўжалиги буткул оёққа қалқди. Зукко, доно ва қалби пок аёлмасми, «Барчин»йининг ишларини зимдан кузатиб келаётган туманинг ўша кезлардаги раҳбари Шакаржон Хўжаниёзова хўжалик раҳнамосини пайсалкашлиқда айблади: «Кўриб турибман, колхоз «Барчин»ни эмас, балки «Барчин»йининг ўзи колхозни етаклаб юрадиган мақомга етибди, нега қараб турибсиз?» – деда гина қилди. Самандар Сафо – мулзам. Шу воқеадан сўнг орадан күп ўтмай «Барчин» йиллар давомида ўзи қарам бўлиб келган жамоа хўжалиги таркибини тарқ этди. Мустақил рашида фаолият юритувчи юридик шахс мақомини олди. Ана энди ростманасига тер тўкиб ишласа бўлади. Бироқ шундай бир нафада оиласининг ўрта мактабни измайиз тутатган бошқа фарзандлари бири-бирини етаклаган кўйи ўқув даргоҳлари сари йўл олиши. Хонадон дарғаси Самандар ота ва муслима онахон Онагул Эгамова фермер хўжалиги ишлари гарчи қайнаб ётса-да, уларни оқ фотиха билан ўқишга бежиз кузатишгани йўқ. Негаки, билимнинг аҳамияти истиқболга юзланаётган хўжалик учун ниҳоятда катта. Орзу қилинган дамлар ўзини қўпам куттирмади. Ўқипини муваффақиятли тутатган Мақсудбек жонажон қишлоғига зоотехник-шифокор, Нурулла – қурувчи-муҳандис, Курбоной – шифокор, Ширин – педагог-муаллима ёрлиги билан қайтди. Технолог-муҳандисликка ўқитган кенжекиз – Чиннигул эса ўз баҳтини азим Самар-

қаңддан топди: пирү бадавлат оиласлардан бирига ардоқли келин бўлди. Аммо унинг оиласдаги ўрии бўш қолмади. Сафоевлар хонадонига фарзанд бўлиб келган Назира ва Тозагул қишлоқнинг энг эпли ва сепли келинларидан бўлиб чиқишиди. Кенжекелин – Тозагул тезда сутсоғарликка уннаб кетган бўлса, Назира ўзини олий маълумот – муаллималик касби соҳибасиман, ўз ишим парвонасиман, деб ўтиргади. Иш ва фарзандлар тарбиясидан бўшагани ҳамоно фермер хўжалиги юмушларига ошиқди.

Дарҳақиқат, шундай: бу оиласда ҳар кимнинг ўз ўрни, юмуши ва ҳеч нарсаага атишилмайдиган мавқеи бор. Нурилла – фермер хўжалигининг бош ҳомийси, суюнчири ва таъминотчиси, савдо-сотиқ ишлари мутасаддиси, минерал ўтири ва қурилиш ашёлари дўкони мудири. Асосий юмуш: деҳқончилик, чорвачилик жабхаси ва устахона ишларини ташкил этиш эса, айтилганидек, Олимбой, Барчиной ва Мақсадбеклар зиммасидаги вазифа. «Бош пахтакор», «бош чорвадор», «бош сувчи», «бош сутсоғар», «бош бузоқбоқар», «бош механизатор», «бош чилангур», «бош полизчи», «бош боғбон», «бош сабзавоткор», «бош муҳандис», «бош ҳисобчи-иқтисодчи», «бош зоотехник» сингари унвоннамо лавозимлар эса аллақачон ўз ишининг усталари сифатида танилган Тозагул Нурматова, Онагул Эгамова, Иnobат Жуманазарова, Асрорбек Ражабов, Рашид Нурматов, Алишер Отажонов, Рассоқ Нурматов, Дилором Жумабоеva, Ражабгул Худойберганиева, Нуржон Қурбонбоева, Шакаржон Жуманиёзова, Гулмира Қутимова, Икром Қутимов, Ўғилжон Қутимова, Гулбаҳор Бобоҷонова, Сайёра Бобоҷонова, Мурод Ҷавлатовларга насиб қилган. Самандар ота ва Онагул онага келсан, улар хўжалик ўз тараққиётининг равон йўлларига чиққан палладаёқ, «кексалик курсин» баҳонаси-ла ўзларини-ўзлари масъулиятдан озод қилиб қўя қолишганди. Энди бўлса, ўшандা «чучварани хом санашгани»га ўзлари ҳам иқрор. Буни такаббурликка йўслмаймиз. Негаки, ҳозир хўжаликда улар иштироки, маслаҳати ёки кенгашисиз ўз-ўзидан битігучи ишнинг ўзи йўқ. Са-

мандар Сафо шу хусусда сүйларкан, ярим ҳазил, ярим чин маңында дейди: «Азалдан уйда сигир соғиб, бузоқ боқиб ўрганғанмасми, аёлим – чорва фермамизнинг норасмий, лекин амалдаги баш зоотехниги, қолган барча ишларга балогардон әса каминанинг ўzlарі».

Санағану санағанмаган номларни хәйл чизигидан ўтка зарқанмиз, беихтиёр машхур «12 стул» роман-комедияси қаҳрамони Остап Бендернинг «Пиёдаларни ҳурмат қилинг, чунки улар халқ оммасининг катта құнчилигини ташкил қиласы», – деган шиорнамо сўзларини эсладик. Бу китобий сўзни дастак қилиш ниятимиз йўқ. Аммо у барибир ҳаёт ҳақиқати, уни инкор этолмайсиз. Фақат энди вазият ўзтарган. Эъзозу ардоққа биринчи галда моддий бойликларимизнинг боп бунёдкори – оддий меҳнат кишиси сазовор.

«Барчин»ни Барчин қилаётганлар – айнаш шу тоифа кишилар», – изоҳ берди хўжаликнинг бosh фермери, айни пайтда Сафоевлар хонадонининг ҳам бosh келини Барчиной Нурматова. Сиз ўқиётган сатрларни битиш чорида суҳбатдошимиз – Барчинойнинг бу сўзларидан ўзимизча хулоса ясадик ва ўқиганингиздек, фермер хўжалиги ўзининг салкам 20 йиллик фаолияти давомида неларгаки эришган, неларгаки стишган, не ютуқлар, не-не мэрраларни ортда қолдирганини панага суриб, гурунгни бугуннинг чинакам бosh қаҳрамонлари – меҳнат кишиси мадҳидан бошладик. Даҳхақиқат, фермерлик режасию шартномалари – оддий қоғозларга битилган мэрралару ютуқларни нақдинага дўндираётганлар ўша меҳнаткаш, заҳматкаш хонадоннинг қўли қалоқ одамлари, фидокору шижоаткор ёлланма ишчилари эмасми, ахир?! Улар кўли-ла яралган моддий бойликлардан ҳайратинг ошади. Барчиною Олимбойлар ота – Самандар Сафо ўгитларига амал қилиб, фермерликнинг илк қадамларини унмаганин ундириш, бўлмаганин бўлдириш, йўқни йўндиришдан бошлапшган эди:

– Қанча пулингиз бор? – бир чимдим ҳазил аралапи

үсмоқчилаб сўрадик Самандар Сафодан. У эса хиёл мұғомбираона оҳангда деди:

– Яратган Эгамга минг карра шукур – бойман. Лекин манави шумтакалар олдида овоз чиқариб айғолмайман да. Агар улар ҳам әшитишиша борми, сандиғимга ўғри түшди, деяверинг. Келинг, яхшиси, қулогингизга айта қолай.

Унга қулоқ тутдим. Алланималарни пичирлади. Аниқ илғай олмадим. Ҳар ҳолда ё саккиз, ё түққиз рақамини белгиловчи бир сўзни айтди-ёв.

Ҳарна бўлганда ҳам, ҳаммаси – меҳнатдан келган бойлик. Ва фермер бува топғанларининг барини пул қилиб, сандигида асрайпти, дессангиз хато бўлади. Фермер меҳнатидан келган бойликнинг аксари бутун техника, бино ва иншоотлар, буюм ва жиҳозлар, қўй-қўзилар, сигирбузоқлару новвослар, омбор тўла ғаллаю кейинги йиллар учун ғамланган мўл захира исъматлари тарзида намоён бўлади. Йўқдан бор қилиб орттирилган моддий-техника воситалари фермер хўжалигининг ҳозирги эҳтиёжларини тўла қоплайди, деса камлик қиласди. Ушбу мулк-бисотларни ҳозирги пайтда номи одамлар орасида анча-мунча оммалашиб қолган бутун бошли «ММТП», яъни мана-ман деган муқобил машина трактор паркига бемалол қиёслаш мумкин. Барчиной ва Самандар отанинг айтишича, фермер хўжалиги дәҳқончилик ва чорвачилик юмушларида асқотадиган техника ҳамда транспорт воситалари, тиркама ускуналарининг барига эга ва бу борада ҳатто ушбу мўъжаз «ММТП» хизматидан узоқ-яқин ҳудудларда жойлашган бошқа фермер хўжаликлари ҳам баҳраманд бўлишяпти. Гапнинг лўндаси, фермер хонадони (кўркам фермахона, қўра ва оғилхоналар)да 63 бош норгул қорамол, 22 бош қўй-қўчкор, 250 бош парранда санадик. 4 та бақувват ҳайдов, 2 та чопиқ, 1 та транспорт трактори, сеरунум дои комбайни, пичан ўриш, уни майдалаш, ғарамлаш, дон ва чигит экиш, ерга ишлов бериш, текислаш, ҳайдаш ва чопиқлаш механизмларига дуч келдик. Энг асосий бойлик эса, шубҳасиз, она замин. Колхозга қарамлик

билин кечган 5 йил мобайнида хұжалик атиғи 2 гектар майдонда деңқончылық қылды. Тұман ҳокими фермер хұжалигига мустақіллік мақоми билан бирга гарчи унумдорлиги паст (30 балл-бонитетидан иборат) бұлса-да, яна 5 гектар ер ҳам инъом қылды. 2000 йилга келиб ер майдонлари сатқы яна 7 гектарға көнгайды. Колхозлар тугатилиб, унинг замирида янги фермер хұжаликтарини шаклантириш тадбирлари оммавий равишда амалға оширилген 2005 йили «Барчин»нинг ерлари бир йүла 44 гектарға етди. Шу юзадан ўтказилған танловда ҳеч ким унга тенг келолмади. Ушбу танловлар пировард натижада «Барчин»нинг моддий имконлари чандон ортишига хизмат қылғани аник. Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилған бошқа бир танлов ва унда құлға киритилған лауреатлар дипломи хұжалик ақыннинг маңынавий бардамлиги, ушбу руҳий күтәрінкілік эса күч-ғайрат жүшқынлиғи, матонат ва ширажат омилігінде айланғанын Семандар ота шукроналиқ билан таъқидалайды. Семандар Сафо ва «барчин»ойчилар дилига күч-ғайрат бағишилаган ушбу мужда – мамлакатимиз тадбиркорлари, фермерлік қарапати қатнашчилари ва ҳунармандларининг «Ташаббус» танлови. «Барчин» мазкур танловларда мунтазам қатнашиб келади. Мукофотты үрінлар, диплом ва совринлар доимо уники.

Ер – равнақнинг асосий гарови. Үсіз на бойликка, на ниятта стиша оласыз. Ер мүл бұлса, ҳосил мүл, самара мүл. Семандар отанинг ўғитиу маслағатында биноан иш тутиб ўрганған Барчиной ўз фаолиятида ана шу ақидага амал қылади. Хұжаликка қарашли чорва бош соңлари озуқа мүллиги туғайли күпайды. 10 бош қорамол бир неча йил ичидағе 63 бошға, сотиб олинған бир неча бош ҳисор қўйи эса 22 бошға етди. Янги паррандачылық фермаси таркиб топди. Бир пайтлари эгасизлик ва унумсизликдан деярли ҳосил бермай қўйған дақаларда энди ҳатто косов ҳам куртак ёзиши мүмкін. Бу янглиғ ҳосилдор пайкаллар шарофатидан чорва, чорванинг мүл даромадиу мол ўғитидан эса, ер яшнәйтти. Рентабеллік (соғ даромад) даражаси

йилига ўртача 22-27 фоизга ўзидан-ўзи чиқаяпти, дейсизми. Сарфланаётган меҳнат, сепилаётган маъданли ўритлардан ташқари ҳар йили мавжуд 44 гектар далага сочилайтган 700-800 тонна мол ўритининг кучи – бу. Бир гапни айтсақ муболагага йўйманг: Бοғот тарафларда ер ва чорва даромади бўйича «Барчин»монанд фермер хўжалиги йўқ. Ҳеч кимга сир эмас: беда озуқаси ҳозир ҳамма жойда анқонинг уруғи (фақат «Барчин»да эмас). Чорванинг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрганмасми, Барчиной озуқа сифатида беда пичанини ҳеч нарса, ҳатто остидан ёғи сизиб чиқаётган кунжарага ҳам алишмайди. Сатҳи 14 гектарлик бедазор – фермер хўжалигининг асосий экин майдони, чорва учун эса ҳам етарли, ҳам тўйимли озуқа. Ҳар йили мўл ҳосил бераётган макка ва оқжӯхори пайкаллари ҳам бор ва бу озуқа захираси чорва фермаси эҳтиёжлари учун етиб ортади. Кўп жойларда номи унут бўлаёзган силос траншеяларини ҳам шу ерда учратасиз.

Фермер хўжалиги далалари туман ва вилоятнинг асосий сув манбаларидан хийла узоқда дея олмаймиз. «Барчин»нинг далалари месъёрдаги ва тақсимотдаги сувни бемалол олиши мумкин. Аммо масаланинг бошқа тарафи бор. Озу кўп бўлсин, келаётган оби ҳаётдан эгат бошидагилар ҳам, ариқ этагидагилар ҳам бирдай баҳраманд бўлишлари керак. Шу боис Самандар Сафо «Барчин»нинг ерларидан қўйида жойлашган далаларни сувдан била-кўра маҳрум этишини ноинсофлик санайди. Хўжаликда 23 та ўринга сувни тежаб ўтказувчи кичик ҳажмли сувтўстичлар ўрнатилган, бутун бошли насос станцияси ишлаб турибди. Ҳамма гап – тежамкорликда. Мавжуд сувтўстичлар – оби ҳаёт исрофгарчилигининг чинакам тўсиғи, сувнинг бирон томчиси ҳам экинзорлардан бўлак жойларга оқмайди. Насос станцияси ҳам ҳуда-бехудага ишламайди. Қисқаси, бошқалар ўти нуқра сув билан ҳосил етиштираса, «Барчин»-ойга унинг бир нуқраси ҳам кифоя.

«1985-88 йиллари бошдан кечган Гўлган тутқунлиги дав-

рида хаёлимни кўпинча нималар банд этганилигию бандилик азобларини қай йўл билан бартараф этганимни тасаввур қила оласизми?», – сўраб қолди бир пайт Самандар Сафо. У сўзига жавоб кутмаёқ деди: «Турманинг тор, қоронғу ва зах хонасида ўтириб, ҳар куни ўзбек қишлоғининг ғоятда бетакрор ва гўзал манзараларини кўмсардим, уни хаёлимда гавдалантиришга уринардим. Кўз олдимда ҳар гал қишлоқнинг сув тўла ариқлари, унинг бўйларида барқ уриб ўстган бўйдор тол-тераклар, гужумлару жийадазорлар гавдалана, гўёки баргларининг шамол басталаган майин мусиқий оҳангларини эшитгандай бўлардим. Шундай қилиб дeng, қамоқда ётиб, тол-теракларга ишқим туниди. Озодликда ўтган умрим мобайнида она табиат гўзалигининг бундай исъматини нега ҳеч маҳал хаёлга келтирмаган эканман-а? Ёки фурсат бўлмаганми, ё қадрикимматини англамай, фаҳмламай юраверган эканмизми?»

Самандар Сафо гарчи тутқун эса-да, бурро сўзларию тиғдай ўтқир далил-дашномлари билан гдяянчиларнинг аданини бериб, қамоқдан қайтгач, ўша йили ёқ қишлоқдаги бир қанча сув йўллари соҳиллари ва дала четларида минглаб туп гужум, тол, терак ва жийда кўчатлари экди. Гойибдан келган бу ҳавас 1990 йили колхозга қарам фермер хўжалиги таркиб топгач, яна ҳам жунбишга келди. «Ўзимизга бириктирилган ҳудудга озми-кўпми – нақ 14 минг туп кўчат экибман ўшанда», – ҳикоя қиласиди Самандар Сафо. Отанинг айтишича, она-табиатнинг бу исъматидан наф ниҳоятда кўп ва катта. Биринчидан, қуюқ соясению тоза ҳавоси – танинг роҳати, иккинчидан, буй тортиб кесилган дарахт – бизнинг минтақамиз учун ноёб ва қимматли қурилиш ашёси, учинчидан, дала ва экинзорларни гармесел – шамоллар, тузли чанг-тўзонлардан иҳоталашнинг ғоятда фойдали ва самарали воситаси. Энг муҳими, нисбатан оз меҳнат ва арзимас харажат звазига юзага келгучи мўмай даромад, мўл сармоя манбаи. Бироқ Хоразм шароитида дарахт, айниқса, тол, терак ва гужум ўтиришининг бир жиддий муаммоси бор. Қачонлардир узоқ

хориж ўрмонзорларидан дараҳтлар танасига ёпишганча келиб қолган очоғат қора мўйловдор қурт босқинидан юртимизнинг ушбу мовий бойлигини омон асраб қолини ниҳоятда амримаҳол юмуш. Шу боис «Барчин»га қарашли бир неча чақиримлик йўл, ариқ, заҳкаш ва дала ёқаларига экилган дов-дараҳтлар вояга стиши ҳамоно, кесиб олиниди ва ўрнига янгилари экилади. «Барчин» 1990 йили – ўзи таркиб тонганидан бўён дараҳт ўстиришининг З та мавсумига якун ясади. Ундан хўжаликка етган нафни рақамларга чақиб, санааш ўзингизга ҳавола.

Самандар Сафо тилидан бир ибратли гап эннитдик. Инсон боласи ҳамиша эзгу орзу-ниятлар қанотида учиб яшамоги, ҳаттоки, ёмон иллатлардан ҳам доимо яхшилик уруғларини изламоги керак. Яхши ният-ла ташланган қадамларнинг хосияти катта. Самандар Сафо дейдики: «Эзгу ишлар, ўй-Фикрлар, ширин орзулардан қалбинг ҳузурланади, дилинг яшнайди, руҳиятинг тетиклашади».

Онагул она биз билан суҳбат чоғида неваралари иомларини шу қадар меҳр билан тилга олдики, бундан ҳаттоки, бизнинг дилимиз ҳам чексиз лаззат олди. «Самандар акантиз умри бино бўлибдикি, яхшилик ва адолат изларини излаб яшайди», – деди онахон, ўз турмуш ўртогининг феълидан мамнунлик изҳор қиласкан. – Шўро замонларида «Адолат отлиф неварам бўлса, ўзимни гўёни ўша адолатнинг оғушида ҳис қилган бўлардим», – деда гапирганлари ҳамон эсимда. Мана энди ота орзу қилган Адолат исмли неварамнинг момосиман. «Самандар Сафонинг юриш-туриши, гурунг-суҳбатларидан аён бўлдики, у шўролар тузумига 30 йилдан кўпроқ вақт давомида туну кун бетиним меҳнат қилиб тополмаган қадри-қимматини истиқдол айёмидаги бир неча йиллик иш фаолияти давомидаёқ топа олган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон истиқтолига меҳри ниҳоятда баланд. «Мустақиллигимизга нисбатан ихлоси баланд бўлсин», – деда невараларимдан бирига Садоқат исмини кўйдик, яна бир неварам – Иқболининг ўзимга ғоятда маъқул бўлган исми эса биз

етишігін күнларга бўлган шукроналигимизнинг бир ифодаси. Ёрқиной, Камола ва Тўлқинларнинг исмлари ҳам яхши ниятларимиз, ширин орзу-ўйларимизнинг ўзига хос тимсоли сифатида дунёга келган», – дейди Самандар ота ишонч билан ва қўшимча қиласи: «Билингизким, исмларнинг ёмони бўлмайди».

«Отамизни элда машҳур ва миришкор дәҳқон десак, фарзанд-неваралар учун ном ташлашда ҳам унга тенг келадигани йўқ экан», – деди дил тула мамнуният туйрулари билан эндиликда 5 нафар шириндан шакар фарзандларнинг онажони, хонадоннинг бош келини, фермер Барчиной Нурматова.

Фарзанду неваралар номларидан бежиз сўз очмадик. Бу номлар уқдирилганидек, эзгу ўй-фикрлар, олижаноб ниятларнинг Сафоевлар хонадони аъзолари қалбидаги ўзига хос акси, нишонаси.

«Бува-момо ёки ота-онанинг танглайингга туфлаб айтган исмни шундоққина кўтариб юришдан наф йўқ», – деди файласуфонга фикрларини баён этишда давом этаркан Самандар Сафо. Унинг фикрича, одамлар ўз исм-жисмларига монанд эзгу амаллар ва фазилатларнинг соҳиблари сифатида намоён бўлмоқлари даркор. Пировардидаги муҳтасар қилиб деди: «Ўзбекистон истиқболи ўз тарихий тараққиётининг илк босқичида турибди. Биз кексайиб қолдик. Ишимишни улар давом эттиришлари, ушалмаган орзу-армонларимизни ҳам шулар рўёбга чиқаришлари лозим. Фарзанд-невараларимизнинг исмлари замирида катта сир-синоат ётибди. Улар исми-жисмига яратиқли ишларнинг бошида туришларини истайман».

«Барчин»да иш тартиби ва таомили яқин-яқинларгача шундай бўлган: катталар буюришган, итоатдагилар ижро қилиптиган. Энди эса бошқача: катталар итоатдагиларга иш буюришмайди, ўша буюрилмаган ишнинг ижросини кўриб боришади, холос. «Ишни токайгача буюриб бажартирамиз, – дейди Барчиной Нурматова шу хусусда фикр юритаркан. Барчинойнинг орзуидаги дәҳқон ёки чорвадор ум-

рини шогирдликда ўтказмаслиги керак. Үз қасб-кори сир-синаотини фурсат борида ўрганган ва ўзлаштириштан кипи буйруққа муҳтож эмас. Шундай экан, инсон боласи буй-руқ эмас, балки ўз ақл-фаросати билан ишләнига одатлан-моғи зарур.

Самандар Сафосев ўзининг салкам 80 йиллик умри мобайнинда кўп юрди, кўпни кўрди, ҳастнинг пасти-баландини, яхшию ёмоннинг фарқини англади, бирни кўриб фикр, яна бирни кўриб шукр қилди. Қалин дўсти, сирдош ва маслақдоши Юсуфбой ота Худойберганов билан бирга ўз замонасининг пешқадам инсонлари: Мадамин Матка-римов, Искандар Дўсов, Мадиёр Худойберганов, Раҳим Эшчонов, Ҳасанбой Матрасулов, Гайрат Машаринов сингари доно алломасифат раҳбар-ишбошиларнинг таълими-ни олди. Шу аенода олий ўқув юртида таҳсил олиб, агрономлик ёрлиғига сазовор бўлди. Уни қўлга киритгани ҳамо-но, жонажон қишлоғи сари шошди. Узоқ йиллар жамоа хўжалиги бош ҳосилоти вазифасида тер тўқди. Билим, меҳнат, малаканинг қадри-қиммати англанган бир палла-да туман қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. Нировардида, колхоз раислигига сайланди. «Бошқармага бошлиқ пайтларимда, колхоз раисларидан кўичилиги, айрим ҳозиарда эса ҳатто баъзи катта «ёшулли»ларни ҳам аямасдан танқид қиласдим. Танқид нелигини раисликка сайлангач, ўз бошимда ҳам синааб кўрдим, – деди Самандар ота бир оз қувлиқ билан. – Аммо ким нима деса деяверсин: барчамиз бирдай бўлиб, пок виждон билан ишлардик. Гарчи тоҳо ҳақ, тоҳо ноҳақ ҳолда танқидларга дучор бўлиб турсам-да, жиддий ҳато-қусурлардан ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам асрай олдим. Тумандаги «Тошкент» ва «Галаба» колхозларида раҳбар бўлган кезларимда марказчи «ўртоқ»ларнинг қилдан қийиқ ахтариншта қаратилган деярли барча уринишлари зос кетди. Шундай бўлса-да, Гулляннинг юртимизга қилич кўтариб ясаган ҳам-ласидан омон қолишининг имкони бўлмади. Умримнинг уч йилдан кўнғорини айбезиз айбдор тариқасида бандиликда

ұтқаздим. Онгли ҳаётим, ақыл-идрокимнинг қаймогини сипқорған жамият 30 йиллик бетиним мәхнатимни ана шу тариқа «қадрлади».

Отанинг бошидан үтган бу воқсалар – Барчиной учун бир мактаб. Шунинг учун ҳам у хўжаликка уюшган 20 дан кўп ёлланма ишчига қайнотаси умри лавҳаларидан сабоқ беради. «Отамизнинг ҳасти ҳаммамиз учун мисоли ёрқин шамчироқ бўлсин», – дейди. Гоятда тўғри фикр: ота юрган йўллар наинки Барчиной ва Олимбойлар, балки ҳамма-ҳаммамиз учун ҳақиқий ибрат йўлидир. Бу йўлнинг афзаллиги шундаки, унда буюк Зардушт бобомиз уқдирган эзгу ишлар, эзгу амаллар, эзгу фикрларни кўрамиз. Пок сўз, ҳалол мәҳнат, инсоний фазилатларнинг на муналарини кўрмоқ ва лозим топишса ўрганиб, амал қилмоқ истаганларни қишлоққа – юртимизнинг Самандар Сафолари, Барчинойлари тимсолидаги мингларча ҳаэрлати деҳқонлари, чорвадорлари, сохибкорлари хузурига чорлаймиз.

2009 йил, январь

СЕХРЛИ ҚҰЛЛАР

*әки оғдий үзбек қизи қандай қилиб үзлигини
топгани хусусида холис ҳикоя*

У ўзини-ўзи 40 йилдан ҳам мұлроқ вақт мобайнида излади. Баъзан излаганини топгандай ҳам бўлди. Бироқ топгани омонат бўлиб чиқди. Энг ачинарлиси, иени излаётганини билмай изтади. Ган инсон ҳаётининг энг муҳим ва жиддий жиҳати – умр мазмуни ҳақида кетаётганлигини балки илғагандирсиз. Ҳаётда адашган, қоқилган, мувознатини йўқотганларга ҳам дуч келасиз. «Минг бора шукрки, ҳаётим бу тарзда қалтис кечмади, – деди сұхбатдошимиз масалага аниқлик киритаркан. – Салкам 60 йиллик умрим мобайнида иуқул яхши ташвишлар огушида яшадим, аниқроғи, эзгуликнинг ёруғ йўлларини излаб яшадим.

Бари-бари: яхши касб-кор, яхши иш, яхши оила, комил фарзанд ва ниҳоят, бировлардан кам бўлмаган турмуш тараига ҳам эришдим. Аммо бундан ортиғига ҳам етишиш мумкин».

Хўш, у нима экан? Солия опа ўзининг бировларницидан кам, яна бировларницидан ортиқ бўлмаган турмушидан нега кўнгли тўлмайди, нияти не?

Яна унга қулоқ тутамиз: «Оила қурасан, у бинойидай бўлиб чиқади. Бу – жуда яхши, фарзанд ўстирасан. Улар ҳам ишончнинг бошидан тутасан, у сени тирикчилик, ризқ-насибага етаклайди. Ана энди барига стишідинг, эришдинг. У – ҳаётнинг сенга инъоми. Лекин ҳаётнинг ўзи, эл-улус, одамлар сендан нима олди? Олишнинг бериши бор. Уни унугиб қўймадингми ўзи? Ота-она, ватанинг оқ сутини оқлай олайпмизми?»

Виждонли одамлар бу янглиғ саволларни ўзларига дамбадам беришади. Бундай саволларни ўзига-ўзи Солия опа ҳам канда қилмай беради. Бироқ онанинг оқ сутини оқлаш-

дан барибір ожіз. Эзгу ниятли одамлар ўзидан ўзгаларга наф беріб яшамоқлари даркор. Инсон ўз ҳаётида айнан ва доимо шунга интилиши лозимлігіни, ағасуеки, у 40 ёшдан ҳатлагачгина англағ етди. Шүнгача эса, юқорида айтылғаннан, ҳатто неңни излаб, негаки интилиб яшеттігандык, ҳатто неңни излаб, негаки интилиб яшеттігандык, ҳам билмаган, англамаган ҳолда умргузаронлик қылаверди ва шу боисдан ўз ёғига ўзи қоврилған ҳолларни ҳам боңдан ўтқаади.

Энди мақсадға күчайлиқ. Солия Матеқубова ўзи ҳавас қылиб стиішган ва жондан ортиқ суйған қасби, меҳр-ла бажараёттан ишида әлға ўзи күттән, ўйлаган ва орзу-ҳавас қылған даражада наф келтира олмаёттанидан норози. У даставвал оила аңъанасига содиқ қолиб, деңқон қизи бўлишни ният қылди. Кейинроқ қараса, бирорлар оғирини сенгил, мушкулини осонлатишнинг бошқа йўллари ҳам мавжуд. Ёшлар интилувчан ва изланувчан бўлишади, тоқца чиққач, албатта, чўққини кўзлашади. Қишлоқ мактабини туталлаган Солияжон ҳам шундай йўл тутди. «Ўқувчилик тоғлари, кейинчалик эса далада колхозчи бўлиб ишлаш асносида, экин-тикин парваришини бир нави ўргандим, бироқ яна бир, дейлик, бўлажак оналарга нафи кўпроқ тегадиган туғруқхона ҳамшираси қасбини ҳам ўргансамчи?» — деган ширин ўйнинг асирасига айланди...

1972 йил. Хина тиббиёт билим юргидаги З юйзлик унитилмас талабалик онлари ортда қолди. Орзулари бир олам Солияни Гурлан туман Марказий касалхонаси туғруқхона бўлимида доялик вазифаси кутмоқда эди. Навбатчиликда ўтган қунларнинг бирида мураккаб вазият билан тўқнашди. Эндигина кўзи ёриган аёлга ўзи хоҳласа-да, малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан ожиз қолди. Ярим тунда шифокорни излаб, унинг бир неча чақирим узоқдаги ўйи сари яёв йўл олди. Хайрият, шифокор «йўқ» демади. Нажот кутаёттан аёл дардига-ку матхам кўйилди. Лекин бу ёрдамни Солиянинг ўзи ҳам кўрсатиши мумкин эди-ку? Еши ҳамшира ана шунисидан: билим ва малакаси саёзлигидан изтироб чекди. Шундан сўнг у яна ўқиши пайига туп-

ди. Аммо ўқишиң унинг йўлида манаман, деб турибдими? Яна денг, турмуш, ҳадемай фарзанд кўриниш, уни тарбиялаш ташвишлари. Эри-ку, ўқи, дейди. Бироқ оиланинг баъзи яқинлари уни кўздан йироқлатгулари йўқ. Турмуш ўртоғининг рози-ризолиги инобатга олинмади. Қарши тарафдагилар сўзида собит туришди: «Узоққа кетмайсан, тамом-вассалом», – деда туриб олишди. Аммо табиатан қатъиятли, айтганидан қайтмовчи ўжар одамни йўлдан қайтариб бўларканми? Шу орада шифохонадаги устозларнинг биридан ақдли гап чиқди.

– Биламан, – деди у, – экин-тикинга ҳам ҳавасинг бор, ишинг ва қасбинингта ҳам эплисан. Шифокорликка ўқийман десанг, деҳқончиликдан, деҳқончиликка кетаман десанг шифокорликдан нари туришинг керак. Шифокорликка ихлюсинг анча баланд. Бироқ Хоразмда врачликка ўқитишмайди, институт йўқ. Тошкент ёки Самарқанддаги институтларга эса уйдагилар юборишмайди.

– Хўш, унда нима қилас, дейсиз. Уйдан қочиб кетайми?
– Қочишингта ҳожат йўқ. Шу ерда ҳам ўқийверсанг бўлади.

– Қандай қилиб, ахир шифокорликка сиртдан ўқитишмайди-ку?

– Биламан.

– Унда айтинг, нима қилай?

– Бир сенингмас, кўпчилик ёшларнинг айби: ҳали фўрсизлар, тор ўйлайсизлар. Деҳқончилик ва шифокорлик қасби ўртасида уларни бирлаштириб турувчи яна бир соҳа борлигини мана, масалан, сен ҳали билмайсан! Агар билганингда, шу қасб билан овунган ва ҳатто ундан ўзинг ўйлаганингдан ҳам кўп обрў топган бўлардинг.

Хўш, шифокорлик ва деҳқончиликни бир-бирига ўзаро пайвандловчи қасб нима экан? Зукко одамлар бу савонни бошқотирмага йўйишмайди. Жавобни дангал айтишади.

Солияжон ҳам бир оз ўйланниб, фикрини бир жойга жамлади ва: «Ахир, бу – биология-ку», деди дангал. Биология фанининг шифокорликка нечоёлигу деҳқончиликка

нечоғлик даҳлдорлиги ҳақидаги мухтасар сўзни айтиш шу соҳаларниң олиму тадқиқодчиларига ҳавола. Биз эса, яхшиси, баҳоли-қудрат мағзини чақишни ният этганимиз мавзуга қайтганимиз маъқул.

1978 йил. Собиқ Хоразм Давлат педагогика институтини биология ихтисослиги бўйича сиртдан ўқиб тамомланган Солия Матёқубова шу ҳақидаги дипломини ўзи ишлаб-ётган ишхонага тақдим этди. Йўқ – асосийси диплом эмас: билим – малака.

80-йиллар. Шифокорлик жабҳасига замонавий талаблар даражасида илм ва малака ортирган кўплаб кадрлар кириб келди. Аввалига доя, кейин ҳамшира вазифаларида ишлаган Солия энди ўзини бу даргоҳда ортиқча сеза бошлади. Боз устига, дипломига кўра олий маълумотли муаллиманинг доялик ва ҳамширалиқ қилиши – мантиққа зид. Энг муҳими, зарур ҳолларда ҳеч бўлмагандан ўзи ва оиласига тиббий ёрдам кўрсата олади, қишлоқда яшагани боис, деҳқончиликка пайваста ҳаётнинг илмга даҳлдор жиҳатларини эса институтда олган билимлари боис амалда қўйллашга ҳам қодир. Ўзбекистон истиқлоли туфайли фермерлик ҳаракати томон очилажак равон йўллар эса ҳали анча олис, ҳаттоқи суврати ҳам чизилмаган, хаёlda ҳам йўқ, олдиндан кўра-билгучи, башорат ва тасаввур қилгучилар ҳам топилмайди. Хусусий мулк ҳақида сўйлашга журъат этганиларниң эса боши кетади. Шундай экан, мақбул йўл қайд? Бу паллага келиб, иш ва рўзгор ташвишлари билан бирга 5 нафар шириндан-шакар фарзандларни тарбиялаб, камолга етказаётган хонадон соҳибаси ўзининг келгуси ҳаётини турмуш ўртоги Раҳимбой Каримовниң ниҳоятда топиб айтган жўяли таклифи асосида белгилади. Беш йил давомида институтда ўқиш эвазига олган билимини, бир оз кечроқ бўлса-да, оқлашга киришди. Қишлоқ мактабига қайтиб, ўкувчиларга биология фанидан сабоқ берди.

Солияжон опа ким билан сұхбатлашмасин, гап мавриди келганида, 25 йиллик умри ора йўлларда кечганини,

ўзгалар изми, тузум чизиб берган йүзларда юриб ишлагани, шу алғозда умргузаронлик қылгани, мулкчилік, манфаатдорлық ва хурфикарлық манзиллари, ўзи ва ўзгаларга нағ келтирадиган «даргоҳ»лардан хийла узоқда яшаганини афсус-ла таъкидлайды. Фермерликнинг тархи ва суврати ҳақидаги илк гапларни Солияжон опа 1991 йили Президент Ислом Каримовнинг ўз тилидан эшитди. Эшитибоқ шу ҳақдаги тасаввури, ўй-хаёлларини бир жойга жамлапта киришди. Тез орада бир фикрга, күп үтмай эса аниқ қарорга келди: Каримовлар оиласи ўз истиқболини истиқтол шарофати-ла юзага келәётган фермерлик жабхаси билан чамбарчас боғламоги керак. Аммо қанийди, истаги шу бутуннинг ўзидаёқ амалға опа қолса.

Фермерликнинг юртбонимиз орзу қылган илк ва чинакам эпкини Янгибозорга 1994 йили кириб келди. Олдинга дадил отилиб чиққан 3-4 киши фермерлик ёрлигини құлта киритди. Улар сафида Боголон қишилогилик Солия Матёкубова ҳам бор эди. «Уша мақомга стишган күнни ҳаётимнинг эңг ёрқин саҳиғаси, деб биламан. «Бу – ҳозирда воҳанинг пешқадам фермерлари сафида дадил одимлаётган Солияжон опанинг самимий эътирофи, дил иқори, қолаверса, истиқболимиз тамойилларига нисбатан хурмат-эътибор ва садоқатнинг ҳам чинакам ифодаси.

Фермерлик – ўзганинг иши эмас, ўз ишинг ва бирор келиб иш буюрмайды. Хўжайин ва «шпупли»лар ҳам йўқ. Наф кўрмоқ, ундан ўзгаларни ҳам баҳраманд этмоқ истасанг, иш – меҳнат ташвишидан бўлак нарсаларга бош оғритмайсан. Аммо таңганинг орқа томони ҳам бор: фермерлик бир кишининг иши эмас ва оиласада кагтадан-кичик барча унинг юмушларига бирдай қайишмоги даркор. Бунда иш буюрувчиларга ҳам, уни ижро қилувчиларга ҳам ўрин бор ва у ҳатто ҳаётий зарурат ҳам. Айни пайтда стар-стишмовчиликлар ҳам мана-ман, деб турибди. Ҳусусан – моддий ва молиявий воситалар тақчизлиги. Аммо бўлғуси натижалардан умидвор этувчи омиллар бисёр: бу – ишонч ва ироданинг мустаҳкамлиги, дәжқончилик соҳа-

сіда орттирилган малака ва тажриба, яна дессангиз, оиласы да шу соҳа ишини елкага олувчи ишчи күчларидан ташқари соҳага бевосита ва билвосита дахлдор юмушларни бағараётган мутахассислар ҳам бор. Масалан, дейсизми? Раҳимбай Каримов – шуларнинг бири, фермер опанинг турмуш ўртоғи, касби – муҳандис, супориш воситалари бүйича стук ва тажрибали мутахассис. Фрунзе Каримов – ўғели, у ҳам муҳандис, қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича юқори малакага эга. Қизи – Нигора Каримова, ҳисобот соҳасининг стук ҳодими, хўжаликнинг ҳисоб-китоб ишлари айнан унинг зиммасида. Ўғиллардан яна бири Хушнуд Каримов эса ўз ихтинослигига кўра – ҳуқуқпунос. Хўжаликда унинг ҳам ўз ўрни бор ва кўп масалаларда унга таянишади. Кенжэ ўғил Шокир Каримов эса, ёш бўлса-да, эътироф этишларича, аллақачон қишлоқнинг мөҳир деҳқонлари сафидан жой олиб ултурган; фермер хўжалигига ишларни ташкил этишдан тортиб уни уздалашгача бўлган барча юмушилар учун у масъул. Мавзуга гарчи кўп дахли бўлмаса-да, айтган матъул: фарзандлар орасида ўзини онасининг асли касбига тортганлар ҳам бор. Оиласи нинг тўнгич қизи Гулнора айнан ана шу касбнинг соҳибаси – Гурлан түгруқхонасида акушер-гинеколог вазифасида ишлайди. Бироқ у ҳам ўзини экин-тикин, мол-ҳолдан холи тутмайди. Ахир, қишлоқда яшайди-да. Ҳа, қишлоқда яшаган борки, хоҳласа-хоҳламаса, ўзини-ўзи у ёки бу ришта орқали деҳқончиликка боғладайди. Бундан ўзга йўл ҳам йўқ. Бу ришта ишию турмушини фермерлик жабҳаси билан боғлаган жамики оиласи, шу жумладан, Каримовлар хонадонида янада мустаҳкам. Солия опа Матёқубованинг «Хушнуд» номи билан юритилувчи фермер хўжалигига турмуш ўртоғи, ўғил-қизларидан ташқари келин-куёвлари ва ҳатто неваралари ҳам фаолият юритишади. Қўргина қариндош-яқинлар ҳам шу сафда. Бундан ташқари жами 33 нафар ёлланма ишчининг қозони ҳам фермер хўжалиги туфайли қайнайти.

Ҳокимлар ўзга бировлар, айниқса, ўзига тобе киши-

ларни мақташдан күпинча тилларини тишишади. Бирок Янгибозор тумани ҳокими Эргаш Юсупов бу фикрга қүшилмайды. «Фермерлик ҳаракатининг жамики афзаликларини мазкур хұжалик тимсолида күраяпмиз, – деди у қониқиши билан. – Уларнинг намунали иш тажрибасини албатта оммалаштирмақ зарур. Деңқончиликнинг илкор усул ва уелубларини әл орасига ёйиш учун эса, албатта, фаолиятини ибрат қилиб күрсатмақ даркор. Солия опамиз билан чиндан ҳам фахрланамиз. У кабилар – фермерлик ҳаракатининг байроқдорлари. Үшбу ҳаракат мамлакат қишлоқ хұжалигининг устуни ва порлоқ истиқболи гарови эканлигини у ўз фаолиятида аллақачон исботлаб берди».

Шу ўринда бир гап: Янгибозор – тажриба тариқасида мамлакатимизда бириңчилар қатори ёпиасига фермерликка ихтисослаштирилған саноқли туманларнинг бири. Туман – фермерлик мамлакат қишлоқ хұжалигини равнақ топтиришнинг энг муҳим шарти эканлигини бириңчилардан бўлиб исботлаб берди. Ва шундан кейин бу ҳаракат бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг ёйилди. Солия Матёқубова сингари омилкор қишлоқ ишибилармонарларининг ҳалол ва фидойи меҳнати бунга сабаб бўлди. «Агар фермерлик ҳаракати Солия опа мустақил ҳаётга қадам қўйган ўтган асрнинг 70-йилларида юзага келганида борми, имоним комилки, у бу соҳага ўзини ҳаммадан олдин урган бўларди, – деди фахр билан Республика «Ташаббускор аёл» Марказининг вилоят бўлими раҳбари Мухаббат Бекчонова. – У – фермерлик учун туғилган аёл, фермерлик эса гўёки унинг учун кашф этилгандай. Мулкчиликка тиш-тирноги билан қарши турган собиқ замона бўлмаганида, уни бемалол «тұғма фермер» деб атагап бўлардик».

Мақтовни ҳамма-ҳаммага ҳам раво күравермайдиган жиiddийсўз раҳбарларнинг бу оҳангдаги зътирофи, албатта, зътиборни ўзига жалб этмасдан қолмайды.

Солия Матёқубова ўзининг салкам 60 йиллик умри мобайнида кўп юрди, кўпни билди, кўпни англади. Муста-

қил ҳаётини сўзимиз аввалида айтилганидек, дала меҳнати – деҳқончиликдан бошлади. Сўнгра тиббиёт даргоҳи, ундан кейин таълим жабҳасига ва ниҳоят, яна эски ўзанга – деҳқончиликка, мол-қўзилар парваришига қайтиш. Сўнгти қайтишининг йўриғи бўлак. Кўп юриб, кўп кўрган, турмушнинг паст-баланди, аччиқ-чучугини, қувончу ташвишларини хўп татиган қиплоқ қизи энди бу ўзанга аввалидек ўзганинг ер-мулкини ишлаб берувчи ҳақ-хуқуқиз тобе шахс эмас, балки ўша бойликнинг соҳиби сифатида қайди.

Каримовлар оиласининг чорвачилик йўналишидаги «Хушнуд» фермер хўжалигига 10 боп қорамолининг парваришини мўлжаллаб, даставвај атиги 3 гектар ер майдонини ажратиб бериши. Ер ва мол қарови, колхозлар ҳукмронлиги даври хато-қусурларини бартараф этиш билан кечган дастлабки меҳнат йили натижалари чакки бўлмади. Қиплоқ ва туман раҳбарлари Солия опанинг жуссасида ҳали биз «туғма фермер» доб атаган сифатларининг барини кўриши. Кўришию, опадан таклиф кутиши. Маттёқубова сингари она қорнидан «фермер» бўлиб туғилгандар ўшанда кўзга чалинмасди. Шундай экан, «Тоғ Муҳаммаднинг олдига эмас, Муҳаммад тоғнинг олдига борибди», қабилида иш тутиб, опага қўшимча ер таклиф этиши, албатта, таплов орқали. Шарт ҳам қўйишди: башарти ютиб чиқса, опа бошлиқ хўжалик ўз йўналишини ўзгартириб, деҳқончиликка ихтиослашиш мажбуриятини зиммасига олади. Аслида, фермер опа ҳам шуни истаётганди. Негаки, фермахона ёки мўъжаз оғилхонага эга бўлмай туриб, уй шароитида чорва бош сонларию маҳсулдорлигини опиролмайсиз. Шундай экан, ҳозирча эътиборни ризқ-насибанинг энг катта кони – деҳқончиликка қаратган маъқул. Опа бўш келмабди. Дил истагини вожиб билиб, таклифни бажониди қабул қилибди ва салқам 16 гектар ерни ҳамманинг кўз ўнгидаги ютиб олибди.

Фермернинг деҳқончилик жабҳасидаги ишлари ҳам бароридан келганлигини тасдиқловчи далиллар анчагина.

Равнақнинг асосий манбай – опа замин. Оз ердан – оз, күп ердан эса – күп, башарты харажатлар сарғи камай-иб, ҳосилдорлик даражаси ортса, чандон күп ҳисса даромад оласиз. Шундай бўлди ҳам. Гектарига ҳисоблаганда, даромаднинг мўлини Солия Матёқубованинг «Хушиуд» фермер хўжалиги олди. Бироқ 18 гектарнинг сармояси осмон билан ерча бўлармиди, нари борса бир тракторнинг нархини ҳам қоплай олмайди. Шу боис фермер опа оиласадагилар билан маслаҳатлашиб, даромаднинг янти манбайни изланига киришди. Орадан кўп ўтмай, фермер хўжалигининг янги дон тегирмони ишга тушди. Кейинги мавсумлар якунидаги эса яна бир нечта нархи камроқ техника ва тиркама воситалари сотиб олинди. Хўжалик даромадлар ҳажмини йилдан-йилга қўпайтириш палласига кирди. Шу орада истиқболга бўлган умид ва ишончни кучайтиришга хизмат қилувчи яна бир муҳим воқеа юз берди. Янгибозор тумани хўжалик юритишнинг мулкчилик ва маңбаатдорликка асосланган янгича усули ва афзалликларини тўла ишботлаб, мамлакатимизда биринчилар қатори ёлпасига фермерликка ихтисослаиди. Бунда асосий эътибор йириклиштирилган бақувват фермер хўжаликларини барпо этишга қаратилганийни муддао эди. Бу воқеа 2003 йили содир бўлди. «Хушиуд»га қарашли ер майдонлари сатҳи бир йўла 58 гектарга қўпайиб, 77 гектаргача етди. Бу галти танлов анча оғир кечди. Бунга бир нечта омил сабаб бўлди. Биринчидан, истиқдолининг ўтган даври мобайнида бутун мамлакат, шу жумладан, Янгибозорда ҳам экинтикин учун ерга сармоя киритишга қодир бўлган фермерликка ҳавасманд кишилар сони сезиларли ортди. Иккинчидан, орадан кечган вақт ичида одамлар ер-мулк эгалигининг афзал ва фойдали жиҳатларини тўла тушуниб етдилар, бошқача айтганда, фермерликнинг ҳадисини олдилар. Учинчидан, фермерлик фаолияти асносида етарлича куч-кувват, маблағ ва тажриба тўплашига эрипган қишлоқ ишбилиармоялари ўртасида ер-мулк эгалиги бўйича муносиб рақобат муҳити юзага келди. Бундай шароитда тан-

лов муросасиз кечиши, фермерлик рутбаси әса мunoсибларнинг мunoсибигагина насиб этиши мұқаррар. Солия опа мunoсибларнинг-мunoсиби қатнашған ана шу таңловда ҳам ютиб чиқди, ҳалоллик билан ютди: ҳеч нарсани бүяб-чатиб күрсатмади, йўқни бор демади. Қобилиятини ҳам билими, ҳам моддий, ҳам молиявий имконлари билан исботлади. Сохта йўллар, пастқам кўчалар орқали фермерлик жабҳасига келганлар она заминdek ҳалол меҳнат майдонида узоқ қололмайдилар. Биласиз, бағрида ризқ-рўз аталмиш мұқаддас исъматларни стиштиргучи замин нопокликни, алдов ва кўзбўямачиликни кечирмайди, илкидаги «хазина»ни ҳалол меҳнатдан бўлак ҳеч нарсага алишмайди. Она замин бағридан бемеҳнат ҳосил ёки даромад ундиришни ҳеч ким хаёлига келтира кўрмасин. Ер бир қараашда кўзга жонсиз лош бўлиб кўринса-да, алдайман деганинг ўзини алдайди. Унинг яккаю ягона ва лўндатина қоидаси бор: меҳнат = даромад. Уни эплолмаганлар, яхшиси, сафдан кетганлари маъқул. Яна бир гап: ҳазрат Навоий бобомиз деҳқон аҳлини бежиз ардоқламаган. Замин соҳиби доимо ардоққа сазовор, мўътабар зот. Ҳа, чиндан ҳам меҳнат қилған инсон алқовга мunoсиб. Зоро, «Деҳқонки ерга дона сочар, дона сочмоқ бирла ризқ йўлини очар». Шундай ҳолларни ҳам кўраяпмиз: собиқ истибдод тузумининг тахир тузини ялаб, упинг яроқсиз сарқитларидан қутула олмаётган айрим «ёшулли»лар заминимиз фидойиларининг чинакам ҳомийси, раҳнамоси ва маддакори – юртбошимиз томонидан ардоқланган ҳазрати деҳқоннинг пок юраги, срининг әса пасту баландини кўриш, англаш ва ҳис этиш туйғусини баъзи-баъзида туйишмайди. Шу сабабки, Яратган Эгамнинг марҳаматидан баҳраманд деҳқонни турли тўсиқлару «қирқ қозига ошно этиш» ҳоллари ҳам баъзан кўзга чалинади. «Хушнуд»дагилар әса бунга парво қилишмайди, уни ўткинчи ва омонат қусурга йўйиплади, тани бошқа дард билмас, ўзи бору ўрни, номи ҳурмати йўқ раҳбарлар келиб-кетаверишади, шу азиз тупроқ әса агадул-абад қолаверади, яшайверади, инсонга

саҳоватини инъом этаверади, деб ҳисоблашади. Ер ва меҳнатдан ўзга унсурни билишмайды, билип ёки күришни ҳам исташмайды, хәлларига ҳам келтиришмайды. Ерга жавар, ўзларига гарчи қийин эса-да, она замин ҳаққи хурмати, айтилғанни бажо келтиришга, бирорлар билан санманга бормасликка интилишади. Натижалар эса, Яратғанга минг карра шукрки, эңг юқори.

Хұжалик ерлари танлов якунида 77 гектарга етганидан сүнг, табиийки, меҳнат сарғи-ю харажатлар күлами ҳам унга монанд тарзда ортди. Бунинг ёмон томони бўлмади. Негаки, қилингган меҳнатнинг ҳам, харжалangan «сўлкавой»ларнинг ҳам бири пировардида иккига дўниб қайтди. Хұжалик йириклишаб, ер сатҳи ортгач, даромад кўламлари кўпайиши ҳам керак-да, ахир. Йириклишувдан сўнгги дастлабки икки йилнинг натижаси кутилгани ва айтилганидек кўркам бўлди. Фермер хўжалиги қарамогидаги тракторлар сони 2004 йили ёқ 4 тага, унинг тиркама воситалари сони 2 тага етди. «Кўл узунлиги»нинг яна бир шарофати шу бўлдики, фермер опа ўша йили топганидан ортиб қолган 700 минг сўм мабларини туман марказий шифохонаси қурилишига ҳомийлик ёрдами сифатида ҳадя этди. Царвоқе, хўжаликда сармоянинг яна бир йирик ўчғи пайдо бўлгалигини ҳам эслатиш мавриди: ҳозир фермер аёлнинг кенг-мўл қуртхонасида йилига ўртача 500 кило пилла стиштирилалади. Олтин нархидаги ана ўша пилланинг сармоясини хомчўт қилип ўзингизга ҳавола.

Уқдирилганидек, фермернинг кўлу-қапотини моддий имконлардан бўлак ҳеч нарса зиёда қилолмайды. Моддий имконлар эса, юқорида айтилганидек, ҳалол меҳнат, омилкорлик, оқилона төжамкорликнинг меваси. «Хушнуд»да ана шу омиллар бисёрлигини шундан ҳам билса бўладики, энди унда наинки, экин-тикин ишлари, балки равнақ учун узанги бўлгучи барча «дастёр»лар: пул дейсизми, техника дейсизми, мол-ҳол дейсизми – бари муҳайё. «Кўлнинг калталиги» даврлари аллақақочон ўтиб кетган. Рентабелликни олиб кўринг. Унинг даражаси мана 5-6 йилдирки, 20-25

фоиздан кам бўлаётгани йўқ. Бу – деҳқон меҳнати ўрнига тушиштанидан, ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги ва самарадорлиги даражаси юқорилигидан нишона ва уни рақамларни қалаштирган кўйи изоҳлашга ҳожат йўқ. Хўни, юқори ҳосилдорлигу самарадорлик ниманинг эвазига? Ернинг тилию сўрови, эҳтиёжини беш бармоқдай билган деҳқон сув ёки ўғит тақчиллиги кезларида ҳам талафот кўрмайди, кўп нарса ютқизмайди. «Бизда сув тақчиллигидан бопқа ҳамма нарса бор», — дейди Солия она ҳосил ва даромад манбалари ҳақида тўхталааркан. Унинг фикрича, ер қаъридаги сувни насослар ёрдамида сўриб олиш билан, ҳатто бу долзарб муаммони ҳам бир қадар бајтараф этиш мумкин. Амалда ҳам шундай бўлибди. Бунда мутахассис сифатида умр йўлдоши Раҳимбой ака ва ўғли Фрунзенинг таклифлари роса қўл келибди. «Ер ва унинг ҳосили асосан тўртта унсурга боғлиқ, — дейди Солия она ишонч билан, — унинг биринчиси – меҳнат, ҳалол меҳнат, иккинчиси – сув билан ўтит, учинчиси – техника ва ниҳоят, сара уруғлик. Аммо улардан ҳам кўра устунроқ яна бир жиҳат бор: бу – ишга, касб-корингта нисбатан ўткир ихлос-эътиқод, хоҳиш-ирода, ишонч, интилиш, изланиш, шижоат, матонат ва фидойилик. Ана шу инсоний фазилатлар, талабу тақазоларни қалбию жуссасида намоён этганинг омади доимо чопади, истаганига эришади. Одам ўзи хоҳламаган, истамаган ишнинг ортидан юрмагани маъкул. Ўзгаларнинг буйруғиу зуғуми остида қилинган ишдан наф чиқиши қийин. Ўзинг истаб ва интилиб қилган ишлардан эса ҳеч маҳал панд сб қолмайсан».

2009 йил бошида фермер хўжалиги қарамогидаги техника воситалари сони 13 бирликка етди. Улар – ерни ҳайдаш, чопиқлап, текислаш, уруг экиш, ҳосил ва маҳсулотларни ташиш механизмларидан иборат.

Боғолон – боғлар маскани. Воҳанинг энг анвойи ва тансиқ мева дарахтларидан иборат кенг саҳнили, кўркам ва ниҳоятда серҳосил боғлари шу ерда. Баъзан баъзилар бундай боғларни ёмонотлиққа чиқаришга уринишади. Иеми-

жисмігі монанд Боголон қишлоғи ақыннің бундайлар билан йұлы бир әмас. Воҳашиңг әңг уста боғбонлари боғолон-ликлар, деса ҳеч муболага бўлмайди. Каримовлар хонадони ҳам шу сафда. «Хушнуд»га қарашиб 1 гектар бօғ майдонига экилган олма ва узумнинг даромади шолидан олинидиган сармоядан 5-6 баравар зиёд дейишса, инонаверинг. Боголон боғларида стиштирилган узумнинг довруғи аллақачон юрт ошган.

Шўролар тузумининг охирги йиллари эди. Московдан «меҳмон» келди. Уни «Правда» газетаси мухбири, машхур ёзувчи, дея танишириши ва воҳанинг у бошидан бу бошигача етаклаб юришни ўша кезлар вилоят партия қўмитасида матбуот бўйича йўриқчи вазифасида ишлаган каминага топширишиди. Афтидан, умрида узум кўрмаган бу зот Боголон ишкомларида битган ва шираси тилни тарс ёргучи меваларга роса бўкди, охирини ўйламасдан оғзига доналаб әмас, панжалаб тиқди. Оқибати жуда хунук бўлди. «Тез ёрдам» шифокорининг муолажасигина жонига оро кирди. Уни изза қилиб ўтирмади. Айбни меванинг ўзига тўнкаб қўя қолдик. Аммо у аҳмоқ әмасди, барини фаҳмлади, Ўзбекистонда етишириладиган жаннатий мевалар таъмига тан бераркан деди: «Хоразм шундай асал мевалар юрти экану, билмай юраверибмиз-да?!

Бизга фақат қовун-тарвузларнигина жўннатасанлар. Қизиқ, раҳбарларинг бундай ажойиб мевалар Ўзбекистонда етиширилишини биздан нега сир тутишашапти экан?» Бари аён. Сағаримиз чогида оғиздан мўралаб, ўқани кўра олгучи мезбонлардан бири қулогимга шипшишган, «меҳмон»нинг нияти юртимизда шу чоққача Москва бозорларигача етиб бормаётган сархил мевалар ҳамда уларнинг турини аниқлашдан иборатларини, у аслида мухбир ҳам, ёзувчи ҳам әмас, балки «меҳмон» қиёфасидаги оддий жосуснинг ўзгинаси эканлигини ётири билан тушунтирган эди. «Меҳмон»нинг юқоридаги эътирозидан сўнг ўша ҳамюртимиз сўзида ҳақ эканлигини англаб етдик. «Ҳамроҳ»имиз аслида кимлигини аниқлаш эса қийин бўлмади.

«Кремл»дагиларга ўзбек узумиу анори, ўриги, олчасиу гилюси, ширу-шакар олмаларининг хуш таъми аллақачонлардан бүён абын эди. Бироқ улар ана шу сархил мевалар қанча майдонда ва қай миқдорда етиштирилишини аниқ билишмасди. «Мәжмон»нинг зиммасига айнан шуни аниқлаш вазифаси юқлатылғанligини ҳам сезиб олдик. Лекин шум ният бароридан келармиди? Месъёрни билмай узум ейиппөн өңеасидан сүнг, Московнинг хуфя топшириғи ижросидан кўра, ўз жони азизлигини кўпроқ ўйлаган «мәжмон» ишини чала қолдирғанча, юртимиз тупроғини тарк этди ва яхшиямки, орадан кўп ўтмай истиқбол бўлди.

Боғолон боғлари Солияжон опа ва ҳамқишлоқларининг сехрли қўллари тағтида ҳозирда ҳам барқ уриб ўсаяпти. Ўзбекистон боғларининг саховати, кўрку таровати ҳасадгўй «дўст»ларимиздан анча-мунчасини ана шу тариқа доғда қолдирганидан баъзан гуурланиб ҳам кетасан кипи. Халқимизнинг сехрли қўллари бор: қаро ердан зар ундиради; оддий далани «оқ олтин» конига, сахрони «олтин бошоқ» маконига айлантиради, қурт парваришлаб, зар тола, боғ парваришлаб, жаннат меваларини олади, чорва боқиб, оқ сут «дарё»ларини ҳосил қиласди. Солия опа ана шу сехрли қўл соҳибаси, қасби – йўқни борга дўндириш, элинин ва ўзини бойитиш, ризқ-насиба улашишдан иборат. Фермер опа тимсолидаги ҳазрати дехқонларнинг бутунги ютуқларини кўролмайдиган юқоридаги янглиғ «сўқир»лар ҳам топила қолгудек бўлса, нима ҳам дердик, ўзидан кўрсан!..

2009 йил, февраль

ФОТОЛАВҲАЛАРДА ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ ХАЁТИ

«ХУШНУД» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ:

Тадбиркор аёлнинг оналик меҳри билан йўғрилган омилкорлиги мўъжизалар яратишга қодир. Ушбу фермер хўжалигининг ютуқлари билан танишгач, бунга яна бир бора амин бўласиз.





«ҚОРОМОН» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:

Иши бароридан келаётгап яна бир тадбиркорлик жамоаси. Суратларга жо лаекаларда бүнинг ифодасини яққол күриш мүмкин.





«СУЛАЙМОН ШО» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:
*Серкірра фасолиятдан лавҳалар, тасвирларга
мүхрланған лағзалар.*





«ОТАҚУЛ» ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИ:
*Марҳум Машариғ отанинг орзулари тұла
рүйөбга чиқаипти.*





**РЕСПУБЛИКА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
УЮШМАСИННИГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ:**

*Қишлоқ ишбизлармонарини қўйлаш, кўмак ва
мадад уюштиришда ушбу ташкилотнинг
ўрни ва роли бўлакча.*



КАТТА ЙЎЛ

Воҳада танаси тошдай қаттиқ, дубдай мустаҳкам, умри пойиндор, сершоҳ ва серсоя бир дараҳт ўсади. Маҳаллий аҳоли уни «қоромон», деб атайди. Алқисса, шаҳри азим Урганчнинг шундоққина биқинида Қоромон аталмиш бир қишлоқ ҳам бор. Кўшни элат – бекободлик Худойберган ака Қоромондаги маҳаллий ҳокимият идорасига узоқ йиллар раҳбарлик қилди, сўнгра мироб вазифасида ишлаб, элни сувга сероб этди. Кексайған чоғ боғбонликка бел боғлади, ўнга яқин мевазорлар барто қилиб, бу хайру савоб ишнинг ҳам миришкорига айланди. Талай инсоний фазилатлари туфайли топган обрў-эътибори эса бундан-да зиёда бўлди. Афсуски, аёли Онажон опа бу янглиғ юқори мартабаларга етишолмади. Шундай эса-да, 5 ўғил ва 1 қизни камолга етказди, улар эл корига ярар чоғи, барини ота илкига топшириб, атиги 51 ёшида Яратганинг даргоҳига йўл тутди. Аммо армонли кетмади. Аҳил-тотув мустаҳкам оила, қобилияти ёшлигиданоқ равшан тортган муносиб фарзандлар ундан ёдгор бўлиб қолди. Оналикининг қолган фарзини амма – Оймонжон момо ўтади. Унинг меҳри онаникидан кўп бўлса-бўлдики, асло кам бўлмади.

Она меҳрини ота ва амма сиймосидан топган ўша фарзандлардан бири – ўртанча ўғил Сафарбой кейинчалик фермер бўлди. Бироқ кўргуликни қарангки, у бу ишни нордонгина ташибеҳ ва дашномни бўйнига илишдан бошлади.

– Менимча, бу йўлга адашиб кирибсан, фермерлик сенга ярашмас экан, – дабдурустдан деди айни экиш чоғи унинг даласида пайдо бўлган «қариндош»лардан бири.

Ҳе-йўқ, бе-йўқ бехос тилдан қочган бу аччиқ кесатиқ Сафарбойга қаттиқ ботди. Ҳар хил хаёллар, ўй-андишаларга борди. «Ёшим улғайганда, фермерлик амалини ортираман десам, келиб-келиб душман ортирибман эканда», – деган фикрни ҳам бопидан ўтказди. Табиийки, «қариндош»ининг сўзини «кўролмаслик»ка йўйди. Алами-

ни ичита ютди ва тили учига чиққан: «Хавас ўрнига ҳасад билан келибсиз экан-да», – деган сүзни айттолмади. «Қариндош» эса «Хайф сенга бу ер», деганча жүнаб кетди. Орадан бирор соат ўтиб, тағин далада пайдо бўлди ва заҳрини яна фермерга соча кетди: «Ҳозироқ оғир мола топасан, ҳайдов трактори ва чизелни раисингдан «ундирдим», экишни вақтида бошлатмагани учун эшитадиганини ҳам эшитди. Аммо ҳарчанд зуфум қылсан-да, ундан ўша молани ундиrolмадим. «Уни ўзинг топ», – деди. Тракторнинг ишини ўзим кузатиб тураман. Сен мола топиб кел. Еринг ишдан чиқаэзиди: нам йўқ. Ҳайдовни кеча бошлиш керак эди, сен эса олма пиш-օғзимга туш, дея қараб ўтирибсан. Ҳайдалган ернинг изғори тез қочади, оғир мола ўтказилган дала эса намни ўзида сақлайди. Уни тезроқ топиб кел. Бўлмаса, ернинг қолган озгина памини ҳам ушлаб туролмайсан», – деди азбаройн асабийлашган кўйи. Орадан чамаси икки соатлар ўтгач, оғир молани тортган трактор фермернинг даласига кириб келди. «Қариндош» эса тағин ўдағайлади:

– Ҳойнаҳой, мола учун кетиб, йўл-йўлакай сеялка ва уруғлик чигитта буюртма бермагандирсан-ов?!

– Шундай қисталанғ қиласверсангиз, одамда эс-хўм қоладими, оға?!

– Ўша эс-хүшинг аслида бормиди ўзи? Аммо сенга бир гапни айтай: дехқончилик қиласман десанг, энг аввало, тежамоқни, кези келганида эса, юз-қўяга қарамай сочмоқни ҳам билмоғинг керак. Булар орасида энг қимматлиси: вақт. Уни доимо тежамоқ лозим. Шу кетишда бир йўла буюртмани ҳам бериб келганингда эди?..

Ерни ҳайдаш ва экинга ҳозирлаш ишлари тун бўйи давом этиб, тонг бўзарган чоғ ниҳоясига етди. Сеялка эса далага қўёшнинг илк нурлари билан деярли бир вақтда этиб келди.

«Қариндош» эса ҳамон ҳовридан тушмайди:

– Мана, экиш ҳам тугади, – деди у экиш агрегати далани тарқ оттани ҳамон. – Хўш, энди нима қилмоқчисан?

- Чигитнинг униб чиқишини кутамиз-да, Қурбонбой ака?!
- Бўлмаса кутавер, аммо бу далада чигит унмайди.
- Нега?
- Уруғни «қулоги»дан тортиш керак, куёв! Тортмасанг, унмайди.
- Зарда қилмасдан айтаверинг-да, ака?!
- Умрингни шаҳарда дехқонни «танимас»дан ўтказганинг панд бераяпти сенга. Ҳали менинг пичингларимни ўзингга оғир ҳам олаётгандирсан-ов? Билиб қўй, куёв. Биз – дехқонлар анча дарал халқмиз. Тилимиз ҳам қўлимиздай қаттиқ, қўпол, кўнгилга келганни сўйлайверади. Энди қулоқ тут: эртагаёқ далага трактор соласан, ўқариқ олдирасан, ерни намлайсан. Оғир мола заптидан зичлашган срни энди сенга намнинг ўзи юмшатиб беради. Сув ўзига йўл очган жойда ер юмшайди, зичлашган тупроқ нуқраларини бир-биридан ажратиб, бўшилиқ ва пуфакчалар ҳосил қиласди, бир сўз билан айтганда, ер семиради. Лекин бу – тупроқ қуруқшагунга қадар давом этадиган вақтинчалик ҳолат. Намнинг иккинчи ҳосияти: чигитни ундиради. Бироқ бу орада ер ҳам қотиб улгуради. Бунга имкон бермаслик керак. Культивацияни уруғ унгани ҳамоно бошлаган маъқул. Ерни остидан шудгорлаш лозим. Бу ишни культиваторнинг ер тагидан ҳаракатланадиган чўзинчоқ қиличсимон пичноқ-омочи бажариб беради. Афеус, ҳозирги айрим «ақёли дехқон»лар экиннинг илдиз остини эмас, ён томонларини юмшатувчи омочлардангина фойдаланишиади.

Қайноғасининг бу ўтидан сўнг Сафарбойнинг дилида бир олам ҳис-ҳаяжон уйронди. Ўша «қариндош» аслида кимлигини яқиндан англади, бироқ сувдай оқиб ўтган йиллар давомида гарчи кунда ва кунора учрашиб туришса-да, уни «кашф» этолмаганидан кўнгли оғринди. Шу топгача қишлоқда яшагани боис, ўзини дехқончиликнинг билағони ҳисоблаб келгани, аммо аслида «коса тагида нимкоса» ҳам борлигини билолмай-кўролмай келганидан эса дили

хижил тортди. Дәхқончиликда майда-чүйда ва икир-чи-кір саналгучи талай муҳим юмушлар бор экани ва шу пайтгача уларга даланинг ичидан эмас, честидан туриб на-зар ташлаб юргани боис, күзига нұқул нақанғдай келади-ған қатталари өзиниң келгани, аниқроғи, ўзини билғон ҳисобласа-да, аслида ҳеч нарсаны билмағынин ҳам ўша қайноғаси – Хоразмнинг мана-ман деган ҳосилотларидан бири, бағри кенг, қалби дарё инсон Қурбонбой Ҳайитбо-евнинг «касб ва ҳаёт мактаби» туфайлы англади.

Сафарбойга қолса ва ўзининг жытироф қилиб айтиши-ча, «қариндоши» зарда қилиб келмаганида, ўша кез дала-да амалға оширилган «даволап» табириларининг биронта-сига ҳам құл урмасди, уролмасди. Ва яна таъкидладыки, бундай алғоздаги «муолажа»га муқаддам куни қолмагашы боисдан ҳам құл урмас ва ҳатто хәсіліга ҳам келтира ол-масди. Ахир, одам билмаган ишінде қандай қилиб унна-син?

Ха, Отажоновлар оиласи фермерлікдаги илк қадамла-рини танқид ва танбекхәни нишон булишдан бोшлади. Чин-дан ҳам шундай, фермер хұжалиғи соқыблари катта йүлда-ғи илк қадамларни ўша йили ёмон бोшлашды, аммо яхши тутатишиди. Отажоновлар оиласи ёмон босланған-у, яхши тутаган ишларни ҳам, арағадаги аччиқ танқид ва танбек-ни ҳам, уни ўзи билан бирга тилемдеди (аммо дилида эмас) олиб келген ўша қариндошнинг күтилмаган ташрифини ҳам яхшиликка йүйиб, Яратған Эгамнинг зэгу ипояти ўрнида қабул қылды.

Ўша йил күзда фермер даласидаги пахтани қанча те-ришеса-да, адогига етмади, шартномаю режалар туп ва әзатларға сиғмаган ҳосил мисол тұлиб-толиди. Сафарбой-нинг эса боши осмон. Йил бүйі далада бирға тер түккан умр йұлдоши Саодат Ҳайитбоева, акалари Эгамберган ва Нормат Худойберганов, собиқ жамоа хұжалигыда узоқ йиллар бош ҳосилот бўлиб ишлаган моҳир дәхқон Олла-берган aka Маҳмудов, фарзанд ва келин-куёвлари ва ал-батта, уста ҳосилот – қайноғаси (у киши құшни тумандада-

ти собиқ жамоа хўжалигида 40 йилдан мўлроқ ҳосилот ва бригада бошлиғи вазифаларида ишлаган, ҳозир нафақада) Қурбонбой акани кафтигма кўтарсам, дейди. Тан олиб айтадики: «Йўл ва шаҳар одамиман, ўзимнинг азалий ва севган ишимни ташлаб, далага келолганим йўқ, бу срдаги юмушларга турмуп ўргорим, акаларим ва бошқа яқинларим балогардон». Бундан кўринадики, фермер хўжалигининг ишлари чакки эмас.

Қалам қоралаган битикларга қараб, оиланинг деҳқончиликдан бўлак эрмагию ўй-ташвиши йўқ экан-да, деган хаёлни бошдан ўтказастган бўлсангиз, ажабланмаймиз. Бироқ аслида бундай эмас: гарчи у ҳаётий муҳим соҳа эса-да, айнан ушбу фермер хўжалиги фаолиятда асосий ўринни эгалламайди: «Қоромон» – чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ва бу ҳақда сўз очицига ҳали ултурганимизча йўқ.

Унинг гаройиб тарихи бор. «Узоқ йиллар машғул бўлган ишимизнинг турган-битгани фермерлик экану, уни билмай, пайзамай, ҳатто тасаввур ҳам этолмай юраверган эканмиз. Энди билсак, собиқ жамоа хўжалиги молларини бўрдоқига боқиб, яна унинг ўзига қайтаришга қаратада йиллар давомида қилган оғир ва машаққатли меҳнатимиз ҳозирги фермерлик ҳаракатининг дастлабки улгуси экан», – деди Сафарбой ака сўзида давом этаркан. Ган олмоқ жоиз, у – ҳақ. Меҳнат фаолиятининг молларни ижара асосида оилавий шароитда боқиб семиртириш ва колхозга қайтиб топширишга қаратилган ушбу усулини Шўролар тузумининг охирги йиллари қишлоқда тоғи ошкора, тоғи шинҳона тарзда кўзга чалинган имбилармонлик ҳамда муқаррарлиги тобора аёнлашаётган истиқлолимизнинг илк нишонаси, айни кундаги улкан фермерлик ҳаракатининг эса ибтидоий ўтмиши, ўтмишдошига менгзасак ўринили бўлади.

Фермерликнинг катта йўли чиндан ҳам шундай бошланганди. Ҳалокат томони йўлга чиққан колхозни «оила пудрати», «ижара пудрати» аталмиш омонат иш усуллари

күмегида сақлаб қолишишмоқчи эди. Иш тутуми янгича сувратда күзга чалингани ва мажбурлов ҳамда бүйрүкбозликка асосланған жамоа усулидаги меңнатдан ижобий фарқланиши боис Отажоновлар оиласи бу оқимга бириңчилардан бўлиб қўшилди. Марҳум Худойберган ота қишлоқ тадбиркорлигининг ушбу илк намунасини чинакам янгилик ўринда кўрди ва оиласи бел боғлагап ишга ҳеч иккиланмай оқ фотиҳа берди. Комил фарзанд Сафарбой уни амалга ошириди, «катта арава»нинг «юки»ни эса оизланинг жамики аъзолари тортилди. Қишлоқдаги бу янглиғ ишлар то истиқлол давригача давом этди. Истиқлол туфайли яралтан янги замона эса наинки қишлоқ қиёфаси, балки инсон қалбини ҳам кўркка, гўзалликка буркади.

Шу ўринда фермер хўжаликларини ташкил этиш чоғи «ёшулли»лар кўнглидан ўтувчи кичик бир «сир»ни ошкор этсак, улар биздан гина қилишмас. Гап шундаки, бундай пайтларда нафақат «ёшулли», балки кўпчиликнинг дилида: «Фалончи-ку, ерга талабгор, аммо унинг кучи, маблағи, ақлу салоҳияти, билим, малакаси ер ва элнинг минг талабу тақозоларини адо этиш учун етармикан?» – деган бир андиша уйғонади. Ва табиийки, талабгорлар ўртасида ўтказилгучи танлов бундай саволларнинг деярли барига жавоб беради. Бироқ фермерлик рутбасини илкига олгунча бир, олганидан сўнг яна бир тусда товлангучи «уста тадбиркор»лар ҳам борки, ер-мулкни улар ихтиёрига берип чоғи ҳалқимизнинг «синамагунча сиртидан ўтма», нақлига, албатта, амал қилмоқ даркор.

Туман мутасаддилари «Қоромон» фермер хўжалигини ташкил этиш ва ерни унинг ихтиёрига бериш чоғи икклизаниб ўтиришимади, аниқроғи, ўша ибратли нақлга амал қилишмади. «Бари равшан, оила аҳлининг бу ишга бўлган лаёқатию ихлос-эътиқодини фермерлик фарзу қарзларини манфаатдорлик ва мулк-биссотга тиш-тирноғи билан қарши турганлар кўзидан яширган кўйи адо этган пайтлардаёқ найқаганмиз», – дейишди.

Фермер Отажоновнинг айтишига қараганда, колхоз ту-

зуми даврида гўптига тошириладиган молнинг оғирлигиги 350-400 килога етказишнинг ўзи кифоя қилган ва ферма чорвадорлари унга камида 1,5-2 йилчага вақт сарфлашган. Отажоновлар оиласи эса аввалига 15-20, кейинчалик 35-40 бош бузоқ ёки озгин молни ижарага олиб, атиги 4-5 ой ичида ҳар бирининг оғирлигини 450-500 килога етказишга муваффақ бўлган. Шу аснода ҳар йили колхозга қарашли 100-120 бош мол оила шароитида бўрдоқига боқилган. Шу йўл билан оиласига даромад, колхоз чорвасига эса барака кирган. Нафси замини айтганда, нафнинг кўпини колхоз кўрган. Молларнинг тез ва қўп семирини «ёшулли»ларни бефарқ қолдирмаган. Ферма молларини Отажоновлар оиласига доимо қўшқўллаб тоширишган. Аждодлари чорвадор ўтган оила эса мол асрани ва бўрдоқига боқиб семиртиришдек оғир ва мураккаб вазифани доимо қойиллатиб адо этган. Бир сўз билан айтганда, Худойберган ота ва Онажон момонинг зурриёдлари истиқлол замонасида қишлоқ узра қапот ёзган фермерлик ҳаракатига тайёр ҳолда келишган.

«Қоромон» фермерликка расман киришганига ҳам 20 йилча бўлди. Отажоновлар оиласини эса чорвадорлар хонадони, деб атадик. Лекин оиланинг бошقا бир имкони ҳам бор ва ҳали бу ҳақда тўхталганимизча йўқ. Гап шундаки, «Қоромон»нинг эгаси Сафарбой чорвачиликка бевосита дахлдор қасб-корнинг соҳиби – озиқ-овқат технологияси бўйича олий матъумотли мутахассис. Умри мол озуқаси ишлаб чиқариш юмушларида ўтаянти ва ўа қўли билан битган таржимаи ҳолда шундай қайдлар бор:

«Оилада ўртанча фараандман. Мукофотланмаганман. Судга тортилмаганман. Ҳарбий хизматни ўтаганман. Урганч Гидромелиорация техникиуми ва Тошкент Политехника институтини тутатгапман. Ҳозирда Ўзбекистон инбилармонлари ва тадбиркорларининг Либерал-демократик партияси аъзосиман. Умумий иш стажим – 32 йил. Даставвал колхоз бригадасида табелчи (ҳисобчи-иш юритувчи), сўнгра қурилишида ишчи, уста, қишлоғимиздаги ҳунар-

техника билим ютида эса ўқитувчи бўлиб ишлаганман. 1981 йилдан ҳозиргача озуқа соҳасида ишилаб келаяпман. Айни пайтда турмуш ўртоғим Ҳайитбоева Саодат билан бирга «Қоромон» фермер хўжалигини бошқарайпмиз. 5 нафар фарзандимиз ва 9 нафар неварамиз бор...»

Фаҳмлаган эсангиз, қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳолини бежиз келтираётганимиз йўқ. Уни ўқиган киши оила ва оила соҳибининг фермерликка бўлган уқупи, лаёқатини ҳам уқади. Дарвоқе, таржимаи ҳолнинг фикримизга дахлдор барча жиҳатларини баён этишга ултурганимизча йўқ. Фарзандларга разм солинг: бепови ҳам ўқимишли, ақлли-хушли, муомала ва мушоҳада бобида ота-онадан ками йўқ, қобилиятли ўғил-қизлар. Ҳар бири турли идора ва ташкилотларда ўз иши-юмуни билан машғул, аммо фермер хўжалигининг бир «пеши» доимо улар гарданида. Ота изидан бориб, унинг касбини эгаллаган олий маълумотли мутахассис Ҳушиудбек фермер хўжалигида таъминот ва ем-хашак тайёрлаш, яна бир фарзанд – Ҳамидбек деҳқончилик ва боғ юмушлари, Нигора чорва – мол-ҳол қарови, Наргиза ва Файрат иш юритиш ҳамда ҳисоб-китоб юмушларига жавоб бериниади.

Юқоридаги ҳикояларимизнинг бирида фермерликнинг дастлабки палласи мамлакатимиз учун «очилмаган қўриқ» бўлганлигини таъкидладик. Ўз сўзимизга ўзимиз шак келтирмоқчи эмасмиз-у, фермерлик Отажоновлар оиласи учун очилмаган қўриқ бўлмади. Оила бу жабҳага 1990 йили қарийб 7 йиллик иш тажрибаси билан келди.

Ўша иили иймон-эътиқодли ва инсоф-диёнатли «ёшулли»ларнинг оқ фотиҳасини олган ҳолда, 40 боп мол билан «кatta йўл»га чиққан «Қоромон»га маҳаллий раҳбарлар озуқа етишириш учун ер майдони ажратиб беришмади. Колхоз тузумининг тузини ялаган айрим ўзи хон, кўланкаси майдон амалдорлар шуни хоҳлашди, ферма моллари ни деярли сув текин шартлар асосида бинойидай боқиб берган тайёр дастёрни илкидан чиқармаслик учун ҳам шундай йўл тутишди. Янгиланаётган жамиятнинг эса йўриғи

бўлак. У ерни «бер» дейди. «Қоромон»га ер бериш у ёқда турсин, унга қарашли фермахона биносини қуриш, қурилганини эса буздириш учун ҳам колхоз томонидан кўп уринишилар бўлди. Бир куни ҳатто фермернинг молхонасини йиқиши учун бульдозер ҳам юбориши. Үзингиз айтинг, молни бошпанасиз ва озуқасиз боқиб бўларканми? Жони-ворлар ҳар он, ҳар соат емиш, иссиқ ва совуқда эса бошпана сўрашади. «Ёшулли»ларнинг парвойифалак. Сўзини эшитсангиз, орасига ғараз оралаган «бойимоқчи эмиш» иборасини оғиздан қўйишмайди. Ана шу гирром «ўйин»лар оқибати: фермер бир неча мавсумни ўз молларини бозор озуқаси билан боқиши ва чайласимон қўрада асрар билан ўтказди. Шундан сўнг эса... «Йўлдаги тўсиқ»ларнинг дарёга қулаб, мисоли хас-чўпдек оқиб кетиш фасли бошланди. Ва ниҳоят, «Қоромон» ҳам катта йўлга чиқди. Қорамоллар учун каттагина молхона қурилди. Лекин дехқончилик юмушлари ҳа деганда жўнашавермади ва ҳосилот қайнога Қурбонбой аканинг қалампир қўшилган ўша аччиққина танбеҳида акс этгани каби воқеалар рўй берди. Хайрият, бу каби қусурлар ҳам вақтинча ва ўткинчи бўлиб чиқди. Әндиликада асли чорпадордан чиққан фермерни Урганч туманининг моҳир ва омилкор дехқонлари сафида кўрасиз. Бинобарин, мавжуд мисол ва далиллар ҳам шуни тасдиқлайди.

Қусурдан кўз юмолмаймиз. Фермер бир неча йиллар давомида ерга зориқиб яшади. Озуқага кўз тикиб ётган моллари номидан айтган арзини колхоз ёшуллilarининг бири тингласа, бошқаси юзини терс ўтириди. Оқибатда дехқончилик майдонлари 10 гектарнинг нари-берисида қолди. Молинг кўшу еринг оз бўлса, азобу машаққат ҳам кўп бўларкан ва фермерни ҳарна чорани ишга солиб бўлсада, дехқонларнинг дехқони бўлишга мажбур қиларкан. Оз ердан кўп, яъни ферма эҳтиёжига яраша ҳосил ундириш илинжи фермер биродаримизни вилоятнинг уста дехқонлари сафига олиб чиқди. Фактлар ўжар бўлади, дейишгани рост. Мана қаранг: суғорма дехқончилик шарои-

тида ҳар 3 бош молга 1 гектар экин майдони ажратиб берилмоғи даркор. Мустақил фаолиятнинг ўшинчи йили фермер қарамоғидаги қорамоллар сони 45 бошга етди. Деҳқончилик майдонлари эса ҳамон 10 гектар. «Ёшулли»лар моллар сони 56 болига стгач, «бош қашлаб» қолишиди ва Отажоновга ўлганнинг кунидан яна 2 гектаргина ер ажратиб беришиди. 12 гектар! Фермер ана шу ердан чиққан ем-хашак билан 95 бош молни тарбиялади. Кўрсаткичлар мутасаддиларни саросимага соглани аён. У ер сўрайди. Таалаб «маминият» билан қабул қилинади. 2006 йилга келиб «Қоромон»нинг моллари 104 бошдан ортди. Шу йили фермер хўжалигига яна 8, орадан 1 йил ўтиб, қорамоллар сони 120 га стгач эса яна 16 гектар ери кўшиб беришиди. Сўнгги маълумотларга қараганда, фермер тасарруфидаги моллар сони 150 бошдан ортибди. Яна бир қизиқ маълумотни ер самарадорлигига оид кўрсаткичдан топдик. Унда қайд этилинича, мавжуд экин майдонлари фермерга йил сайин ҳар бош шартли қорамол ҳисобига даставвал ўртача 6 тонна, сўнгги йилларга келиб эса 8-9 тонна ҳажмида озуқа этишитириш имконини бераяпти. Энди озуқадан тақчиллик йўқ. Гектарлар санарадорлиги ортиб, старли даражада ем-хашак тўпланаётгани боис, хўжаликда пахта ва ғалла деҳқончилигига ҳам йўл очиласпти. Пахта майдонлари ҳосили шу пайтгача гектарига 31 центнердан паст тушмагани, ғаллачилик жабҳасидаги ишлар эса гектарига 41 центнердан бошланиб, пировардида 50-60 центнерларни қорашиб бораётгани уста деҳқонларга хос омилкорликдан нишона. Ушбу экинларнинг омухта ем, шрот ва шелухага харжланаётган даромади молларнинг ҳам тирик вазни, ҳам бош сонларини ошириш гаровига айланиб, пировардида, рентабеллик аталмиш ялпи сармояга қут-барака киритаётгани эса нур устига аъло нур бўляяпти. Шу каби савъ-ҳаракатлар қатори ери алмашлаб экишни кўзловчи тадбирлар ҳам омилкорликдан нишона. Бу тадбир аллақачон одат тусиға киргани боис, фермер уни омилкорликка

йўйишни хаёлига келтирмайди ва бамайлихотир оҳангда: «Алмашлаб экиш ерни соғайтиар экан, шу сабабли унга кўпроқ эътибор бераяпмиз», – дейди. Отажоновлар оиласи фермерликнинг катта йўлига чиқар чори «бу ишдан бойиган одам йўқ, сенга йўл бўлсин?!» – дея пичинг қилганлар ҳам бўлганди. Айрим оғизга кучи стмаганлар олдида уялиб қолмаслик ҳисси, инсонийлик фурури наинки бутун оила, балки унга хайриҳоҳ бўлган элдошлар, ишга ёлланганларни ҳам оёққа қалқитди. Энди эса баралла айтиш мумкин: «Қоромон» нафақат ўзи ва уни ташкил этган хонадон, балки тақдирини у билан боғлаган кипилар оиласаларига ҳам мўл ризқ-насиба улашаяпти, айни пайтда жамоанинг олтин қўллари-ла яралган ноз-исъматлар ҳам эл дастурхонига арzon ва адоқсиз ризқ-насиба бўлиб тўклияяпти. Энг қувончлиси, ҳалол ва фидойи меҳнатдан келган даромаду буромадлар ҳажми муттасил равишда ошмоқда. Сўнгги 7 йилнинг ўзида фермер бисотидаги моллар сони уч ярим, гўшт етиштириш ҳажми салкам олти, сут эса саккиз ҳисса кўпайди. Кўраяпсизми, «Қоромон»да мол бош сонлари озроқ, маҳсулот олиш ҳажми эса кўпроқ суръатларда ортаяпти. Англаётган эсангиз, омилкорлик манзараси бу ерда ҳам намоён: оз мол, яъниким, оз миқдор озуқа эвазига кўп миқдор моддий бойлик яралаяпти. Дарвоқе, соф фойда, яъни рентабеллик кўрсаткичларига оид факт-далилни хаёлдан фаромуш этаёзибмиз. Гапнинг лўндаси, мисолнинг зўрига шу сарда рўбарў келдик ва 2002 йили атиги 780 минг сўмдан бошланган рентабеллик айёми 2009 йилга келиб 15,5 миллион сўм, яъни 17,5 баравар ортганига шоҳид бўлдик. Бундан келиб чиқадиган хulosса битта: хўжаликда ҳар бош соғин сигир ҳисобига сут соғиб олиш ҳажми анча юқори ва бу миқдор тўхтовсиз ортаяпти. Бундай манзарани бўрдоқи-чиликда ҳам кўриш мумкин. Новвосларнинг юқори семизлиги оз мол ҳисобига кўп миқдорда гўшт етиштириш имконини бераяпти. Бу борадаги ютуқнинг бошқа бир манбанини «Қоромон»нинг зотдор моллари мисолида кўра-

сиз. Гап шундаки, узоқ йили Украинадан көлтирилган 5 бөш наследор ғұнажин ва 1 бөш новвос ўа-ўиздан күпайиб, 20 бөшгә етди. Уларнинг маҳсулдорлиги оддий молларницидан 1,5-2 ҳисса ортиқлиги кишида шубҳа уйғотмайды.

Биз – қаламкашлар ҳасадгүй одамлар эмасмиз, яхши ни күрсак суюнамиз, ёмонни күрсак куюнамиз. Шу боис, айни тобда хаёлимиздан кечастган ўй: «Қоромон»пинг соҳиблари шунча даромад топиб, уни қаерда асршаётганини билиш истагини, имонимиз комилки, ғаразгүйликка йўймайсиз. Шу ҳақдаги савол билан қаҳрамонимизга юзланамиз:

— Ўҳ-ҳӯ, бойлигингиз шунча бўпти, уни нималарга сарфлаяпсиз ўзи?

У эса мужмалроқ оҳангда дейди:

— Ҳали бойиганимизча йўқ. Банкнинг 20 миллион сўмлик қарзидан яқинда қутусак керак. Лекин яна каммида 50 миллион сўмга муҳтоҗлигимиз бор.

Отажоновни тушунолмадик. Ҳар йили камида 15 миллион сўм соф фойда орттиреаю, уни кам, ўзини эса камбағал билса. Буни пайқади чоғи, изоҳга кўчди:

— Зотдор молларни банкдан кўтарган қарз эвазига харид қильдик. Ушбу харид ўзини тўла оқлаяпти. Олинаётган даромад қарзни ўз муддатида қоплаш имконини бераяпти. Тўғри, чўнтағимизда иақд пулимиз кам, аммо молга айланган бойлигимиз ниҳоятда кўп. 250 бөш молга мўлжалланган катта фермахонага эгамиз, салкам 30 миллион сўм пул сарфлаб, 2 километр ердан газ, 1 километр масофадан электр энергияси тармоғини тортиб келганимиз. «Олтой», МТЗ-80, Т-28 русумли юқори қувватли тракторларимиз, ер текислаш мосламамиз, хашиб ўриш машина-миз, ўғит сепиш агрегатимиз, барча турдаги чопиқ ва экиш механизмларимиз бор. 150 бөш қорамол билан бирга 4 минг бөш парранда ҳам асраяпмиз.

Фермер ўз хўжалигининг моддий мавқеи, маҳсулот ва ҳосил стиштириш кўламлари, харажату даромадлар салмоғи ҳақида хўпу кўп гапирди, бироқ негадир, юқорида

ўзи тилга олган навбатдаги қарз хусусида лом-мим демади. Масаланинг моҳияти куни кеча аёнлашди.

Ушбу ҳикояни битиші чори фермерни бир неча бор йўқлашимизга тўғри келди. Илтимосимизга биноап, бирров кўриниш бердию, сўнг қорасини кўрсатмай кетди, телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермади. Яқинда эса, ҳеч кутилмаганда, ўзи сўроқлаб келди. Кўлида бир даста сурат, тасвирларда ғалати ва гаройиб манзараларнинг акси намоён.

— Юртбошимиз очиб берган кенг ва катта йўллардан юриб, бир гуруҳ тадбиркорлар сафида жаҳоннинг энг тавжум мамлакати — Хитойга бориб келдик, — деди маънодор оҳангда, сўнгра қўшимча қилди. — Шу пайтгача нуқул чорва ва экин-тикиннинг ортидан қувиб юраверган эканмиз. Гап хом ашё ҳолидаги гўшт, сут ва ҳосилни тайёр маҳсулотга айлантиришида экан. Эскироқ бўлса-да, аразонроқ нархли бирон-бир цех топиб, ниятимни тезроқ амалга оширинга аҳд ҳам қилиб қўйгандим. Хитойга бордиму, фикрим ўзгарди. Биз — фермерлар узоқни ўйлаб иш тутмогимиз зарур экан. Шанхай, Урумчи, Гуанжо шаҳарларида бўлдик. Ҳозирги ҳаёт тарзи бу мамлакат одамларини бир оз шонирган кўринади. Ўзлари учун жуда кўп замонавий ва истиқболли дастёrlарни яратишибди. Бизга ҳам хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантирувчи айнан шундай арzon ва чидамли жиҳозлар керак. Шу ниятда компьютерлашган 4 та мойжувоз, ун ва шоли тегирмонлари, фишт заноди, 2 та суюк майдалагич, қўша қуритиш агрегати, яна шунча ёр тозалаш ва қадоқлаш ускуналари, музқаймоқ аппаратини сотиб олиш учун шартнома тузиб қайтдик. Ўзбекистоннинг шу мамлакатдаги ваколатли одамлари бизга бу масалада яқиндан ёрдам кўрсатишиди, маслаҳат ва йўл-йўриқлар беришиди...

Сирасини айтсам, фермернинг сўнгги сўзлари чўпчакка ўхшаб кетди. Ниятига қараганда, бутун бир шаҳарга татирли корхоналар тизимини барпо этмоқчи. Хўш, қайси маблаги эвазига? Асоси бўлмаганидан кейин қаҳрамони-

миз шу ҳақдаги саволни бежавоб қолдиради, деб ўйлагандик. Таажжуб!!! Жавоб асосли ва дангал бўлди:

– Сиз ўйлаётгандек, бутун бошли шаҳар ёки йирик корхонани харид қилмоқчи эмасмиз. Нархи ҳам чақиб олмайди. Бор-йўри 50-60 минг доллар, холос. Банк биздан 35-40 минг доллар кредитни аямаса бўлгани. Олинганд пулни қандай қилиб қайтариши йўлларини ҳам ўйлаб қўйганман. Агарки, «бор-барака сенга 5 йил муддат билан кредит берамиш», – дейишса, имоним комилки, биз уни Зийлдаёқ қайтара оламиш.

– Буниси тушунарлы, аммо бунча кўп ускунага на ҳожкат? Ахир у билан бутун бир туманинг дон-дунию гўшт-сутини қайта ишлаш мумкин-ку?

– Ҳа, шундай. Хитой сафари мен учун бир сабоқ бўлди. Эски-туски темир-терсаклар билан узоққа бориб бўлмас экан, инсон боласи ҳамма вақт келажакни қоралаб юрмоғи даркор экан. Энди қараб турсак, ҳозирги замон фермерининг юмуши фақат дехқончилик ёки чорвачиликдан иборат бўлиб қолмаслиги, кези келганда, замонавий сапоатга ҳам таяниб яшамоғи, яхти ният билан узоқ-узоқ айёмларни қўзлаб ишламоғи керак экан. Мутахассислар ёрдамида биз танлаган ана шу янги технология бу ниятимизни тўла-тўкис рўёбга чиқаради. Ҳом ашё масаласига келсак, туманимиз ҳокими сафар чори бизга ҳамроҳлик қилди. Унинг вайтишича, харид қилинадиган янги минитехнологиялар томонидан қайта ишланадиган ҳом ашёни фермер хўжалигимизнинг ўзида ва қўшни хўжаликларда стиштириши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунга орқа қилиб, кунгабоқар ва соя етиштиришини йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун яна камида 50 гектар ерга муҳтоҷлигимиз бор. Ана шу режаларимиз рўёбга чиқса, миникорхоналаримизда яна 20 киши ишли бўлади.

Шўро замонасида чорвадан зиён кўрмаган колхозни топишингиз амри маҳол эди. Давлат олдидағи режаларни кўпинчча аҳолидан йигиб олинган гўшт, сут, тухум эвазига бажаришарди; топганлар ўша маҳсулотларнинг ўзини, топ-

маганлар пулини бериб қутулишарди. Эндиги кунлар чорвачилигининг йўриғи бўлак. Очигини айтганда, фермерлар ўзлари мўлжал қилган мэрраларни аввал замондагига ўхшаб кўзбўямачилик билан эмас, натура – товар шаклидаги нақд маҳсулот билан забт этишади. Яъни бозорга чиқарган молининг миқдори ва сифатига яраша сармоясини олишади. Янада лўндароқ айтганда, бозорга аслида йўқ маҳсулотни эмас, балки бор маҳсулотни чиқаришдан манфаат кўришади. Бундан чиқди, ўз моли билан бозорга чиқсан фермернинг ишида – ривож, чиқмаганини – касод.

– Колхоз ҳукмронлиги йилларида чорвачилик нега кони зиён соҳага айланниб қолганди? – сўраймиз фермердан.

– Ихлос билан қилинмайдиган ишдан ҳеч маҳал нафчиқмайди, – деди у бир оз ўй сурган ҳолда.

– Демак, ишнинг натижаси ихлосга боғлиқ экан-да?

– Ҳа, шундай. Режалар аҳолидан йириладиган маҳсулотлар эвазига ўз-ўзидан бажарилиб турса, ихлос ва эътиборга на ҳожат?! Ихлосни фақат пахтагагина бериш мумкин эди.

Отажоновнинг чорвачилик фермасига бориб, ғалати манзаранинг устида чиқдик. Ферма ходимлари бари бир бўлиб, қўлда темир тароқ билан молларни қашлашнияяпти. Бундай гайриоддий вазиятларда киши кўнглида «Шуям иш бўлдими?» – деган хаёл уйғонипни табиий. Буни пайқади чоғи, фермер, гарчи эриш туюлса-да, дабдурустдан каминага юзланиб деди:

– Шўро замонасида ҳам молларни қашлашармиди?

Шу ҳам савол бўлди-ю?! Саволни бежавоб қолдиришни маъқул кўрдик. У эса ҳамон жавоб кутарди. Ахийри деди:

– Шу оддийгина ишнинг ўзи ҳам ихлосдан дарак бермайдими? Сизга айтсан, молларни бир бора қашлашнинг ўзи қоринин ўн бора тўйғазишдан афзал. Қашлаб турилган мол тез ўсиб, тез семиради. Бу – тажрибада исботланган иш. Шу каби ишларга ихлосу эътибор бўлмагани боис, шўро фермаси моллари эчкимижоз бир жониворга айла-

ниб қолганди. Ёки жазирама ёз пайтлари молларни тез-тез чўмилтиришни айтинг. Салқинда танаси яйраган моллар семизликка ўта мойил бўлишини ҳам биламиз. Молларини ҳамма ҳам чўмилтириши ёки қашлаб туриши мумкин. Бироқ у шундай сеагир жониворки, ихлос билан қилинмаган ҳарақатингизни дарров пайқайди ва бу ишни минг бора такрор бажарсангиз-да, сутига сут, гўштига гўшт қўшмайди. Четдан олиб келингган молларга келсак, бу каби меҳр-оқибатни уларга кўпроқ кўрсатмоқ керак. Айниқса, тез-тез қашлаб ва чўмилтириб турмоқ зарур. Уларнинг иқлинимизга мослашинг жарабони шундагина тез ва беоқибат ўтади.

Ана шу оддийгина тадбирлар баробарида чорвани мўл даромад ва ризқ-насиба конига айлантирастган кишиларга ўзимизнинг ҳам меҳримиз товланди. Хўш, уларни қай сўз билан кўпроқ ва яхшироқ алқаш мумкин? Бу хусусда кўп ўйладик, лекин барибир жўяли гап тополмадик. «Жўяли гапни ўзим айтгаман», – деди бир маҳал Отажонов ва дангалига:

– Улар олдида биз ҳеч ким эмасмиз, – деда ғалати оҳангда жавоб қилди.

Фермернинг фикрини уқиш қийин эмас. Ер-мулк соҳиби томонидан итоатдаги кишиларга бериладиган ҳар қандай топшириқ уларнинг меҳнати билан рўёбга чиқади. Буюриш – осон, бажариш эса – қийин. Модомики, фермер дилини банд этган ишлар, режалар, орзу-умидлар ўша оддий дехқонлар, чорвадорлар, техника жиловдорлари томонидан ижобатини топаётган экан, демакки, қаҳрамонимизнинг қаҳрамонлари ҳам шу кишилар. Қишлоқ тадбиркорининг фермаси бино бўлибдики, Тожибой Қиличев, Рашид Худойбергановлар унинг қўраю яйловларида кандо қилмай мол боқишиади. Жониворларни қашланинг ўзиданоқ иши натижасини билаверасиз. Ҳатто қаҳратон қип кезлари молларнинг совуққа бардоши нечоғли эканлигини яна ҳам яқиндан билиш ниятида, тунлари бевосита оғилхонанинг ўзида туаб чиқингани ҳам бор ва

бўлган тап. Насиба Отажонова сут соғиш юмушини қойиллатиб адо этади. Қизик, сигирларни у соғса, сут дарё мисол оқади, ўзга бирор соғса, пақирга юқ ҳам бўлмайди. Парранда аталмиш 4 минг бош жониворни меҳр-ла асрарда Ойжон Отажонова, Ойсара Ёқубоваларга ҳеч ким бас келолмайди. Отамурод Ёқубов, Шомурод Маҳмудловлар – техникага наинки жиловдор, балки унинг пири, Шавкат Оллашев тимсолидаги уста дечқонни эса фермер хўжалиги жойлашган Беговот элидан излаб топишингиз амримаҳол.

Иш тутумини ўзга бирорларнинг меҳнати, уларнинг айтани, борингки, китоб-дарсликлару қўлланмаларга қараб ўрганавериш мумкин. Бироқ одамийлик аталмиш сифатларни қайдан изламоқ лозим? Уни мукаммал ўргатувчи фан соҳаси ҳам йўқ ҳисоб. Шу ўринда энг мукаммал муаллим ҳаёт эканлигини қайта-қайта такрорламоқ лозим. Аммо бу ҳам мавҳум тушунча. Асл одамийликни аслида аниқ шахслар сиймосидан топасиз. Тўғри, яхшини кўриб зикр, ёмонни кўриб эса шукр қиласиз ва ундан ҳам ҳаёт сабогини оласиз. Бироқ ҳақиқий инсонийлик таълимени барибир донишманд ва алломаеифат кишиларга бевосита яқин юрмоқ, уларга қўл бермоқ, иши ва фазилатларига ихлос қўймоқ, кези келса, тақлид ҳам қўймоқ баробарида оласиз. Ҳаттоқи, ихлос қилинса, таълимни ғойибона тарзда ҳам олиш мумкин. Минг шукр, Яратганинг инояти бўлдими, синов ёки мукофоти бўлдими, Отажонов ҳаёт ўйларида одамийликнинг талай фазилатлари, оқилона ўғит ва маслаҳатлари, омилкорлиги, ишбилармонлиги билан ўзгалардан анча ўзган, дошишмандлигини эл тан олган кишиларга дуч келди. Ниёзмат ота Матчонов, Тельман Мусаев, Баҳодир Бобожонов сингари ажойиб фаизлатли устозлар унинг ҳаётдаги ҳамроҳи бўлишди. Қўшиназар Сайдуллаев, Одилбек Отаев, Муҳаммад Матчонов сингари камтар-камсуқум ва омилкор кишилар сиймосида эса ажойиб дўст-устозларни топди, улар билан ёнма-ён, елкама-елка ишлаш бахтига мұяссар бўлди. Инсонни асосан мұхит тар-

бияларкан. Мұхит әса яхшию ёмонга ажрайди. Сафарбойнинг иқболини қаранг, не баҳтки, шүролар замонасисида қадамда бир учраб турадиган ёмон мұхитта әмас, күзга камроқ қалинадиган яхши мұхитта түшди. Уни ҳаётда күп юрган, күпни күрган пири бадавлат падари бузруквори-нинг ўтитига күра үзи излаб ва интилиб топди. Айтилғанидек, Ниёзмат ҳожи янглиғ пири комил инсоншар даврасыда пайдо бўлди.

Кунларнинг бирида Ниёзмат ота Сафарбойга қаратадеди: «Сен ошиқаяпсан, чоги. Назаримда, отанг қуриб кетган эски иморатни тезроқ янгиламоқчисан, оби-ёвғон ўрнига ҳар куни палов емоқчисан, машина минмоқчисан, хуллас, ризқ ва нафснинг изидан қувмоқчисан. Бу ишинг менга ёқмаяпти, иним. Яхши одамлар нафснинг қули бўлишмайди, унинг изидан қувишмайди, яхши одамларни ризқ-насибанинг үзи излаб топади. Бағрингни кенг тут. Фақат ўзинг ва онлангни ўйлама, хайр-саҳоватдан четда турма, топганингни эл билан бирга баҳам кўр. Мехнатнинг нонини егин, ҳалоллаб егин. Шундагина ҳасадгўйлар назаридан четда юрасан. Юрт аҳли нонкўр әмас, яхши одамларни ҳамиша кафтига кўтаради, кези келса, кўкрак кериб ҳимоя ҳам қиласи. Элдаги тартиб-қоидаларга, қонунга, яхши одамларга ишон».

Иш билтанга – бир, одамийликни билтанга әса – минг тилло экан. Сафарбой ишда ва ҳаётда ана шунга амал қилди. Эндиликда жаннатмакон падари-бузруквори, волидаи-муҳтарамаси, жисми ва қалбидан она меҳрини топган аммаси, бошқа аждодлари қўрмаган, билмаган, аммо кўп ва хўп оразу қилган дориломон кунларга стилемоқда, муроди ҳосил бўлмоқда. Чиндан ҳам шундай: инсонга үзи истаган давлати, ризқ-рўзи ва обрў-эътиборини ҳалол меҳнатдан бўлак ҳеч нарса беролмайди.

2009 йил, май

СУЛАЙМОН ШОНИНГ ФЕРМЕР НЕВАРАСИ

— Хўжаликка раис эканман, ерингизга пахта экдирмайман. Гап тамом — вассалом.

— Ҳали гап тамом бўлгани йўқ, раис бува. Қилган ишим учун жавоб беришга тайёрман. Нахтани ўз еримга экаяпман, ширкатнингизнинг срига эмас. Агар, буниг учун бирор мушт сийиши керак бўлса, мен тайёрман. Ана энди гап тамом-вассалом, раис бува.

— Йўқ, бу дашномингиз ўтмайди. Қишлоқда давлатга ким нима топширишини мен ҳал қиласман, тушундингизми? — Раиснинг асаблари дош беролмади. Орқасида турган бригадирга ўшқира кетди. — Ерига трактор киритмайсан, қани экиб кўрсин-чи?

Фермер Сафо ота — чўрткесар ва бетга чопар одам. Аммо раиснинг ҳам ҳурмати бор. Сўзини икки қилиш ярашмайди. Шуларни ўйларкан, бригадирнинг бопи қотди. Икки орада унга қийин. Сафо отани деса қаршисида раис турибди, раисни деса, кимсан бир умрлик қўшниси ва қадрдони Сафо ота... Бир зумлик иккиланишдан сўнг, «бригадир — қўшним, минг қилсаям — ўзимники, аразламас», деган хаёлга борди чоғи, раис тараф бўлди.

— «Ёшулли» сизу биздан кўра кўпроқ биладилар, айттанини ўйлаб кўрсангиз бўларди?

— Э, э, сен жим тур. Ахир мен ҳам боинқалар каби ердан кўпроқ даромад олмоқчиман, ўзимни ҳам, давлатни ҳам тўйғазсам, дейман. Биласан-ку, ҳеч қайси экин пахтачалик даромад беролмайди. Шундай экан, уни экип айбми? Завод билан ҳам аллақачон шартнома тузиб қўйган бўлсам, бўнек пулини ҳам олганман. Хўш, кузакда заводга нима дейман? Берган пулингни сб кетдим, дейми? Йўқ. Бўлмайди, оғайни. Мени гап юқмайдиганлар тоифасидан, деб билавер.

Бригадир ўлганнинг кунидан:

— Ҳа, биламиз кимлигингизни, — деб қўя қолди.

УАЗНИНГ ЭШИГИ ЗАРБ БИЛАН ЁПІЛДИ. Раис жүнаб кетди.

Ушбу ғалати муроқот 2001 йилнинг илк баҳор кунларидан бирида бўлди. Ҳаммани лол қолдирган ҳайратомуз воқса эса ўша йилнинг кеч кузидаги юз берди. «Сулаймон Шо» фермер хўжалиги 8 гектар майдонга экилган пахтанинг ҳар гектаридан салқам 60 центнер – жами 48 тоннага яқин ҳосил олди. Олинган даромад озуқа экинлари, буғдой ва шолининг сармоясидан ҳам деярли 3 баравар кўп бўлди. Рентабеллик эса 50 фоизни ташкил этди.

«Сулаймон Шо»нинг эгаси Сафо Юсупов – ғалати фельли одам. Агар кўнгли чопса, ҳатто илкидан келмасаям, томга нарвонсиз чиқадиганлар тоифасидан. Балки, бошқа бирорвлар сўзидан, ватъасидан қайтар, аммо Сафо Шо (бу – унинг лақаби) зинҳор изига қайтмайди. Тўғри сўзлигию чўрткесарлигига тап йўқ.

Эҳтимол шу боисдир, кўп раҳбарлар оддий ҳайдовчидан чиққан фермерни неча йиллар тушунолмай юришди. Боплаб таъзирини беришга уринганлар ҳам бўлди. «Ноқонунний фаолияти»ни ҳатто суд йўли билан «фош» этиб, қўлидаги бир қарич ер (ўша кезлари фермер атиги 2 гектар ерга эгалик қиласади)ни ҳам тортиб олишди.

Бироқ саводи ровлаб кетмаган фермер барибир бўш келмади. Ҳаққини ишончли тарзда ҳимоя қилиб, туманинг собиқ «ёшулли»лари томонидан «тушовлаб» қўйилган фермер хўжалиги фаолиятини қайта тиклашга мұваффақ бўлди. Раҳбарликка янги келган «ёшулли»лар қонун талабини тушунишди, фермернинг ниятлари холислигини ҳам пайқашди, роппа-роса 4 йил мұқаддам тарих хилхонасига әлтиб ташланган «Сулаймон Шо»ни «тирилтириб» беришиди. Шу боиски, отанинг ҳам феъли ўзгариб, раҳбар кўрса, улардан олдин салом берипни одат қилди.

Ҳа, шундай бўлди. «Сулаймон Шо»нинг эгаси «ёшулли»ларга нисбатан мухолифлик маррасидан хайриҳоҳлик майдонига йўл олди. Лекин айбга буюрмайсиз. Сафо ота

барибир ғалати феълли одамлигича қолди. Раис билан бўлган воқеани эсланг-а. У ўшацда нега раиснинг раъйига қарши борди экан? Қолаверса, раис ҳам ноҳақ эмасди. У «Сулаймон Шо»нинг чорвасини ўйлаб, пахта экишга изи бермаганди. Фермер хўжалиги чорвачиликка ихтинослашгани ва шу йўналишда фаолият кўрсатиши зарурлигини назарда тутганди. Аммо Сафо ота билганидан қолмади. Фикри ва феълига содиқлигини исботлаб бериб қўя қолди.

— Сизга айтсам, фермер, деган зот ўта ақдли, билимдон, режали ва тежамкор бўлмоғи даркор, — дейди у бирор эътиroz билдиргудек бўлса қизишиб. Айтишича, ерида озуқа ўрнига пахта етиштириш фикри ўша кезлар унинг миясида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Озуқа даласига пахта заводи билан келишган ҳолда чигит экишнинг ўзига хос талаб ва зарурати бор. Сафо ота буни қуйидагича изохлайди: «Хоразмда ким кўп, ерига шоли экувчи деҳқон кўп. Демак, сомон — мол озуқаси ҳамиша бисёр. Яна дессангиз, ўна йиллари сув тақчил бўлиб, ариқ-каналлардан чеккадаги деҳқонлар ерига шоли ва буғдоидан ҳам кўра кўпроқ мол озуқасини экишиди. Кўраяпсизми, бозорда ғовуш, жўхори ва беда сингари озуқаларнинг нархи тушган. Аммо мол учун энг зарур ва тўйимли озуқа — кунжара ва шелуханинг нархи мўлжалдан анча кам етиштирилган пахта ҳосили боис осмонга ўрлаб кетганлигини чамамда ҳеч ким ўйламаганга ўхшайди. Мен эса ўйлаганман, хўп ва кўп ўйлаганман. Кимки, пахта етиштиrsa, унинг кунжарасиям, шелухасиям, ёғиям ўзиники бўлишини ўшандагарчи раис фаҳмламаган бўлса-да, мен уни ҳар куни хаёлдан ўтказганман».

Башарти мағзи чақилса, фермернинг бу қабилдаги фикрию сўзидан унинг омилкорлик бобидаги салоҳиятини илгааб олиш қийин бўлмайди. Унинг хом чўтига қараганда, ҳар гектар пахта майдонидан олинган даромаднинг уч ёки тўртдан бирини озуқа сотиб олишга сарфлаш кифоя. Мабодо, дала озуқа экини билан банд этилса, пахтага қаратганда уч ҳисса кўп майдон керак. Самара эса пахтага

қиёслагандা, уч карра кам. Демак, паҳтанинг шарофатидан икки-уч ҳисса кўп сармоя ёнга қолади ва фермер уни ўз хўжалигининг равнақига ҳаржлайди. Бу – масаланинг бир тарафи. Паҳтачилик – давлат учун ҳам кони фойда соҳа. Яъни уни стиштиришдан фермер қанча фойда қўрса, давлатнинг сармояси ҳам шунчада ортади.

«Сулаймон Шо» фермер хўжалиги – наинки ўзи фаолият кўрсатаётган «Саноат» қишлоғи ёки Ҳазорасп тумани, балки бутун Хоразм воҳасида ҳам энг «кекса», аммо шу билан бирга анча-мунча бақувват қишлоқ тадбиркорлик ўчоқларидан бири. Сафо ота унга автотранспорт жабхасидаги 45 йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг 1994 йили – кексалик нафақасига чиқар чори асос солган.

Фермерлик – бунёдкорлик. Яратувчилик бобидаги ютуққа меҳнат ва фақат меҳнат туфайли эришасиз. Сафо ота буни яхши билади. Шу боиски, фермерлик мақомига эришганлигишинг дастлабки қунлариданоқ ўз даласининг парвонасига айланди. Бунда унга «бисоти»даги яккаю ягона «топгани» ва у ҳадя этган 13 нафар фарзанди ҳамда бир этак набираларб, сони 10 дан зиёд келин-куёвлар кўл-қанот бўлишди. Торни урса талқон қилгудек қувватга эга бўлган 20 дан кўп кишига 2 гектар ернинг меҳнати чўт эмас. Боз устига, техника ҳам етарли. Ишчи кучлари ҳар қарич ерни бир эмас, ўн бора: кечаю кундуз бетиним парваришлийди. Фермер хўжалиги ингичи кучлари бисёрлиги имконидан унумли ва оқилона фойдаланди. Фидойи меҳнат туфайли энг юқори даромад ва самарадорликка эришди.

Четдан қараган кишига бир ютуқни иккига дўндираётган одамнинг иши ажабтовур кўринади, бошқалардан кўра мўлроқ ҳосил ва даромад олса, турли шубҳа-гумонларга боришади, ғирт кўзбўямачига чиқарипади. Буларнинг бари ҳалол меҳнат эвазига бўлаяпти, деса асло ишонишмайди. Ҳалол ишга қўли чопмас, дили покмас киши-

лар бундан бўлак нимани ҳам ўйлашсин? Ҳалоллик ва фидойи меҳнатни албатта пок вижданли кишиларгина кўра ва била олишади. Майли, ким нима деса, деяверсин. Бироқ унинг ишга касри тегмасин.

Фермерликнинг учинчи йили Сафо Юсуповнинг бошига қулфат ёрилди.

Собиқ жамоа хўжалигининг қаровсиз ерини ҳосил ва даромад конига айлантириб улгурган оддий меҳнаткаш инсонни аввалги раҳбарлар ундан олдинги «ёшулли»лар айёмида фермерликка ошна-оғайнигарчилик йўли билан эришганликда айлашди. Иш судгача борди. Қаранг, ушбу мўътабар даргоҳда ҳам «ёшулли»ларнинг қўли баланд келди, бўхтон тош босди. Суд фермерни еридан маҳрум этди.

«Ўшанда қорнимга эмас, қадримга йиғладим, — деди фермер 1996-2000 йиллар оралиғида бошдан кечган аро-сатли кунларни хотирларкан. — Айрим сохта фермерлар сингари меҳнат қилмай, даромад топсан кошкийди, буничилик куймасдим. Астойдил ишлаганга тош отишса, иғвобўхтонни ҳақиқатга дўндиришса, кишига алам қиласкан. Хуллас, умримнинг 4 йилини ишлашга эмас, турли оли-пувлар, ҳақиқат излашга сарфладим. Жафосиз сафо бўлмаслигини ҳам ўшанда англадим».

Минг афсус, «тушов»даги қонун тўрт йил давомида фермерни эмас, «ёшулли»ларни қўллаб турди. Хайрият, 2000 йил поёнига етар чори қонун яна «ёшулли»ларнинг, аммо бу гал ишга янги келган соғлом фикрли раҳбарларнинг деганини деди. Бинобарин, адолат ва ҳақиқатнинг кўзи кеч бўлса-да, очилди.

Фермер Сафо Юсуповнинг барча ҳақ-хукуқлари тикланди.

— Бу ишингизни энди ҳозирги «ёшулли»лар ҳам маъқуллашмас-ов, — деди кечмиш ёз Юсуповнинг ҳузурига кел-

ған вакыл дилидаги түйгесини яширолмай. Шу топда ғап шоли етиштиришни чеклаш бүйіча «юқори»дан берилған күрсатмага амал қилиш хусусида кетаётған, отанинг 3 гектарлық даласыда ниҳоллар аллақачон яшил майсага айланиб улгуралғанды. Табиийки, фермер кесатиқни бежавоб қолдирмади:

— Агар түшунсанғыз, мени номард ёки ғайир одам сана-манг, иним. Шолини белгіланмаган отизга келишмай туриб экмаслик зарурлигини яхши биламан. Мен эса бу ма-саланы ҳал қылғанман. Ҳужжати қўлимда. Уч гектар ерга шоли экканим ҳақида ҳатто ҳисобот ҳам топширганман.

Утбу қисқа савол-жавобдан сўнг Сафо отани ким ҳам тууресиз ёки иззатни оёқ ости қиласиганлар тоифасидан дея оларкин? Қаранг, фермерларини қадамда бир пеш қилған кўйи, завод билан пахта етиштириш бүйіча шартнома туда туриб, ўша келишилған далага чигит ўрнига шоли ёки қовун-тарвуз экаётғанлар, ажратилған бўнак пулини эса еб кетарга деб тушунаётғанлар ёхуд ён-атрофдагиларга ҳар хил йўллар билан панд бераётғанлар ҳам бор. Бу ҳолни кечириш мумкинми?

«Сулаймон Шо» фермер хўжалиги раҳбари бу каби пасткалиқни ўзига ор санайди. Шу сабабки, қадамларини пинҳона эмас, ошқора ташлайди. Унинг бу феълини дили пок кишилар инсонийликка, нопоклар эса шаккоклиkkка йўйипади. Тўғри сўз кишини тўғри йўлга чорлайди, но-пок ва нохолис ҳатти-ҳаракатлардан асрар юради. Бироқ биласизми, бу одат ҳаммага ҳам, айниқса, фермернинг оғирини сенгил, мушқулини осон этувчи маҳкамаларнинг масъул ва мутасаддиларига ёқавермайди. Сафо ота буни яхши билади ва қошида пайдо бўлған юмуш-мушкулотларни ҳақ-хуқуқларини собит туриб ҳимоя қилиш йўли билан бартараф этади. Ўша масъул идорадагилар ҳам «жанжалкаш»дан «тафт» чиқмаслигини, аксига олса, ўзларига қийин бўлишини яхши билишади. Шунинг учун ҳам Сафо Шонинг ери ҳеч маҳал ўғитсиз, сувсиз, ишчилари маопсиз, техникаси эса ёқилғисиз қолиб кетмайди. Де-

мак, ҳалол ишлаган, ҳақ-хуқуқини тапиган ва шу йүл билан түкин турмушга эришгеннинг омади чопиб, ютуқлари тағиңда бисёр бўлиши турган гап. Топқирликда эса, чиндан ҳам ҳикмат кўп.

Фермер хўжалиги фаолиятини қайта тиклаган йили Сафо Юсуповнинг боши қотди. Чорвачилик йўналиши бўйича кетса, ер кам, озуқа тақчил. Бундай шароитда етиштирилган озуқа билан на ферманинг эҳтиёжини қондира оласиз, на равнақча эришасиз. Қанийди, қўйчиликни йўлга қўйиш имкони топила қолса? Фермер ўйлай-ўйлай, ахири бир фикрга келди. Қўйчиликни ташкил этса бўлади. Амударёнинг нариги соҳилидан бошланувчи поёнсиз Қизилқум саҳроси – ўт-ўланлар кони. Шу ҳақдаги ўйини миясида обдан пишитган фермер маҳаллий ўрмон хўжалиги раҳбари хузурига илтимос билан борди. «Ёшулли» меҳмоннинг раъйини қайтармади. Арзимасгина ҳақ эвазига саҳро бағридан 100 гектар саҳнли яйлов майдони ажратиб берди.

Дарвоқе, қўйчилик – Хоразм воҳаси учун муҳим соҳа. Лекин 40 йиллар муқаддам вилоятда тармоқнинг бошига «совуқ сув» қўйилди, хўжаликларга қарашли қўйчилик фермалари бутунлай тутатиб юборилди. Бунинг оқибатида воҳада қўй-эчкилар «анқонинг уруғи»га айланиб, бозор нархи осмонга ўрлади. Фермер ўйлаб топган тадбир туфайли бу соҳада юзага келган инқироз хиёл бўлса-да ортга чекинипни турган гап. Айни пайтда у фермер хўжалигини ривожлантириш ва даромад ҳажмини оширишга ҳам имкон яратади.

Қўйчиликнинг Қизилқум саҳроси бағрида шаклланиши фермернинг ғайратини қўзитди. Энди у бошқа бир ниятни ҳам дилига жойлади: азалий орзуси – қорамолчиликни ривожлантиришга бел боғлади. Фермер хўжалиги учун ажратилган майдонларнинг бир қисмига озуқа экса, бас. Гарчи кичикрюқ эса-да, фермахона тайёр. У фермер хўжалиги ҳудудида барпо этилган. Тез орада мўъжазгина қорамолчилик фермаси ҳам вужудга келди.

Оқар дарёга қиёсланинг йиллар беиз ўтаётгани йўқ. Ҳалол меҳнат ва омилкорликдан ёрқин излар қолаяпти, натижага самаранинг салмоғи катта. Узоқ йили ўзини қайта «кашф» қилган фермер хўжалиги даставвал 4-5 гектар ерда деҳқончилик қилди. Орадан бир йил ўтгач, дала сатҳи яна 3, кейинги йили 10, 2003 йили 22 гектарга етди. 2005 йили орадан 70 йил ўтса ҳамки, ҳануз ўзини оқлай олмаган колхоз тузуми жарга қуллади. Ундан қолган ерлар истиқлол фарзанди – фермер аҳлига, барига эмас, муносибларига берилди. «Муносиб» деганимиз, бу – фермер номини ҳалол ва фидойи меҳнат-ла оқлаганлар эканлигини ўзингиз яхши биласиз. «Сулаймон Шо»нинг экин майдонлари саҳни ўша йили бир йўла 47,8 гектарга етди. Фермернинг асосий бойлиги, шубҳасиз – ср. Оразу-ният, режаю мақсадлар унинг қанотида рӯёбга чиқади. Ўз наебатида ундан болқа бойликлар ҳам яраладики, «Сулаймон Шо» уни ўз фаолиятида қойилмақом таразды исботлаб берди. Ернинг кўпайиши чорвага қўл келди. Асеримиз бошигача ср тақчиллиги сабаб чорва бош сонларини 10 дан оширолмай келган фермер бу миқдорни ўтган йиллар мобайнида 70 бошга етказди. Ана ўшанда сотиб олинган саноқлигина қўйнинг сони бугун 730 га стиб турибди. Боз устига, асаларичилик ва паррандачиликка ҳам асое солинди. 25 та асалари оиласи ва 300 бош товуқ ўз-ўзидан кўпайиш эвазига фермер мулкининг бир бўллагига вайланди.

Фермер хўжалигининг барча тармоқларида иш авжида. Қўй-эчкилар учун озуқа – саҳродаги яйловда, қора-моллар смиши эса хўжалик экизорларида бисёр. Истиқбол учун шунинг ўзи кифоя. Бироқ эртаги ютуқларнинг асосий кафолати – эришилган иқтисодий натижаларда.

Пахтачилик – фермер хўжалигида ҳозир ҳам деҳқончиликнинг асосий соҳаси. Ундан келаётган мўл даромад-

нинг бир қисми ҳам ҳануз энг түйимли озуқ – шрот ва шелуха сотиб олишга сарфланыпти. Қолган даромад фермер хўжалигининг катта оиласи (улар 20 киши) ҳамда 12 нафар ёлланма ишчининг рўзгорини бут қиласяпти. Хўжалик даставвал 8 гектар ерга пахта экиб – 48, сўнгти йили далалар ҳажмини 10 гектарга стказиб – 50 тонна, яъни гектарига 50-60 центнер ўртасида хирмон кўтарган эди. Ҳосилдорликнинг бундай юқори даражаси ҳозир ҳам қайд этилаяпти. Аммо рақамлар ўзгача. Ҳосил салмоғи ва гектарлар миқдори кескин ортган. Чорвачилик хўжалик фаболиятида асосий йўналиш саналса-да, стакчи ўрин деҳқончилик, хусусан пахтачилик учун ажратилган. Далалардан ҳар йили ўртacha 100-110 тонна ҳосил йигиб олинаётгани. Салкам 48 гектар даланинг 20-25 гектаридан чиқаётган ҳосил миқдори ана шунчча. Энг юқори даражада самара олинаётгани, боз устига сўнгги даврларда Хоразмда ҳам, бошқа жойларда ҳам анчайин танқислашиб қолган беда, лавлаги ҳамда маккажӯхори сингари ўта түйимли ақинларга орқа қилинаётгани, ундан олинаётган ҳосил эҳтиёжни тўла қоплаётгани назарда тутилса, озуқадан асло муаммо йўқ. Ҳар йили ўртacha 20-25 гектар майдонга озуқа экилса, кифоя. Англаганингиздек, буларнинг бари чорва учун. Лекин меҳнат киписи ҳам эътибор марказида. Саҳни 1 гектарлик боғдан чиқдан сархил мевалар уларники. Сафо Шонинг богини кичиккина истироҳат масканига ҳам қиёслаш мумкин.

Равнақнинг асосий омили – сармоя, соф фойда. Ўтган 8 йил мобайнида харжланган ҳар минг сўм пул хўжаликка 1400-1500 сўмни эргаштириб қайтди. Чор-атрофда пахта стиштирувчи хўжаликларнинг аксарияти йилни зарар билан якуплаб келаётгани инобатга олинса, «Сулаймон Шо»нинг ютуқлари салмоғини бемалол кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Хўжаликда ўтган йилнинг даромади бу йилги хирмонгача бўлган барча ҳаражатларни бемалол қопласа-да, барибир адогига стмайди. Табиатан танти ва очиқкўнгил фермер даромадлари миқдорини

яшириб ўтирмайди, ўзини «илиги бақувват» фермерлар сирасидан санайди. Хўжалик яқинда ўзининг янги дала шийпони ва шинам тураржой биносини барпо этди. Бундай кўркам иморатлар қариб 150 чақирик узоқдаги Қизилкум саҳроси бағрица ҳам бунёд этилди. Икки минг бошга мўлжалланган катта қўтон (қўйхона) ва чўпонлар учун данғиллама тураржой биноси қурилди.

«Сулаймон Шо»нинг оғирини снгил, узоғини яқин қилаётган 4 та ҳайдов, чопиқ ва транспорт трактори, уларнинг катта ҳажмдаги юқ тортувчи 3 та аравачаси, 2 та сув насоси, яна 2 та снгил машина (уларнинг бирини транспорт автомобили деса ҳам бўлаверади. Негаки, асфальтда ҳам, қумда ҳам, саҳрода ҳам йўлнинг танобини бирдай тортаверади), ерни ҳайдаш, текислаш, чопиқлаш мосламалари ҳам мўл диромаднинг меваси.

«Сулаймон Шо»да иш тақсимоти, меҳнатнинг ташкил этилишига ҳатто овруполигу америкалик ишбилармонлар ҳам қойил қолишиса, ажабмас.

Яратувчилик жараёнини синчилаб кузатган киши ютуқларнинг яна бир сирини ана шунда кўради. Дарҳақиқат, Сафо отанинг деярли 45 йил жамоа хўжалигида оддий колхозчи: сувчи-пиллакор бўлиб ишлаган турмуш ўртоғи Ўғилжон Жуманазаровани бемалол фермер хўжалиги ҳосилотига қиёслайверасиз. Қайси далага, қачон, неча бор сув тарашиб, қачон ўтоқ қилиш ёки қайси пайкалга қай маҳал уруғ сочиш, қай пайтда озиқлантириш, заараркундалар хуружини қай чоралар баробаринда даф этиш сирларини ундан кўра кўпроқ биладиган кишини бу атрофда учратмайсиз.

Уқувли фарзанд Одилбек Юсупов – фермер хўжалигига Сафо отанинг «ўнг қўли». Ота-ўғилнинг ақл ва илм салоҳияти олдида энг оғир юмушлар ҳам снгиллашади. Табиатан ҳазилкаш фермер қочиримли, аммо бир қадар маъниоли оҳангда дейди: «Лекин оиласда биздан ҳам кўра

билимдон, ақлли, зийрак одамлар борлигини билмай-күрмай юраверган эканмиз. Уларнинг ақл кўзи кимсан, фермер бўлгач, ярқ этиб очилса борми, ҳали унисидан, ҳали бунисидан насиҳат қилишади. Онаси билан мен ҳам бўш келмаймиз, жиловни болалар қўлига бериб қўядиган аҳмоқ йўқ. «Аввал замонларда қайда юрувдиларинг», – деймиз мен ва онаси уларни жеркиб. Хуллас, ҳамманинг ақли бир қозонда қайнайди ва бу «ажойиб таом»дан биринчи галда фермер хўжалиги, қолаверса, барчамиз бирдек баҳраманд бўламиз. Бунинг номини хоразмчасига «оғзибирлик» дейдилар, «ёшулли».

Оиланинг энг катта «академиги» бу сўзларни юзимизга маънодор тикилганча айтди. Кимга чину кимларга ҳазил туюлгучи бу гапларни фермер оғизга бежиз олгани йўқ. Хўжалик ҳақиқатан ҳам ўзининг юқори маълумотли, қишлоқда ўсиб-улғайтани боис экин-тикин ишлари, мол боқиши, оила-турмуш юмушларида обдан тобланган мутахассис кадрларига эга. Фарзандларнинг икки нафари – Мехрибон ва Муборак Юсупова бевосита шу соҳанинг мутахассиси: бирори – олий маълумотли зоомуҳандис, яна бирори – ҳосилот. Самарқанд дорилфунунида физика-математика илмини ўрганиб, олий маълумот олган Ойгул Юсуповага ҳам хўжаликда иш бисёр. Олий маълумотли мутахассисларнинг яна бири – тиббиёт ходимаси Бекпошша Юсупова, шунингдек, савдо ходими (у ҳам олий маълумотли) куёв – Одилбек Қозоқовнинг бўш вақти ҳам доимо фермер хўжалигига. Кенжек фарзандлар: Сулаймон, Одамбой ва Ҳавожонлар кейинчалик камолга етишли. Эндиликда улар ҳам фермерга қўл-қанот – бири хўжаликни бошқарса, бошқаси бош ҳисобчи, яна бири – моҳир сут согувчи. Аммо нафсиламарини айтганда, энг оғир ва масъулиятли вазифа Юсуфбой Юсуповнинг зиммасида. У – бош чўпон. Мана 16 йилдирки, умри саҳро бағрида ўтаяпти. Ишидан ташқари ўзига ажратилган транспорт трактори ёрдамида саҳро ичкарисидаги ўтлоқларга ичимлик суви, озуқа, чўпон-чўлиқларга емиш тапиш, йўл-йўлакай

күй-әчкілар учун серүт яйловлар излаб, уларни күз остига олиб юриш вазифаси ҳам унга юқлатылған.

— Яқинда ўзимнинг дипломлы «маслақаттүй»ларимдан «бир қоңақтылған гап чиқди, — деди ҳазилкашылған тағында ўринлатған күйи Сафо ота. — Түркиси, уларнинг миясига қойил қолдым, ўзим ва кампиримнинг ақлсизлигига эса ачиниб кетдим, — сүнгра жиғдий оқанғда. — «Нулларни тағингизга босиб ётаверасизми, 70 бөш мол ҳадемай 200-300 бөшігә етиши мүмкін, ҳозирги молхона эса нари борса 100 молни сиедиради. Камида 300 бөш молта мүлжаллаб янги молхона қурмоқ зарур. Аллақайыси замонда ажратиб берилған 100 гектарлік яйлов билан әнді 700 бөш күйни бокта оламизми», — десе роса изза қилишганини ётиғи билан айтды.

Үзининг айтишиға қараганда, Сафо ота болаларнинг ўша дашиномидан кейин, бөш қашлаб қолибди. Обдан ўйлагач, ҳоким бува ҳузурига бөш уриб борибди.

— Үх-хү, — дебди ҳоким ҳам аразлаган күйи. — Яхшиямыки, болалардан калтак емабсиз. Бунақа илтимос билан камида 2-3 йил олдин келиш керак әди?

— Энди кеч қолдимми, ҳоким бува?

— Нега кеч бўларкан? Аризани олдинроқ олиб келтанингизда, ўзингизга яхши бўларди...

Ҳоким бува билан бўлган ўша сұхбатдан сүнг орадан кўп ўтмай, фермер хўжалиги ва Юсуповлар оиласини жунбишга солған анча-мунча воқеалар содир бўлибди. Ҳокимнинг «Судаймон Шо»га оид бир йўла иккита қарори чиқибди. Уларнинг бирига қўра, 300 бөш қорамол асрашига мүлжалланған йирик фермахона қурилиши учун хўжаликка зарур ер майдони ажратилибди, айни пайтда, фермернинг ер-мулкигача бўлган ва асосан ҳамқишлоқлар ўтиб-кечадиган бир километр узунынкдаги йўлни фермернинг ўз ҳисобидан мукаммал таъмирланға қаратылған таклифи маъқулланибди. Иккинчи қарорга биноан эса, авваллари ҳатто фермернинг тушига ҳам кирмаган ғалати воқеа рўй берибди. Фермер хўжалиги тенг иккига аж-

рабди. «Құчқор» номли янги фермер хұжалиғи вужудға келиб, Қызылқұм саҳроси ичкарисида бокиласттан 730 бөш күй-күзи, 2 та от, яна шунча бош түя, құтон ва чорвадорлар уйи, транспорт трактори, унинг тиркамаси, сув насоци, улкан сув идиши ва бошиңа бир қанча ашқол-дашқолдар унинг ихтиёрига берилибди. Бундан-да зарури: саҳронинг Мешикли деган ҳудудидан «Құчқор» учун яна 970, аввалигиси билан құшиб ҳисоблаганда жами 1070 гектар ер ажратылабди. Оиланинг үн иккинчи фарзанди Одамбай Юсупов хұжалик рахбарлығига тасдиқланибди. Құпционлар сони 4 нафарға стиб, қүйларни галма-талаға боқиш имкони туғилибди. Алқисса, «Құчқор» туғилибоқ, катта йүлға чиққан аниқ. Ахир, ота айттанидек, «илиги бутунда». Биламиз, «илиги бутун»ларнинг күп ва хұп юриши, йүлдаги довонлару пасту баландликтер үнга چүт әмаслигини. Масаланинг равшан жиҳати эса шу: битта оилада иккита фермер хұжалиғи. СизнингчА, бу күпмиқан ё оз? Келинг, бу ҳақда баҳслашмайлик. Саволнинг жавоби ўзингизга ҳавола. Биз эса, яхшиси, якунига стай деб қолған ҳикоямизини келган жойидан давом эттирғанимиз маъқул.

Ушбу баҳор өзінің фермер ҳоким қарорини амалға оширишіга астайды киришди. Мутасадди маҳкамалар томонидан тасдиқланған лойиҳа-харажат ҳұжжатларига мувофиқ қиймати бир неча юз миллион сұмга баробар йирик молхона ва йўл тармоги қурилишини бошлаб юборди...

Сұхбат мавзуи инсонийлик фарзу қарзларига бориб тақаиди. Ота гапни олиб қочди: айтишича, куни кече «ойнаи жағон»да намойиш этилган бир хайрния маросимига оид узундан-узоқ лавҳаны томоша қилибди. У қулоққа әшитарли қилиб, янги чиққан ўша «бой»ни бўралаб сўкди. Чунки ушбу маросимни у аслида хайрния учун әмас, балки ўзини кўз-кўзлаш учун уюштирибди. «Сулаймон Шо» ва «Құчқор»нинг соҳиби фикрича, хайриясини чинакам са-

ховат учун әмас, «ойнаи жақон» учун үюнтирадиган қалбитор кишилардан бойлар чиқмайды. Саховат ва саховатшалик ва очиққүнгиллик асносида холис бажо келтирмоқ лозим.

Үндән ўсмоқчилаб сүраймиз:

– Хүш, ўзингиз-чи, хайрия ёки саховатга сиз ҳам уннаганмисиз?

Гап нафсониятига тегди шекилли, саволимизни бежабов қолдирди. Юзида ҳатто тундлик ва аразлаш аломатлари ҳам пайдо бўлди. Биз эса сирни бой бермаган ҳолда, унга яна илмоқли гап ташладик:

– Биламиз, пулларингизни нималарга сарфлаёттганингизни?

У бадтар жим қолди.

– Э, э, тумшаймай ўлинг, ҳазилниям тушунмайсиз-а? – жеркиб берди отани Ўрилжон она. – Булар чиндан ҳам билишади. Ҳокимиятдагилар ҳаммасини айтиб беришибди. Қаранг, барини ён дафтарчасига ёзиб ҳам олишган. Доим бошқалар ҳазилингизни кўтаришадиу, ўзингиз кўтари олмай қолдингизми?

Отанинг чехрасида, гарчи «хўжа кўрсинг» учун эса-да, озгина табассум аломатлари пайдо бўлди. Аммо қороздаги қайдлар, чунончи, «Судаймон Шо» томонидан вилоятдаги З та шифохона, камхарж оиласлар, болалар спортини ривожлантириш, музей ташкил этиш сингари мақсадлар учун бир неча миллион сўм ҳажмида хайрия ва ҳомийлик ёрдами уюнтирилгани ҳақидаги ҳақиқатни барибир хушламайгина тан олди, муҳими, аразни буткул унуди. Чехрасида яна хушчақчақлик, ҳазиломуз ва қочиримли гапларга мойиллик аломатлари пайдо бўлди.

Шу аснода ўзимиз ҳам бир нарсани кашф этгандай бўлдик: «ўзгалар учун ишла», деса, одамлар ўзини томдан ташлаб қочадиган замонлар ўтиб кетган. Имкон бўлса бас, эндиги одамлар ҳатто ўзини әмас, бозорни, тўкин-сочинлик ва арzonгарчиликни кўзлаб ишланин одат қилишмоқда. Бундан чиқди, тадбиркорлик мамлакат аҳли ҳаёти-

ниңг мазмун ва моҳиятига айланган. Давлатимиз ва унинг йўлбошчиси раҳнамолигида юзага келган ишбилармонлик, жумладан, қишлоқ тадбиркорлиги ҳаракати жамият равнағининг кафолатига дўнганини кўриш ва кузатиш нақадар кўнгилли-а?! Эл ишончини оқлаётганлар сафида буғун оддий ҳайдовчидан чиққан, қариса-да замона зайлар шарофатидан қирчиллама ёшлигига қайтган қадоқ қўлли фермер Сафо ота ҳам бор. Уни кечмиш аср бошида ўз авлодидан етишиб чиққан ва довруғи бутун юртга ёйилган ҳазрати дехқон бобоси – Сулаймон Шо ва бошқа улугларнинг пок руҳи қўллаётганига шубҳа йўқ.

2009 йил, февраль

МАШАРИФ ОТАНИНГ АРАЗИ

Элдан қолар гап йўқ. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, барага баҳо берилади, бари тарозуда тортилади. Чиндан ҳам шундай. Эл кўзи ва назаридан ҳеч нарсани яшира олмайсиз. Куюшқондан тапиқари хатти-ҳаракатлар эса, биринчи галда тилга тушади. Баъзи учар ҳайдовчиларнинг феълини ифодаловчи: «Қўллари – рулда, кўзлари – пулда», – деган кесатик иборани олиб кўринг. Роса ўринили таъриф. Уни айримлар қўшиқ оҳангига солиб, хиргойи ҳам қилишади. Хонқаликлар юқоридаги пичинг иборага пайров тарзida ўзларига элдош бўлмиш марҳум ҳайдовчи Машариф Сувонов ҳақида ҳам бир оз галатироқ оҳангда ибора тўқишган: «Қўли – рулда, кўзи – далада».

– Раис бува, мени Жуманиёзнинг бригадасидан олиб, бошқасига юборсангиз.

- Нега энди, ораларингдан ола мушук ўтдими?
- Шунга ўхшашроқ.
- Очикроқ таниринг.

– Кузатиб юрибман, ўзига ҳам неча марта айтдим, тўқайдаги ерларининг оз деганда 10 фонзи кўкармай қолди. Ниш урмаган чигитдан экиш керак эди. У бўлса парвойига ҳам олмайди: «Чигит яроқсиз бўлса, мен нима қиласай», – дейди.

Фурсат ўтмаганди. Раис билан ҳайдовчи ўргасидаги ўша сухбатнинг эртасигаёқ уруғ унмаган отизларнинг барига янгидан чигит экилди. Бригадир ишдан олинди. Раис унинг ўрнига Машариф аканинг ўзини тавсия қиласи. «Бирорни ишдан бўшаттириб, унинг ўринини залллаш ниятим йўқ», – дебди Машариф aka ва таклифни қатъяян рад этибди. Ана шу воқеадан сўнг у раиснинг ўзидан ҳам аразлабди: «Бўш қолган даланинг ҳолига азбаройи ачинганимдан таърифсаму, мени амал учун шу гапни айтганга чиқаришса?!» Аммо ота раисдан ноўрин ранжиганди. Раисга эса отанинг

куончаклиги маъқул келган ва шу боис уни бригадирлик вазифасига таклиф этганди. Мундайроқ раҳбарлик лавозимларини унга ана шундан кейин ҳам яна бир неча марта таклиф этишди. Бироқ у унамади. Тўғрироги, ўшанда ўз оғиздан қочган икки оғизгина шикоят учун амалга ми-наманми, деган андишадан умри бўйи қутулолмади. Шу боисдан ҳам 70 йиллик умрининг 40 йилини фақат бир касб-кор – колхозда юк автомашинаси ҳайдовчилиги билан ўтказди. Қўллари доимо рулда, кўнгли эса ҳамиша далада бўлди. 2000 йили баңдаликни бажо келтирди. Ундан ор-номусли, ўта ҳалол одам деган пок ном қолди. «Де-ҳқончиликка меҳри ниҳоятда баланд одам эди», – хотирлашади уни ўзи униб-ўсган «Намуна» қишлоғи аҳли. Қишлоқдаги собиқ «Ғалаба» колхозининг бир неча юз гектар экин майдони 20-25 чақирим йироқдаги Амударё соҳили тўқайзорларида жойлашган. Ҳайдовчиликда кечган 40 йиллик умрининг деярли бари шу йўлда ўтди. Зиммадаги вазифа одамларни эрталаб ўша ёққа элтиш, кечқурун эса олиб қайтишдан иборат. Йўловчи-колхозчилар дастлабки кезлар ярим чин, ярим ҳаисил оҳангиди: «Башарти ўзингиз билан қармоқ олиб келсангиз, бизга тушлик учун дарёдан балиқ овлаб берардингиз», – дея отанинг қўйнига кўп бора қўл солишган. Аммо ҳайдовчи ўчакишгандай, бунинг аксини қилган. Колхозчилар уйидан кетмон келтиришса, у ҳам кетмон, белкурак келтиришса, у ҳам белкурак келтирган. Колхозчилар ишга киришгани ҳамоно, машинаси ни панага қантаргани кўйи ўзи ҳам улар ортидан далага шўнғиган. Бир кун бирорвга, эртаси куни бошқасига, хуллас, нағбатма-нағбат барчага баҳоли-қудрат кўмак-мадад бериш билан кун ўтказган. Экин-тикинга, заминга азбаройи ва фавқулодда меҳри баландлигини ана шу аснода памоён этган. Қишлоқда Машариф аканинг томорқасидан ўтказиб ҳосил ололган томорқачи деҳқон топилмаган. У ер ёлчитиб ҳосил ёки самара бсрмагани учун, ҳеч маҳал колхозчи-декондан ўпкарамаган, балки уларга ишнинг кўзини кўрсата олмаган, дала юмушларини ёлчитиб таш-

кил қиолмаган бригадир ёки хосилотлардан ҳафсаласи пир бўлган. Азбаройи жони ачиниганидан, дардини баъзи-баъзида «шашулли»ларга тўкиб соглан ва навбатдаги «чақи-ш»ларнинг бири, башарти иймони суст бўлганида, уни юқорида ўзингиз эшигтан ланозим – бригадирлик амалига ҳам етаклаган бўлурди. У кўпинча шўро замонасининг «Келсам етар, тебрансан куним ўтар» қабилида умр ўтка-заётган чалажон боқимандаларга қаратада: «Эй, тани бошқа дард билмаслар» иборасини тез-тез тилга олар, хўжасиз-лик оқибатларини ҳечам ҳазм этолмасди. У кўп йиллар «қанийди, ўз ер-мулким бўлса», деган ширин орзу билан яшади. Ва хайриятки, умри поёнига етар чоғи орзуси ушалди. Сувоновлар оиласини нафақат Хонқа тумани, Хо-разм воҳаси, балки бутун Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб фермерлик рутбасига етишди на бу – ҳикоямиз-нинг асосий мавзуси.

Сувоновлар оиласини жупбилига соглан бу воқеа 1994 йили содир бўлди. Колхоз аталмиш тузилманинг айрим «устун»лари ишидан бир умр кўнгли тўлмай келаётган Машариф ота кунларнинг бирида мамлакат Президенти тилидан илк бора «фермер», «фермер хўжалиги», «фер-мерлик ҳаракати» деган сўзларни эшигти. Эшигтию, кол-хоз раиси хузурига йўл олди, фермерликка талаబгор экан-лигини айтди. Раис «юқори»нинг маслаҳатини олди. Уша «юқоридаги»лар фермер хўжалигини фақат колхоз қоши-да тузасиз, деган тапни раиснинг олдига кескин шарт қилиб кўйишибди. «Бу тартиб Президентимиз йўл-йўриқ-ларига зид эканлигини ўшанда на отам, на мен англама-ган эканмиз, – деди ўтган кунларни ачиниш туйғуси би-лан эсларкан отанинг ўғли Икром Сувонов. – Кейин бил-сак, колхозга қарам фермер ижарачи мақомидаги жис-моний шахсдан деярли фарқ қилмас экан. «Хайриятки, бу ҳол узоқ давом этмабди. Ота томонидан асос солинган «Отақул» фермер хўжалиги кейинги мансумдаёқ муста-қил юридик шахс мақомини олибди. Фермер хўжалиги-ни бошқариш масаласида эса анча-мунча тортишувлар

бўлибди. Бутун оила отани дебди. Ота эса кексайгани, сеरғалва ташвишларга ортиқ тоқати йўқлигини айтибди. Дарҳақиқат, ота хўжалик раҳбарлигига шу ўғлини танлаб янгишмаганди. Икромнинг ота ўғитига амал қилиб, деҳқончилик сир-синоатини пухта әгаллаганлиги, техникага ўта ҳавасмандлиги, ишга, айниқса фойда ва зиён билан боғлиқ ҳолатларга бефарқ эмаслиги, чор атрофдагиларга нисбатан илиқ ва самимий муносабати, оиласдаги юқори нуфузи унинг бу ишга қобилиятидан ёрқин нишона эди.

Кохозга қарам «фермер»нинг ишлари ўша йили бароридан келмади. Аввалига кохоз қарамоғидаги фермер хўжалигини таъсис этиш ишларини ингичка ичак мисоли чўзишиди. 1994 йилнинг январида бошланган ҳужжат расмийлаштириш юмушлари апрелга келиб тугади. «Бунинг учун бирордан полийдиган ўрним йўқ. Ҳужжатларни расмийлаштиришин биладиганлар ўша кезлари деярли бўлмаганлиги учун ҳам шу аҳволга тушдик», – дейди фермер ўтган кунларни хотирларкан. Оиласдагилар ўша йили берилиб ишлашиди. Машариф ота улар атрофида парвона бўлди. Деҳқончилик илмини миридан-сиригача билгани ши берди. Ички фермер хўжалигига ажратиб берилган 15 гектар ер мўлжалдагидай ҳосил ва фойда берди. Ота гўри – қозихонамас, нарёғини сўрасангиз, айтишга арзимас гап: «тиширилган ҳосил тайёрлов корхонаси омборига, мундайроқ бир уловнинг пулига тенг маблағ, яъни 60 минг сўмлик сарфу харажатдан орттирилган 15 минг сўмлик соғ даромад эса кохоз газнасига борса-келмас бўлиб кетди. Деҳқончиликка нисбатан чинакам ихлос-эътиқод тимсоли сифатида истиқлонимиз инояти билан 2 йил муқаддам Машариф ота томонидан сотиб олинган Т-28 русумли оила трактори ҳам ўша йили кохоз равнағи йўлида роса «тер тўқди». Оиласдагилар «ёшулли»ларнинг камтарин «таклифи»га мувоғиқ ундан келган пафни ҳам бир йўла кохозга «тортиқ» қилиб юборишиди. «Мулк әгалари» эса ко-

хоз томонидан «ғоят катта ғамхұрлик» түйгеси-ла берилған маоп билан кифояланишиди.

1995 йили фермер хұжалиги эришган мустақилликнинг нағи катта бўлди. Ишлар аввалиги йили ҳарчанд уринилса-да, барибир бунёд этилмаган кўйи қолиб кетган фермер хұжалиги пойдеворини кеч бўлса ҳам яратишдан, яъни том маънодаги бошланғич нуқтадан бошланди. Колхознинг азалий экин майдонларидан анча йироқдаги «Тўқай» мас-сивида жойлашган 15 гектар ерни парваришилаш, сираси-ни айтганда, жұн кечмади. Машариф ота ўз иродасига қарши бориб, асосий эътиборни ер қаровига змас, балки ёлланма ишчилар учун меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга қаратди. Оқибатда, режа бажарилмади. Ота-ўғил – фермерлар «ёшулли»лар зуғумию дашномини роса «сипқоришли». Аммо барибир ютишиди. Хўжалик 1996 йил бошига келиб, ўз юк автомашинаси (ахир, 20-25 чақирик масофага зарур юклару ишчиларни ташишининг ўзи бўла-дими?) – Газ-52 га эга бўлди.

Шундан сўнг фермер хўжалигининг ишлари «беш» бўлғани – бор ҳақиқат. Оиланинг 10 нафар аъзоси тўқай ерида йил бўйи роса тер тўкиб ишлади. Уйдаги бекорчиликдан чин дангасага дунгандарнинг бари бир неча ой ичидәёқ ҳақиқий дала заҳматкашига айланди. Йил самараали якунланди. Бу воқеадан сўнг ота томонидан фермер хўжалиги бошлири вазифасига тайинланган Икромжон уларга йил бошида бўлган бир гурунг тафсилотидан сўз очди. «Ба-рингиз занглаған кетмонга ўхшаб қолгансиз, – деганди ўшанда Машариф ота оила аъзоларига қаратади. – Иш қуроли зангласа, аввалига юзи тўмтоқлашади, сўнг чириб, турқи-ни йўқотади. Кетмоннинг юзини ердан бўлак ҳеч нарса очолмайди. Иш қуроли ерда тобланса, одам меҳнатда тобланади. Яна бир гап: сўнгти бир йилгача оиласда барча атиги бир-икки ишловчининг қўлига қараб қолган, ҳар бир ишловчининг учтадан-тўрттадан боқимандаси бўларди. Бу билан рўзгорнинг бири икки бўлмайди. Ҳар бир ишловчи камида тўрт-беш кинига ризқ беролса, яъни ишга

яроқли ўн киши 40-50 кишини боқа олиш даражасида ишласагина оизла гуллаб-яшнайди. Ўн кишининг куни борйўғи бир-икки ишловчига қолган рўзгорниң ҳолигавой. «Ишламаган тишламас», деган нақднинг мағзини чақинг, болаларим».

«Оталар сўзи – ақднинг кўзи», дейишгани шу-да. Далянинг кундан-кунга босиб келувчи беҳисоб юмушлари оиланинг занглай-занглай, деб қолган «кетмони юзини очди». 1996 йил поёнида хонадоннинг ҳар бир ишловчиси кам деганда 5-10 кишига ризқ-рўз улашар даражада сармоя келтирди. Бошқача айтганда, оиланинг ҳалол меҳнатидан келган бойлик фермер хўжалигини оёққа туризими омилига айланди. Хўжалик 1997 йил бошида янги сув насоси сотиб олди.

Иқтисодиётнинг қоидаси бўлакча: оз ер ва шунга яраша оз ишчи кучи билан рентабеллик, яъни соф даромад ҳажмини, дейлик, 50-100 фоизгача етказиш мумкин. Бироқ у фермер қозонини барибир мойга тўлата олмайди. Негаки, озгина миқдордаги сарфу харажатдан осмон тенги даромад ундиrolмайсиз. Омилкорона ва тежкамкорона ишлатилган сарфу харажат кўлами қанчалик кўпайса, даромад миқёси ҳам шунга яраша орта боради. Шундан кейин, айтайлик, 100 сўмлик соф даромад кейинги йили 150, сўнгги йили 250, яна бир йил ўтгач 300-400 ва ҳоказо кўламдаги сармояларни фермер хўжалигига бир-бир бошлаб келаверди. Натижа шима бўлди, денг. «Отакўл» 1998 йил бошига келиб яна битта Т-28 тракторини прицепи билан харид қилди. Кейинги йили дон комбайнни сотиб олинди. Яна бир йил ўтиб, чопик ва транспорт тракторининг сеялкаси, культиватори, чизсл-моласи ва прицепи харид қилинди. 2001 йили хўжалик техника устахонасида МТЗ-80 трактори савлат тўқди. Тўқайдаги дала ёқаси – Амударё соҳилини янги дангиллама шийпони безади. Бир йил ўтмаёқ, фермер хўжалик юмушларини ўзининг яп-янги «Нексия» машинаси кўмагида адо эта бошлиди. Кейинги йил фойдаси фермер ер-мулкига З километр ма-

соғадан электр тармогини тортиб келиш ва янги трансформатор усқунасина харид қилишга йұналтирилди. Шундан сүңг то ұзлаштирилганидан бүн текислаш машинаси қадами етмаган далага ҳайбатли тракторлар кириб келди. 15 гектарлик дала мисоли гиламдай силлиқ тортди. Шу янглиғ күрк топиб, яшарған далага яп-янги олинган сув йұлы ва чуқур қазылған захкаш бинойцдай ярашиб түшди, яраштани ҳам ғапми, унумдорлиги ортиб, ҳосил конига айланди. Ал-Хоразмий бобомиз ақәл чироги-ла яратған математик миқдор ортув формуласининг амалдаги ифодаси ана шу аснода намоён бўлди, яъни битта даромадни икки, уч, ҳоказо ва яна ҳоказоларга дўндирипнинг яна бир имкони кўз очди.

Мамлакатда «ОТАҚУЛ» сингари фермер хўжаликлари фаолияти амалда ўзини тамомила оқлади. Ерни хусусий-лаштириш ўз прогрессив аҳамияти ва афзаллигини тўла намоён этди. Башарти, давлат ўз тамойилларига содик қолиб, деҳқонни қўлласа, ўз навбатида, деҳқон ҳам қараб турмайди, ерни албатта қўллайди, ўз мулкига ўзганинидай қарамаслиги эса беш бармоқдай аён. Шу боис бутун мамлакат бўйлаб қишлоқ ислоҳоти тадбирлари янги тарихий босқичга кирди. Молиявий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан оқсан қолган ширкат ва жамоа хўжаликлари замирида ўтган 10-12 йил ичиде ўзини тамомила оқлаб ултурган ва равнаққа мойил янги фермер хўжаликларини ташкил этишга оммавий равинида киришилди. Ҳалол ва фидойи меҳнат соҳиблари, ишбизлармон ва улдабурро киппиларга омад яна кулиб боқди. Собиқ ширкат ва жамоа хўжаликлари ср-мулкини имтиёзли асосда ёки тамомила бепул тарзда тақсимлашга қаратса 2005 йили ўтказилған танловларда асосан улар ғолиб чиқишиди. «ОТАҚУЛ»нинг эгаси Икрамжон Сувоновга дарё соҳилицаги ташландик ҳудуддан бир йўла яна 60 гектар ер тегди. Хайрият, «шушлар»лар собиқ «Ғалаба» ширкати мулкини хусусийлаштириш чорига Машариф ота хонадонидан муруватни дариф тутишимади. Марҳум (айтмоқчи, қазои-

муаллақнинг яқинлиги, балки, у кишига олдиндан аён бўлгандир, ҳали айтилганидек, ер-мулк эгалигидан воз кечган ва фарзандлари ишидан дили тамомила хотиржам тортган кўйи, 2000 йилиёқ бандаликни бажо келтиргандилар) ҳайдовчидан қолган эски «Зил – 157» машинасини сотиб олишга изн беришди.

Куни кепа эса отанинг йиллар мобайнида юк ва одамларни манзиллар сари ташиб берган ўша “қария Зил”-нинг ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган яп-янги “ISUZU” автобуси эгаллади. Қанийди, отахон бу роҳатижон машинага бирров разм сола олса.

2007 йил охирида захира ерларини хусусийлаштиришга қаратилган яна бир тадбир ўтказилди. Танловга собиқ ширкатнинг азалий экин майдонларида жойлашган энг «қаймоқ» ерлари қўйилди. Икромжон бошлиқ фермер хўжалиги танловда ана шу далаларнинг 38 гектарини ютиб олди. Бу билан фермер хўжалиги ерлари сатҳи жами 113 гектарга стди. Бу эса яна техникага муҳтожлик вазиятини вужудга келтирди. Мулк соҳиби банкдан ҳамкорлик сўради. Яп-янги МТЗ-80 трактори ана шу тариқа фермер хўжалиги мулклари рўйхатидан жой олди.

Иқтисодчилар сарҳисоб қилишди. Фермер хўжалиги ўзи фаолиятининг дастлабки 15 йили мобайнида давлатга жами 1500 тоннадан ҳам мўлроқ пахта, 200 тоннадан кўпроқ дон топшириб, зиммага олган шартномавий мажбуриятини канда қилмай уddaрабди. Узоқ йили бажарилмай қолган режасини кейинги йили шартномага қўшимча равишда топширилган мўл ҳосил эвазига қойиллатиб бажарибди. Шу йиллар оралиғида етиштирилган мўл шоли, сабзавот ва полиз экинлари ҳосили эса тўкин-сочинлик манбаига айланибди. 113 гектарнинг парваришига оила кучи кифоя қилмагани боисидан, яна 28 нафар кишини ишга ёллашибди. Энг муҳими, эски замонлардан бўён уй бандилигидан чиқолмаётган 18 нафар аёл ҳам улар қатори иш билан таъминланибди. Хўжаликка бирлапиганларнинг рўзгор фаровонлиги йўли ана шу аснода очилибди.

Айни пайтда уларнинг кучи-салоҳиятидан фермер хўжалиги, фермер хўжалиги қудратидан эса элни бойитиш имкони яралиди. Истиқдол йилларида кўзи очилган булоқ аслида шу эмасми кан? Шўро замонасида меҳнатга яроқли ҳар ўн кишининг 7-8 нафари боқимандалик ботқогида умргузаронлик қизган ҳолларни бугунги айёмга холис ният-ла бир қисслаб кўринг-а?! Орамизда ўз кучи – салоҳиятини моддий бойлик яратишга, бирни иккига дўндирипига баҳшида этмаётганлар бормикан? Юксалишларнинг асл сабабини, бизнингча, ана шундан изламоқ даркор.

Ютуқлардан сўз очилса-ю унинг ижодкорларини пана да қолдиришса, инсофдан бўлмас. Зоро, миллий бойликларимизнинг азamat бунёдкорлари номи доимо тарихимиз зарварақларини безамоги даркор. Жамоа ва ширкат хўжаликлари айёмида хонадон фарзандлари: Цурдебой, Гуломбой, Ҳасанбой, Қумри, Қувошиқ,Faфур, Анора, Отабек Сувоновлар, ёлланма ишчилардан Равшан Бобожонов, Дилором Алимова, Шоназар Алимов, Фахриддин Қозоқовларнинг оиласлари ақалли ўз бошпанасига ҳам эга эмасди. Ҳалол ва фидойи меҳнат шароғатини кўрингки, мулкчилик ва манфаатдорлик замонига келиб, уларнинг бари ўзларига дангиллама иморатлар қуришиди, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш тўйи-томошаларини уюштиришиди.

Ҳеч ким ўрганимасдан олим, йиқилиб-йиқитмасдан полвон бўлолган эмас. «Ширкатнинг узоқ йиллик собиқ бригадири Тўхтажон Абдуллаевдан деҳқончилик ва иш юритишининг кўпдан-кўп сир-асрорларини ўргандим, – деди шу ҳақда сўйларкан фермер хўжалиги бошлиги, – сирасини айтсам, у оқила аёлни отамдан кейинги энг доно устоз санайман. Аччиқ, аммо рост сўзлайди, камчизигини одамнинг изига эмас, юзига айтади. Кунларнинг бирида у жеркиб берди: қай дала қай ҳолатда экантиги ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганиligимни айтиб, қаттиқ койиди. Бир далада тупроқ унумдорлигининг камида 4-5 хил манзараси мавжудлигини тушунтиаркан, бу ҳолат билан қизиқ-

маган дәхқоннинг косаси оқармаслигини писандада қилди. Аччиғу чуҷутингни биргаликда татийдиган ҳамфир, сафдош, етқадошлар дүстларим ҳам бор. Алишер Оллаберган номидаги фермер хўжалиги раҳбари Ўринбой Худойберганов – олий маъдумотли мутахассис, техника билимдони, ҳисоб-китобга ғоятда пухта. Қўп нарсани ундан ўрганганман. Агар дўстинг устозинг бўлса, қўп нарсани ютаркансан. Лекин у ҳам мени ўзига устоз санайди. Айтишича, дехқончиликнинг нозик тарафларини мендан ўрганаётган эмиш. Онам Шарифа Самандарова, умр йўлдошим Сайёра Алимова эса – мен ва фарзандларим учун энг катта давлат, топилмас ва бебаҳо бойтиқ. Тўғри ва доно маслаҳат доимо улардан чиқади ва бунга ўзим ҳам одатланаб қолганман, бирон ишга кўл уришдан аввал уларнинг кенгашини оламан. Яшириб нима қилдим: атрофимизда тилёёламалар ёки пашшача айниятни филтча қилиб кўрсатувчилар, таъмагирлигини қоғозбозлик ва бюрократлик йўли билан ниқболовчилар, ҳазрат Навоийдек буюк зотлар улуғлаган замин заргарларига зуфум ўтказувчи амалдорлар ҳам бор. Борингни кўролмас, йўрингни беролмас бундай «устоз»лардан Йратганинг ўзи асрасин. Аммо дунёни яхшилик асраб турибди. Хайриятки, юртимизда ёмонликнинг уруғи анча оз, зазгуликнинг уруғи чандон даражада кўп. Ана шунинг учун ҳам юртбошимизнинг оқ фотиҳаси билан бошланган барча ишлар баҳайр тугаши, фермерликнинг истиқболи порлоқ бўлиши, ютуқларимиз бундан-да кўпайиб, камчиликлар ортга чекинишига астойдил ишонамиз».

Икромжоннинг айтишича, замон фермерларининг бир камчилиги бор: ерни ўғитлашга кўпинча панжа орасидан қарашади, маъданли ўғитга милионлаб сўм нул харжлашади, буруннинг остидаги ер малҳами – текин маҳаллий ўғитдан кўл силташади. Маъданли ўғит ерни тезда ишдан чиқариши ҳам мумкин, бироқ фермахонаю оғизхоналарда очилиб, сочилиб ётган мол ўғити ерни ҳосилга бойитишдан ташқари яшнатиш ва яшартиришга ҳам

қодир. Кимёвий ўғитниң меъердан зиёди нафақат ер, балки инсон умрининг ҳам заволи, мол ёки нарранда ўғити ернинг ҳақиқий малҳами, унда стилган ноз-неъматлар эса соғлик ва узоқ умр гарови. Буни фарқламоқ даркор. Фермер даласида ажыб манзарапи күрдик: хўжалик қарамоғидаги тўртала трактор, иккита автомашинанинг бари ҳосилдан бўшаган әкинзорларга ўғит ташияпти. Бунинг шарофатидан эса, маъданли ўғитлар учун харжланиши мумкин бўлган маблағнинг кам деганда 50 фоизи тежаб қолинаяпти. Ҳар гектар ерга тўклилаётган 15-20 тонна маҳаллий ўғит кимёвий воситалар ўрнини босаяпти. Ўтган деҳқончилик мавсумида биргина пахтачиликнинг ўзидан 17 миллион сўм соғ фойда кўрилгани ана шу тежамкорлик натижаси эканига инонаверинг. Дарвоҷе, «Отакул» эндиликда Хонқа туманининг энг йирик фермер хўжаликларидан бири. Fўза майдонларининг ўзи 113 гектар. Туман бўйича энг кўп ҳосилни мазкур хўжалик етказиб беради. Аммо пахтазорлари сатҳи энг катта фермерлар рўйхатида «Отакул»нинг номи қайд этилмаган. Сабаби, ер кам бўлса-да ҳосил мўл, ҳосилдорлик юқори. Айтмоқчи, яқинда яна бир хушхабар эшитдик. Мавжуд фермер хўжаликларини йириклиштирип юзасидан ўтказилган на-вbatдаги танловда «Отакул» яна ғолиб чиқиб, қўшимча ер майдонларини ютиб олибди. Демакки, бу ерлар ҳам ўзининг ҳақиқий эгасини топибди.

Хормаңг энди, «Отакул» шоввозлари!

2009 йил, январь

ХОТИМА ЎРНИДА

Бундан тўрт йилча олдин вилоятимизнинг узоқ қишлоқларидан бирида яшовчи ёшгина аёл ҳузуримизга зарур юмуп билан келди. Суҳбат асносида она заминимизнинг мард ва жасур қизи Тўмарис момомиз хусусида билганларимизни айтиб беришимизни сўради. Кўп минг йиллик тарихимизнинг узоқ қаърида яшаган ўша буюк аждодимиз – афсонавий саркарда аёл ҳақида бор билганларимизни тапириб бердик.

– Янглишибман, – деди меҳмон опа афсонавий Тўмарис ҳақидаги анчайин саёз ҳикоямизни эшитгач. – Ҳар бир нарса ўз исми-жисмига мос келиши керак. Шу пайтгача нега хаёлимга келмади экан-а? Сал бўлмаса, юзага келаётган фермер хўжалигими Тўмарис номини олган бўларди.

Аёлни тушунмадик. Нима демоқчи ўзи? Масалага унинг ўзи аниқлик киритди:

– Бугунги суҳбатдан сўнг биз – аёллар юртимизга Тўмарис онамиздек мард, шижаотли, оқила ва фозила фарзанд сифатида танилиш учун бор вужудимиз билан интилишимиз зарурлигини англаб етдим. Инсон боласи буюк номлар панасида яшамаслиги зарур, аксинча, ўша буюк номга муносиб бўлиш учун интилмоги керак.

Утбу мулоҳазадан сўнг қаршимиздаги аёлнинг қалби ва унда кечётган мардлик, матонат, фидойилик туйгуларини англаш қийин бўлмади. Бундай фазилатли инсонларга инонса ва қўл берса бўлади. «Яхши ният – ярим давлат, – дедик унга. – Ниятингиз холис, орзуингиз улуг бўлиб, бу йўлда ташлаган қадамларингиздан ўт чақнар экан, албатта, мақсадингизга етасиз. Шундай экан, бу каби ярашиқли номлардан юз ўғирмаганингиз маъқул».

Суҳбатдошимиз сўзимизга эътиroz билдирамади. Индамайгина жўнаб кетди. Кейин сўраб-суриштирдик. Унинг янги ташкил этилган оиласвий фермер хўжалиги ўзга ном билан рўйхатдан ўтибди. «Айтган сўзимдан қайтсан, яхши

бўлмас. Ишимиз Тўмарис номига мос келсагина бу номни даъво қиласмиш», – дебди у бу ҳақда сўраганларга мағрур оҳангда. Яқинда ўша аёл билан яна учрашдик. Ўз туманида илгорликка эришибди ва энди қўлга киритила жак ютуқлар учун ҳам мустаҳкам замин ҳозирлашга муваффақ бўлибди. «Бу мўътабар номга ярашиқли бўлишга ўшанда эрта эди, энди эса ниятларимизнинг бир қисми вожиб бўлди. Ушалмаган орзуларимиз ҳали ҳам анча ва унга стишишни астойдил ният қилган ҳамда ўшанда сизлар берган маслаҳатга суюнган ҳолда куни кечада фермер хўжалигимизга Тўмарис номини беришларини сўраб, ариза ёздим», – деди у пировардида. Шунда замонамизнинг ўта ғурурли, иродали, фидойи ва шижаоткор аёлларидан бирига рўпара келганимизни яна бир бора қалбан англаб етдик.

Хўш, бу сингари матонатли аёллар орамизда қанча? Уларнинг ишию турмушидан огоҳ ва бохабармизми? Кимлари илдамлайти-ю, кимлари имиллайти? Ютуқлару стишмовчиликларнинг сабаблари нималарга бориб тақалади? Фидойи ва меҳнаткаш аёлларимизни ёзозлашу тақдирлашга қурбимишу ҳафсаламиз стадими? Бундай мазмундаги долзарб саволларга катта кетган ҳолда жавоб бериш фикридан мутлақо йироқмиз. Негаки, муҳтарама опасингилларимиз қай жабҳада бўлмасин, иши ва турмушлиари билан боғлиқ бурчлари, юмушлари, мажбуриятларини доимо ҳалол уddaляяптилар. Шундай экан, улар олдидаги фарз ва қарзларимизни ўталган, деб ҳисоблашга ҳаққимиз йўқ.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, муҳтарама аёлларнинг жамият ҳаётидаги улуши ва иштироки масаласи ҳамма даврларда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва ҳеч замон долзарблигини йўқотмаган. У аёл зотига бўлган ҳурмат ва эҳтиром тўла бажо келтирилган, уларнинг ижтимоий турмушимиз, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки узил-кесил таъминланган пайтлардагина бир қадар сусайиши мумкин.

Хусусан бизнинг Хоразм вилоятига келсак, амалга оширилаётган барча бунёдкорликларда мухтарама аёл зотининг фаол иштирокини кўрамиз. Янада фахрланарлиси – эрлар бажара олмаган кўпгина юмушларни улар бемалол уздалашаяпти. Кўпгина соҳаларда эса уларнинг улушки ҳатто эркакларнидан ҳам зиёда. Ана шундай долзарб жабҳалардан бири – қишлоқ хўжалиги. Статистик ва таҳлилий маълумотларга қараганда, бу соҳада ишлайдиганларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этди ва табиийки, рӯёбга чиқаётган режаларда ҳам уларнинг улушки катта. 2009 йил бошига келиб, вилоядта хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари сони 700 тани ташкил этди. Улар орасида бунёдкорлик жабҳасидаги фаолияти, турмушдаги ўрни, инсонийлик фазилатларини барчага ўрнак қилиб кўрсатса арзийдиган пешқадамлар анчагина ва уларнинг кўпчилиги халқимиз эъзозига, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган. Бу сингари пешқадамлар сафи тобора кенгаймоқда.

Давримиз пешқадам аёлларининг ҳаётимиздаги ўрни ва мавқенини муносиб баҳолаш, хайрли ишларини кўллаб-кувватлаш, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ибратли тажрибаларини кенг ёйиш, уни эл орасида фаол тарғиб-ташвиқ этиш соҳасида қарздор ва бурчдор эканлигимизни очиқ тан олмоғимиз даркор. Тапкилотимизнинг бу соҳадаги ишларидан ҳали қаноат ҳосил қилганимизча йўқ. Аёллар раҳбарлик қилаётган фермерлик субъектларига уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларда услубий мадад кўрсатиш, имтиёзли кредит маблағлари билан таъмишлаш, ҳуқуқий ёрдам уюштириш, тегини ҳужжатларни расмийлаштириш, намунали фаолиятини тарғиб-ташвиқ қилиш, билими ва малакасини опириш соҳасида баҳоли қудрат иш олиб бораяпмиз.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу китобга келсак, ундан давримиз пешқадам аёллари бошчилик қилаётган фермер хўжаликлари ва уларда тер тўкиб ишлайдиган опасингилларимиз шижоати ҳақидаги жонли лавҳалар ўрин

олди. Ўйлаймизки, замонамиз иешқадам аёлларини улуг-
лап ҳамда әъзозлашга қаратылған бу каби саъй-харакат-
ларимиз келгусида ҳам давом этади. Видоятимизда фер-
мерлик ҳаракати «қалдирғоч»лари ҳаёти ва фаолиятига
бағишиланған мазкур илк китоб Республика фермерлар
уюшмаси вилюят филиали ва «Ташаббускор аёл» Маркази
шұйба корхонасینинг воҳамизды яратылаётган улкан мод-
дий ва маънавий бойликларниң бош ижодкори – шавкат-
ли қишлоқ меҳнат аҳли, шу жумладан муҳтарама опа-
сингилларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми сиға-
тида тақдим этилаяшти. Ҳурмату әъзозимиз сизга бўлсин,
язизлар!

Мұхаббат БЕКЧОНОВА,
«Ташаббускор аёл»
Марказининг Ҳоразм
вилюят бўлими раҳбари

Мундарижа

Сўзбоши	3
Бахромнинг қайтиши	8
Үйронини	22
Соҳил сардори	47
Юлдуз кўнгландалар	62
Барҳаёт руҳлар макони мўъжизаси	83
Али қиз – Барчиной	101
Сехрли қўллар	115
Кагта йўл	129
Сулаймон Шонинг фермер нешараси	147
Машариф отанинг арази	162
Хотима ўрнида	173

Изоҳ ва қайдлар учун

Изоҳ ва қайдлар учун

Изоҳларни тақдизлашып, үзгөртүп
білдірүү үчүн

Академияның Академиялык макалалар жарысынан

жарыс макалаларынан

жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан

жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан

жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан

жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан

жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан
жарыс макалаларынан жарыс макалаларынан

Бадиий-публицистик нашр

Абдулла СОБИРОВ

ЮЛДУЗ ҚҮНГАН ДАЛАЛАР

Очерклатар

Муҳаррир: Шаҳноза ТЎРАХЎЖАЕВА

Мусаҳдиқ: Алимурод ТОЖИЕВ

Дизайнер: Феруза НАЗАРОВА

Техник муҳаррир: Шаҳриёр

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ, Отаназар РАЖАБОВ фотолари ва асар
қаҳрамонларининг фотоархивларидан фойдаланилди.

Нашриёт рақами: № 003

Босишига руҳсат этилди: 28.07.2009 й. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.
Bodoni гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 1000 нусха.
Ҳисоб нағриёт т.: 7,6. Босма т.: 11,25. Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма № 141.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А - мавзә, 42-үй.

“КО‘НІ НҰР” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Машинасозлар мавзеси, 4-үй.